

J. BURANOV, U. HASHIMOV,
H. ISMATULLAEV

ENGLISH GRAMMAR

(MORPHOLOGY, SYNTAX)

Recommended as a textbook for the Institutes
(faculties) of Foreign Languages by the Ministry
of Higher and Secondary Special Education
of the UzSSR

Ж. БҶРОНОВ, Ү. ҲОШИМОВ,
Ҳ. ИСМАТУЛЛАЕВ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ

(МОРФОЛОГИЯ, СИНТАКСИС)

Чет тиллар педагогика институтлари ва чет тили
факультетлари учун дарслик
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим
министрлиги тасдиқлаган

Масъул муҳаррир
филология фанлари кандидати

Ўткир Юсунов

СЎЗ БОШИ

Ушбу инглиз тили грамматикаси дарслиги Ўзбекистондаги чет тили педагогика институтлари ва университетларининг инглиз тили факультетлари учун СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан тасдиқланган янги ўқув плани асосида ёзилди. Дарсликда инглиз тили грамматикасининг систематик курси ўзбек тилида баён этилган бўлиб, ундаги материал 390 соатлик аудитория машғулотиغا мўлжалланган.

Композициясига кўра, бу дарслик морфология, синтаксис ва пунктуация бўлимларини ўз ичига олади. Морфология ва синтаксис қисмларида студентлар инглиз тили грамматикасининг парадигматик ва синтагматик қонун-қоидалари билан, сўз туркумларининг грамматик белгилари ва уларнинг ясалиш усуллари билан танишсалар, пунктуация бўлимида эса улар инглиз тили орфографиясининг асосий қоидаларини, оғзаки нутқнинг ёзма нутққа айлантириш процессидаги қабул қилинган йўл-йўриқларни ўрганадилар.

Дарсликни ёзишда материал авторлар ўртасида қуйидагича тақсимланди: кириш, морфология (фeyлларнинг шахсиз формаларидан ташқари), нотўғри фeyллар рўйхати доцент Ж. Бўронов томонидан, фeyлнинг шахсиз формалари, боғланган ва эргашган қўшимча гаплар, замонлар мослашуви, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар, пунктуация доцент Ў. Ҳошимов томонидан, сўз бирикмаси, гап, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари, гапнинг уюшиқ, ажратилган бўлаклари, киритма элементлар доцент Ҳ. Исматуллаев томонидан ёзилган.

Мазкур грамматика дарслиги биринчи марта ёзилганлиги сабабли авторлар айниқса терминология масаласида қатор қийинчиликларга дуч келдилар. Инглиз тилидаги перфект, герундий, субъюнктив каби терминлар ўзбек тилида ўзининг терминологик эквивалентларига эга эмаслиги сабабли улар ўзлигича қолдирилди.

Ушбу дарсликни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам кўрсатган Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти қошидаги инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедрасининг ҳамма ўқитувчиларига, жумладан шу институтнинг катта ўқитувчиси Й. Аъловга авторлар ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор қиладилар.

Республикамиз студентлари учун уларнинг ўз она тилисида илк бор яратилган мазкур дарсликда айрим камчиликларнинг бўлиши табиийдир. Бу камчиликларни бартараф қилиш ниятида фикр-мулоҳазаларини билдирган ўртоқларга авторлар ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

ҚИРИШ (P R E F A C E)

Гап тузишдек мураккаб процессда иштирок этувчи тил яруси бўлган грамматика тилшуносликда асосий ўрин эгаллайди. Ҳар бир тил ўзининг грамматикасига эга. Инсон ўз фикрини ана шу грамматика воситасида тушунтиради.

Грамматика тилнинг грамматик системасини, грамматик қурилишини ўрганади. Грамматиканинг асосида грамматик категориялар ётади. Грамматик категория ўз навбатида грамматик маъно ва грамматик формаларнинг ажралмас бирликларидан ташкил топади.

Грамматик категориянинг бу икки томони, ҳозирги замон тилшунослиги термини билан айтганда, грамматиканинг учта компоненти, яъни—синтактик компонент, фонологик компонент ва семантик компонентларни ташкил қилади. Грамматиканинг ана шу уч компоненти грамматик алоқа ва шу алоқани ифодаловчи морфемалар характери билан, грамматик категорияни ифодалашда иштирок этувчи фонологик бирликлар билан ва ниҳоят грамматик ва лексик-грамматик маъно билан боғлиқдир.

Шу учала компонентнинг уйғунлиги асосидагина биз грамматик тўғрилиikka эриша олишимиз, яъни грамматик тўғри гаплар туза олишимиз мумкин. Грамматик тўғрилиқ шакл ва маънонинг уйғунлигидан иборат бўлиб, у ҳам, ҳар бир грамматиканинг асоси ҳисобланади.

Тил системасини юқоридаги уч компонент асосида тадқиқ қилиш асосан кейинги йилларда трансформацион ва генератив грамматикаларнинг яратилиши натижасида юзага келди.

Мазкур дарсликни ёзишда трансформацион ва генератив грамматиканинг элементларидан фойдаланилмаган бўлса-да, уларнинг формула ва моделлари грамматикага батафсил киритилади. Шу вақтгача республикамиз студентлари учун инглиз тили грамматикаси фани бўйича оригинал дарслик йўқ эди. Инглиз тилида кейинги йилларда нашр этилган грамматикалар ўз қимматини йўқотмасда, замонавий методлар асосида ёзилмаган бўлганлиги учун уларга бўлган талабларга тўла жавоб бера олмайди.

Ушбу норматив грамматика кўп назарий масалаларни тўла ёритмасда-да, баъзи бир тилшунослар томонидан очилган ва кенг омма томонидан эътироф этилган айрим янгилликлардан практик масалаларни ҳал қилишда фойдаланидир.

Ҳозирги замон инглиз тили грамматик системасини баён этувчи бир неча хил дарсликлар бизда, Англияда, Америкада ва инглиз тилида сўзлашувчи бошқа давлатларда мавжуд. Аммо улар ўртасида грамматик умумийлик ва замонавийлик масалалари яхши ёритилмаган. Республикамиз студентлари она тилисининг айрим томонларини тўла ҳисобга олиб ёзилган инглиз тили грамматикаси уларга бу тилни ўрганишда воситачи бўлиб хизмат қила олиши аниқ ва муқаррардир. Мазкур дарсликда инглиз тили грамматик системасининг қуйидаги айрим ўзига хос хусусиятлари авторлар томонидан алоҳида эътиборга олинди:

1. Инглиз тили системаси ҳозирги пайтда ҳинд-европа ва бошқа герман тиллари системасидан маълум даражада фарқ қилиши, яъни:

- а/ бу тилнинг аналитиклашганлиги;
- б/ ёрдамчи сўзларнинг кенг қўлланиши;
- в/ морфологик флексиянинг камбағаллиги сабабли кўп грамматик категорияларнинг ифодаланишида синтаксиснинг актив иштирок этиши;
- г/ сўз тартибининг асосий грамматик сигналлар қаторига ўтиши;
- д/ инглиз тилининг турли вариантлилиги ва бошқалар.

Маълум грамматик категорияларни ифодалашда инглиз тили турли хил воситалардан фойдаланади. Бу воситаларга асосан, оз миқдорда бўлсада, флексия, предлог ва шунга ўхшаш ёрдамчи сўзлар, аналитик формалар, аналитик конструкциялар ва бошқа синтактик бирликлар, сўз тартибининг маълум даражада қатъийлиги ва бошқалар киритилиши мумкин. Инглиз тилида бу воситалар ўзига хос ўринда туради. Натижада, биз биринчидан синтактик ва аналитик формаларнинг ўзаро оппозициясига эга бўлсак, иккинчи томондан маълум грамматик категорияларнинг ифодаланиш усулини белгилаганда яруслараро синонимия ҳодисасига дуч келамиз. Булар ўз навбатида инглиз тилининг ўзига хос грамматик системага эга эканлигидан дарак беради.

Инглиз тилининг кўп вариантлилиги масаласига келсак, ушбу дарслик асосан инглиз тилининг Британия варианты асосида ёзилди. Аммо мисоллар ҳам Британия, ҳам Америка вариантлари асосида ёзилган бадиий адабиётлардан танлаб олинди.

Маълумки, инглиз тили деганда биз бир неча вариантли тилни, яъни Британия варианты, АҚШ варианты, Канада варианты, Шотландия варианты, Ҳиндистон вариантыга эга бўлган тилни тушунамиз. Ҳар бир вариант умумий нормадан, яъни қабул қилинган умумий адабий тилдан унчали катта фарқ қилмагани ҳолда ўзининг маълум фонетик, график, лексик ва грамматик хусусиятларига эга. Масалан, фонетик талаффузга оид баъзи тафовутларни ҳисобга олмаганда Британия ва АҚШ вариантлари ўртасидаги фарқни қисқача қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин:

а) сўз охиридаги **-our** қўшимчаси Америка вариантыда **-or** ёзилади: honour — honor, labour — labor.

б) **-re** қўшимчаси Америка вариантыда **-er** бўлиб ёзилади: theatre — theater, fibre — fiber; .

в) айрим сўзларнинг ёзилиши Америкада уларнинг ўқилишига мослаштирилган: cheque — check, draught — draht, dialogue — dialog, programme — program etc;

г) британия вариантыга хос **c** ҳарфи айрим сўзларда Америка вариантыда **s** ҳарфи билан алмаштирилган: defence — defense, offence — offense;

д) **-ise, -isation** қўшимчаларидаги **s** ҳарфи Америка вариантыда **z** ҳарфи билан алмашилиши мумкин: organise-organize, organisation-organization;

е) америка вариантыда қўшма сўзлар учун дефис камроқ характерли: to-day—today, text-book—textbook, good-bye—goodbye etc;

ж) америка вариантыда **will** формаси ҳамма шахслар учун ишлатилиши мумкин;

з) америка вариантыда перфект формаларидаги **have** кўмакчи феъли тушиб қолиши ҳам мумкин. Англияда **I have done** Америкада **I done**;

и) феъл формалари турлича бўлиши мумкин: Англияда **to ride — rode**, Америкада **to ride — rided** etc.

Британия варианты

government
pavement
form
tin
sweets

Америка варианты

administration
sidewalk
class
can
candy

й) сўзлар турли вариантли бўлиши мумкин:

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, инглиз тилининг Британия ва АҚШ вариантларидаги грамматик фарқ фонетик, лексик ва бошқа тафовутларга қараганда жуда оз ва сезиларсиз даражада.

2. Кейинги пайтларда грамматика дарсликларини тузишда сўз туркумлари билан бирга ўша гуруҳга кирувчи сўзларни ясашиш моделларига, яъни сўз ясаш системасига ҳам қисқача тўхтаб ўтиш совет тилшунослари томонидан тавсия этилмоқда¹ ва шу асосда рус ва бошқа тилларнинг академик грамматикалари ёзилмоқда. Сўз ясаш тилшуносликда асосан лексик ярусга тегишли бўлса-да, уни грамматик системадан бутунлай чиқариб ташланмайди. Агар шундай қилинса, грамматикадаги ҳар бир сўз туркумининг ифода планидаги формал белгилари тўла ифодаланмаган бўлув эди. Шу сабабли ушбу дарсликда ҳар бир сўз туркумини берганда, жуда чегараланган ҳолда бўлса-да, ўша сўз туркумини ясашиш моделига қисқача тўхталиб ўтилди.

¹ Основы построения описательной грамматики современного русского литературного языка, Издательство «Наука», Москва, 1966, стр. 50.

3. Ушбу дарсликда грамматик категориялар асос қилиб олиниб, сўз туркумлари асосий ёки биринчи даражали категориялар сифатида, ҳар бир сўз туркумига мансуб бўлган категориялар эса грамматик кичик ёки иккинчи даражали категориялар тарзида кўриб чиқилди. Танланган грамматик категорияларни ифодалашда қуйидаги тартибни сақлашга иложи борича ҳаракат қилинди: грамматик қоида, ифодаланиш усули, мисоллар ва бошқалар.

Грамматик категориянинг ифодаланишида энг кичик ўлчов бирлиги сифатида морфема қабул қилинди.

4. Мазкур грамматикада айрим назарий масалаларни практикага татбиқ этиш ҳам мақсад қилиб қўйилди. Масалан, биринчи марта *фель* категорияларини беришда перфектни мустақил категория деб қараб перфект ва перфект бўлмаган формалар оппозицияси берилди. Майл масаласига келганда эса субъюнктив тўрт гуруҳга ажратилди.

5. Инглиз тили грамматик системасини ўзбек студентларига ўқитиш процессини осонлаштириш мақсадида дарсликка маълум грамматик таблицалар, диаграммалар ва бошқа қўшимча методик материаллар ҳам киритилди. Айрим грамматик моделларнинг ўзбек тилидаги эквиваленти, студентлар учун қийинчилик туғдирадиган синтактик конструкциялар, грамматик қоидаларга мансуб бўлган фразеологик бирикмалар ва идиомаларнинг таржимаси ҳам берилди.

6. Грамматик конструкциялар ўзбек аудиторияси учун она тили ва инглиз тилларининг ўзаро интерференциясини туғдириши мумкинлиги назарга олиниб, қўшимча изоҳлар киритилди. Умуман, инглиз тили грамматик системаси кўп ҳолларда ўзбек тили системасига таъниб берилди. Аммо бу мутлақо қиёсий грамматика ўрнини боса олади деган гап эмас.

ОТ (THE NOUN, THE SUBSTANTIVE)

Мустақил маънони, яъни предмет ёки предметлашганликни англаган, маълум грамматик категорияларга эга бўлган ҳамда гапда бошқа сўзлар (отни аниқловчи сўзлар) томонидан аниқланиб, асосан эга, тўлдирувчи ёки предикатив вазифасида келган сўзлар *от* дейилади.

1-§. Отнинг асосий белгилари (Noun Determiners)

От туркумига кирувчи сўзларни бошқа сўз туркумларидан ажратиб турадиган маълум ташқи структура, лексик-грамматик белгилари мавжуд бўлиб, улар учта асосий гурпуга бўлинади.

1. **Морфологик белгилар.** Морфологик белгилар отнинг грамматик категория формаларини ясовчи морфема ва алломорфлардан (морфема вариантлари) иборат. Буларга сон категориясида кўплик формани ясовчи (e) *s*, — *en* (*pens, hats, classes, oxen*) ва бошқа суффикслар¹, келишик категориясидан эса эгалик келишиги формасини ясовчи апострофли *'s* ни (*John's, mother's, bird's*) кiritиш мумкин.

2. **Синтактик белгилар.** Отларнинг синтактик структурал белгилари отлар бошқа сўзлар билан муносабатга киришганда билинади. Бу белгиларга отларни аниқлаб келувчи *артикуль, сифат, сифатдош, сон, кўрсатиш, гумон, эгалик ва бошқа олмошларни* кiritиш мумкин. Масалан: *a book, a good book, five students, our progress, my brother, a lovely home atmosphere, some red apples, some other day, several books, a clever girl* etc.

3. **Лексик-грамматик белгилар.** Отларнинг лексик-грамматик (ёки лексик) белгиларига асосан от ясовчи суффикслар киради. Масалан:

- | | |
|---------------|-------------------------|
| -er: speaker | -ist: novelist |
| -or: sailor | -ing: building |
| -yer: lawyer | -ness: darkness |
| -ee: examinee | -ment: achievement etc. |

¹ Бошқа суффикслар ва фоно-морфологик йўллар билан кўплик форма яслиши ҳақида сон категорияси бўлимига қаранг.

Отнинг морфологик, синтактик ва лексик-грамматик белгилари бошқа сўз туркумларига қўшилиши натижасида шу сўзлар отлашиб кетиши мумкин. Масалан:

The Reds have come — Қизиллар келишди
The wounded are here — Ярадорлар шу ерда

Биринчи мисолда сифат (red), иккинчисида сифатдош (wounded) отлашган.

Бу фақат инглиз тилига эмас, балки ҳамма тилларга, жумладан, ҳозирги ўзбек тилига ҳам косдир. Бунинг исботи учун юқоридаги мисолларнинг таржимасига қаранг. Унда қизил ва ярадор сифатлари отлашган.

2-§. Отларнинг семантик классификацияси (Semantic Classification of Nouns)

Ҳозирги инглиз тилидаги отларни семантик классификация қилганда *жонли* ва *жонсизлик*, *яккалик* ва *умумийлик* семантик принципига асосланиш мумкин. *Жонли* ва *жонсизлик* принципига кўра отлар иккига бўлинади: 1) *жонли* предметларни ифодаловчи отлар: **human, bird, Tom, rabbit** ва бошқалар; 2) *жонсиз* предметларни ифодаловчи отлар: **pencil, stone, hand, sand, sugar, hat, bed, love** ва бошқалар. *Жонли* предметларни ифодаловчи отлар яна иккига бўлинади:

а) шахс номларини ифодаловчи отлар: **Mary, Elisabeth, John, uncle, nephew, aunt, brother, mother, sister** etc.

Бу группага кирувчи отлар **who?** (*ким?*) деган сўроққа жавоб бўлади.

— **Who came?** — **Ким келди?** — **My sister Ann did;** — Синглим Анна.

б) бошқа тирик мавжудотлар номларини ифодаловчи отлар: **horse, bird, lamb, sparrow** etc.

Бу сўзлар **what?** (*нима?*) деган сўроққа жавоб бўлади: Масалан: **What flew?** — **Нима учди?** **A sparrow did.** Чумчуқ (учди).

Who ва **what** сўзлари шахс ва шахс эмасликнинг асосий лексик-синтактик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Жонсиз предметларни ифодаловчи отларни ҳам иккига бўлиш мумкин:

а) предмет (нарса) ифодаловчи отлар: **house, pen, knife, finger** etc.

б) предметлаштирилган белги, муносабат, туйғу, фикрий фаолиятни ифодаловчи отлар: **love, sleep, friendship, hatred, blackness** etc. Бу сўзлар ҳам **what** (*нима?*) деган сўроққа жавоб бўлади.

Яккалик ва *умумийлик* принципига кўра отлар 1) **турдош отлар** (Common Nouns; 2) **атоқли отларга** (Proper Nouns¹) бўлинади.

¹ Инглиз тили грамматикаларида аввал турдош отлар, кейин атоқли отлар берилади. Чунки, шу лексик-грамматик туркумга кирувчи сўзларнинг асосий қисми турдош отлардир.

Инсон, ҳайвонот, умуман тирик мавжудот ва бошқа конкрет ёки абстракт тушунчаларнинг умумлаштирувчи номлар *турдош* от дейилади: **apple, river, egg, man, student, cat, bicycle, love, loan, communism, city, beauty.**

Якка предмет, маълум шахс, махсус жой ёки ҳодиса номларини англатувчи от *атоқли* от дейилади: **Shakespeare, Navoi, New York, London, the United Nations Organization, the Volga, Hamlet, Tom Sawyer.**

Яккалик ва умумийликнинг асосий лексик-грамматик кўрсаткичи сифатида артиклар, кўплик қўшимчаси ва бошқаларни келтириш мумкин.

Инглиз тилидаги атоқли отлар ҳар доим бош ҳарфлар билан ёзилади.

Атоқли от бир турдаги предметларнинг биттасини эмас, балки маълум, бошқаларга ўхшамайдиган предмет номини ифодалайди. Масалан: **Syr Darya** деганда дарёлардан биттасини эмас, балки ер шарининг Ўрта Осиё қисмига жойлашган маълум дарё тушунилади, агар **river** *дарё* дейилса, дарёлардан бирини умумий маънода тушунилади. **Writer** дейилганда умумлаштирувчи ном — *ёзувчи* тушунилади. **Mark Twain** дейилса, маълум асарлар автори, машҳур америка ёзувчисини тушунилади. Атоқли от гуруҳига кирувчи ҳар бир сўзни шу тарзда аниқлаш мумкин.

Атоқли отнинг кўплик формаси йўқ. Агар атоқли отга кўплик формасини ясовчи морфемалар қўшилса, у турдош отга айланиши мумкин. Киши номлари ёки фамилияларини билдирувчи сўзлар турдош отга айланганда, унга кўплик қўшимча қўшилиши ёки артикль билан ишлатилиши мумкин. Турдош отга айланган атоқли отлар шу оиллага мансуб кишиларни ёки уларнинг оилаларини билдириб келади. Масалан: **The Smiths**—*Смитлар оиласи* ёки *Смитлар оиласига мансуб кишилар*. **Shakespeares of our time**—*Замонамиз шекиртчилари*.

Инглиз тилида атоқли отлардан ясалган турдош от, сифат бош ҳарф билан ёзилади. Масалан:

China - Хитой — **Chinese** - хитойли, хитойча,
England - Англия — **English** - инглиз, инглизча,
France - Франция — **French** - француз, французча,
Spartacus- Спартак — **Spartacist**- спартакчи, спартакча, спартакча оид.

Шаҳар, дарё, тоғ, ихтирочи номларига қўшилиб келган предметларнинг номи ҳам турдош от бўлишига қарамай бош ҳарф билан ёзилади.

Турдош от атоқли отга айланиши мумкин. Масалан: **look**- назар ташлаш, қараш, **Look**- журналнинг номи, **New-Yorker**- Нью-Йоркли киши, **New Yorker**- журналнинг номи. **Neftchi, Pakhtakor** футбол командаларининг номи бўлиб, улар ҳам турдош отлардан ясалган. **spot**- белги, қашқа, **Spot**-Қашқа (итнинг номи).

Турдош отлар ҳам иккига — конкрет (**Concrete Nouns**) ва абстракт отлар (**Abstract Nouns**) га бўлинади.

Конкрет отлар эса ўз навбатида а) якка отларга (Class Nouns) б) жамловчи отларга (Collective Nouns), в) модда ва саналмайдиган предметларни билдирувчи отларга (Nouns of Materials or Mass Nouns) бўлинади.

Якка отлар маълум умумлашган гурпуага ёки классга кирувчи отлар бўлиб, улар шу гурпуа ёки класснинг бўлаги, авзоси, намунаси, иштирокчиси сифатида доналаб саналади: **book** — китоб, **apple** — олма, **flower** — гул, **house** — уй, **theatre** — театр, **street** — кўча ва бошқалар.

Жамловчи отлар шахс, ҳайвонот, қушлар ёки бошқа предметларнинг гуруҳи, тўдаси ёки галасини англатади: **people** — халқ, **folk** — халқ, оломон, **police** — полиция, **army** — армия, **кушин**, **family** — оила, **herd** — пода, **team** — команда ва бошқалар.

Конкрет отларнинг учинчи тури бўлмиш модда ёки саналмайдиган предметларни билдирувчи отлар формасиз, суюқ, жуда майда моддаларни ёки улгуржи, кўчувчи предметларни ифодалайди: **tea** — чай, **water** — сув, **sand** — қум, **wheat** — буғдой, **coffee** — кофе, **gold** — олтин, **glass** — шиша, **paper** — қоғоз ва бошқалар.

Абстракт отлар белги, хусусият, ҳолат ва ҳаракат номларини ифодалаб келади. Абстракт отлар предмет бўлмаса ҳам предмет ўрнида ишлатилиб, одатда доналаб саналмайди: **conscience** — инсоф, **confusion** — уялиш, **inflorescence** — гуллаш, **influenza** — грипп, **goodness** — яхшилик, **peace** — тинчлик, **luck** — бахт ва бошқалар.

3-§. Отларнинг структурасига кўра турлари. (Types of Nouns according to their Structure)

Ҳозирги инглиз тилида отларни структурасига кўра қуйидаги асосий группаларга бўлиш мумкин.

1) **содда отлар** (Simple Nouns) бир ўзакли сўзлардан иборат бўлади: **school** — мактаб, **city** — шаҳар, **wood** — ўрмон, **ink** — сиёҳ, **law** — қонун, **price** — нарх ва бошқалар.

2) **ясама отлар** (Derivative, Derived Nouns) бир ўзакли туб сўзларга аффикслар қўшиш билан ясалади:

а) префикслар ёрдамида: **forbear** — аждод, **ота** — бобо, **bicycle** — велосипед, **transport** — транспорт.

б) суффикслар ёрдамида: **shooter** — отувчи, мерган, **shooting** — отиш, **ов**, **happiness** — бахт, бахтлилик, **fresher** — янги келган одам, биринчи курс студенти, **canalization** — канализация.

в) префикс ва суффиксларнинг бир вақтда қўшилиши натижасида: **unhappiness** — бахтсизлик, **superiority** — устунлик, баланд келиш.

3) **қўшма отлар** (Compound Nouns) икки ёки ундан ортиқ содда, туб отларнинг ўзаро қўшилишидан ясалади: **railway** — темир йўл, **mud-bath** — шўр сув ваннаси, балчиқ ванна, **muck-rake** — курак, **post-office** — почта, **short dead end** — тупик, **show window** — витрина.

4) **қўшма-ясама отлар** (Compound Derived Nouns) икки ўзакли отларга аффикслар қўшилиши натижасида ясалади: **moviegoer** — кинотамошабин, **shoemaker** — этикдўз, **косиб**, **shopwalker** — универмагдаги

навбатчи администратор, **fortune hunter**-бой қаллиқ ишловчи, авантюрист.

5) **мураккаб отлар** (Composite Nouns) бир умум лексик маъно англатиб, якка-якка келувчи лексик-грамматик сўз морфема-лардир:

man-of-war — ҳарбий кема
brother-in-law — қайин ини

forget-me-not — бўтакўз (гул)
passer-by — йўловчи

Мураккаб отлар группасига **кўчирма отларни** (Quotation Nouns) ҳам киритиш мумкин. Масалан: **Mr. One-Two-Three** Where's your Breakfast? **Be-Coloured-Python-Pork-snake** (R. Kipling). Now come along and we'll see if we can't get even with Mr. One-Two.-Where's your-Breakfast? (R. Kipling).

4-§. Отнинг грамматик категорияси

Ҳозирги инглиз тилида от учун асосан иккита грамматик категория характерли бўлиб, улар сон ва келишик категориялари формаларининг оппозицияси (қарама-қаршилиги)дан иборатдир. Инглиз тили грамматикаларида род категорияси мустақил категория сифатида ўрганилмайди, чунки бу категория, айрим кам ишлатилувчи махсус суффиксларни ҳисобга олмганда, мустақил морфологик категорияни ташкил қилмайди.

5-§. Сон категорияси (The Category of Number)

Битта предметнинг икки ёки undan ортиқ предметлардан бўлган фарқини бир-бирига қарама-қарши қўйилган грамматик формалар орқали берилиши отлардаги *сон категорияси* дейилади.

Ҳозирги инглиз тилида отлардаги сон категорияси бирлик ва кўплик формаларининг бир-бирига бўлган ўзаро оппозицияси ёрдамида ифодаланadi. Бунда отларнинг бирлик формаси *белгисиз* (unmarked), кўплик формаси эса *белгили* (marked) деб юритилади.

Инглиз тилида отлар а) саналадиган (countable), б) саналмай диган (uncountable) группаларга бўлинади. Доналаб саналиб морфологик бирлик ва кўплик формаларга эга бўлган отлар *саналадиган отлар* дейилади. Масалан:

son — sons book — books
boy — boys nut — nuts

Маъхум ва доналаб саналмай диган предметларни билдирувчи отлар *саналмай диган отлар* дейилади: Масалан: **fame**-шуҳрат, **love**-севги, **beauty**-хусн, **milk**-сут, **water**-сув ва бошқ.

Саналмай диган отларга киши номлари ва географик номлар ҳам киради. Масалан: **Bernard Shaw**, **Henry Longfellow**, **River Humber**, **the Volga**, **New-York** etc.

Саналадиган отлар **How many?** деган сўроққа, саналмай диган отлар эса **How much?** сўроғига жавоб бўлиб келади. Масалан: **How many brothers have you?** — **How much money have you?**

От ифодалаган предметнинг миқдорини билдириб келувчи сўзлар ҳам икки гуруҳга бўлинади: 1) саналадиган отлар билан ишлатиладиган миқдор билдирувчи сўзлар many-кўп, so many-шунча кўп, few-оз, a few-бир оз, several-бир қанча, бир талай, a lot of-анча, бир талай. 2) саналмайдиган отлар билан ишлатилувчи миқдор билдирувчи сўзлар: much-кўп, little-оз, a little-бир оз, so much-бир қанча, шунча, кўп.

Ҳозирги инглиз тилида кўплик маъносини асосан қуйидаги уч усул ёрдамида ифодалаш мумкин:

- 1) морфологик усул,
- 2) фоно-морфологик усул,
- 3) лексик-синтактик усул.

Морфологик усул. Отларнинг кўплик формаларини **-(e)s** ва **-en** суффикслари ёрдамида яшаш морфологик усул дейилади.

1. **-(e)s** суффикси ёрдамида кўплик форма яшаш усули инглиз тилида энг кўп тарқалган унумли усулдир.

-(e)s суффикси ўзидан аввал келган товушлар характерига кўра уч хил, яъни [s], [z] ёки [ɪz] деб талаффуз этилади. Масалан:

а) жарангсиз ундошлардан кейин келса [s] деб: lamps, rats, roots, tooth, griefs, books etc.

б) жарангли ундошлардан кейин ва унлилардан кейин келса [z] деб: bags, heads, girls, boys, windows, teachers etc.

в) [s], [z], [ʃ], [ʒ], [tʃ] ёки [dʒ] товушидан кейин келса, [ɪz] деб талаффуз этилади. fishes, churches, bridges, glasses, roses, matches, places etc.

Кўплик формани ясовчи **-(e)s** суффикси қўшилиши натижасида маълум сўзларнинг охирида айрим фонетик ва график ўзгаришлар рўй беради.¹

а) **-f** ёки **-fe** га тугаган қуйидаги отларга **-(e)s** кўплик қўшимчаси қўшилса, **f** ҳарфи **v** га айланади:

knife — knives	loof — looves
wife — wives	himself — themselves
life — lives	myself — ourselves

-f га тугаган баъзи сўзларга **-s** қўшилганда **-f** ўзгармай қолиши мумкин:

roof — roofs	proof — proofs
chief — chiefs	safe — safes
cliff — cliffs	staff — staffs

Баъзан эса юқорида айтиб ўтилган ҳар иккала вариант учраши мумкин:

hoof — hoofs — hooves	wharf — wharfs — wharves
turf — turfs — turves	scarf — scarfs — scarves

¹ Бундай ҳолатни айрим тилшунослар фоно-морфологик усул билан кўплик форма яшаш деб ҳисоблайдилар.

б) **bath, path, mouth** каби сўзларга **-s** қўшилса охириги [θ] товуши [ð] товушига айланади: **baths** [bɑ:ðz] **paths** [pɑ:ðz] **mouths** [mauðz]. Айрим сўзларда иккала вариант ҳам барабар ишлатилиши мумкин:

cloth — **cloths** [klɒθs — klɒðz] **wreath** — **wreaths** [ri:θs — ri:ðz]
oath — **oaths** [ouθs — ouðz] **truth** — **truths** [tru:θs — tru:ðz]

Бундай жаранглилашувнинг сабаби — жарангсиз ундош [θ] дан аввал чўзиқ унлилар ёки дифтонглар келганлигидир, чунки **smith, death, mouth** сўзларида жаранглилашув процесси йўқ. Масалан: **deaths** [deθs] **months** [mʌnθs], **smiths** [smiθs].

в) **house** сўзига **-es** қўшилса, сўз охиридаги [s] товуши жаранглилашади: **house** [haus] **houses** [hauzɪz]

Охири **-o** ҳарфига тугаган сўзларнинг кўплик формаси сўз охирига **-es** суффиксини қўшиш билан ясалади:

tomato — **tomatoes** **potato** — **potatoes**
negro — **negroes** **cargo** — **cargoes**
hero — **heroes** **echo** — **echoes**
manifesto — **manifestoes** **volcano** — **volcanoes**

Аммо бу қоида қатъий эмас, чунки **-o** ҳарфига тугаган баъзи отлардан кейин **-s** ҳам қўшилиши мумкин:

photo — **photos** **studio** — **studios**
piano — **pianos** **trio** — **trios**
cuckoo — **cuckoos** **zoo** — **zoos**
portfolio — **portfolios** **oratorio** — **oratorios**

-o ҳарфига тугаган сўзларнинг охирига **-e(s)** қўшиш ҳоллари инглиз тилининг америка вариантыда кенгроқ тарқалган. Масалан, инглиз тилининг британия вариантыда **manifestos** ёзилса, америка вариантыда **manifestoes** шаклини учратамиз.

г) агар сўз **-y** ҳарфига тугаса ва **-y** ҳарфидан олдин ундош бўлса, бундай сўзларга кўплик суффикси қўшилганда **-y** ҳарфи **-i** ҳарфига айланади.

lady — **ladies** **country** — **countries**
pony — **ponies** **baby** — **babies**
copy — **copies** **fly** — **flies**

Бу қоидага айрим тарихий ва географик номлар ҳам бўйсунди. **the Alleghenies, the Canaries, the Two Sicilies.**

Сўз охиридаги **-y** ҳарфидан олдин унли келса, **-y** ҳарфи ўзгармайди. Масалан: **boy** — **boys, day** — **days, abey** — **abeys, monkey** — **monkeys, way** — **ways, gay** — **gays.**

2) **-en** суффикс ёрдамида жуда кам отларнинг кўплик формаси ясалади:

ox — **oxen**
child — **children**
brother — **brotheren**

Фоно-морфологик усул. Сўзнинг ўзагидаги унли товушчи ўзгартириш йўли билан отларнинг кўплик формасини яшаш *фоно-морфологик усул* дейилади. Бу усул ҳозирги инглиз тилида ўз маҳсулдорлигини йўқотган.

man — men	foot — feet	tooth — teeth
woman — women	goose — geese	mouse — mice
		louse — lice

Эслатма: 1) *man* қўшимчали сўзларнинг кўплик формаси **-men** ёрдамида ясалади; *gentleman* — *gentlemen*, *sportsman* — *sportsmen*, *Englishman* — *Englishmen*. Аммо *Mussulman*, *Ottoman*, *Talisman*, *Tuskoman*, *Turkman*, *German* ва *Norman* сўзларининг кўплик формаси **-s** суффиксини қўшиш билан ясалади. 2) *sportsman*, *gentleman* ва бошқа инглиз сўзлари ўзбек тилига фақат кўплик формасида қабул қилинган бўлсада, улар ўзбек тилида бирликни англатади. Ўзбек тилида бу сўзларнинг кўплик формасини яшаш учун уларга **-лар** суффикси қўшилади.

спортмен — спортсменлар,
 жентлмен — жентлменлар,
 яхтсмен — яхтсменлар,
 конгресмен — конгресменлар,
 сюрсмен — сюрсменлар ва б. қ.

Лексик-синтактик усул. Лексик-синтактик усул морфологик ва фоно-морфологик усулдан фарқ қилади. Лексик-синтактик усул билан ясалган отларда бирлик ва кўплик морфологик форманинг синтактик сўз бирикмага бўлган оппозициясига асосланган бўлади.

Кўпликнинг лексик-синтактик усулини аниқловчи белгилар сон ёки миқдорни ифодаловчи *pair-жуфт*, *dozen-дюжина*, *gross-12 дюжина*, *score-20* донга ёки *several-бир қанча*, анча, *a lot of-кўп*, бир қанча, *pair of-бир жуфт*, *many*, *few*, *a few*, *how many*, *one*, *two*, *three*, *ten* каби сўзлардан иборат бўлиб, улар от билан бирга қўлланиши натижасида кўплик маъносини англатадилар:

five fountains — бешта фонтан
many flowers — кўп гул(лар)
a lot of roses — бир қанча атир гул
two pair of shoes — икки жуфт туфли
a few books — бир қанча китоб

Юқоридаги сўзлар асосан саналадиган отларга қўшилади. Аммо шуни ҳам айтиш кераки, саналмайдиган отлардан ҳам маълум сўзлар ёрдамида кўплик яшаш мумкин. Улар доналаб саналадиган кўпликни билдирмаса-да, умуман *кўпликни*, *мўлликни*, *маълум белгиланган миқдордан ортиқликни* кўрсатиши мумкин. Масалан:

much. water — кўп сув
lots of rice — кўп гуруч
some more tea — яна озгина чой

Бошқа тиллардан кирган отларда кўплик форманинг ясалиши. Ҳозирги инглиз тилида ҳали морфологик ассимиляцияга тўла бўйсунмаган бир группа ажнабий (асосан латин ва грек тилларидан

кирган) сўзлар борки, улар ўз кўплик формаларини ҳозиргача сақлаб қолганлар:

а) бирликда - **um** — кўпликда - **a**
datum — **data** (янгилик, фактлар)
bacterium — **bacteria** (бактериялар)
dictum — **dicta** (афоризмлар, ҳикматли сўзлар)
erratum — **errata** (эrrаталар, хатолар)
sanatorium — **sanatoria** (санаторийлар)
stratum — **strata** (қатламлар, формациялар)

б) бирликда - **a**, кўпликда - **ae**
antenna — **antennae** (антенналар)
fauna — **faunae** (фауналар)
formula — **formulae** (формулалар, рецептлар)

в) бирликда - **us**, кўпликда - **i**
alveolus — **alveoli** (альвеолалар)
bacillus — **bacilli** (бациллалар)
cactus — **cacti** (кактуслар)
radius — **radii** (радиуслар)
stratus — **strati** (қатламлар)

г) бирликда - **is**, кўпликда - **es**
basis — **bases** (базис, асос, фундамент)
diagnosis — **diagnoses** (диагноз)
metathesis — **metatheses** (метатеза, товушлар алмашуви)

д) бирликда - **on**, кўпликда - **a**
criterion — **criteria** (критерийлар, ўлчовлар)
oxymoron — **oxymora** (оксиморонлар)
phenomenon — **phenomena** (ҳодисалар)

Юқоридаги сўзлар асосан фан, техника, санъат ва медицинага оид терминлардир. Баъзан кўплик форманинг иккала шакли ҳам учрайди. Масалан:

auditorium — **auditoria** — **auditoriums** (аудиториялар)
memorandum — **memoranda** — **memorandums** (меморандумлар)
sanatorium — **sanatoria** — **sanatoriums** (санаторийлар)
formula — **formulae** — **formulas** (формулалар, рецептлар)

Кўшма сўзлар кўплик формасининг ясалиши. Инглиз тилидаги кўшма сўзлар кўплиги қуйидагича ясалди:

а) суффикс кўшма сўз охирига қўшилади:
blackboard — **blackboards** (синф доскалари)
book-case — **book-cases** (шкафлар, этажеркалар)
forget-me-not — **forget-me-nots** (бўтакўзлар)
playwright — **playwrights** (драматурглар)
round-about — **round-abouts** (айланма йўллар)
girl-friend — **girl-friends** (ўртоқлар, дугоналар)

They were paid by the **saloon-keepers**, paid by the **bullies**, paid by the women themselves (*W. S. Maugham*).

б) суффикс синтактик йўл билан ясалган кўшма сўзларнинг биринчи компонентига қўшилади:

daughter-in-law — **daughters-in-law** (келин—келинлар)

knight-errant — knights-errant (рицар — рицарлар)

passer-by — passers-by, (йўловчи — йўловчилар)

Men wandered about, looking at the women who sat at their windows, reading or sewing, for the most part taking no notice of passers-by: and like the women they were of all nationalities (W. S. Maugham)

в) **man** ёки **woman** сўзи ёрдамида ясалган қўшма, ясама сўзларнинг кўплик формаси **men, women** тарзида бўлади.

man-of-war — **men-of-war**

postman — **postmen**

English-woman — **English women.**

г) **man** ва **woman** отнинг маълум бир биологик родга мансублигини кўрсатса, сўзнинг ҳар икки қисми ҳам ўзгариши мумкин:

woman-doctor — **women-doctors**

man-servant — **men-servants**

Қиши номлари ёки фамилияларининг кўплик формаси. Қиши номлари бутун бир онла учун шартли равишда ишлатилганда қуйидагича ўзгаради:

Mr Pintner — Мистер Пинтнер, **Messrs Pintner** ёки **the Mr. Pintners** — Мистер Пинтнерлар, **Miss Pintner** — Мис Пинтнер, **the Misses Pintner** — Мис Пинтнерлар.

Бирлик: **Mr. Paul and Mr John Smith.**

Мистер Пауль ва мистер Жон Смит.

Кўплик: **Messrs. Paul and John Smith.**

Мистер Пауль ва Жон Смитлар.

Messrs. орқали кўплик форма яшаш кўпроқ концелярия ва бизнес (савдо) тилига хос бўлиб, бошқа ҳолларда кўпинча **Mrs** ишлатилади. Тилда кейинги ҳолат кўпроқ, **the Misses Pintner** формаси эса камроқ учрайди.

Dr. Brown and Dr. Smith. Drs. Brown and Smith. Professor Brown and professor Smith. Professors Brown and Smith.

Ҳарф ва рақамларнинг кўплик формаси. Ҳарф ёки рақамларни кўплик формада ифодалаш учун одатда шу ҳарф ва рақамдан кейин апостроф қўйиб, кейин **-s** суффикси ёзилади.

Масалан: **two — o's — иккита о** ҳарфи

three 1's — учта I ҳарфи

two 5's — иккита беш(лик)

three 6's — учта олти(лик)

Ўзгармас (омоним) формадаги отлар. Бу группага кирувчи отларнинг бирлик ва кўплик формаси бир хил бўлиб, улар бир неча семантик группаларга бўлинади.

а) ҳайвонот ёки балиқларни билдирувчи отлар:

sheep — sheep

қўй — қўйлар

deer — deer

кийик — кийиклар

fish — fish

балиқ — балиқлар

The So Happys had 16 fish in their possession when arrested (*The Worker*).

More than 10.000 salmon were counted passing the dam the same day (*The Worker*).

Юқоридаги мисолларда fish, salmon сўзлари 16 ва 10000 сонлари билан қўлланиб, кўпликни билдирса-да, бу сўзларнинг формаси ўзгармайди.

Агар юқоридаги отлар кўплик формада ишлатилса, отларнинг кўплигини ёки миқдорини эмас, балки уларнинг турлари ёки навлари тушунилади. Масалан:

fishes балиқнинг ҳар хил турлари

sheeps қўйнинг ҳар хил зотлари ва ҳоказо.

The cattle of our collective farm are not brought from the mountain until December.

In the sea, once upon a time, O my Best Beloved, there was a Whale, and he ate fishes (*R. Kipling*).

б) халқ, миллат, оломон, қўшин, оила, синф ва шу кабиларни билдирувчи отлар. Масалан:

people — халқ, оломон

foot — пиёда аскар (infantry сўзига синоним)

horse — отлиқ аскар (cavalry сўзига синоним)

audience — аудитория, эшитувчилар, тингловчилар

majority — кўпчилик

pair — жуфт

police — полиция, полиция аъзолари

family — оила, оила аъзолари

public — омма, аҳоли

team — команда (аъзолари)

committee — комитет (аъзолари) etc

Юқоридаги отларнинг формаси бирликда бўлса-да, улар кўплик формадаги кесим билан мослашиб келиши мумкин. Масалан:

For nearly 24 hours July 23—24 black people here were in control of much of their community (*Daily World*). Over two million people die each year from cancer (*Daily World*).

Агар people сўзи кўплик формасида ишлатилса, у турли миллат ва халқларни билдириб келади: the peoples of Central Asia Ўрта Осиё халқлари.

The heroic struggle of the Vietnamese people is linked to the fight of Cubans and other peoples whose soil is violated by the jackboots of the U. S. military forces (*Daily World*).

Эслатма: people ва peoples сўзларини ўзбек тилига таржима қилганда грамматик фарқи маълум даражада сақлаб қолиш мумкин. Масалан: peoples халқлар, миллатлар people халқ, миллат деб таржима қилинади.

family — оила сўзи кўплик ва бирлик маъносини ифодалаши мумкин. family сўзи кўпликда ишлатилганда оила аъзоларини, бирликда ишлатилганда эса оиланинг ўзини англатади. Масалан:

His family are arriving on Monday (кўплик маъносида)

Our family was made up of three boys and three girls (*The Worker*) (бирлик маъносида).

Бу группадаги отларга *-ese* суффикси ёрдамида ясалиб, маълум миллатга мансубликни кўрсатувчи ва сифатдан ясалиб бош ҳарф билан ёзиладиган сўзларни ҳам киритиш мумкин:

Japanese — япониялик, япон

Vietnamese — вьетнамлик, вьетнам

Sudanese — суданлик, судан

Congolese — конголик

English — инглиз, англиялик

Dutch — голланд, голландиялик,

Swiss — швейцариялик, швейцар

French — француз, франциялик

ва бошқалар.

The Vietnamese fight against **Winged Death** (*The Worker*). Вьетнамликлар қанотли ажал (самолёт) га қарши курашаётир. ... **there were Japanese**, walking in twos and threes, **Hawaiians**, **Chinese** in long robes and **Philippines** in preposterous hats (*W. S. Maugham*).

в) ўлчов бирликлари ва бошқа тушунчаларни билдирувчи отлар:

gross — гросс, 12 дюжина

head — дона, бош (ҳайвонотга оид)

dozen — дюжина, ўн икки дона

score — 20 дона

stone — 14 фунт

pound — фунт

One hundred head of cattle — юз бош қорамол (ҳайвон)

30 head of goats — 30 бош эчки

five score of watermelons юзта тарвуз

Айрим отларга кўплик қўшимчаси қўшилиши натижасида уларнинг лексик маъноси ўзгаради, яъни **-(e)s** суффикси янги маъно аниқлаб, сўз ясовчи морфемага айланади. Масалан:

force — куч — **forces** — армия

colour — ранг — **colours** — байроқ

compass — компас — **compasses** — циркуль

bearing — олиб юриш — **bearings** — азимут

draught — елвизак — **draughts** — шашка

pain — оғриқ — **pains** — ташвиш, чоп-чоп, заҳмат

attention — диққат — **attentions** — эъозлаш

Бундай сўзлар ҳозирги инглиз тилида жуда кўп бўлиб, отдан бошқа сўз туркумларидан ҳам ясалиши мумкин. Масалан: **good** (*сифат*) яхши — **goods** (*от*) товар, хомашё ва бошқалар.

Юқоридаги отларнинг бирлик ва кўплик формалари бир хил бўлганлиги сабабли ҳар икки формасида ҳам **-(e)s** суффикси сақланиб қолаберилади. Масалан:

one glass works — битта шиша заводи

two glass works — иккита шиша заводи

many little colours — кўнгина байроқчалар

one little colours — битта байроқ

one compasses — битта циркуль

two compasses — иккита циркуль

The owner was a half-caste named Horn, with a native wife surrounded by little brown children, and on the ground-floor he had a store where he sold **canned goods** and **cottons** (*W. S. Maugham*)

Юқоридаги мисолда **cottons** сўзи пахтадан тайёрланган *мата ва бошиқа нарсалар* маъносида ишлатилган.

Фақат бирликда ишлатиладиган отлар (*Singularia Tantum*). Фақат бирликда ишлатиладиган отлар англатган маъноларига кўра бир неча семантик группаларга бўлинади.

а) киши, шаҳар, дарё каби яққа предметларни билдирувчи отлар: **Shakespeare, Navoi, Pushkin, The Thames, the Volga, London, Tashkent, Samarkand.**

б) доналаб саналмайдиган ва мавҳум отлар:

cotton- пахта, **rice**- гуруч, **tea**- чай, **milk**- сут, **ink**- сиёҳ, **air**- ҳаво, **ice**- муз, **gold**- олтин, тилла, **progress**- тараққиёт, **love**- севги, муҳаббат, **youth**- ёшлик, **strength**- куч, қувват, **water**- сув ва бошқалар.

Бу отларнинг айримлари *kin* сўзи билан ишлатилиши лозим бўлиб қолса, улар саналмайдиган отларга тегишли, бўлган **much** сўзи билан қўлланади.

Агар улар юқорида кўрсатиб ўтилган лексик маъноларни ифодаласа, бирлик формада ишлатилади, кўплик формада ишлатилганда эса саналадиган отларга айланади, ўз маъносини ўзгартириб юборади. Масалан:

cotton- пахта — **cottons**- пахтанинг ҳар хил навлари,

rice- гуруч — **rices**- гуручнинг ҳар хил турлари,

water- сув — **waters**- ҳар хил сувлар (шўр, чучук, минерал сувлар)

fruit- мева — **fruits**- турли хил мевалар

The sun — **kissed fruits of Uzbekistan.**

riches, alms, eaves, news каби охири **-s** билан тугайдиган сўзлар ҳам *Singularia Tantum* га киради. Бу сўзларнинг ривожланиш тарихи турлича. Масалан: **riches** сўзи французча **richesse** сўзидан, **alms** сўзи эса ўрта инглиз тилидаги **almesse** сўзидан, **eaves** сўзи эса ўрта инглиз тилидаги **evese** сўзидан пайдо бўлган. **News**-англик сўзи, **new**-янги — сифатига **-s** суффиксининг қўшилиши натижасида пайдо бўлган. Масалан: **He brought now unwelcome news** (*W. S. Maugham*)

Фақат кўплик формадаги отлар (*Pluralia Tantum*). Фақат кўплик формадаги отлар **-(e)s** суффикси ёрдамида ясалган сўзлардир. Бу отлар жуфт предметларни, жамликни ва айрим предметларнинг номларини билдиради. Масалан:

scissors — қайчи

spectacles }

glasses }

clothes — устбош, либос, кийим

trousers — шим

pyjamas — пижама

breeches — шаравар, иштон

opera glasses — бинокль

scales — тарози

pincers — омбир

entrails — ичак

billiards — бильярд

goggles — қора кўзойнак ва бошқалар

Фақат кўплик формада қўлланадиган отлар кесимни ҳам кўплик формада талаб қилади. Масалан: The scissors were very blunt; Her opera glasses were lost in the club etc.

Кўпликдаги отларнинг сони ёки миқдорини кўрсатиш учун **pair-жуфт** сўзи қўлланади. Масалан:

a pair of tongs — бир жуфт омбир ёки иккита омбир

four pair of trousers — тўрт жуфт шим ва ҳоказо.

... you will find, sitting on a raft, in the middle of the sea with nothing on but a **pair of blue canvas breeches**, a pair of suspenders. (*R. Kipling*).

Айрим **Pluralia Tantum** отлари ўз формаларини сақлаган ҳолда **Singularia Tantum** отларига айланган ва айланмоқда. Масалан:

mathematics — математика

physics — физика

mechanics — механика

optics — оптика

phonetics — фонетика

politics — сиёсат

tactics — тактика

acoustics — акустика

linguistics — лингвистика,
тилшунослик

measles — қизамиқ

Юқоридаги отлардан фақат **measles** сўзи ҳам бирлик, ҳам кўплик формадаги келим билан келиши мумкин. Қолганлари эса фақат бирликдаги кесим билан келади.

Ўзбек тилида **Pluralia Tantum** отлари йўқ, шунинг учун инглиз тилидаги **Pluralia Tantum** отлари ўзбек тилига асосан бирлик формада таржима қилинади.

Масалан:

scissors — қайчи

spectacles — кўзойнак

trousers — шим ва бошқалар

Агар мавҳум отлар маълум синтактик дистрибуцияларда конкретлашиб киши номларини билдирса, -s суффикси отларга қўшилиши мумкин.

Oh Carrie, Carrie! Oh, blind strivings of human heart! Onward, onward, it saith, and where **beauty** leads, there it follows. Whether it be the tinkle of a lone sheep bell, o'er some quiet landscape, or the gleamer of **beauty** in suburban places, or the show of soul in some passing eye, the heart knows and makes answer, following (*Th. Dreiser*).

«I don't believe I want to play any more», said the youngest, a black-haired beauty... (Th. Dreiser).

Биринчи мисолдаги **beauty** сўзи ҳар икки ўринда ҳам *чирой, ҳусн* маъносида ишлатилган. Иккинчи гапда эса **beauty** *гўзал, қора сочли гўзал* маъносида ишлатилган.

6-§. Келишик категорияси (The Category of Case)

Келишик — бу сўзларнинг морфологик парадигматик формасидир. Қадимги инглиз тилида синтактик алоқалар асосан келишик қўшимчалари воситасида ифодаланган. Аммо кейинчалик келишик қўшимчаларининг кўпчилиги фонетик редукцияга учраб, тилдан чиқиб кетганлиги сабабли, уларнинг функцияси предлоглар ва сўз тартиби ёрдамида ифода этилади. Ҳозирги инглиз тилида асосан иккита — умумий келишик (**Common Case**) ва эгалик келишиги (**Possessive Case, Genitive Case**) бор.¹ Умумий ва эгалик келишикларни формаларининг ўзаро қарама-қарши қўйилиши келишик категориясининг оппозицияси дейилади.

Bob — Bob's (Боб — Бобнинг) Nick — Nick's (Ник — Никнинг). Эгалик келишигининг белгиси апострофли -'s бўлиб, у ёрдамида ясалган форма отларнинг белгисиз формасига қарши қўйилади. Инглиз тилида жонли нарсаларни ифодаловчи отлар ва баъзи тушунчаларни англатувчи отларнинггина келишик формаси бор.

1. **Умумий келишик** — эгалик келишигига қарши қўйилган ҳамма отларнинг формасидан иборат. Умумий келишикнинг мустақил морфема ёки алоҳида белгиси йўқ. Бу келишикдаги отлар гапда ҳар хил вазифаларда келиши мумкин. Инглиз тилида бу келишик отларнинг бошқа сўзлар билан лексик-грамматик алоқага кириши учун асосий қурилиш материали бўлиб хизмат қилади.

Умумий келишикдаги отлар кўпчилик сўзлар билан бирикиши, гап бўлаклари вазифасида келиши сўз бирикмаларини ясаш, ясама, қўшма ва қўшма-ясама сўзлар ҳамда отнинг бошқа категорияларини ясада асосий негиз сифатида ишлатилиши ва келиши мумкин. Ундан ташқари бу келишикдаги отлар семантик жиҳатдан чегараланмаган бўлади. Умумий келишикда келган отларни турли семантик гуруппаларга бўлиш мумкин. Эгалик келишигидаги отлар эса семантик жиҳатдан чегаралангандир.

¹ Ҳозирги инглиз тилидаги келишик категорияси мувозарали масалалардан бири ҳисобланиб, ҳозирча неча келишик борлиги турли дарсликларда турлича берилади. Шунингдек назарий грамматикаларда ҳам бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича гуруппалаш мумкин: 1) инглиз тилида келишик категорияси иккита; 2) инглиз тилида латин тилидагидек 5—6 келишик бор; 3) инглиз тилида келишик категорияси йўқ. Учинчи фикрда ҳам практик, ҳам назарий нуқтаи назардан анча камчиликлар бор. Инглиз тилида 4, 5, 6 келишик бор дегувчиларнинг хатоси латин тили грамматикасини инглиз тилига кўчириб қўйишнинг ва сўз бирикмаларини сўз формалари деб хато тушунишнинг натижасидир.

Умумий келишикда отларнинг грамматик маъноларини шу отларнинг предлог билан ёки предлогсиз келиши, ҳамда уларнинг гапдаги ўрни ва вазифасига кўра аниқланади.

Сўз ва сўз бирикмалари ўртасидаги алоқани ё предлог ёрдамида ёки сўз тартиби ёрдамида бериш мумкин:

He wrote a letter to his friend

У ўртоғига хат ёзди.

He wrote his friend a letter

У ўртоғига хат ёзди.

Иккала гап ҳам бир хил маънони англатяпти. Аммо улар ўртасидаги фарқ шундаки, биринчи гапда грамматик алоқа ва грамматик маъно предлог орқали ифодаланган бўлса, иккинчи гапда бу вазифани сўз тартиби бажариб келаётир.

She complained of headache and she looked old and wizened (W. S. Maugham). They passed her in silence (*Ibid*).

The half-caste gave him a sidelong glance (*Ibid*).

2. Эгалик келишиги маъносига кўра бирор нарсага эга эканликни (John's book), яқин муносабатдаликни (John's friend) ёки умулман аниқликни (today's date, a five minutes' walk) кўрсатиб келади:

Эгалик келишиги -'s (апострофли s) суффикси ёрдамида ясалди: Nelly's, Bob's, girl's, boy's.

Бу келишик -s суффиксисиз фақат апостроф ёрдамида ҳам ясалishi мумкин:

boys' — болаларнинг, Gus' — Гуснинг

Эгалик келишигини ясовчи -'s морфемаси ўзидан олдинги товуш таъсирида уч хил талаффуз этилади:

1) жарангсиз ундошлардан сўнг [s]

Robert-Robert's, Ruth-Ruth's

Alworth-Alworth's, Sharof-Sharof's

2) жарангли ундошлардан ва унлидан кейин [z]

Jane-Jane's

England-England's

3) [s], [z], [tʃ] ёки [dʒ] ундошидан кейин [iz]

Rose's, Goice's

Police's, any else's

George's, judge's

Фақат апостроф ёрдамида эгалик келишиги яшаш охири [s], [z], [ks] товушларига тугаган сўзлар учун хосдир:

Mr. Sherlock Holms'

moses', conscience'

goodness',

Marx' Games'

Gus — Gus'

boys — boys'

Эгалик келишигини аниқроқ кўрсатиш учун айрим сўзларга яна бир бўғин ортириб, s суффиксини қўшиш мумкин: Games' ёки Games's, Jones' ёки Jones's. Аммо labourers — balloonists — borderers каби сўзларга -'s қўшишга шу сўзларнинг структураси йўл қўймайди, чунки бу сўзлар, биринчидан, кўп бўғинли, иккинчидан, ясама сўзлар, учинчидан, кўплик формада ишлатилади.

Ian McCarty denied his Olympic chances by not turning up for the 5,000 metres race won by U. K. all-comers' record-holder Keisake Sawaki (Japan) (*Morning Star*).

I think **Gus' remarks** were intended to build and strengthen radicalism in the youth through a dialogue, agreeing with those aspects which are good and healthy (*The Worker*).

Эгалик келишигининг икки тури мавжуд:

1) боғланган (тобе) эгалик келишиги,

2) мустақил эгалик келишиги.

Боғланган эгалик келишигидаги сўз ўзи аниқлаб келган сўз билан доим бирга келади. Шу сабабли уни боғланган эгалик келишиги дейилади. Бу формадаги отлар кўпроқ *субъектив формадаги отлар* ҳам деб юртилади. Масалан: his sister's husband.

President's speech,

Girl's beauty,

Saturday's match

BBC's evening programme.

Marcuse comments in this book on the difficulty of **Max Weber's prose**: his own is no easier (*Daily World*).

His only two valid lumps, both fractionally over 26 lb, were enough to win by a foot from **Japan's Hiroomi Yamada** (*Morning Star*).

Ўзи аниқлаб келган сўзга боғланмай, мустақил ишлатила оладиган форма *мустақил эгалик келишиги* дейилади. Бошқача қилиб айтганда, мустақил эгалик келишиги билан ифодаланган от аниқланмишга эга бўлмайди. Эгалик келишиги қуйидаги ҳолларда мустақил келиши мумкин:

а) аниқланмиш вазифасида келган сўз қайтарилмай келганда: This **hat** is my **brother's**. Celia slipped her **arm** through Lanny's and forced a smile to her lips (*P. Abrahams*). All I had to do was change Allie's name so that nobody would know it was my brother and not **Stradlater's** (*J. D. Salinger*).

б) эллипс рўй берганда -'s суффикси сўз ясовчи вазифасида кўпроқ ишлатилади. Бунда аниқланмиш отлар умумийлашиб ёки мавҳумлашиб кетади.

baker's — новвойхона, нон дўкони

butcher's — қассобхона, гўшт дўкони

chemist's — дорихона

hairdresser's — | сартарошхона

barber's —

Spencer's — Спенсерларники, Спенсерларнинг уйи

Aunt's — холамники, холамнинг уйи

Юқоридаги мисолларда **shop-дўкон ёки room хона** сўзлари тушиб қолган. **St. Paul's** деганда эса, **cathedral** ибодатхона сўзи тушиб қолганлигига қарамай, **Авлиё Павел ибодатхонаси** тушунилади.

Айрим ҳолларда от аниқланмишли бўлиши ҳам мумкин: There was parking room for motors on each side of the road, and there

were saloons, tawdry and bright, each one noisy with its mechanical piano and there were **barbers' shops** and tobacconists (*W. S. Maugham*).

Эгалик келишигининг бу тури жуда кенг тарқалган бўлиб, -'s суффиксини киши номлари ва фамилиялари билан қўшиб ишлатиш натижасида ўша шахсларга тегишли *уй-жой, муассаса, завод, фабрика, ёки oddiy буюмлар* ифодаланadi.

I could see my mother going in **Spaulding's** and asking the salesman a million dopy question (*J. D. Salinger*).

... the fact that he was off from **Rushton's** would not prevent him from going to the Beano (*R. Tressell*).

Инглиз тилидаги эгалик келишигининг бу функцияси ўзбек тилидаги эгалик категориясининг **-ник** суффикси ёрдамида ясалган форманинг функциясига жуда ўхшайди. Масалан:

ака^аники — my brother's
дўстимники — my friend's

в) плеонастик форма вазифасида ишлатилади.

Эгаликни бир вақтни ўзида ҳам келишик формасида, ҳам предлог ёрдамида берилиши *плеонастик форма* деб аталади. Плеонастик эгалик келишиги стилистик нуқтаи назардан тўғри бўлса-да, морфология учун қўшимча форма ҳисобланади. Масалан:

a very strict order of **my father's**
the well-known symphonies of **Chaikovsky's**
a very good friend of **my sister's** etc.

Эгалик келишиги *эгалик, қарашиллик, қариндошлик*ни ва *дўстлик муносабатларини* билдиради:

Everybody who knew them came to it, members of the family, old friends of the family, the members of **Julia's choir**, any of Kate's pupils that were grown up enough, and even some of **Mary Jane's pupils** too (*J. Joyce*).

Cowdrey's injured thigh is still very sore and giving him quite a bit of pain (*Morning Star*).

Эгалик келишигидаги от бирор *мамлакат, давлат, миллат, шаҳар* ва шу кабиларнинг номини ифодалаб келиши мумкин:

Keisuke Sawaka, of Japan (below) beats **Britain's** Allen Rushmer to the tape in 5,000 metres race (*Morning Star*). Colin Campbell, **Britain's** leading quarter-miler was edged into third place by Martin Winbolt Lewis and Howard Davies (*Morning Star*). **Soviet government's memorandum** expressed this view in the following language ... (*The Worker*).

They shaped its content by their leadership and participation in the great struggle of the working class, of the negro people, of the farmers, of the **nation's** poor, whose actions were mirrored in the pages of the Worker (*The Worker*).

Moscow's moves to end the arms race came on the eve of the resumption of disarmament talks by the 18 state United Nations body in Geneva July 19 (*The Worker*).

Эгалик келишиги бирор *сийсий-иқтисодий ёки оммавий ташкилот, муассаса, газета ёки журнал* номини билдирган отлар билан ҳам ишлатилади:

In the 46 years of **The Worker's life**, its readers provided the muscle for the paper (*The Worker*).

The union's radical composition has changed rapidly and drastically in recent years (*The Worker*).

The next Administration could be even more collous than this one, more racist, more determined to impose «austerity» on workers to preserve **Wall Street banker's** international position (*The Worker*).

Эгалик келишигидаги от аниқланмишнинг *пайтга, вақтга, жойга* бўлган муносабатини кўрсатиб келади. Бу группага кирувчи отларни ўзбек тилига кўп ҳолларда сифат ёки сифатлашган сўзлар ёрдамида таржима қилиш мумкин.

a five minutes, walk — беш минутлик йўл

Saturday's play — шанба кунги ўйин

today's football match — бугунги футбол матчи

Yesterday's issue — газетанинг кечаги сони

... he was entitled to a **week's notice** instead of an **hour's notice** (*R. Tressell*).

There was a **moment's silence** and they heard Davidson come up the stairs again (*W. S. Maugham*).

Эгалик келишигидаги от аниқланмишнинг *кимга ёки нимага мўлжалланганлигини, белгисини* билдиради. Бу сўзлар ҳам ўзбек тилига сифат ёки сифатлашган сўзларнинг аниқловчи вазифасида келган формаси билан таржима қилинади.

children's magazine — болалар журнали

children's crossword — болалар кроссворди

ladies' hats — аёллар шляпаси

doctor's degree — докторлик унвони

master's degree — мастерлик, ўқитувчилик унвони

It brings up memories of a **kind's movie**: Me Tarzan, you Jane (*The Worker*). We need Communists with **Masters' degrees** in first hand experience in the speed up in an automobile factory. (*The Worker*).

Yeah, Listen. If you're not going out any place special, how about lending me your **hound's tooth jacket**? (*J. D. Salinger*).

Эгалик келишигидаги отлар маъно жиҳатдан *шахслашган ёки шахслашишга яқинроқ сўزلардан иборат* бўлади. Бу отлар шахслар каби *he, she* оломшлари билан ҳам ишлатилиши мумкин.

Масалан: **the sun** — қуёш, **the moon** — ой, **death** — ўлим, **ship** — кема, **steamer** — теплоход, **goodness** — яхшилик, **nurcy** — раҳм-шафқат, **sun's backstays** — қуёшнинг заррин нурлари.

Life no doubt had moments with that quality of beauty, of unbidden flying rapture, but the trouble was, they lasted no longer than the span of a **cloud's flight** over the sun (*Galsworthy*).

I suspect I must be one of **Nature's nephews** (*R. Lynd*) The **steamer's** touching makes the people unsettled; and then there's the naval station; that's bad for the native (*W. S. Maugham*).

Эгалик келишиги *хайвонот, парранда, балиқ ва бошқаларни билдирувчи отлар* билан ишлатилиши мумкин:

...and they brought pine apples and huge bunches of bananas, tablecloths, necklaces of shells or **sharks' teeth**, kava bowls, and models of war canoes (*W. S. Maugham*).

The week before that, somebody'd stolen my **camel's-hair coat** right out of my room, with my fur lined gloves right in the pocket and all (*J. D. Salinger*).

And underneath the guy on the **horse's picture**, it always says... (*J. D. Salinger*).

...and he dragged that grating good and right into the **Whale's throat**, and there it stuck! (*R. Kipling*).

Эгалик келишиги *идиоматик ибораларда* ва *бошқа конкрет отларда* ишлатилиши мумкин:

Ибораларда: **to have something at one's finger's end** — бир нарсани беш панжадек билмоқ, яхши билмоқ, **to keep at arm's length** — яқинроқ тутиб турмоқ, **in the mind's eye** — хаёлда, дилда, фикран;

Конкрет отларда: Till that happened, however, there would be nothing to eat and drink save a **loaf's end** in the cupboard at home... (*W. Caine*).

The doctor saw a group of natives standing round some object **at the water's edge** (*W. S. Maugham*).

Till at last there was only one small fish left in all the sea, and he was a small Stute Fish, and he swam a little behind the **Whale's right ear**, so as to be out **harm's way** (*R. Kipling*).

Эгалик келишиги сўз бирикмаларида ҳам ишлатилади. Эгалик келишигининг ишлатилиши сўз ва бирикмаларнинг қисқа ёки узунлигига боғлиқ бўлмайди. Масалан:

а) **'s** суффикси содда сўзларга қўшилади:

That was where Mrs. **Gibson's** body lay (*C. Doyle*). Owen knew that **Frankee's** character did not come up to this lofty ideal. (*R. Tressell*).

б) эгалик келишиги формасидаги икки от кетма-кет келиб ўзаро бир-бири билан бириккач битта аниқланмишни аниқлаши мумкин:

...it seemed to me I heard a ghost cry out in pain, not **Hamlet's father's ghost**, some other ghost (*The Worker*).

в) **'s** суффикси иштирокида қисқартма отлардан ҳам эгалик келишиги формасини яшаш мумкин. Intourist now has branches in more than 100 of **U.S.S.R.'s** largest cities... (*Morning Star*). ...and they ask election of a vice-president at the **USW's** convention next month (*The Worker*).

г) **'s** суффикси икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган сўз бирикмалар ёки конструкцияларга қўшилиб келиши мумкин. Масалан:

Soviet People's courage,
Morning Star's new issue,
Last week's performance,
Someone else's answer,
Wandsworth Teachers' Association.

Argument on the Notional Maritime Union's appeal for reversal of a federal court decision invalidating the union's 1966 election will be heard in the N. Y. Court of Appeals on Tuesday, June 18 (*The Worker*).

7-§. Отнинг гапдаги вазифалари

От гапда қуйидаги вазифаларни бажариб келади:

1) эга вазифасида:

Kate and Julia came toddling down the stairs at once (*J. Joyce*)
The girl stood up. But she held on to the chair with one hand and let Rosemary pull (*D. H. Lawrence*).

2) тўлдирувчи вазифасида:

You have your weapon. (*A. Canon Doyle*)

I have brothers. (*B. Shaw*)

I saw Каа. (*Kipling*)

Mrs. Davidson fixed her pince-nez more firmly on her nose. She complained of headache and she looked old and wizened. (*W. S. Maugham*). They heard a voice, Davidson's voice, through the wooden partition. (*W. S. Maugham*).

3) аниқловчи вазифасида:

A good touchdown in snow was as good as walking barefoot on a thick hotel carpet. (*J. Aldridge*).

Hurtswood nightly took the precaution to try the cash drawers and the safe... (*Th. Dreiser*).

4) қўшма кесимнинг предикатив қисми вазифасида:

He was a teacher in one of their schools and I lived with him in Berlin. (*R. W. Fox*). This is a great help. (*Morning Star*). Who is she? This woman of beauty and courage is the peasant, the factory worker, the student, the nurse, the doctor, the mother, the teacher, the artist, the road mender, the bee keeper, the oxen driver, the bridge builder, the milkmaid, the waitress and the militia woman of a belligerent land Vietnam. (*The Canadian Tribune*)

5) ҳол вазифасида:

We met her everywhere we went. We saw her and talked with her in the fields, in the schools, in the hospitals, in the university, in the factory, in the dining places and at her post with gun in hand during air raid alerts. (*The Canadian Tribune*).

She had been a missionary in China, and they had become acquainted in Boston, where they were both spending last of their leave to attend a missionary congress. (*W. S. Baugham*)

And in the evening after the high tea which was their last meal, while they sat in the stiff parlour the ladies working and Dr. Mac-

phail smoking his pipe the missionary told them of his work in the islands. (*W. S. Maugham*).

6) ундалма вазифасида:

I can discover facts, Watson, but I cannot change them (*Conan Doyle*) I have to be emphatic, Mr. Holmes, for the time is so limited. (*C. Doyle*)

Presently the Ox came to him, with the yoke on his neck, and said, Camel, O Camel, come and plough like the rest of us. (*R. Kipling*)

7) изоҳловчи вазифасида:

A third case worthy of note is that of Isadora Persono the well known journalist and duellist who was found stark staring mad with a match box in front of him which contained a remarkable worm, said to the unknown to science. (*Conan Doyle*)

You have heard of Neil Gibson, the Gold King? he said. (*Conan Doyle*) His secretary, Mr. Ferguson only told me this morning of his appointment with you. (*C. Doyle*).

8-§. Род категорияси проблемаси

(The Problem of the Category of Gender)

Грамматик роднинг ифодаланишида инглиз тили герман тиллари ўртасида алоҳида ўрин тутади. Қадимги давр инглиз тилида (Old English) мавжуд бўлган учта грамматик род янги даврга (Modern English) келиб тубдан ўзгаради, яъни олмошларга характерли бўлган he, she, it формаларини ҳисобламаганда, грамматик формал род деярли йўқ бўлди.

Аммо айрим отларда қадимги инглиз тилидаги родни ифодаловчи аффикслардан баъзилари сақланиб қолган.

Род категорияси ҳақида гапирилганда грамматик формал род билан реал жинс категорияси ўртасидаги фарқни кўрсатиб ўтиш зарур.

Биологик реал род жонли ва жонсизлик категорияси билан боғлиқ. Формал род бу категорияга қисман алоқадор бўлса-да, мутлоқ тобеликка эга эмас. Масалан: қадимги инглиз тилида *wifman* сўзи аёл кишини кўрсатса-да формал мужской род ҳисобланган. Худди шунингдек, ҳозирги немис тилида *Mädchen* — қиз, *Fräulein* — ёш аёл сўзлари средний роддаги отларга киритилади. Бундай мисолларни қадимги грек ва бошқа тиллардан ҳам келтириш мумкин. Формал ва реал родлар ўртасида маълум даражада алоқа мавжудлиги сабабли, айрим сўзларда (асосан жинс категорияси билан алоқадор сўзларда) грамматик роднинг формал кўрсатгичи сақланиб қолган.

Ҳозирги инглиз тилидаги отларни род категориясига нисбатан алоқасини қуйидагича классификация қилиш мумкин.

а) жонли отлар;

б) жонсиз отлар.

Жонли отлар учун реал род, яъни жинс категорияси характерли бўлса, у жонсиз отлар учун (махсус ҳолларни ҳисобга олмаганда) характерли эмас.

Жонли отларда реал род (жинс категорияси)нинг ифодаланиш усуллари:

а)

Реал мужской род	в)	Реал женской род	
conductor	administrator	conductoress	administratrix
director	executor	directress	executrix
emperor	prosecutor	emperess	prosecutrix
governor	г)	governess	donna
master	don	mistress	czarina
б)	czar	goddess	signora
god	signor	heiress	sultana
heir	sultan	Jewess	Georgina
Jew	George	duckess	heroine
duke	д)	poetess	vixen
poet	hero	princess	
prince	е)		
	fox		

Юқоридаги отларга яна *-ster* суффикси воситасида ясалган *spinster* каби сўзларни ҳам киритиш мумкин. Аммо бу сўз ҳозирги замон инглиз тилида мужской родда ўзининг қарама-қарши формасига эга эмас.

Бу гурпуага кирувчи отларни классификациялаш ва махсус гурпуага ажратиш род категорияси билан боғлиқ равишда амалга оширилади.

Жонли отлар жонли предметларни (animate objects), яъни инсон, ҳайвонот, парранда ва турли жонли мавжудотларнинг номларини билдиради.

Инглиз тилидаги отларни род билан алоқасига кўра учга бўлиш мумкин:

а) реал мужской роддаги отлар: father, son, cock, male

б) реал женский роддаги отлар: mother, daughter, hen, female

в) нейтрал роддаги отлар: parent, child, baby, infant, bird.

Инглиз тилида род категорияси дейиш ўрнига жинс категорияси ёки типологик род категорияси дейиш тўғрироқ бўлади. Аммо традицияга кўра у реал род деб олинди.¹

Род тушунчасини ифодалашнинг қуйидаги яъни, тарихий-морфологик, лексик-семантик ва синтактик усуллари мавжуд.

1. **Тарихий-морфологик усул.** Бу усул қадимги инглиз тилидан сақланиб қолган ва ажнабий тиллардан кириб келган айрим суф-

¹ Бу ҳақда муфассалроқ кўринг: Ж. Бўронов, «Инглиз ва ўзбек тилларни қиёсий грамматикаси», Тошкент, 1973, 140-бет.

фикслар воситасида род тушунчасини кўрсатувчи отларни яшаш усули тарихий-морфологик усул дейилади.

Инглиз тилидаги отларнинг ҳаммаси албатта уч группадан иборат бўлган оппозицияга эга эмас. Баъзи сўзларнинг нейтрал роддаги варианты йўқ бўлиши мумкин.

Нейтрал роддаги отлар синтактик йўл билан осонликча ё мужской, ё женский роддаги отларга тааллуқли бўлиб қолиши мумкин. Масалан:

doctor: he doctor, man doctor; she doctor, lady doctor, woman doctor.

friend: boy friend, girl friend etc.

Ҳозирги замон инглиз тилидаги отларнинг родга бўлган алоқасини кўрсатувчи суффикслар асосан женский роддаги отларга тааллуқлидир. Мужской родда эса жуда оз сўзлар суффикслар орқали ажратилади.

2. **Лексик-семантик усул.** Лексик-семантик усул бошқа усулларга кўра кенроқ ривожланган. Бу группага қарашли отлар ўзларининг семантик маъноларига кўра маълум жинс тушунчасини билдириб келади.¹

Лексик - семантик кўрсаткичли отларнинг асосий хусусияти уларнинг бир ўзакли бўлмаслиги, яъни турли ўзакли бўлишидадир. Уларни айримлари ҳар уччала родда ҳам оппозицияга кирувчи вариантларга эга бўлса, айримлари фақат мужской ва женский родларда ўз вариантларига эга². Масалан:

Реал мужской род	Реал женский род	Нейтрал сўзлар
husband	wife	spouse
father	mother	parent
son	daughter	child
man	woman	person, human
ram	ewe	sheep
stallion	mare	horse

Бу группага кишиларнинг номларини ҳам киритиш мумкин:

Jack	Jane
Arthur	Ann
Tom	Mary

3. **Синтактик усул.** Синтактик усул маълум жинсни билдирувчи сўзларнинг нейтрал маънодаги сўзларга қўшиш йўли билан ясаллади. Нейтрал сўзлар жонли предметларни англатса-да, жинсни кўрсатиш қобилиятига эга бўлмайди. Масалан, comrade, servant, doctor, student, musician, American, socialist, Uzbek сўзлари умумий жинсдаги отларга киради. Нейтрал сўзларга кўпроқ лексик-семантик усул воситасида маълум жинсни кўрсатувчи сўзлар қўши-

¹ Ж. Бүронов, «Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси, Тошкент, 1973, 140—145-бетлар.

² O. Jespersen. A Modern English Grammar, Part VIII, London, 1954, p. 180.

лади. Бу сўзларнинг айримлари бир-бири билан жипслашиб қўшма сўзларга ўтиб кетган бўлса, қолганлари синтактик бирикма шаклида қолган.

Жинсни билдирувчи сўзларнинг қўшилиш усули икки хил:

- | | | |
|----------------------|--------------|----------------|
| 1) препозитив усул: | boy friend | girl friend |
| | man doctor | woman doctor |
| 2) постпозитив усул: | landlord | landlady |
| | schoolmaster | schoolmistress |
| | barman | barmaid |
| | milkman | milkmaid |
| | sportsman | sportswoman |

Синтактик усул билан жинс категориясини яратувчи сўзларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

man, boy, sir, he, woman, lady, she, master, mister, male, female, queen, lord, prince, count, mistress, missess, duke, king, brother, father, madam, girl, sister, mother, aunt, Jack, dog, bitch, tabby, hen.

Жонсиз отларда реал роднинг ифодаланиш усуллари. Жонсиз предметлардан ship ва унинг синонимлари учун she олмоши ишлатилади, яъни бу сўзлар аёллик жинсини ифодаловчи сўзлар группасига киради. Ундан ташқари шахслашганда (personification) ҳар қандай от тегишли группага киритилаверади.

Айрим тилшунослар отларнинг маълум жинсга киришини уларнинг маъноси билан боғлаб аниқлайдилар. Масалан, Ж. Несфильд мужской роддаги отларга кирувчи сўзлар маълум даражада куч, ваҳшат каби маъноларни, (storm, thunder, wind, war, death, grave), аёллик жинсини ифода этувчи сўзлар мулойимлик, нафислик, ғам-хўрлик каби маъноларни (nature, country, mercy, faith, hope, modesty) англатиши керак, дейди.¹

9-§. От ясаш (Noun Formation)

Маълум конкрет тилнинг луғат составини бойитишнинг асосий ички усулларида бири сўз ясалишидир. Инглиз тилида сўз ясалиши деганда биз шу тилнинг ўзида бўлган ички имкониётларидан фойдаланиб, янги лексик бирликлар, инглиз сўзлари ясашни тушунамиз.

Сўз ясалишининг тутган ўрни тилшуносликнинг ҳар хил бўлимлари ўртасида тўла аниқланган эмас. Бу соҳада қуйидаги тўрт хил фикр мавжуд:

- 1) сўз ясалиши грамматиканинг мавзуси;
- 2) сўз ясалиши лексикологиянинг мавзуси;
- 3) сўз ясалиши ҳам грамматика, ҳам лексикология томонида илгиранилиши керак;
- 4) сўз ясалиши тилшуносликнинг мустақил бўлими.

¹ J. C. Nesfield, English Grammar, London, 1916. p. 15.

Юқоридаги фикрларнинг бир-бирига зидлиги шундан далолат бериб турибдики, сўз ясалиши ҳам грамматика, ҳам лексикология билан узвий боғлиқдир.

Сўз ясалиши тилшуносликнинг деярли ҳамма ярусларига алоқадорлигини айтиб ўтиш керак. Масалан, сўзларнинг маъноларини кенгайтириш, конверсия, аббревиатура масалалари кўпроқ лексикологияда чуқурроқ ўрганилса, композиция, редупликация, форма ясовчи морфемаларнинг сўз ясовчи морфемаларга ўтиши, сўз ясалишининг сўз туркумлари билан алоқалари масалалари кўпроқ грамматикада ўрганилади. Аффикация ҳам грамматика, ҳам лексикологияга тенг алоқадордир. Сўзларнинг урғусини ўзгартириш йўли билан янги сўз ясаш, айрим товушларни ўзгартириб сўз ясаш эса кўпроқ фонетика билан боғлиқ.

Тилшуносликнинг турли яруслари билан алоқасига таяниб сўз ясалиши усулларини белгилаш тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) лексик-морфологик усул (аффикация, конверсия);
- 2) лексик-синтактик усул (композиция, редупликация);
- 3) лексик усул (аббревиатура, маъноларни кенгайтириш, кўчма маъно бериш орқали сўз ясалиши);
- 4) лексик-фонетик усул (урғуларни ўзгартириш, айрим товушларни ўзгартириш ва бошқалар).

Энди от ясалишининг кўрсатилган усулларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Аффикация. Сўз негизига сўз ясовчи морфемалар (аффикслар) қўшиш орқали сўз ясаш *аффикация* дейилади. Аффикслар уч хил бўлади:

- 1) префикс (сўзнинг олдига қўшилади);
- 2) суффикс (сўзнинг охирига қўшилади);
- 3) инфикс (сўзнинг ўртасига қўшилади).

Ҳозирги инглиз тили учун инфикслар ёрдамида сўз ясаш характерли эмас.

1. **Префиксация** (Prefixation). Сўз негизининг олд томонига сўз ясовчи морфемаларни қўшиш йўли билан янги сўз ясаш *префиксация* дейилади.

Префиксларнинг характерли белгиларидан бири уларнинг бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ сўз туркумларини ясашидир. Инглиз тилидаги префикслар келиб чиқишига кўра — соф инглиз префикслари ва бошқа тиллардан кирган префиксларга бўлинади: а) *beatitude* — ҳузурланиш, мароқланиш; *behalf* — тамон, ном; *in my behalf* — номимдан каби сўзларни соф инглиз префикси ёрдамида ясалган сўзларга,

б) *acclaim* — гулдирос қарсақлар билан кутиб олиш, *accomplice* — шерик, бирга ҳаракат қилувчи, *circumscription* — чегаралаш, чегара, *extra-judicial* — норасмий, *illusion* — иллюзия, *intercourse* — алоқада бўлиш, муомала қилиш, *interdict* — ман қилмоқ, тўхтатмоқ, *postgraduate* — аспирант, *postponement* — кечиктириш, орқага суршиш, *preaudience* — бошқалардан аввал гапириш ҳуқуқи, *preson-*

tract — аввалдан тузилган контракт, **reaction** — реакция, қайта таъсир кўрсатиш, **reagent** — (хим) реактив, реагент, **recall** — қайта чақириб олиш, **semicircle** — ярим айлана, **semifinal** — ярим финал, **subsoil** пастки (тупроқ) қатлам, **superscription** — ёзув (тепасига ёзиб қўйиш) адрес, **supertax** — ошиқча қиримга қўйилган солиқ, **transformation** — трансформация, ўтиш, айланиш, **unicorn** — бир шоҳли каби сўзлар латин тилидан;

antibiotic — антибиотик, **antifascist** — антифашист, **autobiography** — автобиография, **autograph** — автограф, **diameter** — диаметр, **dialogue** — диалог, **epigram** — эпиграмма, **hierachy** — иерархия, **hyperbole** — гипербола, **hypothesis** — гипотеза, **monogram** — монограмма, **monograph** — монография, **parachronizm** — паракронизм, хронологик хато, **paragraph** — параграф, **polyglot** — полиглот, кўп тил билувчи, **polysemy** — кўп маънолилиқ, полисемия, **sympathy** — ёқтириш, тарафини олиш, **symphony** — симфония, **syncope** — синкопа, **syllogism** — силлогизм каби сўзлар грек тилидан олинган префикслар ёрдамида ясалган.

Бу сўзларда префикс тарзида берилган морфемаларнинг кўплари сўзнинг ўзагига қўшилиб, соддалашган (*fused*) сўзларни ясайди.

Ўқорида кўрсатилган префикслар воситасида ясалган сўзларга мисоллар:

They have advanced a number of **preconditions**.

And on the strength of peccadilloes, reprehensive in an author, but excusable in a song, the Anglo-Saxon race is accused of prudishness, humbug, **pretentiousness**, deceit, cunning, and bad cocking (*T. Hardy*).

With the exception of the tradesfolk, the **preachers**, and a few professional people, they were all directly in the employment of the Company. (*A. Cronin*). The photos themselves may not be bad, but the **reproductions** are so small that it is often difficult to see what they represent. It is not strange, then, that those who wrote of him should have eked out their scanty **recollections** with a lively fancy.

The last few years have witnessed rapid **extension** of the external economic ties between USSR and other countries.

The relations have now assumed the character of stable division of labour and **exchange** of produce

Despite obstinate denials from Lisbon, worldwide protest against the extermination of Mazambique's peaceful population by the colonialists is swelling.

As the doctor's wife lifted the corner from her special dish and cut into the juicy meat, her teeth watering in **expectation**, she explained (*A. Cronin*).

In a press interview while in Moscow last month Mantosh Sondhi emphasized that cooperation with Soviet Union was helping India to achieve self sufficiency.

There was a breathless **interlude**. (*A. Cronin*).

He hated **interference**. (*Ibid*).

And at the height of it, there was an *interruption* (*Ibid*).

In due course a legend arose of such *circumstantiality* that the wise historian would hesitate to attach it. (*The Moon and Sixpence*).

It so happens your Mr Cranston—I mean Herbert Cranston, who makes those marvellous little *automobiles*—came to me in American about a year back (*A. Cronin*). It is a riddle which shares with the *universe* of having no answer (T. Hardy).

Суффиксация (Suffixation). Сўз ясовчи аффиксал морфемаларни (суффиксларни) сўзинг охирига қўшиш воситасида янги сўзлар ясашни *суффиксация* дейилади.

Ҳозирги инглиз тилидаги суффикслар ҳам ё соф инглиз тилига онд (умумгерман тилларига онд суффикслар) ёки бошқа тиллардан олинган бўлиши мумкин. Маъносига кўра суффикслар ҳар хил семантик гуруҳларга бўлинади:

а) шахс оти, асбоб-ускуна номлари ва бошқа конкрет отлар ясовчи суффикслар: **-er, -or, -ier, -yer, -or, -eur**.

writer — ёзувчи, **follower** давом эттирувчи, эргашувчи **folder** — папка, скоросшиватель, **sailor** — сузувчи, денгизчи, **collier** — шахтёр, **lawyer** — юрист, **reflector** — рефлектор, **amateur** — ҳаваскор.

-ess: authoress — аёл автор, poetess — шоира
-ist (ast): pianist — пианист, Communist — коммунист, enthusiast — ташаббускор

-ite: graphite — графит

-ee: examinee — имтиҳон топширувчи; раёс — тўловчи

-ant: assistant — ёрдамчи, ассистент

-ian: **-an**: Estonian — эстониялик, эстон

-ine: heroine — қаҳрамон аёл

-ling: foundling — ташланди, топиб олинган

-le: handle — даста, соп

-oon: balloon — шар

Julia, though she was quite grey, was still the leading soprano in Adam and Eve's, and Kate, being too feeble to go about much, gave music lessons to the **beginners**, on the old square piano in the back room. (*J. Joyce*).

Indeed an experienced traveller, a brisk men of the world, had never come within such close range before (*Th. Dreiser*).

Here's the **breaker** of the circle (*P. Abrahams*).

He picked up his cases and walked to the little barrier (*P. Abrahams*).

Several **Governors** had made it their permanent abiding place during their terms of office. (*Th. Dreiser*).

One of them **Senator Brander**, was looked upon by the **proprietor** as more or less of a permanent guest because he was not only a resident of the city, but an other wise homeless **bachelor** (*Ibid*).

Gerhardt himself was melted at the thought of the generosity of the unknown **benefactor**, and was inclined to lay it all to the goodness at a great local mill owner, who knew him and wished him well (*Ibid*). ...two generations removed from the **emigrant** (*Th. Drei-*

ser) ...it was utilized by the inhabitants as a signal for shutting their shops (*T. Hardy*). Some of them respectable shopkeepers and their assistants, who had come out to a wheeff... (*Ibid*).

There she found other girls ahead of her applicants like herself... (*Th. Dreiser*). It was by one of these avenues that the pedestrians were about to enter (*Ibid*).

Soon he would be leaving their simple afrikans again. (*Th. Dreiser*).

They called themselves colored. Others preferred to be called Eurafricans. (*Ibid*).

They locked up the office, and the young man followed his companion throught the private little door which admitting directly into Henchard's garden, permitted a passage from the unilitarian to the beautiful at one step. I know what you politicians are (*Th. Dreiser*).

Though only a car-builder's apprentice, without any education except such as pertained to Lutheran doctrine, to which he objected very strongly, he was imbued with American color and energy. (*Th. Dreiser*).

Қиши номларини ясовчи суффиксларга ярим суффикс (semisuffix) деб юритилувчи **-man-monger**, **-wright** бирликларини ҳам киритиш мумкин, чунки улар қўшма сўзларнинг иккинчи компонентларидан кўра суффиксларга яқинроқдир.

-man: sportsman — спортчи, спортсмен, salesman — савдогар, businessman — корчалон

-monger: fishmonger — балиқ сотувчи, балиқфуруш

-wright: playwright — драматург, ёзувчи

Мисоллар:

Chicago! Chicago! called the brakeman, slamming open the door. (*Th. Dreiser*).

His measured, springless walk was the walk of the skilled countryman as distinct from the desultory shamble of the general labourer (*Hardy*).

Юқоридаги шахс оти ясовчи суффикслар ўзбек тилидаги шахс оти ясовчи суффиксларга мос келади: **-чи** (ишчи), **-дош** (синфдош), **-лик** (шаҳарлик), **-и** (қишлоқи), **-вул** (қоровул), **-бон**, **-вон** (боғбон), **-кор**, **-кар** (пахтакор), **-каш** (меҳнаткаш), **-паз** (ошпаз), **-дўз** (дўппидўз), **-соз** (соатсоз), **-хон** (китобхон), **-шунос** (тилшунос), **-воз** (беданавоз), **-хўр** (ошхўр).

Инглиз тилида инструмент, асбоб-ускуна ва бошқа конкрет отлар ясовчи суффикслар жуда оз, ўзбек тилида эса нисбатан кўпроқ.

Инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилганда аффиксли ясама сўзларни аффиксли сўзлар ёрдамида таржима қилиш шарт эмас. Масалан, аффикс ёрдамида ясалган ясама сўзларни ўзбек тилига содда (туб), ясама ва қўшма сўзлар воситасида таржима қилиш мумкин.

Абстракт отлар ясовчи суффикслар. Абстракт отлар ясовчи суффикслар инглиз тилида кенгроқ ривожланган. Бу суффикслар турли сўз туркумларидан янги сўзлар ясаydi. Масалан, **-ation**, **-tion**,

-ment суффиксларига феълдан от яшаш характерли бўлса, **-dom**, **-hood** каби суффикслар отлардан янги отлар ясайди.

Абстракт отлар ясовчи суффикслардан энг кенг тарқалганлари қуйидагилардир:

- al:** arrival — келиш
- ation:** translation — таржима, popularization — оммавийлаштириш
- tion:** attention — диққат, revolution — революция
- ance, ence:** abundance — мўллик, innocence — тозалик, бегуноҳлик
- age:** leakage — оқим,
- ry:** slavery — қуллик, machinery — машинасозлик
- ism:** patriotism — ватанпарварлик, Socialism — социализм,
- ness:** darkness — қоронғилик, brightness — ёруғлик
- ing:** running — югуриш.
- dom:** freedom — озодлик, wisdom — донишмандлик
- ment:** achievement — юксалиш, ютуқ
- hood:** neighbourhood — қўшнилик, қўшничилик, brotherhood — биродарлик
- ship:** friendship — дўстлик
- ty, -ity:** difficulty — қийинчилик, мушкул, immorality — абадийлик, ўлмаслик
- cy, -sy:** decency — фаросатлилиқ, ахлоқлилиқ
- th, -t:** health — куч, қувват, wealth — бойлик, gift — совға
- tude:** gratitude — миннатдорчилик

Sam asked her how the new arrival was (*P. Abrahams*). ...manners are calculated to elicit the admiration of susceptible young women — a «master» (*Th. Dreiser*). She was eighteen years of age, bright, timid and full of the illusions of ignorance and youth (*Th. Dreiser*). ...he would approach her with an air of kindly familiarity, not unmixed with pleading, which would result in most cases in tolerant acceptance (*Ibid*). ...whatever touch of regret at parting characterised her thoughts, it was certainly not for advantages now being given up (*Th. Dreiser*). ...except the most desperate, can find a harbourage (*Th. Dreiser*). Sometimes at night during the hard week he had wakened after a few hours sleep and dressed himself and gone out of the presbytery to cross to the new building (*H. MacLennan*). It was found to seem to the collective instinct of the parish a kind of robbery for a foreigner to take ever fond like that (*Ibid*). He passed through a pair of bronze doors, was saluted by the exsergeant of Coldstream Guards who stood there in livery (*Th. Dreiser*). ...the daring and magnetism of the individual born of past experiences and triumphs, prevailed (*Ibid*). There are large forces which allure with all the soulfulness of expression possible in the most cultured human (*Th. Dreiser*). ...the end of swotting and living in an atmosphere of learning and wisdom (*P. Abrahams*). I was nervous of the wisdom of his books (*P. Abrahams*). ...the threads which bound her so lightly to girlhood and home were irretrievably broken

(*Th. Dreiser*). The rest was a distant blur except for the big house on the hill overlooking their little township (*P. Abrahams*). Part of his greater perior attitude toward the priest was caused by her greater age (*H. Maclennan*). ...there is no possibility (*Th. Dreiser*). Perhaps the baseis of all conservatism was the tendency to identify the familiar with the excellent? (*H. Maclennan*).

Nude women gleamed from the mooth paper. (*Ibid*). They walked steadily east through air moist and mild with the first warmth of spring (*Ibid*).

Абстракт отлар ясовчи суффикслар ўзбек тили учун ҳам характерли бўлиб, инглиз тилидаги абстракт отларни улар воситасида таржима қилишимиз мумкин. Инглиз тилидаги суффиксларнинг ўзбек тилидаги тахминий эквивалентларига **-лик** (янгилик), **-чилик** (студентчилик), **-гарчилик** (исрофгарчилик), **-(и)ш** (ўқиш), **-ч**, **-инч** (қувонч, севинч), **-к** (истак) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Абстракт отлар ясовчи суффиксларнинг кўплари грек, латин, италян, француз ва бошқа тиллардан кириб келган интернационал суффикслар бўлиб, улар инглиз ва ўзбек тилида ҳам ўзича қабул қилинган. Бу суффикслар ҳар иккала тилда ҳам янги сўз ясаш учун ишлатилади. Аммо ўзбек тилидаги бу суффикслар асосан рус тили орқали қабул қилинган. Уларга қуйидагиларни киритамиз:

- ism** -изм: Communism коммунизм,
- ist** -ист: humorist юморист, Violonchellist виолончелист
- or** -ор: debtor дебитор, doctor доктор
- ation** -ация: agitation агитация, agglutination агглютинация
- er** -ер: reporter репортер
- oire** -уар: repertoire репертуар
- ance** -ансия: instance инстанция
- ant** -ент: assistant ассистент (фонетик вариация билан)
- logue** -лог: diallogue диалог
- ature** -атюра: miniature миниатюра

Кичрайтириш ва эркалатиш суффикслари. Бу суффикслар инглиз тилида кенг тарқалган эмас. Улар сон жиҳатдан оз, қўлланиш жиҳатидан чегараланган:

- ie, -y**: Archie (Archibald) Арчи, Willy (William) Уилли
- doggie (dog) кучук, кучукча
- ock**: hillock (hill) кичкина тепалик
- el**: cockerel (cock) хўрозча
- kin** -ен: lambkin (lamb) қўзичоқ, chicken—жўжа
- let**: ringlet узукча, brooklet — ариқча
- ling**: duckling (duck) ўрдакнинг боласи, ўрдакча
- ette**: pianette (piano) кичкина пианино

Бу суффикслар ўзбек тилидаги **-ча** (китобча), **-чак** (келинчак), **-чоқ** (қўзичоқ), **-лоқ** (бўталоқ) ва бошқа кичрайтириш суффиксларига ўхшаш суффикслардир.

Энди инглиз тилида кичрайтириш суффикслари воситасида ясалган отларга бадий адабиётлардан мисоллар келтирамиз:

He lassie was right to come away (*Voynich*). After all, if **Aunty** could be a body at a time like this, so could I (*Harber Lee*).

A strained cheerfulness hung over them as they talked about nothing that really mattered and emptied glass after of beer and ate cookie after cookie (*Th. Dreiser*).

And on either side of the line stretched greenish brown grass occasionally interrupted by a **hillock** or a valley, as far as the horizon where the pale blue sky curved toward the earth (*Peter Abrahams*).

So, I went to the **chapel**¹ and knelt in front of the black statue of St. Peter (*P. Abrahams*).

She would be the perfect comrade, the **maiden** undefiled and unafraid, of whom so many poets have dreamed. (*Voynich*).

Yes, this was also the end of Cape Town and its **bustling** and exciting stream of life (*Th. Dreiser*).

A **cigarette** would be a good thing (*P. Abrahams*). She was barren of the art of the **coquette**² (*Th. Dreiser*).

Ҳозирги замон инглиз тилида кичрайтириш ва эркалатиш суффикслари яхши ривожланмаганлиги учун бу тилда кичрайтириш ва эркалатиш маънолари кўпроқ лексик-семантик усул воситасида ифодаланади. Юқоридаги маъноларни ифодаловчи сўзларни бошқа сўзларга қўшиш бу тилда кенг тарқалган. Масалан:

Tell me the truth, please, **young lady** (*J. D. Salinger*).

Lau came in with a **little puppy** that he had found in the street (*Elisabeth Stuckley*).

Лексик усул билан кичрайтириш ва эркалатиш маъноларини ифодаловчи сўзларга **chap, child, girl, boy, baby, lark, filly, pup, pony, little, small** ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар киритилади.

Композиция (Composition). Икки ва ундан ортиқ ўзаклардан янги сўз ясалиши **композиция** дейилади. Композиция йўли билан қўшма от ясаш — отни от, сифат ва бошқа сўз туркумларига қўшиш натижасида от туркумига кирувчи янги сўзлар ясаш демакдир.

Қўшма отларнинг бошқа сўз туркумлари билан алоқаси. Қўшма отлар ҳар хил сўз туркумларининг бир-бири билан қўшилиши натижасида ясалади.

Қуйида қўшма отларни биринчи ёки иккинчи компонентларининг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра асосий турларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

1) от + от:

She gazed at the green **landscape**. (*Th. Dreiser*). Pillows, books, a **footstool**, the shade lowered (*Ibid*). He took out his pencil and a little pocket **note-book** as if it were all settled (*Ibid*). For away were indications of suburban towns, some big **smoke-stacks** towering high in the air (*Ibid*).

¹ Бу сўз латин тилидан француз тили орқали инглиз тилига ўтган.

² **Coquette** сўзида кичрайтириш суффикси **ette** сўзнинг ўзаги билан бирикиб кетган.

2) сифат + от:

It was filled with slips of paper, some mileage books, a role of greenbacks (*Th. Dreiser*). Virtually she walked the highway alone (*T. Hardy*).

Any trade doing here? He asked pragmatically, designating the village in his van by a ware of the broadsheet (*Ibid*). Why this a great public dinner of the gentlepeople... (*Ibid*). This was the highveld and he was back on it (*Th. Dreiser*).

3) сифатдош + от:

Down the aisle, toward the gate leading into the waiting-room and the street, stood Drouet (*Th. Dreiser*). The trusser and his family proceeded on their way and soon entered the Fair-field which showed standing-places and pens (*T. Hardy*).

The travellers returned into the High street, where there were timber houses with overhanging stories whose small-panned lattices were screened by dimity curtains on a drawing-string... (*Ibid*). The interior of the hotel dining room was spread out before her (*Ibid*).

4) феъл + от:

And their repeat from their old playground, the beautiful, rich food-giving cape valley (*P. Abrahams*).

His only chance would be to get on to the huge old Medici breakwater and walk along to the further end of it (*Voynich*).

A love-child setting himself up as a member of the family—it's quite time he did know what his mother was (*Ibid*). His mother's workbasket stood in a little cupboard (*Ibid*).

5) феъл + бошқа сўз туркумлари:

When they came back there would be another get-together (*P. Abrahams*). For a long time she looked into his eyes and there was something else beside the come-hither look in her own. (*Ibid*).

She wasn't tired but perhaps a cigarette and a little sit-down would bring them together (*Ibid*).

But I left ward for Earl to telegraph a description of him at all the resort hotels and stations whereabouts so that if he's anywhere around, they'll be on the lookout for him (*Th. Dreiser*).

6) от + сифатдош:

It is shut in by a square wall of trees, like a plant of garden ground by a box-edging (*T. Hardy*). There were houses of brick-nogging. (*Ibid*).

7) олош, равиш + от; равиш + равиш:

«Anyway, you are not going to be left alone»,—Riccardo answered dryly (*Voynich*). A half-caste writer called them marginal men; he was right (*P. Abrahams*). Just go downstairs now (*Voynich*).

The next five weeks were spent by Gemma and the Gadfly in a whirl of excitement and **overwork** which left them little time or energy, for thinking about their personal affairs (*Ibid*). «You needn't worry her about it **beforehand**», he said (*Ibid*).

There was an **under-handsomeness** in it, struggling to reveal itself through the provisional curves of immaturity (*T. Hardy*).

«Of course, my dear boy», James went on after a moment, «this is a distressing story **altogether**, and the best thing we can do is to hold our tongues about it (*Voynich*).

And **whenever** he began to feel more than usually depressed he would come in here after business hours and sit with her, generally in silence, watching her as she bent over her needlework or poured out tea (*Ibid*).

8) сон + от:

Your beer will be the worse for to-night's thunder I expect — **Game! Seven-and-sixpence** to me, old Isaac (*Ch. Dickens*).

Weeks might have passed before the final elusive **sixpence** had come this way by pennies and **ha'pennies** (*Allan Sillitoe*).

«Two bob. I can fetch it next week if I get **sixpence** more» (*Ibid*).

Юқорида қўшма отларнинг турли сўз туркумлари билан бўлган алоқасига кўра турларининг фақат айримларигина бериллади.

Қўшма отларнинг ясалиш усуллари (Ways of Compounding).

Қўшма отлар турли сўз ўзакларининг ўзаро бирикишидан ясалади. Мустақил сўзларнинг ўзаро бирикиши **синтактик бирикиш** дейилади. Ҳозирги инглиз тилида сўзларнинг бирикиш усуллари қуйидагилардир: нейтрал (ёки лексик) усул, морфологик (ёки морфемик) усул ва синтактик усул.

Қадимги инглиз тилида сўзлар бир-бири билан асосан икки хил усул ёрдамида — боғловчи морфемаларсиз (**sunscin** — қуёш нури) ва биринчи компонентнинг қаратқич келишиги формаси ёрдамида (**sunnandaeg** — якшанба, **landesmann** — ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ) бирикар эди.

Ҳозирги инглиз тилида эса шахс билдирувчи отлар келишик категориясига эга бўлмаганлиги ва қадимги инглиз тилидаги қаратқич келишиги формаси ўз маъносини йўқотганлиги сабабли, фақат боғловчигина морфема вазифасида қўшма сўзлар ясашга ёрдам беради. Боғловчи морфемалар ёрдамида қўшма сўзлар яшаш ҳозирги кунда деярли ўз маҳсулдорлигини йўқотган.

1. **Нейтрал бирикиш усули** (*Neutral way*). Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро боғловчисиз ёки бириктирувчи морфемаларсиз қўшилиши **нейтрал бирикиш** (*primary, neutral ёки juxtapositional compound*) **усули** дейилади. Бу усулни **лексик усул** дейиш ҳам мумкин. Масалан: **eyebrow** — қош, **fatherland** — она юрт, ота юрт,

landholder — ер эгаси, **landlady** меҳмонхона ёки шахсий уйларни арендага берувчи аёл, меҳмонхона бекаси.

Бу отлар ясалиш усулига кўра ўзбек тилидаги *асалари*, *кўзойнак*, *тошбақа* каби қўшма сўзларга ўхшашдир. Қўшма от яшанинг бу йўли ҳозирги замон инглиз тилида жуда кенг тарқалган:

...ever since Kate and Julia, after the death of their brother Pat, had left the house in Stoney Batter and taken Mary Jane, their only niece, to live with them in the dark, gaunt house on Usher's Island, the upper part of which they had rented from Mr. Fulham, the **corn-factor** on the ground floor (*J. Joyce*).

Lily the caretaker's daughter, did **housemaid's** work for them (*Ibid*).

English and Italians alike were being helplessly shovelled into the ranks as **Kanonenfutter: cannonfodder**, as the German generals candidly put it (*B. Shaw*).

Boy, I rang that **doorbell** fast when I got to old pincer's house (*J. D. Salinger*).

2. **Морфологик бирикиш усули** (Morphological way). Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг боғловчи морфемалар ёрдамида бирикиши **морфологик бирикиш усули** дейилади. Бу йўл билан ясалган отлар инглиз тилида унчалик кўп эмас. Бу отлар ўзбек тилидаги *ёши қари*, *кўз ёши*, *қўли эри*, *кунгабоқар*, *боғу бўстон* каби отларнинг ясалиш усулига ўхшайди. Масалан:

Anglo-Saxon — англо-саксон.

Anglo-American — англо-америка

crow'sfeet — ажин, crow's-nest — қарғанинг уяси

I have bought an **Anglo-Saxon** Dictionary. They were glad to see his **landsfolk**.

The week before that, somebody'd stolen my **camel's-hair coat** right out of my room, with my fur-lined gloves right in the pocket and all (*J. D. Salinger*).

camel's-hair каби мисолларда эгалик келишиги формасининг отга қўшилиб янги сўз яшаш ҳодисаси ҳам учрайди. Бу ҳодисани қадимги даврдаги сўз яшаш усулини *қайтатдан такрорланиши* дейиш мумкин. Масалан:

As soon as I got it, I turned around and started running down the other side of the hill, towards old **Spencer's house** (*J. D. Salinger*).

3. **Синтактик бирикиш усули** (Syntactic way). Отларнинг ёрдамчи сўзлар — предлог, боғловчи, юклама, артикль ва бошқалар иштирокида бирикиши **синтактик бирикиш усули** дейилади. Масалан: **hook-and-ladder** — ўт учирини машинаси, **man-of-war** — ҳарбий кема, **dog-in-a blanket** — пудингнинг бир тури, **mother-in-law** — қайнона, **bread-and-butter** — бутерброд, **forget-me-not** — бўтакўз.

...just as Mrs. Labouchere, born Henrietta Hodson, stood, very gracefully, for Dramatic Art, the **penny-an-hour** basis being none the

better for either (B. Shaw) «You're a real **Jack-of-all-trades**», she said (*Allan Sillitoe*).

«Aye», he answered, looking for the thimble, «and **master of none**» (*Ibid*).

He hardly knew what to say to her, though what could one ask one's **sister-in-law**. Except how your own brother was? (*Ibid*).

Қўшма отларнинг структураси (The Structure of Compound Nouns)

Инглиз тилидаги қўшма отлар компонентларини туб, ясама ва такрорланиб келиши ёки келмаслигига қараб **оддий** ва **ясама қўшма отларга** бўлинади.

1. **Оддий ёки туб ўзакли қўшма отлар** (Ordinary or Non derivational Compounds). Оддий қўшма отларнинг компонентлари туб сўзлардан ёки ўзак морфемалардан (root morphemes) иборат бўлади:

headache — бош оғриғи, **head dress** — бош кийим, **ox-fence** — ғов.

Though the busy **market-place**, amid the baskets and barrows of market day... (*J. K. Chesterton*).

...his dark hair was cropped so close as to look like a tight black **skull-cap** (*J. K. Chesterton*).

2. **Ясама қўшма отлар** (Derivational Compound Nouns). Ясама қўшма отларнинг компонентларидан бири ёки иккаласи ҳам ясама сўзлардан ташкил топган бўлади. Масалан:

shoe-maker — косиб, этикдўз

knife-grinder — пичоқ чархловчи

lazy-bones — дангаса

novel-writer — романист, роман ёзувчи

I had just been down with yellow fever alone in the outhouse of a wretched **half-caster** shanty, and the thing had given me the horror (*Voynich*).

If one of my **fellow-sightseers** of that morning were to come and talk to them about how irresistible they are when it comes to the bayonet... (*B. Shaw*). Lily, the **caretaker's** daughter... (*J. Joyce*).

Конверсия (Conversion) Бир сўз туркумидан иккинчи бир сўз туркумини аффиксларсиз яшаш **конверсия** дейилади. Конверсияда феъл негизи тўғридан тўғри от қўшимчаларини қабул қилиб, отларнинг парадигмасини тузиши ёки аксинча отлар ёки сифатлар феъл тарзида феъл категорияларидан замон, аспект, (3 нчи) шахс, перфект, нисбат ва бошқаларни кўрсатувчи суффиксларни қабул қилиб келиши мумкин. Масалан:

gas *n.* — газ

to gas *v.* — газ билан заҳарламоқ, газ билан тўлдирмоқ

game *n.* — ўйин, хурсандлик, кўнгил очиш,

to game *v.* — ўйнамоқ

market *n.* — бозор, савдо, нарх наво

to market *v.* — бозорга олиб келмоқ, бозор қилмоқ

marshal *n.* — маршал

to marshal *v.* — қатор тургизмоқ, сафга қўймоқ

medicine *n.* — дори, медицина

to medicine *v.* — дори бермоқ, даволамоқ

It was Robert Ackley, this guy that roomed right next to me. There was a shower right between every two rooms in our wing, and about eighty five times a day old Ackley barged in on me. ((*J. D. Galsworthy*)).

Stradlater kept whistling «Song of India» while he shaved. He had one of those very piercing whistles that are practically never in tune, and he always picked out some song that's hard to whistle even if you're a good whistler, like «Song of India» or «Slaughter on Tenth Avenue» (*Ibid*).

Конверсия ёрдамида фақат содда сўзларгина эмас, балки ясама ва қўшма сўзлар ҳам бир сўз туркумидан иккинчи сўз туркумига ўтиши мумкин. Масалан: **pamphleteer** *n.* — брошюралар автори; *v.* брошюралар ёзмоқ, **blue pencil** *n.* тахрир қилиш, *v.* қисқартирмоқ, тахрир қилмоқ, **blackguard** *n.* ярамас одам; *adj* ярамас, қабих, *v.* сўкинмоқ, **blackmail** *n.* фириб, фирибгар; *v.* фирибгарлик қилмоқ.

Red-eyed Sonny stood there — metamorphosed, waiting forever — among the broad leaves and shadows framed in my large white rotting casement. (*J. Hawkes*).

Конверсиянинг тўлиқ лексик характеристикаси лексикологиянинг ўрганиш объектига тааллуқли бўлгани сабабли юқорида конверсиянинг фақат айрим грамматик томонларигагина тўхтаб ўтилди.

СИФАТ (THE ADJECTIVE)

Предметнинг белги ёки хусусиятини билдирувчи сўзлар *сифат* дейилади. Сифат асосан отни аниқлаб келгани учун уни отнинг аниқловчилари туркумига кирувчи сўзларга қўшилади. Сифат ифодалаган белги ёки хусусият ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан: **red** — қизил, **sweet** — ширин, **big** — катта, **clever** — ақлли, **young** — ёш, **greedy** — очкўз, оч, нокас, **interesting** — қизиқ, **unning** — айёр ва бошқалар.

Юқоридаги сифатларнинг ҳаммаси предметнинг маълум белги ёки хусусиятини билдирса-да улар бир-биридан фарқ қилади.

Масалан: уларнинг айримлари предметнинг ранги ёки тусини аниқлатса, айримлари предметларни нимадан қилинганлигини кўрсатади.

10-§. Сифатнинг структурасига кўра турлари (Types of Adjectives according to their Structure)

Сифат структурасига кўра содда (*simple*), ясама (*derived, derivative*) ва қўшма (*compound*) бўлиши мумкин.

а) **содда сифатлар.** Туб морфемалардан иборат бўлган сифатлар *содда сифатлар* дейилади. Содда сифатлар ўзак ва сўз ясовчи аффиксларга бўлинмайди. Масалан: **big** — катта, **green** — яшил, **clever** — ақлли, **warm** — иссиқ, илиқ, **clean** — тоза, **dry** — қуруқ ва бошқалар. Агар содда сифатларга форма ясовчи морфемалар қўшилса ҳам уларнинг структураси соддалигича қолади:

long- узун — longer- узунроқ — longest- энг узун
big- катта — bigger- каттароқ — biggest- энг катта
deep- чуқур — deeper- чуқурроқ — deepest- энг чуқур

б) **ясама сифатлар.** Ясама сифатлар туб сифатларга сўз ясовчи аффикслар қўшилишидан ташкил топади. Масалан: **great- y — creamy, care- ful — careful, un- mind- ful — unmindful**

Сифат бир вақтнинг ўзида бир ўзак ва бир неча аффикслардан иборат бўлиши мумкин, аммо ўзак битта бўлганлиги сабабли у ясама ёки деривативлигича қолади. Умуман, сўз структураси сўздаги ўзакнинг ёки ўзак морфеманинг характерига қараб белгиланади.

в) **қўшма сифатлар (Compound Adjectives)**

Бу сифатлар ўз навбатида иккига бўлинади:

а) оддий қўшма сифатлар: **trouble-free, true-blue, true-bred, sea-born.**

б) қўшма ясама сифатлар: **blackguardly, black-hearted.**

Юқоридаги қўшма сифатларга турли предлог, боғловчи ва бошқа сўзлар воситасида ясалган сўзларни ҳам қўшиш мумкин: **coast-to-coast** — қирғоқдан-қирғоқча (жойни эгаллаган) **black-and-white television** — рангсиз (оддий) телевизор

11-§. Аслий ва нисбий сифатлар (Qualitative and Relative Adjectives)

Сифат англатган маъноси ва грамматик хусусиятига кўра аслий ва нисбий сифатларга бўлинади.

1. **Аслий сифатлар (Qualitative Adjectives)**

Аслий сифатлар предметнинг белги, ранги, туси, катта-кичиклиги, жисмоний ва рухий ҳолати ва бошқа хусусиятларини ўзга предметлар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри ифодалаб келади. Масалан: **little** — кичкина, **big** — катта, **large** — катта, **wide** — кенг, **young** — ёш, **long** — узун, **green** — яшил, **blue** — кўк.

2. **Нисбий сифатлар (Relative Adjectives)**

Предметнинг турли белгиларини, нарса, жой, вақт ва шу кабиларга бўлган алоқасини ифодалаб келувчи сифатлар *нисбий сифатлар* дейилади. Масалан: **eastern** — шарқий, **golden** — олтин, олтиндан қилинган, **wooden** — ёғоч, ёғочдан қилинган, **woolen** — жун, жундан тўқилган, **beggarly** — камбағал, қашшоқ, **bicentenary** — икки юз йиллик, **monthly** — ойлик, бир ойда бир марта чиқадиган, **revolutionary** — революцион.

Нисбий сифатлар асосан бошқа сўз туркумларидан ясалганлиги сабабли ҳам уларнинг қиёсий ва орттирма даража формалари йўқ; яъни уларга сифат даражалари формаларини ясовчи суффикслар қўшилмайди.

2 12-§. Сифат даражалари (Degrees of Comparison)

Сифат даражалари махсус морфемалар ёрдамида аслий сифатларнинг ўз морфемаларини ўзгартиришлари ёки синтактик йўл билан бошқа сўзларга бирикишлари натижасида аниқлаётган сўзларнинг белги ёки хусусиятларига кўра бир-бирига тенг, ортиқ ёки камроқлигини англатади.

Инглиз тилидаги сифат даражалари қуйидагилардир:

- а) оддий даража (Positive degree)
- б) қиёсий даража (Comparative degree)
- в) орттирма даража (Superlative degree)

Назарий грамматика сифат даражаларининг чоғиш тирма абсолют (comparative absolute), чоғиш тирма органик (comparative organic) ва бошқа турларини ҳам ўрганеди, ammo уларни норматив грамматикаларга киритмаслик ҳам мумкин.

Сифатнинг оддий даражаси предметларнинг белги ёки хусусиятларини, бошқа предметларнинг белги ёки хусусиятига солиштирмай ифодаловчи категориал формадир. Масалан: **long, dark, hot.**

Айрим грамматика китобларида бу форма сифат даражалари формаси сифатида берилмаслиги хатодир. Чунки сифатнинг оддий даража формаси бошқа формалар учун асосий бошланғич форма ҳисобланади, яъни оддий даража формасини билмай туриб қиёсий ва орттирма даража формалари ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Умуман, ҳамма категорияларда бошланғич форма ноль кўрсаткичли бўлганидек, оддий даража формаси ҳам ноль кўрсаткичли, яъни суффиксиз бўлади. Иккинчидан, оддий даража формалари икки ва ундан ортиқ предметларнинг белгиси ёки характериға кўра бир-бирлари билан қиёслашда хизмат қилиши мумкин. Сифатнинг оддий даражадаги формаларини бир-бири билан таққослаш тилшуносликда (equative) *экуатив* (тенг) *даража* ёки *экуатик чоғиштириши* дейилади.

Масалан: He is as tall as Bob (У Бобдек баланд).

Сифатнинг қиёсий даражаси бир предмет белги ёки хусусиятини иккинчи предмет белги ёки хусусиятидан ортиқроқ, юқорироқ ёки камроқ эканлигини кўрсатади.

Сифатнинг орттирма даражаси бир туркумдаги предметлар ичидан бир ёки бир нечасининг белги ёки хусусиятиға кўра, қолганларидан жуда ортиқ ёки (жуда) камлигини кўрсатади. Масалан: **shortest, longest, hottest.**

Ҳозирги инглиз тилида сифат даражалари асосан морфологик ва синтактик усул билан ясалади.

Қиёсий ва орттирма даража формаларини морфологик усул билан яшаш. Асосан бир ёки икки бўғинли ва баъзан кўп бўғинли сўзлар-

га **-er, -est** суффикслари қўшиш билан қиёсий ва орттирма даражаларнинг ясалишига *морфологик усул* дейилади.

Орттирма даража формаларидан олдин аниқ артикль ишлатилади.

Сифат даражалари суффиксларини қўшганда икки ҳолатни кўриш мумкин:

1. Сифат ўзагидаги ҳарф ёки товуш ўзгаришсиз қолади:

sweet — sweeter — sweetest
short — shorter — shortest

long — longer — longest
great — greater — greatest

2. Сифатнинг охиридаги товуш фонетик жиҳатдан ўзгаради:

а) ўзакдаги унлининг ўзгариб кетмаслиги учун сўз охиридаги ундош иккилантирилади:

hot — hotter — hottest
big — bigger — biggest

flat — flatter — flattest
glad — gladder — gladdest
sad — sadder — saddest

б) агар сўз **-y** ҳарфи билан тугаса, **-y** ҳарфи **-i** ҳарфига айланади:

dry — drier — driest
early — earlier — earliest
happy — happier — happiest
pretty — prettier — prettiest
lucky — luckier — luckiest
busy — busier — busiest

Аммо **-y** ҳарфидан аввал унли ҳарф келса, **-y** ўзгаришсиз қолади.

gay — gayer — gayest
grey — greyer — greyest

в) сўз **-e** ҳарфи билан тугаса, суффиксдаги **-e** тушиб **-r** ҳарфигина қўшилади. Масалан:

noble — nobler — noblest
simple — simpler — simplest
complete — completer — completest
concise — conciser — concisest
fine — finer — finest

Бир гуруҳ сифатларнинг даражалари супплетив усул билан, яъни ўзакдаги унлининг ўзгариши орқали ясалади. Масалан:

good — better — best
bad — worse — worst

Айрим сифатлар орттирма даражада икки формага эга бўлиб, улардан бири супплетив форма бўлиши мумкин. Масалан:

late — later, latter — latest, last
old — older, elder — oldest, eldest

Бу икки форма бир-биридан стилистик жиҳатдан фарқ қилиши мумкин. Масалан:

older — қарироқ, эскироқ, каттароқ

elder — каттароқ (ака-ука, опа-сингилга нисбатан)

Қуйида даражалари супплетив йўл билан ясаладиган, қиёсий ёки орттирма даражада икки формага эга бўладиган сифатлар берилди.

Positive	Comparative	Superlative
good	better	best
bad } ill }	worse	worst
little	{ less lesser	least
much } many }	more	most
near	nearer	{ nearest next
far	{ farther further	{ farthest furthest
old	{ older elder	{ oldest eldest
late	{ later latter	{ latest last
out	{ outer utter	{ outmost, outermost uttermost, utmost
up	upper	{ upmost uppermost
in	inner	{ inmost innermost

Ҳозирги инглиз тилида **in**, **up**, **out** сўзлари сифатларнинг оддий даражаси формасида кам ишлатилиб, улар ўрнида **-er** суффикс ёрдамида ясалган **inner**, **upper**, **outer** лар ишлатилади. Масалан: **in** сўзи сифат тарзида деярли ишлатилмайди. **In** сўзидан ясалган **inner** сифати оддий даража маъносини англатиб, ўзбек тилига *ички*, *ичкариги* деб таржима қилинади. **Inmost** ва **innermost** сифатларининг маъноси бир хил бўлиб, *энг ичкаридаги*, *энг ичкарига жойлашган* каби маъноларни англатади. **Up** сўзи сифат тарзида қўлланганда *юқорига борувчи*, *юқорилаб борувчи*, *марказга интилувчи* каби маъноларни билдиради. Масалан: **up train** марказга борувчи поезд. **Up** нинг **Upper** формаси эса маъносига кўра қиёслашни ёки оддий даража формасини англатиши мумкин. Масалан: **the Upper House** юқори палата (парламентда), **the upper servant** бошқаларга кўра юқорироқ турувчи хизматкор (саройда), **upper storey** юқори қават, юқоридаги қават. **Uppermost** эса орттирма даража формаси маъносини билдириб, *энг юқори*, *энг юқоридаги*, *олий* деган маънони анг-

латади. **Out, outer, outmost, outermost** сифатлари ҳам шу тарзда аниқланади. Масалан: **Out** — сиртқи, сиртдаги, ташқаридаги, четдаги, ғайри табиий; **out match** — четга ёки бошқа шахарга чиқиб ўйналган матч; **Out size** — бениҳоя катта размер; **outmost** — марказдан энг узоққа жойлашган, энг четдаги, энг узоқдаги ва ҳ. к. Сифат даражалари системасида **old** формасидан ясалган **older, elder, oldest, eldest** параллел формалар алоҳида ўринни эгаллайди, чунки улар маъносига кўра бир-биридан лексик-стилистик жиҳатдан фарқ қилади.

Older эскироқ, каттароқ ва **oldest** энг эски, энг катта, деган маъноларни англатиб, умумий қиёслаш учун ишлатилади. Масалан: *My brother is older than his sister.*

Elder ва **eldest** асосан қариндошлик муносабатларини билдириш учун ишлатилади:

my	}	elder	}	sister
your				brother
his				son
her				daughter
		eldest		aunt
				uncle

Elder от ўрнида ҳам ишлатилиб, *катта, ёши улур* деган маъноларни билдиради. Масалан: **elders** — қариялар, катталар, **the elder of the two** — икковидан каттаси, **the eldest of all** — ҳаммасидан каттаси, энг улуғи.

And yet as the young soldier moved unthinking about the apartment, the **elder** watched him, and would notice the movement of his strong young shoulders under the blue cloth, the bend of his neck (*D. H. Lawrence*).

Later ва **latter** формалари стилистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Масалан: **later** ва **latter** умумий қоида бўйича ишлатилса, **latter** ва **last** умумий қоидадан фарқ қилиб, кўп предметлар ўртасида тутган ўринни, яъни *бирин-кетин келганликни* билдиради. Масалан: **latter days** — кейинги кунлар, **the latter** — кейингиси, **last year** — ўтган йили, **the last student** — охириги студент, **the last day** — охириги кун, **the latest fashion** — энг охириги мода, **the latest news** — сўнгги ахборот, **the nearest village** — энг яқин қишлоқ.

The next day he called upon Carrie and she saw him in her chamber (*Th. Dreiser*). To be sure there was always the next station where one might descend and return (*Ibid*). During the last year or two the expenses of the family seemed a large thing (*Ibid*).

Сифат даражаларини синтактик усул билан ясаш. Сифатларга маълум ёрдамчи ёки бошқа, маънони кучайтирувчи мустақил сўзларни қўшиш билан сифат даражаларининг ясалиши *синтактик усул* дейилади.

Инглиз тилида ҳам ўзбек тилидагидек сифатларнинг оддий, қиёсий ва орттирма даражалари мавжуд.

1. **Оддий даража.** Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, сифатларнинг (асосий) формалари ҳам **as...as, not so...as, such as...** каби боғловчилар ёрдамида икки предметнинг белги ёки хусусиятини экватив чоригштириш учун ишлатилади. Масалан: *She is as clever as her brother.* У қиз акасидек ақлли.

Mendoza realized that she would be as good as her word (W. Caine).

«Here I am as right as the nail, Aunt Kate! Go up» (*J. Joyce*). «Can't you see that I'm as hoarse as a crow?», said Mr. D'Arcy roughly (*J. Joyce*). In spite of himself, he watched him, gave him sharp orders, tried to take up as much of his time as possible (*D. H. Lawrence*).

2. **Қиёсий ва орттирма даража.** Икки ва ундан ортиқ бўғинли сифатлар ҳамда бошқа тиллардан кириб келган айрим сифатларнинг қиёсий ва орттирма даража формалари отга қарашли белгининг ортиқроқ ва жуда ортиқлигини кўрсатувчи **more** ва **(the) most** сўзларини ва белгининг озроқ ёки пастроқлигини билдирувчи **less** ҳамда **(the) least** сўзларини сифатдан олдин келтириш, яъни синтактик усул билан ясалади. Айрим грамматика дарсликларида бу форма *аналитик форма* деб юритилади. Агар бу формани аналитик форма дейилса, унда **more, most + adjective** бирикмаси морфологик форма бўлиши керак. Масалан:

Positive	Comparative	Superlative
interesting difficult beautiful magnificent apprehensive aqueous	more interesting more difficult more beautiful more magnificent more apprehensive more aqueous	the most interesting the most difficult the most beautiful the most magnificent the most apprehensive the most aqueous

Perhaps the man was **the most handsome** for the deep lines in his face the irritable tension of his brow, which gave him the look of a man who fights with life (*D. H. Lawrence*). ...but Mr. Thackeray gave way, with **the most charming** bow, to me (*E. Lucas*). There is nothing **more beautiful** than gladiators, Mademoiselle will see» (*W. Caine*).

(the) most иштирокида орттирма даража ясалганда, морфологик ва синтактик усул ўртасида шундай тафовут борки, **most + adjectives** бирикмаси элятив маънода бўлиши мумкин. Яъни бошқа предметлар билан солиштирилганда предметнинг яккаю-ягоналигини ажратиб кўрсатилади.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, айрим авторлар ўз асарларида кўп бўғинли сифатларга **-er, est** суффиксларини қўшиб, улар олдидан **more, most** сўзларини ишлатишади. Бу ҳоллар кўпроқ стилистик мақсадда қўлланиши мумкин. Масалан:

That's my Mummy outside. She is beautiful. She is the most beautiful Mummy there ever was, but she won't be fended when she sees I've drawn her so plain (*R. Kipling*).

Кўрсатилган усуллардан ташқари айрим латин ва бошқа тиллардан кирган сўзларга хос бўлган учинчи синтактик усул ҳам мавжуд бўлиб, бунда *than* боғловчиси ўрнига *to* предлогидан фойдаланилади. Масалан: He is inferior to his friend John. У ўзининг ўртоғи Жонга нисбатан пастроқ (ўйинда, ақлда, амалда ва бошқалар). She is superior to her younger brother. У (қиз) ўзининг укасидан ақллироқ.

Аниқ артикльнинг сифат билан такрорланиб келиши воситасида ҳам қиёсий даражани кўрсатувчи модель яратилиши мумкин: *the... the... қанча... шунча...*

The more books you read the more new words you will come across. Қанча кўп китоб ўқисангиз, шунча кўп янги (нотаниш) сўзларни учратасиз. *The more the better* — Қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Бундай таққослаш равишлар учун кўпроқ характерлидир. Масалан: *The sooner the better* — Қанча тез бўлса, шунча яхши, *The less said the better* — Қанча оз гапирилса, шунча яхши.

13- §. Сифат маъноларини кучайтириш ва кучсизлантириш

Сифат даражалари англлатган маънони янада кучайтириш учун қиёсий ва орттирма даража формаларига *much, far, by far, still, even* каби сўзлар қўшилиши мумкин. Масалан:

much longer — анча узун,

much more difficult — анча қийин,

far cleverer — анча ақлли,

far more difficult — анча қийин, қийинроқ

still better анча яхши, яхшироқ

still more difficult — анча қийин, қийинроқ

even bigger — анча каттароқ, каттароқ

even more difficult — анча қийин, қийинроқ

by far the biggest — энг катта, жуда катта

by far the most difficult — жуда қийин, энг қийин

This is *by far the best*. Moscow is *far bigger* than Tashkent.

Well, we won't have *much more* of this weather, he said (*Th.*

Dreiser).

And then when it came to the time for me to leave Galway and come up to the convent he was *much worse* and I wouldn't be let see him, so I wrote him a letter (*I. Joyce*).

His pulse was *much better*, his respiration was normal and his humidity had sunk to three-thirty (*Frank Sullivan*). On the other hand, people of my own age are so *much older* than I am. (*Corey Ford*).

Possible сўзининг сифат даражаларидан кейин ишлатилиши маънони кучайтириши мумкин. Масалан:

the largest thing possible — энг катта нарса

the most beautiful thing possible — энг чиройли нарса

Сифат ифодалаган рангни кучайтириш учун **dark** (қорамтир) сифати ишлатилади. Масалан: **dark green** — тўқ яшил, **dark brown** — тўқ жигарранг, **dark red** — тўқ қизил.

Аксинча сифат ифодалаган рангни кучсизлантириш ҳам мумкин. Бунинг учун морфологик ва синтактик усулдан фойдаланилади. Морфологик усулда кучсизлантирилиши керак бўлган сифатга **-ish** суффикси қўшилади, синтактик усулда эса **pale** (оч, очранг), **light**, **white** (енгил, хийла) сифатларини кучсизлантирилиши керак бўлган сифатдан олдин келтирилади. Масалан: **red** қизил — **reddish** қизғин, оч қизил **green** яшил — **greenish** оч яшил, яшилсимон, **pale blue** кўкиш, кўкимтир, оч кўк.

On either hand, the valley, wide and shallow, glittered with heat; **dark green** patches of rye, **pale young** corn, fallow and meadow and black pine woods spread in a dull, hot diagram under a glistening sky. But right in front of the mountains ranged across, **pale blue** and very still, snow gleaming gently out of the deep atmosphere (D. H. Lawrence).

His fair eyebrows stood bushy over **light blue** eyes that were always flashing with cold fire (*Ibid*).

The burnished, **dark green** rye threw off a suffocating heat (*Ibid*). The Captain had **reddish brown**, stiff hair, that he wore short upon his skull (*Ibid*). The high colour of his cheeks pushed upwards even to his forehead, where it scattered itself in a few formless patches of **pale red** (J. Joyce). That the snowy peaks were radiant among the sky that the **white green** glaciator river twisted (W. Caine).

14- §. Сифатларнинг отлашиши (Substantivization — Субстантивация)

Сифат маъноларининг предметлашуви натижасида отлар туркумига ўтиши *сифатларнинг отлашиши*, яъни *субстантивация* дейилади. Отлашган сифатлар отлар каби сон ва келишик категорияларига эга бўлиб, уларнинг парадигматик формаларини олади.

Сифатлар тўла отлашиши учун қуйидаги хусусиятларга яъни:

- 1) кўплик категориясига эга бўлиши;
- 2) жонли предметларни билдирганда **-s** суффиксини олиши;
- 3) сифатлар томонидан аниқланиши;
- 4) гапда эга ёки тўлдирувчи вазифасида кела оладиган бўлиши

керак.

Ҳозирги инглиз тилида кўпгина морфологик категориал суффиксларнинг қисқариб кетганлиги ҳамда, сифатларнинг қадимги инглиз тилидаги грамматик категориялари йўқ бўлиб кетганлиги сабабли, сифатларнинг отлашиш процесси анча осонлашган.

Сифатларнинг отлашиши уларнинг отга хос белгиларни қабул қилишига ва гапдаги сўзлар билан бўлган дистрибуциясига қараб белгиланади.

Отлашган сифатлар структура ва маъносига кўра бир неча группаларга бўлинади. Отлашган сифатлар структурасига кўра отлашган туб сифатлар ва отлашган ясама сифатлар бўлиши мумкин.

1. **Отлашган туб сифатлар.** Бу отлар белги ва хусусиятни билдирувчи сифатлардан ясалади:

blind adj. кўр, **blind n.** парда, тўсқич; қоронғи қиладиган;
blunt adj. ўтмас, **blunt n.** ўтмас (калта) игна,
blue adj. кўк, ҳаворанг, **blue n.** кўк ранг бўёқ,
bitter adj. аччиқ, ачитадиған, **bitter n.** аччиқлик, аччиқ нарса,
black adj. қора, **black n.** қора ранг, қоралик, қора кийим, қора танли одам.

dark adj. қоронғи, қора, **dark n.** қоронғилик
dear adv. севимли, яхши кўрган **dear n.** севимли қиз, севикли, севгили.

grey adv. кулранг, оқиш, **grey n.** кулранг (ранг), кулранг костюм
brown adv. жигарранг, малла, **brown n.** жигарранг (ранг), бўёқ
red adv. қизил, **red n.** қизил ранг,
wild adv. ёввойи, **wild n.** чўл, тўқай ер,
white adv. оқ, **white n.** оқ ранг, оқлик, оқ бўёқ, оқ мато, газлама, оқ кўйлак, тухумнинг оқи, кўзнинг оқи

fat adj. семиз, ёғли, **fat n.** ёғ,
best adj. энг яхши, **best n.** энг яхши нарса, **Sunday best** энг яхши либос.

cold adj совуқ, **cold n** совуқ, шамоллаш

2. **Отлашган ясама сифатлар.** Бу сўзлар турли суффикслар ёрдамида сифат туркумига ўтган бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам сифат, ҳам от вазифасида келади. Масалан:

aboriginal adj. ерли, аборигенларга хос; *n.* ерли одам, абориген
absorbent adj. сўриб олувчи, сўрадиган; *n.* сўргич, сўрадиган нарса

academic adj. академияга, университетга оид; *n.* олим, академик

acting adj. вақтинча ёрдам бериб турган; *n.* ўйин (театрда)

beloved adj. севимли; *n.* севимли ёр

bimonthly adj. икки ойлик, икки ойда бир чиқадиган; *n.* икки ойлик журнал

dependent adj. қарам; *n.* қарам

demonstrative adj. кўрсатиш, кўрсатмали; *n.* кўрсатиш олмоши

designing adj. планлаштирувчи, лойиҳалаштирувчи; *n.* планлаштириш, лойиҳалаш

Айрим сифатлар отлашганда фақат маълум синтактик бирикмаларда, идиома ва фразеологияларда ишлатилиб мустақил сўз сифатида қўлланилмаслиги ҳам мумкин:

bad *adj.* ёмон;

n. to go the bad тўғри йўлдан адашмоқ

better *adj.* яхши, яхшироқ;

n. one's betters қўллаб - қўлтиқловчилари

Айрим сифатлар отлашганда фақат аниқ артикль билан ишлатилиб, кўпликда қўлланади:

dead ўлган, марҳум, ўлик: **the dead** ўликлар, ўлганлар

poor камбағал, қашшоқ; **the poor** камбағаллар, қашшоқлар

rich бой: **the rich** бойлар

brave қўрқмас, довиюрак; **the brave** мардлар, довиюраклар

young ёш; **the young** ёшлар,

old қари; **the old** қариялар

Worth millions this beauty, yet displaying itself for nothing to the just and the unjust, **the rich and the poor** (*B. Shaw*).

Агар бу отларнинг бирлик формасини кўрсатиш керак бўлса, улар отлар билан бирга ишлатилади. Масалан: **a young man, two poor ladies, a brave soldier etc.**

15-§. Отлашган сифатларнинг маъносига кўра турлари

Отлашган сифатлар англатган маъноларига кўра қуйидаги умумий группаларга бўлинади:

а) маълум бир белги, хусусиятни ёки умуман конкрет предметларни билдириб келувчи отлашган сифатлар:

bi-monthly — икки ойлик журнал **white** — оқ бўёқ, кўзнинг оқи

grey — кулранг костюм

blind — парда, тўсқич

He was afraid to look at the eyes. They were hideous now, **only the whites showing, and the blood running to them** (*D. H. Lawrence*):

б) маъхум тушунчаларни билдирувчи отлашган сифатлар:

boring — зериктириш

bitter — аччиқлик,

dark — қоронғилик

abstract — маъхум тушунча

в) шахсни, одамзодни умуман кўрсатиб келувчи отлашган сифатлар:

individual — шахс, индивидуум

dear — севикли ёр, дилбар, маҳ-

буба

beloved — сеvimли ёр, дилбар

academic — академик, олим

It was a crowd and a big, a busy, and a funny one of clearly differentiated **individuals** (*W. Caine*).

Individual after **individual** passed him, nearly all well dressed almost all indifferent (*Th. Dreiser*). A little strip of sunshine run along the breast from a chink between the legs. **The orderly** sat by it for a few moments (*D. H. Lawrence*).

г) маълум миллат, давлат, континент, партия, оқим ва шу кабиларнинг вакилларини кўрсатиб келувчи отлашган сифатлар:

Canadian(s) — канадалик(лар) **Native(s)** — ерли(лар), маҳаллий
American(s) — америкали(лар) кадр(лар)
Conservative(s) — консерватор(лар) **Asiatic(s)** — осиели(лар)
Liberal(s) — либерал(лар)

The polits' federation has given notice to the Algerian Govern-
ment that it will go on to seek world wide refusal of the carriage
of Algerian **nationals** if its first measures do not adequately encour-
age the release of the EI AL crew (*Morning Star*).

The Egyptians were an ancient race of **Caucasians** residing in one
of the northern sections of Africa. The latter as we all know is the
largest continent in the Eastern Hemisphere (*J. D. Salinger*).

д) **-sh, -ish, -ch, -tch**, ҳарфлари ёки суффикслари билан туга-
ган, отлашган сифатлар ҳам маълум миллатга мансубликни билди-
риб келади:

the English — инглизлар, англияликлар
the Irish — ирландлар, ирландияликлар
the French — французлар, францияликлар

Бу сўзларнинг бирлиги бирлик сондаги отни қўйиш билан яса-
лади. Масалан: **An Englishman, A Frenchman**

е) **-ss, -ese** суффикси билан тугаган сўзлар ҳам бирор миллат-
га мансубликни кўрсатиб келиши мумкин. Чунки бу сифатлар
шу суффикслар ёрдамида давлат ёки маълум жойни билдирувчи
сўзлардан ясалган.

the Japanese — японлар, япониялилар
the Sudanese — суданлар, суданлилар
the Swiss — швейцарлар, швейцариялилар
the Vietnamese — вьетнамлар, вьетнамлилар

Бу сифатлар атоқли от — географик номлардан ясалганлиги учун
бош ҳарф билан ёзилади.

the Chinese, the Vietnamese туркумидаги сифатлар фақат мил-
лат ёки давлат вакиллариинигина эмас, балки уларнинг тилларини
ҳам билдириши мумкин. Масалан:

Chinese — хитой тили
Japanese — япон тили

ж) отлашган сифатлар жамловчи предметларни ҳам ифодалашни
мумкин:

drinkables — ичимлик(лар) **greens** — кўкатлар, майсалар
eatables — ейладиган нарсалар, **sweets** — конфетлар, ширинлик-
еса бўладиган нарсалар лар
goods — товарлар, нарсалар **vegetables** — сабзавот

Бу отлар фақат кўplik формадагина ишлатилиб, **plurilia tantum**
группасидаги отларга киради.

э) айрим грамматик, юридик ва бошқа соҳадаги терминлар аниқланмиши тушиб қолиши натижасида баъзан отлашиши мумкин.
passive (passive voice), the accused (the accused man), past (past tense) etc.

16- §. Сифатнинг гапдаги вазифаси

Сифат гапда асосан аниқловчи ёки қўшма кесимнинг предикатив қисми бўлиб келиб, куйидаги вазифаларни бажаради:

а) препозитив аниқловчи вазифасида:

He had **strong, heavy** limbs, was swarthy, with a **soft, black, young** moustaches (*D. H. Lawrence*). The **painful** ache in his chest, the dryness of his throat, the **awful steady** feeling of misery made his eyes come awake and dreary at once (*Ibid*).

б) пост-позитив аниқловчилар вазифасида:

The officer, **pale and heavy**, sat at the table (*D. H. Lawrence*). The Captain looked at the patch of **light blue** and **scarlet** and dark head, scattered closely on the hill side (*Ibid*).

в) предикатив вазифасида:

The morning was still **dark** (*J. Joyce*). Still when he thought of the kicks, he went **sick**, and when he thought of the threat of more kicking, in the room afterwards, his heart went **hot and faint**, and he panted, remembering the one that had come (*D. H. Lawrence*).

17- §. Сифат воситасида ясаладиган бирикмалар

Сифатларнинг синтактик хусусиятларидан бири уларнинг турли сўз туркумлари билан бирикиши ва уларни аниқлаб келишидир.

1. Сифатлар отлар билан бирикиб, уларни ё препозитив, ё пост-позитив тарзда аниқлаб келади: **clever boy, interesting books, fresh air, secretary general, court martial**;

2. Сифатлар отлар билан предлоглар воситасида бирикиши мумкин: **free of tax, true to life, red with anger**;

3. Сифатлар баъзи равишлар билан бирикиб келганда равишлар уларнинг маъносини кучайтиради: **very nice, awfully sorry**;

Маънони кучайтириш учун равишлар икки ва ундан ортиқроқ қайтарилиб келиши ҳам мумкин. Масалан:

O, that this too, too solid flesh would melt

Thaw, and resolve itself into a dew!

4. Сифатлар феълнинг турли формалари билан бирикиб келиши мумкин: **true hearted, to look blue, to see red, a black born fool**.

18- §. Сифат ясаш (Adjective Formation)

Сифатлар ҳам отлар каби турли усуллар воситасида ясалади. Девризация ва композиция усуллари ёрдамида сифат ясаш кўп тарқалган усуллардан ҳисобланади.

Деривация усули билан сифат яшаш (Adjective Formation by Means of Derivation). Аффиксал морфемалар (префикс ва суффикслар) ёрдамида сифатлар яшаш *деривация усули* дейилади. Инглиз тилидаги ясама сифатлар бирламчи ва иккиламчи деривация ёрдамида ясалиши мумкин.

Аффиксларни тўғридан-тўғри сўз ўзагига қўшиш билан янги сўз яшаш *бирламчи деривация* (Primary Derivation) дейилади. Масалан:

wood-ёғоч — wooden-ёғочдан ясалган

day-кун — daily-ҳар кунги, ҳар кунда чиқадиган

damp-намлик, захлик — dampy-зах, нам — dampish сал зах, намроқ

ice-муз — icy музлаган, муздек

Аффикслар ёрдамида ясалган негизларга яна аффикслар қўшиб янги сўзлар яшаш *иккиламчи деривация* (Secondary Derivation) дейилади. Масалан: **lucky** — бахтли, (**luck** бахт + **y** суффикс), **unlucky** — бахтсиз, (**un** + **luck** + **y**); **manly** ботирларча, қўрқмасдан (**man** эркак киши), **unmanly** номардларча (**un** + **man** + **ly**).

Префикслар воситасида сифат яшаш префиксация (Prefixation) 1) **un-**: **unacceptable** — қабул қилиб бўлмайдиган, **unable** — ҳеч нарсага яроқсиз, уддасиз, **unaccustomed** — ўрганмаган, одатланмаган, **uncertain** — номаълум, иккиланган, нотаниш, **undone** — қилинмаган, бажарилмаган.

All the **unhealthy** fancies born of loneliness and sick-room watching had passed away, and the doubts against which he used to play had gone without the need of exorcism (*Voynich*).

His mind at this period was curiously **uncritical** (*Ibid*). Slowly and gravely she completed the **unfinished** motto: «Now and forever» (*Ibid*).

I have met priests who were out in China with him; and they had no words high enough to praise his energy and courage under all hardships and his **unfailing** devotion (*Ibid*).

Father, the man against whom I have thought an **unchristian** thought is one whom I am especially bound to love and honour (*Ibid*).

2) **pre-**: **prehistoric** — маълум бир тарихий даврдан аввал, **prehuman** — дунёга одамзоддан аввал келган, **prepositional** — предлогга оид, предлогли, **prewar** — урушдан аввалги.

I make a **precipitous** dash, race along the platform like the wild ass of the desert, jump at a morning footboard, and am pushed and pulled and hustled into pandemonium (*B. Shaw*).

«There are **preliminary** difficulties», replied Fisher (*J. K. Chesterton*).

3) **extra-**: **extraordinary** — ғайри табиий, одатдагидан бошқача, **extraviolet** — ультра бинафша, **extractive** — ажратиб олинадиган, ажратилмаган.

For a long time no critic has enjoyed in France a move incontestable authority, and it was impossible not to be impressed by the claims he made; they seemed **extravagant**.

I feel it to be my duty — my painful duty — to speak very seriously to you about your **extraordinary** behaviour in connecting yourself with a-law-breakers and incendiaries and a-persons of disreputable character (*Voynich*).

4) **post-**: **postgraduate** университетни тугатган (аспирант), **posthumous** ўлгандан кейинги (босилган асар), **postscript** муқаддима.
I like to read **postwar** novels.

5) **il-, in, im-, -ir**

illegal нолегал, яширин, ошкор қилинмаган

illogical мантиқсиз, логикага хилоф

immaculate тоза, мусаффо, биров тегмаган

immortal ўлмас, доимий

inaccurate ноаниқ, нотўғри

inartificial ясама эмас, табиий, асл

irradiant ялтираган, нур сочиб турувчи

irrational рационал эмас, ақлсиз, ақли заиф

irregular нотўғри, қондани бузувчи, нотўғри

The catalogue is **imperfect**; many of the best books have been added to the collection lately (*Voynich*). He was fast asleep when a sharp, **impatient** knock came at his door (*Ibid*).

Only a mirage of shimmering water to all the ships at sea, only the thick black spice of night and the **irregular** whispering of an **invisible** shore... (*J. Hawkes*).

Because I had considered champagne **indispensable** (*Ibid*).

Enclosed in the letter was a short note scrawled in Gemma's childish, **irregular** handwriting, begging him to come if possible, «as I want to talk to you about something» (*Voynich*). I'm quite **illiterate**, but I read a lot (*J. D. Salinger*).

Arthur spoke in a strange, **indistinct** voice, with a confused and rambling manner (*Ibid*).

Spearheading reaction's **antigovernmental** assault lately are again the bosses of the lorry owner's association who had last October waged a protracted struggle against the Popular Unity bloc (*New Times*).

Суффикслар воситасида сифат яшаш

(Суффиксация — Suffixation)

-able, -ible: **understandable** — тушунарли, тушуниб бўладиган

readable — яхши ёзилган, ўқиса бўладиган

eatable — еб бўладиган, еса бўладиган

invisible — кўринмас

accessible — етса, олса бўладиган, етиб бўладиган

admissible — қабул қилса бўладиган, қониқтирарли

apprehensible — тушунарли, аниқ, тушунса бўладиган

responsible — жавобгар, жавоб берувчи

I couldn't stop in that **miserable** house after mother died (*Voynich*). Arthur was very young and inexperienced; his decision could hardly be, as yet, **irrevocable** (*Ibid*). Do you mean, then, that this thing — this — feeling is quite **irrevocable**? (*Ibid*). Arthur murmured the first commonplace that he could think of at that moment, and relapsed into **uncomfortable** silence (*Ibid*). A chill, indefinable sense of something not quite the same as it had been, of an **invisible** veil falling between himself and Arthur kept him silent, until, on the last evening of their holiday, he realized suddenly that he must speak now, if he would speak at all (*Voynich*). When he accepted a moral ideal he swallowed it without stopping to think whether it was quite **digestible** (*Ibid*).

-al: **examinationa**l — имтиҳонга оид, имтиҳон
etymological — этимологияга оид, этимологик
aboriginal — ерли, ўтпор, аборигенларга оид

In the **ter** void and absence of all **external** impressions, he gradually lost the consciousness of time (*Voynich*).

Arthur spoke in a hard, sullen voice, quite different from his **natural** tone (*Ibid*).

He clambered up the side of a huge black monster, swearing under his breath at the clumsiness of the landsman, though Arthur's **natural** agility rendered him less awkward than most people would have been in his place (*Ibid*).

Others were **Constitutional** Monarchists and Liberals of various shades (*Ibid*).

-ant: **aberrant** — адашган, нормадан, марказдан четланган
abundant — мул, етарли, серҳосил
appendant — қарашли, бирор нарсага тегишли, бириктирилган
arrogant — кеккайган, гердайган

They had been fortunate as to weather they had made several very **pleasant** excursions; but the first charm was gone out of their enjoyment (*Voynich*).

Arthur's visits now caused him more distress than pleasure so trying was the **constant** effort to appear at ease and to behave as if nothing were altered (*Ibid*).

Is it anything **important**? I have an engagement for this evening (*Ibid*).

-ate: **accurate** — аниқ, тўғри, ҳар тарафлама ўйланган
acuminate — учли, учи ингичка, ўткир
adequate — адекват, талабга жавоб берувчи, етарли
affectionate — севимли, дилбар, севувчи, севадиган

From the long eyebrows and sensitive mouth to the small hands and feet, everything about him was too much chiselled, **overdelicate** (*Voynich*). They all loved Arthur for his own sake and his mother's,

and crowded round him, kissing his hands and dress with **passionate** grief (*Ibid*). I may as well tell you that evidence has come into our hands proving your connection with this society to be much more **intimate** than is implied by the mere reading of forbidden literature (*Ibid*).

-ar, -(i)ar: alveolar альвеола, альвеолага тегишли
angular бурчакли, ткир бурчакли, ўткир учли
familiar яқин, яқин таниш, яхши таниш
regular тўғри, доимий, навбатдаги

...and the bottles were lined up white and rattling in the widow's **rectangular** snowy refrigerator (*J. Hawkes*).

-ary: alimentary — ошқозонга оид, сингдиришга оид, яхши ҳазм бўладиган
axillary — қўлтиққа оид, қўлтиқники

After two or three questions, to which he got no answer but, «Talking is forbidden, Arthur resigned himself to the inevitable and followed the soldier through a labyrinth of courtyards, corridors, and stairs, all more or less musty — smelling, into a large, light room in which three persons in **military** uniform sat at a long table covered with green baize and littered with papers chatting in a languid, desultory way (*Voynich*).

They put on a stiff, business air as he came in, and the oldest of them, a foppish looking man with grey whiskers and a colonel's uniform, pointed to a chair on the other side of the table and began the **preliminary** interrogation (*Ibid*).

-(e)d: accepted ҳаммага маълум, умумий қабул қилинган
accredited — умумий қабул қилинган
aged — қариб қолган, ёшини яшаб, ошини ошаб қолган
armed — қуролланган, пишиқ
candied — айёр, муғамбир

But the town looks so stiff and tidy, somehow — so Protestant; it has a **self-satisfied** air (*Ibid*).

Close beside them grew a rose bush covered with scarlet hips; one or two **belated** clusters of creamy blossom still hung from an upper branch, swaying mournfully and heave with raindrops (*Ibid*).

As he mounted the stone steps leading to the street, a girl in a cotton dress and straw hat ran up to him with **outstretched** hands (*Ibid*).

-en: beaten — урилган, майдаланган, янчилган
wooden — ёғочдан қилинган, ёғоч
woolen — жундан қилинган, жун
silken — шойидан қилинган, шойи

All the life and expression had gone out of his face; it was like a **waxen** mash (*Voynich*).

But she might be very miserable, she was so young, so friendless, so utterly alone among all those **wooden** people (*Ibid*).

-ent: absorbent — сўриб олувчи, шимиб олувчи
abhorrent — жирканч, жирканчли
abstinent — нормал, бир меъёрда
abherent — ёпишқоқ, ёпишувчан, илашувчан

It's a perfectly **magnificent** face (*Voynich*).

«Kindly, explain to me», said Mr. Burton, approaching the officer of gendarmerie what is the meaning of this **violent** intrusion into a private house? (*Ibid*).

«I presume», replied the officer softly, «that you will recognize this as a **sufficient** explanation, the English Ambassador certainly will». (*Ibid*).

-esque: Byzantinesque — Византияча (стиль)
picturesque — аниқ, раван, тиниқ, тасвирий, расмдагидан

He's pretty enough, but olive colouring is beautiful, but he's not half so **picturesque** as his father (*Voynich*).

-ful: all-powerful — ҳар нарса қўлидан келадиган, уддабуррон
bashful — уятчанг
careful — ғамхўр, серҳаракат
delightful — мафтун қилувчи, жозибали, жуда яхши
fearful — қўрқинчли, ваҳимали

I don't ask you to make any promises to me; I only ask you to remem' er this, and to be **careful** (*Voynich*).

Montanelli sat playing with the child, stroking her hair, admiring her darling tortoise, and telling her **wonderful** stories (*Ibid*).

It's only her **spiteful** tongue; and if you want help,— cash, or anything,— let me know, will you? (*Ibid*).

He went into the alcove, and kneeling down, kissed the feet and pedestal of the crucifix whispering softly: «Lord, keep me **faithful** into death (*Ibid*).

On the staircase the Italian servants were waiting anxious and **sorrowful** (*Ibid*).

-ian: agrarian — аграр, ёввойи ҳолда ўсувчи (дарахт)
Alsatian — Эльзасга оид
Athenian — Афинага оид, Афинаники
Canadian — Канадага оид.

It was just a year since her death, and the **Italian** servants had not forgotten her (*Voynich*). Her **Italian** schoolmates called her Gemma (*Ibid*).

-ic: Demosthenic — делеосфенит, ширинсўз, сўзга уста
acetic — сиркага оид, сирка солинган
acrobatic — акробатик, акробатикага оид
archaic — архаик, эскирган.

I sat beside that youth at dinner, he was just as **ecstatic** over the roast fowl as over those grubby little weeds (*Voynich*).

It would be cruel, he thought, to spoil the first delights of Alpine scenery for a nature so **artistic** as Arthur's by associating them with a conversation which must necessarily be painful (*Ibid*).

Wasn't she the most perfectly **angelic** woman you ever saw? (*Ibid*).

-ing: absorbing — шимиб олувчи, ўзига ютиб олувчи
amazing — қизиқ, ажойиб, ҳайратда қолдирувчи

But at the first sight of the **glaring** white streets and dusty, tourist-crammed promenades, a little frown appeared on Arthur's face (*Voynich*). They spent the afternoon drifting about in a little **sailing** boat (*Ibid*): The word was uttered in a hasty whisper that seemed to deepen the **ensuing** silence (*Ibid*). The **blossoming** time of their hope was come, and the Padre would see it and believe. (*Ibid*).

-ish: **aguish** — титроқ
babyish — болаларча, болаларга хос
wolfish — бўриларга хос
womanish — хотинларга ўхшаш, аёлларга хос.

They did not even pretend to like the lad, and their generosity towards him showed itself chiefly in providing him with **lavish** supplies of pocket money and following him to go his own way (*Voynich*).

«Jim was a **childish** corruption of her curious name Jennifer (*Ibid*). He opened the door, and Arthur followed him into the room with a **foolish**, secret sense of resentment (*Ibid*).

-ite: **opposite** — қарама-қарши, қаршидаги

But I know Canon Montanelli takes a great interest in you, and I fancy he is a little anxious on your behalf — just as I should be if I were leaving a **favourite** pupil and I would like to know you were under the spiritual guidance of his colleague (*Voynich*).

-ive: **demonstrative** — кўрсатмали, кўриш учун қўйилган
absorbitive — шимиб олувчи, ўзига ютиб олувчи
adoptive — қабул қилинган, асраб фарзанд қилиб олинган

Arthur was peculiarly **sensitive** to the influence of scenery, and the first waterfall that they passed threw him into an ecstasy which was delightful to see (*Voynich*).

He followed Enrico to the **massive** gate; and, without a word of farewell descended to the water's edge, where a ferryman was, waiting to take him across the boat (*Ibid*).

-less: **airless** — ҳавосиз, ҳавоси чиқарилган
artless — содда, мўғамбир эмас, санъатсиз
baseless — асоссиз, маъносиз
careless — ғамсиз, беғам, енгил табиат
cashless — ёнида пули йўқ, пулсиз
causeless — сабабсиз, асоссиз

But she might be very miserable; she was so young, so friendless, so utterly alone among all those wooden people (*Voynich*). The expression of his face was so unutterably hopeless and weary that father Cardi broke off suddenly (*Ibid*). In any case the truth will be sure to come out, and you will find it useless to screen yourself behind evasion and denials (*Ibid*). A blind, senseless, wild-beast fury was beginning to stir within him like alive thing (*Ibid*).

-like: manlike — эркакча, эркакларча
childlike — болаларга хос, бегуноҳ, самимий
homelike — оилавий, дўстларча

...he was struck, as he had not been earlier, by the anaesthetized rather than god-like detachment of the ceremonious pursuers and the mythical beast they pursued... (*F. Buechner*). ...and kissed each other, cosy and intimate and unwarlike (*B. Shaw*).

-ly: beggarly — камбағал, қашноқ, ачинарли
wobbly — шилқиллаган, қийшайган, тек турмас
womanly — аёлларга хос, аёллардек
Hasn't she lovely eyes (*Voynich*)? Let's us walk on a bit, Cesare; it is chilly for standing (*Ibid*).

-ory: admonitory — хабар берувчи, огоҳлантирадиган
advisory — консултантив, битишувчи, маслаҳатли
benedictory — эҳсоний, эҳсон қилувчи, хайрли

After some desultory conversation, the Director inquired how long he had known Montanelli (*Voynich*). I hope you are quite well and have made satisfactory progress at college (*Ibid*). I warn you that, unless you are prepared to furnish me with a satisfactory explanation, I shall feel bound to complain to the English Ambassador (*Ibid*).

-ous: abstemious — сабрли, қаноатли
acetous — сирка солинган, нордон
acidulous — нордон, нордон тамли
advantageous — фойдали, қулай, ўнгидан келган

«It — it was n—not a r—regular meeting», he said with a nervous little stammer (*Voynich*). He would immediatly attribute it to religious or racial prejudice; and the Burtons prided themselves on their enlightened tolerance (*Ibid*). Surely there was still time to win him back by gentle persuasion and reasoning from the dangerous path upon which he had barely entered (*Ibid*).

-some: delightful — жуда яхши, ажойиб
handsome — чиройли, келишган
troublesome — зериктирувчи, ҳалақит берувчи
tiresome — хира, жонга тегадиган

They had been hearing Montanelli preach in the Cathedral; and the great building had been so throughed with eager listeners that

Martini, fearing a return of Gemma's **troublesome** headaches. (*Voynich*).

A sort of professional dealer in sharp speeches, that goes about the world with a lackadaisical manner and a **handsome** ballet-girl dangling on to his coat-tails. (*Ibid*).

She was certainly **handsome** enough, as Martini had said, with a vivid, animal, unintelligent beauty: (*Ibid*).

-у: airy — ҳавога оид, ҳаво тўлдирилган, енгил, енгил табиат
argowy — ўқсимон, ўққа ўхшаш
baggy — қопдек, қопдек кенг (либос) осилган
balmy — яхши ҳидли, ҳиди муаттар
beady — кичкина, майда, ялтироқ
chalky — бўрдан, оҳадан қилинган
woolly — жундан қилинган, тўқилган, жунли

They went out into the still, **shadowy** cloister garden (*Voynich*). The **dreamy**, mystical eyes, deep blue under black lashes were an inheritance from his Cornish mother, and Montanelli turned his head away, that he might not see them (*Ibid*). «I can't help it». There was a **weary** sound in Arthur's voice and the Padre noticed them at once (*Ibid*).

It was as though he had stepped unwittingly on to **holy** ground (*Ibid*). Montanelli turned away and stared into the **dusky** gloom of the magnolia branches (*Ibid*).

Қўриб чиқилган префикс ва суффикслар сифат ясовчи аффиксал морфемаларнинг ҳаммаси эмас, албатта. Бу рўйхатни яна **ine** (*adamantine* — олмооссимон, олмоосдек қаттиқ, *Alphine* — Альп тоғига оид, *amaranthine* — сўлимайдиган, қуримайдиган) ва бошқа шунга ўхшаш суффикслар билан давом эттириш мумкин.

Қўшма сифатлар (Compound Adjectives). Қўшма сифатлар ҳам қўшма отлар сингари икки ёки ундан ортиқ сўз ўзагининг ўзаро қўшилишидан ясалади.

Қўшма сифатларнинг сўз туркумлари билан алоқаси қуйидагича:

1) сифат + сифат

ivory-white — жуда оқ, фил суягидек оппоқ

deep-brown — тўқ жигарранг

dark-red — қоп-қора

Josephine thought of her **dark-red** slippers... (*K. Mansfield*).

2) сифат + от

high-brow — кеккайган, ўзини катта тутадиган

high-grade — юқори навли, юқори сортли

left-hand — чап қўл, чап қўлдаги

high-speed — тез юрар

3) от + от

cock-eye — филий

kid-glove — юмшоқ

hair-trigger — тез, жиззаки

hush-hush — махфий, яширин

Saved me too from our acrobatic Pixie who at lunchtime added smears little **doll-finger** tracks... (*J. Hawkes*).

4) от + содда ва ясама сифат

cock-sure — қаттиқ ишонган, ўзига ишонган

life-long — абадий, ҳаётий, бир умр

bat-blind — ҳеч кўрмайдиган, кўринмас

battle-grey — кун тўсувчи

sky-blue — ҳаворанг,

paper-thick — қороздек юпқа

A few of us, a few good men with soft reproachful eyes, a few **honor-bright** men of imagination. (*J. Hawkes*). At least I thought so when at last I awoke to the desert sunburst and a giant sea — green grandfather... (*Ibid*).

5) от + ясама сифат

air-conditioned — кондицион ҳаволи

armour-plated — бронировка қилинган

muddle-headed — зеҳни паст, кам ақл, зеҳнсиз

rose-coloured — қизил гул рангли, қизил, қирмизи

head-achy — бош оғриғи, бошни оғритувчи

I felt the child's tiny knee in my **grain-determined** and unner-ring step... (*J. Hawkes*)

6) сифат + ясама сифат

high-handed — мустақил, кучли

bald-headed — сочсиз, кал, сочи йўқ

long-tailed — узун думли, думи узун

red-coloured — қизил рангли

Never from the eyes of this heavy **bald-headed** once handsome man (*J. Hawkes*). A man who was tall, **dark-haired**, sun — tanned and who wore civilian clothes «How do you know that?» — asked (*Ibid*). Dr. Riccardo's voice in a tone of **ill-suppressed** irritation (*Voynich*).

7) от + сифатдош II

air-borne — ҳавода олиб юрса бўладиган, ҳаво десантига оид

hand-made — қўлда қилинган, қўл билан тўқилган

machine-made — машинада тўқилган, машинадан чиққан

tongue-tied — тили чучук, дудуқ

lion-hearted — қўрқмас, довюрак, шер юракли

... and all the while kept the two great cold black lenses of his pink and white **shall-rimmed** sunglasses fixed in my direction. (*J. Hawkes*) Probably he had got **sunstroke** (*D. A. Lawrence*).

8) от + сифатдош I

life-saving — қутқариб қолувчи, қўриқловчи

heart-breaking — юракни эзувчи, юракни эзадиган

home-keeping — уйдан чиқмас

By, now the accordionist was playing softly below, sad, autumn songs of love and departure, muffled and heartbreaking with so many doors between (*B. Shaw*). It isn't possible, Margaret thought, that little, round, cherry-faced beaming woman, who had hung crucifixes in all the rooms, that clean industrious, church-going... (*B. Shaw*).

9) сифат + сифатдош

high-sounding — қаттиқ, дабдабали

good-looking — чиройли, хушрўй

clear-cut — аниқ, равшан

clean-shaven — соқол - мўйловини вақтида олиб юрадиган

new-made — қайтадан қилинган

new-blown — янги очилган

new-born — янги туғилган

new-fallen — янги ёққан (қор)

Boy was **wide-awake** (*J. D. Salinger*).

10) равиш + сифат

well-oppointed — яхши жиҳозланган

upright — вертикал, тикка

well-timed — ўз вақтидаги, айнан пайтидаги

off-black — тим қора, қоп-қора

fathermost — энг узоқ, энг узоқдаги

I stood in the doorway, crossed my legs, leaned against the hot porous **upright** — remarkable labor of the wood ants... (*J. Hawkes*),

11) равиш + сифатдош II

underbred — ёмон тарбия олган

underhurd — пастки жағи олдига чиққан

under-sized — кичкина, пакана, майда

well-worn — кийилган, тутилган

well-known — таниқли, атоқли, ҳаммага маълум

On the church steps there were three young girls in bright skirts and **low-out** blouses (*B. Shaw*).

12) равиш + от

underhand — махфий, яширин

uptown — шаҳарнинг юқори қисмига жойлашган

off hand — тайёргарликсиз қилинган

He made a picking very blond boys most of the time, privates and **lower-grade** non-commissioned officers. (*B. Shaw*).

13) равиш + сифатдош I (равиш + равиш)

well-seeming — кўриниши яхши, сирти чиройли

well-off — яхши, таъминланган

Юқорида кўрсатиб ўтилган усуллардан ташқари яна бир неча усуллар бўлиб, уларнинг орасидаги энг кенг тарқалгани бир неча компонентли мураккаб сифатлардир. Масалан:

up-to-date — замонавий, энг кейинги

never-to-be forgotten — унутилмас

well-to-do — яхши таъминланган, бой, тўқ
 «The **never-to-be** forgotten Johnny» said Mary Jane laughing.
 Aunt Kate and Gabriel laughed too. (*J. Joyce*).
good-for-nothing — яроқсиз, ҳеч нарсага ярамас
half-and-half — ярим—ярим аралашган
happy-go-lucky — раҳмсиз, тасодифий
day-to-day — ҳар кунги, кунлик
deaf-and-mute — қарсақ

I smelled them—little nun, old cook, **mother-to-be** and knew that... (*J. Hawkes*)

Give me the mistery of birds or the strength and sweetness of **honest-to-God** animals like cows any time. (*J. Hawkes*).

Албатта, юқорида кўриб чиқилган сифатлар қўшма сифатларнинг ҳамма турини ташкил этмайди.

ОЛМОШ — THE PRONOUN

Тилда маъхум маъно ва мустақил функцияга эга бўлган, предметларни ва уларнинг белгисини ҳамда предметлар ўртасидаги синтактик алоқаларни қисман кўрсатиб келган сўз туркумига *олмош* дейилади. Олмошлар гарчи ҳар хил сўз туркумлари ўрнида ишлатилса ҳам улар предмет ва уларнинг маъносини тўғридан-тўғри ифодаламайди.

19-§. Олмошларнинг умумий классификацияси

Олмошлар маъно ва ишлатилишига кўра қуйидаги группаларга бўлинади:

I. Субстантив олмошлар (Substantive or Noun Pronouns).

II. Адъектив олмошлар (Adjective Pronouns).

От ўрнида келиб эга, тўлдирувчи ва предикатив вазифасида қўлланадиган олмошлар *субстантив олмошлар* дейилади. Масалан:

When **they** had taken their places **she** said abruptly: «I have a crow to pluck with **you**». (*J. Joyce*). **It** smells like Giraffe and **it** kicks like Giraffe, **it** hasn't any form (*P. Kipling*). **She** got up and danced round **her** (*Ibid*). **He** will kill mice, and **he** will be kind to babies when **he** is in the house, just as long as **they** do not pull his tail too hard (*Ibid*).

Субстантив олмошлар сон ва келишик категорияларига эга. Масалан: бирликда **I, he, she, it**, кўпликда **we, you, they**.

I (*nominative case*) — **me** (*objective case*).

he (*nominative case*) — **him** (*objective case*).

The girl glanced back at **him** over her shoulder and said with great bitterness (*J. Joyce*).

Предметнинг белгисини, сифатини аниқлаб, гапда асосан аниқловчи вазифасида келувчи олмошлар *адъектив олмошлар* дейилади. Масалан: She nodded **her** head gravely (*J. Joyce*). O, **my** Enemy and Mother of **my** Enemy», said the Cat... (*R. Kipling*). «That's

your very own hump that you've brought upon your very own self by not working (*Ibid*). On his heart he was satisfied (*D. H. Lawrence*).

Айрим олмошлар ҳам субстантив, ҳам адъектив олмош вази-фасида келиши мумкин. Масалан:

All (*субстантив*) was dark in the house (*Galsworthy*). But we don't want all (*адъектив*) those (*адъектив*) teeth: only put two (*R. Kipling*). Had she really any life of her own behind all (*адъектив*) her propogandism (*J. Joyce*). She wondered about the other (*адъектив*) girl (*P. Abrahams*). The others (*субстантив*) just care about being a good dresser (*B. J. Friedman*).

Кейинги икки гапнинг биринчисидаги other сўзи girl сўзини аниқлаб, адъектив олмош вази-фасида келаётган бўлса, у иккинчи гапда кўплик қўшимчаси s ни олганлиги ҳамда аниқ артикль the билан ишлатилиб, гапда эга бўлганлиги учун ҳам субстантив олмош вази-фасида келяпти.

20-§. Олмошларнинг шахс кўрсатишига кўра турлари

Олмошлар шахсни кўрсатишига кўра шахсни билдирадиган ва шахсни билдирмайдиган олмошларга бўлинади.

Қишилиқ, эгалик, ўзлик, қисман сўроқ ва ноаниқ олмошлар шахс билдирадиган олмошларга киради. Қолган олмошлар эса шахс билдирмайдиган олмошлардир.

Шахс билдирадиган олмошларга қуйидагиларни киритиш мумкин: I (me), my, mine, he (him), his, she (her), hers, you, your, we (us), our, ours, they (them) their, theirs, myself, himself, yourself, yourselves, ourselves, themselves, who (whom, whose, whoever), (whomever), each, other, somebody, anybody, everybody, no one ва қисман some, any, all.

Шахс билдирмайдиган олмошлар: it, its, this (these), that (those) such, which, what, whatever, nothing, everything, something etc.

It кишилиқ олмоши фақат ёш болага нисбатан ишлатилгандагина шахс билдириши мумкин. Масалан: Where is the child? — It is here.

Баъзан, бадий адабиётларда ёзувчи томонидан ҳайвонлар шахслантирилади. Ана шундай ҳоллардан уларнинг номлари ўрнида кишилиқ олмошларини қўллаш мумкин бўлади. Масалан:

He has not made a bargain with me or with all proper Dogs after me (*R. Kipling*).

Шахс билдирадиган олмошларни бундай шахслантирилган олмошлардан фарқ қила билиш зарур.

21-§. Олмошларнинг форма ўзгарishiга кўра турлари

Олмош ҳар хил грамматик категориялар билан алоқага кириши натижасида ўз формасини ўзгартирувчи ва ўзгартирмовчи олмошларга бўлинади:

Ҳар хил грамматик категорияларни олиши натижасида ўз формаларини ўзгартирувчи олмошларга **I — me, he — him, somebody-somebody's, this-these, that-those, who-whom, whose, whoever** ва бошқалар киради.

Ҳеч қандай грамматик категорияларда ишлатилмайдиган, бир хил формадаги **such, which, (the) same, no, neither** каби олмошлар ўз формасини ўзгартирмовчи олмошларга киради.

22-§. Олмошларнинг лексик-грамматик турлари

Олмошнинг кишилик, эгаллик, ўзлик, эмфатик, кўрсатиш, биргалик, сўроқ, нисбий, боғловчи, гумон, белгилаш, бўлишсизлик турлари мавжуд.

Кишилик олмошлари (Personal Pronouns). Шахсларни (одамларни) билдириб, от ўрнида қўлланувчи сўзлар *кишилик олмошлари* дейилади. Масалан: **He is a man who wants to be just like every one else, but he is cursed by an obsession that marks him as different** (B. J. Friedman). **She was a long-nosed woman of twenty-nine...** (Ibid).

Кишилик олмошларининг характерли белгиларидан бири шуки, улар асосан сўзловчи (speaker), тингловчи (listener) ва нутқда иштирок этмовчи учинчи шахсни ифодалайди. Бу характерли белги кишилик олмошларининг предмет маъносини ифодаловчи отлардан бўлган фарқини кўрсатади. Ундан ташқари **I — мен** сўзи ҳамма жинсга кирувчи одамлар билан ишлатилиши мумкин. Кишилик олмошлари эга вазифасида келганда *who?* сўроғига, тўлдирувчи вазифасида келганда *whom?* ёки *who?* сўроғига, жонсиз предметлар ўрнида қўлланганда *what?* сўроғига жавоб бўлади.

Кишилик олмошларининг асосий формалари:

Сот Number	Шахс Person	Номинатив келишик Nominative Case	Объектив келишик Objective Case
Бирлик Singular	1	I — мен	me — мени, менга, менда, мендан
	2	you — сен thou [ðau] — сен (архаик)	thee — сени, сенга, сенда, сендан
	3	he — у (эркан) she — у (аёл) it — у (предмет ёки ҳайвон)	him } — уни, унга, унда, ундан her } it }
Кўplik Plural	1	we — биз, бизлар	us — бизни, бизга, бизда, биздан
	2	you — сиз, сизлар	you — сизни, сизга, сизда, сиздан
		they — улар	them — уларни, уларга, уларда, улардан

Кишилик олмошларининг грамматик категориялари. Кишилик олмошлари учун шахс, сон, келишик ва қисман род категорияси характерлидир.

Шахс ва сон категориялари

Кишилик олмошлари биринчи, иккинчи ва учинчи шахсда қўлланади.

Биринчи шахс бирлик ва кўплик формаларининг ўзаро оппозициясидан иборат: **I** — мен, **We** — биз

Биринчи шахс кўплик формаси супплетив йўл билан маълум ўзаклардан ясалган.

Биринчи шахс кўплик **we** бир неча биринчи шахс бирликларидан, яъни I+I+I+I дан иборат бўлмай, балки ўз навбатида биринчи, иккинчи, учинчи шахс бирликларининг қўшилишидан ташкил топган.

Иккинчи шахс учун ҳозирги инглиз тилида адабий форма **you** ишлатилади. Ўзбек тилидаги *сен* сўзининг инглизча таржимаси **thou** [ðəu] дир. Аммо бу олмош архаик бўлиб, уни фақат шеърятда, тарихий ва диний текстларда ва айрим шеваларда учратиш мумкин холос. Агар **thou** архаик олмоши ишлатилса, феълларда ҳам архаик форма **-est** ишлатилиши шарт. Ҳозирги инглиз тилида иккинчи шахс бирлик ва кўпликни ифодалаш учун фақат **you** формасидан фойдаланилади. Масалан: Take him with you when you go hunting (*R. Kipling*). «You are welcome, Hiawatha!» (*R. Kipling*).

Esa! Esa! Shame upon you!

You are Ugudwash, the sunfish,

You are not the fish I wanted,

You are not the King of Fishes!».

(*H. W. Longfellow*).

Шундай қилиб, ҳозирги инглиз тилида иккинчи шахс учун бирлик ва кўплик сонларининг формал оппозицияси йўқ деса бўлади. **You** олмошининг бирлик ёки кўпликдалиги контекстан ёки нутқ вазиятидан аниқланади.

Учинчи шахс бирликда учта форма бўлиб, улар **he** эркаклар учун, **she** аёллар учун, **it** турли предметлар ва ёш болалар учун ишлатилиши мумкин. **It** олмошининг бошқа вазифалари қуйироқда баён этилди.

He, she олмошлари эртак ва махсус текстларда ҳайвон ва паррандаларни шахслантириш учун ишлатилиши мумкин. Бунда улар ҳайвон жинсига қараб танланади. Масалан:

Кaa was not a poison snake, and if he hugged somebody that was the end. (*R. Kipling*) Mother Wolf threw herself down among the cubs and she said to Father Wolf: «Keep him!» (*R. Kipling*).

It кишилик олмоши ҳозирги инглиз тилида жуда кўп қўлланади. У анафорик (давом эттирувчи) (anaphoric) ва бошлаб боровчи (anticipatory) тарзида қўлланади.

Аввал ишлатилган сўз ва конструкциялар ўрнида **it** кишилик

олмошининг қўлланилиши — *анафорик ишлатилиш* дейилади. Масалан:

He remained with her for an hour. And Dr. Macphail watched the rain. It was beginning to get on his nerves (*W. S. Maugham*). They finished the meal in silence. When it was over the two ladies got up and took their work (*Ibid*).

Бу мисолларда *it* олмоши *rain* ёмғир ва *meal* овқат сўзларини такрорламаслик учун ишлатилган.

It кесимдан кейин келадиган сўз, конструкция ўрнида қўллansa, бошлаб боровчи ишлатилиш (anticipatory) дейилади.

It was singular that Horn should ask him that question, for he also had the idea that the missionary was mysteriously at work (*W. S. Maugham*). It's terrible the way the men who are in authority seek to evade their responsibility (*Ibid*). It was dreadful to see her (*Conan Doyle*).

It олмоши шахсиз гапларда жуда кўп қўлланади.

It was nearly bed time and when they awoke next morning land would be in sight (*W. S. Maugham*) It's almost a hopeless task for the missionaries here (*Ibid*).

He, she, it нинг кўплик формаси *they* (улар)дир. *They* инглиз тилига скандинав тилларидан ўтган бўлса-да, ҳозирги инглиз тилида соф инглиз сўзлари каби ишлатилади ва у *he, she, it* кишилик олмошларининг супплетив йўл билан ясалган кўплик формаси ҳисобланади. Масалан:

I jazz her. Then they come after me and I cut out to Harlem. I cut out so they never find me (*B. F. Friedmen*).

Ҳозирги инглиз тилида кишилик олмошларининг асосий вазифаларидан бири кесимнинг шахсини билдиришдир. Чунки ҳозирги инглиз тилидаги (Modern English) феълларда шахс қўшимчалари йўқ бўлиб, уларнинг вазифаларини кишилик олмошлари бажаради. Ҳозирги кунда олмошларсиз феълнинг қайси шахсда эканлигини аниқлаш қийин.

Ўзбек тилидаги шахс қўшимчалари инглиз тилига кишилик олмошлари воситасида таржима қилинади. Масалан:

бораман — I go	борамиз — we go
борасиз — you go	борасиз — you go
боради — he, it, she goes	борадилар — they go

Келишик категорияси (The Category of Case).

Кишилик олмошлари учун иккита келишик—номинатив (Nominative) ва объектив (Objective) келишик—формалари характерлидир. Масалан:

Take him (объектив) with you (объектив) when you (номинатив) go hunting (*R. Kipling*).

Lanny lit a cigarette and settled near her. Mabel looked at them (*P. Abrahams*). We won't let Tant' Annue outdo us (*Ibid*). Take them Mother (*Ibid*). He won't let me make tea (*Ibid*).

Юқоридаги мисолларда *I, he, she, we, they* олмошлари ўз формаларига қарама-қарши, яъни *I-me, he-him, she-her, we-us, they-them* тарзида қўйилапти.

You (сиз) ҳамда жонсиз предметлар, ҳайвон ва паррандалар номлари билан ишлатилувчи *it* (у) олмошлари ўзларининг синтактик функцияларига кўра *Nominative* ва *Objective* формалари маъноларини англатса ҳам ўз формаларини ўзгартрмайдилар. Шунинг учун ҳам *you* ва *it* олмошларини шаклан келишик формаларига *нейтрал олмошлар* деб юритилади. Масалан: *You* (*номинатив*) pull, and I'll push with my heels. *J. Aldredge*. «Did he actually shove *you*?» (*объектив*) asked *Stern* (*B. J. Friedman*). «Can *you* (*номинатив*) remember whether he actually shoved *you* (*объектив*) dawn?» «he asked her. All my heart is buried with *you* (*объектив*). All my thoughts go onward with *you* (*объектив*)» (*H. W. Longfellow*). *It* (*номинатив*) was rarely he saw his master's face; he did not look at *it* (*объектив*) (*J. Joyce*)... and *it* (*номинатив*) occurs to me that if I ride hard I may just catch the Portsmouth train at Guied ford, and go to Haslemere in *it* (*объектив*) (*B. Shaw*).

Юқорида кўрсатиб ўтилган *thou* (*сен*) архаик олмошининг объектив келишикдаги формаси *thee* [ði:] бўлиб, ҳозирги инглиз тилида ўз маҳсулдорлигини йўқотган.

Айрим шеърӣ асарларда *you* кишилик олмошининг архаик формаси *ye* [ji:] ҳам учраб туради.

And he shouted from below them,
Cried exulting from the caverns:
«O ye sea — gulls! O my brothers!
I have slain the sturgeon, Nahma?

(*H. W. Langfellow*).

Баъзан объектив келишик формасидаги кишилик олмошлари предикатив функциясида келганда объектив келишикда қўлланиши мумкин.

Инглиз тилида бундай олмошларни *disjunctive* (*ажратиб кўрсатилган*) ёки *separative pronouns* (*ажратилган олмошлар*) деб юритилади. Масалан:

It is I — It is me:
It is she — It is her:
It is he — It is him:
It is we — It is us:
It is they — It is them.

Эгалик олмошлари (*Possessive Pronouns*).

Маълум бир шахснинг бирор нарсага эгалигини, бирор шахсга эга эканлигини кўрсатиб келувчи олмошлар *эгалик олмошлари* дейлади.

Number	Person	Conjoint Form	Absolute Form
Singular	1	my — менинг	mine — меники, ўзимники
	2	thy — сенинг (архаик)	thine — сеники, ўзингники
	3	his — унинг (эркакларга оид)	his — уники, ўзиники
		her — унинг (аёлларга оид)	hers — уники, ўзиники
		its — унинг (жонсиз предмет ва ҳайвонотга оид)	its — уники, ўзиники
Plural	1	our — бизнинг, бизларнинг	ours — бизники, ўзимизники
	2	your — сизнинг, сизларнинг	yours — сизники, ўзингизники, ўзлариники
	3	their — уларнинг	theirs — уларники, ўзлариники

Ҳозирги инглиз тилида эгалик олмошларининг боғлиқ (Conjoint Form) ва мустақил формалари (Absolute Form) мавжуд.

Эгалик олмошларининг боғлиқ формаси. Эгалик олмошларининг боғлиқ формаси ўзи аниқлаб келган сўзлар билан бирга ишлатилиб, гапда аниқловчи бўлиб келади. Бу формадаги эгалик олмошлари ўзбек тилидаги кишилик олмошларининг қаратқич келишиги формасида таржима қилинади. Масалан: **my** — менинг, **thine** — сенинг, **his** — унинг, **our** — бизнинг, **your** — сизнинг, **their** — уларнинг.

Инглиз эгалик олмошлари ўзбек тилига фақат эгалик қўшимчалари ёрдамида ҳам таржима қилиниши мумкин. Масалан:

My book — китобим

Your book — китобинг

He is not nice like **our** friend the squirrel (*B. I. Friedman*).

Why had you a pencil in **your** ear? (*D. H. Lawrence*).

They each had **their** own room and all (*G. D. Salinger*).

Ноаниқликни кўрсатиш учун **his**, **her**, **its** эгалик олмошлари ўрнида олмошнинг **one's** формасини ишлатиш мумкин.

Масалан: **one must know one's duty** — ҳар ким ўз бурчини билиши керак. **to change one's voice** — ўз овозини ўзгартирмоқ.

Эгалик олмошларининг мустақил формаси. Инглиз эгалик олмошларининг мустақил формаси ўзбек эгалик олмошларига тўғри келади. Масалан: **mine** — меники, **thine** — сеники, **his** — уники, **hers** — уники, **its** — уники, **ours** — бизники, **yours** — сиз(лар)ники, **theirs** — уларники.

Эгалик олмошларининг мустақил формаси тарихан эгалик олмошнинг боғлиқ формаси билан бир хил бўлса-да, кейинчалик структура ва ишлатилиши жиҳатдан ундан ажралиб чиққан. Эгалик олмошнинг мустақил формаси асосан эгалик олмошнинг боғлиқ формасига **-s** қўплик қўшимчасини қўшиш орқали ясалади. Масалан: **our + s**, **your + s**, **their + s**.

If this game of **ours** is going to be what I think it will, the easier we make our sound pictures the better for everybody (*R. Kipling*). My wife should be looking after her own **indulgences**—she has an excellent **result** adviser—I employ you look after **mine** (*G. Greene*) «The money was not **his**, and he shot himself» (*H. I. Wells*). When Stern was a child, a cousin of **his** had once fallen in love with a dying girl (*Ibid*).

Yours are probably as good as **his** (*Ibid*). And Stern imagined the eyes of a good one suddenly meeting **his** with instant understanding (*Ibid*).

Тарихий асарларда эгалик олмошларининг ҳар иккала формаси бир хил қўлланса ҳам (O, **my** prophetic soul! **Mine** uncle! (*Shakespeare*) ҳозирги инглиз тилида мустақил форма аниқловчи вазифасида келмайди.

Ўзлик олмошлари (Reflexive Pronouns). Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам субъект, ҳам объект эканлигини ва гапнинг эгаси бирор ҳаракатни ўзи бажарганлигини билдирувчи олмошлар **ўзлик олмошлари** дейилади.

Структурасига кўра ўзлик олмошлари қўшма сўзларга киради.

Ўзлик олмошлари объектив келишиқдаги кишилик ёки эгалик олмошига **self (selves)** қўшимчаси қўшиш билан ясалади: **myself, yourself, ourselves, yourselves, himself, herself, itself, themselves**.

Number	Person	Reflexive Pronouns and Their Translation
Singular	1	myself — ўзим, ўзимни, ўзимга, ўзимда, ўзимдан yourself(theyself)—ўзинг ўзингни, ўзингга, ўзингда, ўзингдан herself } — ўзи, ўзини, ўзига, ўзида, ўзидан itself }
	2	
	3	
Plural	1	ourselves — ўзимиз, ўзимизни, ўзимизга, ўзимизда, ўзимиздан yourselves—ўзингиз (ўзларингиз), ўзингизни, ўзингизга, ўзингиздан. themselves — ўзлари, ўзларини, ўзларига, ўзларида, ўзларидан
	2	
	3	

Ўзлик олмошларининг грамматик категориялари. Ўзлик олмошларида шахс, сон ва род грамматик категориялари бўлиб, улардан ташқари жонсиз предметлар учун махсус *itself* формаси ҳам ишлатилади.

1. Шахс ва сон категориялари (The Category of Person and Number). Ўзлик олмошларининг учта шахс, яъни биринчи, иккинчи, учинчи шахслари бўлиб, ҳар бир шахс ўз навбатида бирлик ва кўпликдаги олмошларининг ўзаро оппозитиясидан иборатдир. (Таблицага қаранг). Бирлик ва кўплик фор-

малари бир-биридан фонетик жиҳатдан фарқ қилади. Масалан: бирликда **self** — кўplikда **selves** — қўлланади.

On my return, I come round a corner and find **myself** before a big barrack (*I. B. Shaw*) ... then look at **ourselves** never free from feeling the toothaches of others (*J. Galsworthy*). I am afraid you didn't enjoy **yourself** at all», said Mary Jane hopelessly (*J. Joyce*). Gabriel asked **himself** was the cause of her abrupt departure (*Ibid*). Why didn't you think of it before. She said shifting **herself** in annoyance (*B. I. Friedman*) Worth millions, this beauty, yet displaying **itself** for nothing to the just and the unjust, the rich and the poor (*B. Shaw*). On the station platform Stern stood next to two tall starched, elderly men both of whom looked like entire organizations in **themselves** (*B. J. Friedman*).

Ўзлик олмошлари предлоглар билан ҳам кўп қўлланади: «Why should I be ashamed of **myself**?» asked Gabriel, blinking his eyes and to smile (*J. Joyce*). «O, innocent Amy! I have found out that you write for the Daily Express, Now, aren't you ashamed of **yourself**?» (*Ibid*).

Ўзлик олмошлари кишилик ва эгалик олмошлари сингари учинчи шахс бирликда мужской ва женский родда келиши мумкин. Масалан, **himself** эркаклар учун, **herself** аёллар учун, **itself** жинси кўрсатилмаган ҳамма ҳолларда ишлатилади. Масалан: Stern saw **himself** writing and proclaiming a show about fair play... (*B. J. Friedman*). He felt quite at ease now for he was an expert carver and liked nothing better than to find **himself** at the head of a well-laden table (*J. Joyce*). Gabriel laughed nervously and patted his tie reassuringly, while Aunt Kate nearly doubled **herself**, so heartily did she enjoy the joke (*Ibid*). She laughed **herself** this time good humouredly and then added quickly (*Ibid*). Then, suddenly raising **herself** on tiptoe and resting her hands lightly on his shoulders she kissed him (*Ibid*). She had worked **herself** into a passion and would have continued in defence of her sister (*Ibid*).

Жонсиз предметлар учун **itself** ишлатилишига мисол келтирамиз:

The high colour of his cheeks pushed upwards even to his forehead where it scattered **itself** in a few formless patches of pale red (*J. Joyce*).

Кишилик олмошлари каби ўзлик олмошларида ҳам номъялумлик ёки умумийлик **oneself** сўзи ёрдамида кўрсатилади.

«To attain full growth, one mustn't be squeamish. To starve **oneself** emotionally's a mistake (*Calsworthy*).

Инглиз ўзлик олмошлари ўзбек ўзлик олмошларидан қуйидагилари билан фарқ қилади.

а) инглиз ўзлик олмошлари ўзбек тилидаги ўзлик олмошлар сингари турланмайди. Шу сабабли ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинганда предлоглардан фойдаланилади. Масалан:

ўзим — **myself**

ўзимнинг — **of myself** (ёки **my own**)

ўзимга — **to (for) myself** etc.

б) инглиз ўзлик олмошлари эга вазифасида мустақил ишлатилмайди.

Эмфатик (кучайтирувчи) олмошлар (Emphasizing (Emphatic) Pronouns). Гапнинг эгаси бирор ишни мустақил бажарганлигини билдирувчи олмошлар *эмфатик олмошлар* дейилади. Эмфатик олмошлар формасига кўра ўзлик олмошларидан фарқ қилмайди. Бу олмошлар асосан, изоҳловчи вазифасини ўтаб, ё эгадан кейин, ё гапнинг охирида келади. Кишилик олмошлари ёки от билан ифодаланган эга ва уларни кучайтириш учун ишлатилган эмфатик олмошлар ўзбек тилига *уни ўзи, у якка ўзи, мустақил* каби сўзлар ёрдамида таржима қилинади. Масалан: **I myself** — мен ўзим, мен якка ўзим, **he himself** — (у) ўзи, **she herself** — (у) ўзи, **it itself** (у) ўзи, **we ourselves** — биз ўзимиз, **you yourself** — сен ўзинг, **you yourselves** — сиз ўзингиз, **they themselves** — улар ўзлари (якка)

A shurt smiled me the flowers!»

A flower herself (*Galsworthy*).

Ўзлик олмошларининг эмфатик олмошлардан асосий фарқи шундан иборатки, ўзлик олмошлари кесимдан англашилган иш-ҳаракатни билдиради ёки кесимга тўғридан-тўғри тобе бўлади, эмфатик олмошлар эса эгага тобе бўлмайди. Ўзлик олмошлари тўлдирувчи вазифасида келса, эмфатик олмошлар қўшимча маънога эга бўлади «To take a pick **itself**», said Mary Jane, «after all your Lan-king» (*J. Joyce*).

Баъзан эмфатик олмош кесимдан кейин келишига қарамай маъносидан унинг эмфатик олмошлиги сезилиб туради.

She laughed **herself** this time good humouredly... (*J. Joyce*).

Эмфатик олмошлар **by, for** каби предлоглар билан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

by myself }
for myself } — мен ўзим

For myself эмфатик олмош кўпроқ **to do, to see** каби феъллари билан ишлатилади: He walked **by himself** and all places were alike to him (*K. Kipling*). And while she **herself** finished mixing the mustard, she gave Millie a few verbal stabs for her excessive slowness. (*H. I. Wells*).

Кўрсатиш олмошлари. Demonstrative Pronouns).

Number		Demonstrative Pronouns and their translation
Singular		this — бу, ушбу, шу, мана бу that — у, ўша, ана у
Plural	ўзгарувчан changable	these — булар, ушбулар, шулар, мана булар those — улар, ўшалар, ана улар
Unchang able		(the) same — ўзи, худди ўзи, худди шундай such — шундай, худди шундай, шунақа

Кўрсатиш олмошлари формасини ўзгартириши ёки ўзгартирмас-
лигига кўра иккига бўлинади:

1) ўзгарувчан кўрсатиш олмошлари: **this (these), that (those)**

2) ўзгармас кўрсатиш олмошлари: **such, the same**

Ўзгарувчи кўрсатиш олмошларида сон категорияси мавжуд.
Масалан: **this, that** бирлик, **these, those** кўплик

This book, that book—these books, those books.

«O no, Sir, she answered, I've done schooling **this** year and more
(*J. Joyce*). «**That's** what I want to know» (*H. I. Wells*). **These** ceas-
ed suddenly (*H. I. Wells*). «In two particulars. **These** were the
claws and the pigment stuff ...?» (*Ibid*). The sooner you got **those**
things in the better I'll be pleased (*Ibid*).

Up the staircase were piled a multitude of **those** bright coloured
pot things ...? (*Ibid*).

This ва **that** олмошлари субстантив ва адъектив функцияларда
келиши мумкин. **This** ва **that** олмошлари субстантив функцияда
келганда от ўрнида ишлатилиб, бошқа сўзлар томонидан аниқла-
нади ва гапда эга ёки тўлдирувчи бўлиб келади. Масалан:

This is a book; I'll take this; Have you seen that?

These are books; Have you seen them?

Адъектив функцияда келганда эса бу олмошлар бошқа сўзлар-
ни аниқлайди ва гапда асосан аниқловчи вазифасини бажаради.
Масалан:

This book is mine. That book is yours. These books are interes-
ting.

This, that — олмошлари билан ясалган бирикмалар

all this, all these — буларнинг ҳаммаси

all that, all those — уларнинг (ана уларнинг) ҳаммаси

this one — шу, ушбу, мана бу, буниси

that one — ўша, анави нарса, ана ўша, униси

by that — шундай қилиб, шу йўсинда

like that — ўшанга ўхшаш, ўшандай

that's that — бошқа иложи йўқ, ана шундай

that is to say — чунончи, яъни

that'll do — етарли, қониқарли, бас

that won't do — бундай бўлиши мумкин эмас, буниси кетмайди

this and that — ҳар хил, турли хил, у ёки бу

now that — энди

with that — шунинг билан бирга

this day — шу бугун

that day — у кун, тунов кун, ўша кун

this much — шунча, шунча кўп

this long — шунча узоқ, шу маҳалгача

this way — бу ёққа

like this — шундай, шу йўл билан, шундай қилиб

this day week — бир ҳафтадан сўнг

this day month — бир ойдан сўнг

this day year — бир йилдан сўнг

this day last week — бир ҳафта аввал

This, that олмошлари фақат конкрет отлар билан эмас, балки абстракт отлар билан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан: **This invisibility** indeed! (*H. I. Wells*).

Same олмоши ҳам кўрсатиш олмоши бўлиб, *шундай, худди шундай, шунақа, ўшанинг ўзи*, деган маъноларни англатади:

The same thing that happened with you (*P. Abrahams*). We always had **the same meal** on Saturday night at Pencey (*I. D. Salinger*). . . . if its refractive index could be made **the same** as that of air (*H. I. Wells*).

Same олмоши одатда аниқ артикль **the** билан ишлатилиб, гапда ҳар хил вазифада келади ва ўзбек тилига турлича таржима қилиниши мумкин:

A happy new year! — Янги йил билан табриклайман

The same to you — Сизни ҳам.

the same as — худди шундай, — . . . каби, . . . дек

all the same — ҳар қалай, бари бир

It is **all the same** to me — менга бари бир

just the same — худди ана шундай

much the same — деярли шундай, деярли шунга ўхшаш

the very same — худди шундай, шунинг ўзгинаси

Such олмоши ҳам **same** олмоши каби *шундай, шунақа* деган маъноларни англатади. **Such** олмоши **same** олмошидан аниқ артикль билан ишлатилмаслиги, аксинча бирликдаги отларни аниқлаганда ноаниқ артикль олиши билан фарқ қилади. Масалан:

There's no **such** place, the policeman said (*Greene*). I was wandering about on the moor it was **such** a jolly night (*Galsworthy*).

Биргалик олмошлари (Reciprocal Pronouns). **Each other** ва **one another** биргалик олмошлари икки ва ундан ортиқ шахс, ҳайвон, парранда ёки предметларнинг ўзаро бир-бирига бўлган муносабатини билдириб, ўзбек тилига *бир-бирини, бир-бирига, бир-бирида, бир-биридан, ўз-ўзига, ўз-ўзини, ўзаро* каби сўзлар ёрдамида таржима қилинади.

Each other ва **one another** стилистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Масалан: **each other** кўпроқ икки шахс ўртасидаги муносабатни билдирса, **one another** иккидан ортиқ шахсларнинг ўзаро муносабатларини билдиради. Аммо бу фарқ ҳар доим ҳам сезилавермайди. Масалан: I think we called **each other** friends (*R. L. Stevenson*). They loved **each other** (*D. H. Lawrence*). There was so much and so little to say to **each other** (*P. Abrahams*). The vicar and the doctor looked at **one another** and the doctor pulled a face. (*H. I. Wells*)

Биргалик олмошлари предлог билан ҳам қўлланилади:

Miss Kate and Miss Julia were there, gossiping and laughing and fussing, walking **after each other** to the head of the stairs (*G. B. Shaw*). They looked at **each other** after every bite and when they had finished, Stern said.. (*B. I. Friedman*).

Биргалик олмошларида фақат келишик категорияси бор. Келишик категорияси умумий келишикдаги форма ва эгалик келишигидаги -s қўшимчасини олган формаларнинг ўзаро оппозициясидан иборат.

We both hated **each other's** guts by that time (*I. D. Salinger*). Mary Jane settled down quietly to her supper, but Aunt Kate and Aunt Julia were still toddling round the table, walking on **each other's** way heels getting in each other's way and giving **each other** unheeded orders (*J. Joyce*.)

Сўроқ олмошлари (Interrogative Pronouns). **Who** сўроқ олмоши фақат одамлар учун ишлатилади. **Who** сўроқ олмоши келишик категориясига эга бўлиб, у уч келишикда қўлланади:

- а) бош келишикда (nominative case)
- б) эгалик келишигида (possessive case)
- в) объектив келишикда (objective case)

Ўзгарувчи сўроқ олмошлари			Ўзгармас сўроқ олмошлари
Nominative Case	Possessive Case	Objective Case	No Case
who — ким	whose — кимнинг	whom — кимни кимга кимда кимдан	what — нима, қайси, қанақа, қандай which — қайси, қайсиниси

Who олмоши сўроқ гапларни тузишда иштирок этиб, унинг ёрдамида ясалган гаплар **махсус сўроқ gap** (Special question) дейилади.

Who бирликда ҳам, кўplikда ҳам бир хил ишлатилаверади. Масалан:

Who is ... , ва who are ...

Who's that? asked Stern's small father. (*B. I. Friedman*). **Who** are they? asked Hurstwood (*Th. Dreiser*). **Who** were they? (*Ibid*).

What сўроқ олмоши субстантив функцияда келганда асосан одам, предмет ва бошқа нарсаларни кўрсатиш учун ишлатилади. Масалан:

What's your address there? (*Th. Dreiser*). **What** will she do for me? (*R. Kipling*). «**What** is your line», asked Garrie (*Th. Dreiser*). «**What's** the matter, Carrie», said Hurstwood after a time, noticing her quiet, almost moody state. (*Ibid*) «**That's what** I want to know» (*H. I. Wells*).

What олмошини бировнинг касби сўралганда ҳам ишлатилади. Масалан :

What is he? У ким? (Унинг касби нима?)

What олмоши ёрдамида қуйидаги ибора ва конструкциялар ясалиши мумкин:

What about (your study) — (Ўқишингиз) қандай?

What good is it? — бундан нима фойда? нимага кераги бор?

What a pity it is! — жуда ачинарли!

What matter? — бу аҳамиятсиз.

What with — натижасида ва ҳоказолар.

Which сўроқ олмоши қайси, қайониси, қайсини, қайсига каби маъноларни англатиб, икки ва ундан ортиқ нарсалар орасидан бирини танлаб олишни кўрсатади:

Stern got out into the aisle and asked the conductor, «**Which** way to vomit? (*Ibid*). Stern asked **which one** wanted to disturb it, and Cavalucci pointed him out (*B. J. Friedman*).

Нисбий олмошлар (Relative Pronouns). Бош ва аниқловчи эргаш гапларни ўзаро боғлаш учун ишлатилувчи ҳамда ўзидан олдин келган от ёки олмошни аниқлаб келувчи сўзлар **нисбий олмошлар** дейилади. Ҳозирги инглиз тилида нисбий олмошлар суроқ олмошлари билан омоним бўлган **who, whom, whose, which, what, that** олмошлари билан ифодаланadi. Булардан **who, whom, whose** олмошлари одамларга нисбатан ишлатилади.

It is the Epictetus **who** smiles when the last vestige of physical welfare is removed (*Th. Dreiser*). Worst of all she now began to feel the loneliness of the flat and seek the company of Mrs. Vance **Who** liked her exceedingly? (*Ibid*). He approached Hurstwood, **who** handed out the tickets (*Ibid*).

Шахслашганда, яъни ҳар хил ҳикоя ва эртақларда ҳайвонлар одам тилидан гапирганда ҳам **who, whom, whose** олмошлари ишлатилиши мумкин: But still I am Cat **who** walks by himself and all places are alike to me» (*R. Kipling*).

Боғловчи олмошлар (Conjunctive Pronouns). Шахс ёки предметни кўрсатиб, эга, кесим ва тўлдирувчи эргаш гапларни боғлаб келувчи олмошлар **боғловчи олмошлар** дейилади.

Ўзгарувчи боғловчи олмошлар			Ўзгармас боғловчи олмошлар
Nominative Case	Possessive Case	Objective Case	No Case
Who — ким, қайси	Whose — кимнинг	Whom — кимни, кимга кимда кимдан	what — нима, қайси, қайсики whatever — нима, нимаки, қайсики, нима бўлмасин whoever — ким бўлмасин which — ким-ки, ким which — ким, нима, кимки, нимаки whichever — қайсики, нима-ки

Боғловчи олмошлар ҳам сўроқ олмошлари каби шахсли ва шахсиз предметларни кўрсатиб келиши мумкин.

Гумон олмошлари (Indefinite Pronouns). Гумон олмошлари ноаниқ шахс ва предметларни кўрсатиб келади ва англатган маъно-

ларига кўра шахс кўрсатувчи олмош ҳамда предметни кўрсатувчи олмошларга бўлинади.

Шахсни билдирувчи гумон олмошлари иккита келишиқда, бош ва эғалиқ келишиғида келади.

Шах: билдирувчи гумон олмошлари. *Some* ва *any* олмошлари субстантив функцияда келганда ҳам одамларнинг, ҳам предметларнинг ноаниқ, тахминий миқдорини кўрсатиб келади.

Ўзгарувчи гумон олмошлари		Ўзгармовчи гумон олмошлари	
Nominative Case	Possessive Case	No Case	
somebody } anybody } someone } anyone } one }	аллақим, кимдир, биров, бир одам	somebody's anybody's someone's anyone's one's	some } any } аллақим, айримлар, қандайдир, аллақандай, қандай бўлмасин, ким бўлмасин, биров

Some, *any* адъектив функцияда ишлатилганда предмет, одам ва бошқа жонли нарсаларнинг сонини ёки миқдорини кўрсатиб келиши мумкин.

Some ва *any* гумон олмошлари маъноларига кўра бир хил бўлса ҳам қўлланишда бир-биридан тубдан фарқ қилади, яъни *some* асосан бўлишли гапларда, *any* эса сўроқ ва бўлишсиз гапларда ишлатилади. Масалан:

I have *some* interesting books — Менда *бир қанча* қизиқ китоблар бор.

There is *some* tea in the cup — Пиёлада *озгина* чой бор.

Is there *any* tea in the cup? — Пиёлада *ҳеч* чой борми?

There is not *any* tea in the cup — Пиёлада *ҳеч* ҳам чой йўқ.

There isn't *any* mistake in his dictation — Унинг диктантида *ҳеч қандай* хато йўқ.

There's *some* extra-ordinary things in newspapers, for example said the mariner (*H. I. Wells*). Without *any* great surprise, he found it had the stickness and colour of drying (*H. I. Wells*).

Грамматик формаларига кўра бу олмошлар ўзгармасдир. Масалан, *some* олмоши эга вазифасида келганда, кесим унга мослашиб ҳам кўплиқда, ҳам бирликда келиши мумкин:

Some of the students *go* in for sports.

Some of his sorrow *has* vanished.

Some ва *any* субстантив олмош вазифасида келганда кўпинча *of* предлоги билан бирга келади. Масалан: I doubt if *any* of them think *much* of the Mausers waiting beyond the waves (*B. Shaw*).

Any олмоши буйруқ ва дарак гапларда ҳам ишлатилиши мумкин, аммо бундай пайтларда *any* қандай бўлмасин, бари бир,

хоҳлаганингиз сўзлари ёрдамида таржима қилинади. Масалан: Give me any book — Менга қандай бўлмасин битта китоб беринг.

in any house — хоҳлаган уйда, ҳар бир уйда

in any case — ҳар эҳтимолга қарши

at any time — хоҳлаган вақтда

... and when they finally drove up to this one Stern felt under obligation to buy some house, any house, since Iavone had spent so much time with them (B. J. Friedman).

Some more бирикмасида келган some сўроқ гапларда ҳам ишлатилиши мумкин: «Can't I have some more to eat before I tell all that?» (H. I. Wells).

Somebody ва anybody олмошлари ишлатилишига кўра some ва any олмошларига ўхшашдир. Аммо бу олмошлар субстантив олмошлар бўлиб, фақат шахсни англатади. Улар ўзбек тилига алма-ким, кимдир, биров, бир одам, ҳеч ким каби сўзлар ёрдамида таржима қилинади. Масалан:

Somebody ran by outside (H. I. Wells). Does anybody ever come here? Davy asked him (J. Aldridge). But he never told anybody (K. Kipling).

Somebody ва anybody олмошлари умумий ҳамда эгалик келишигида келиши мумкин:

somebody — somebody's

anybody — anybody's

somebody's coat — бировнинг пальтоси

anybody's

anybody else's} suggestion — бировнинг таклифи

Someone, anyone олмошлари ҳам маънолари ва ишлатилишига кўра somebody, anybody олмошларига ўхшаш бўлиб, уларда ҳам келишик категорияси бор:

someone — someone's

anyone — anyone's

«I want someone to see the house», said Stern (J. Friedman). Stern had to walk through using a pocket flashlight and not really sure whether he was on someone's property (Ibid). Does anyone have a match? (Ibid). He wondered too whether anyone would ever «go» in his arms and if they were an old person (Ibid)

Бадий адабиётда some ва any олмошлари one олмошидан ажратиб ёзилиши мумкин.

«Perhaps, she thought they may want some one and crossed over to enter (Th. Dreiser). «Any one could see that» (I. H. Wells).

One гумон олмоши ҳам ноаниқ шахсни англатади, шу билан бирга уни предметларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин.

One олмошида грамматик категориялардан сон ва келишик категориялари мавжуд. Бу олмошнинг сон категорияси бирликдаги one формасининг кўпликдаги ones формасига бўлган оппозиция-сидан, келишик категорияси эса nominative — даги one формасининг Possessive келишикдаги one's формасига бўлган ўзаро оппозиция-

сидан ясалди. **One** олмоши ўзбек тилига *бир*ов, *бир* киши, *ким-дир*, *кимки* каби сўзлар ёрдамида таржима қилинади.

The plants never went back to normal, and since it was too massive a job to replace each **one**, Stern and his wife learned to approach them only from certain angles, **ones** from which they looked complete, and pretend they were whole shrubs instead of half **ones** (B. J. Friedman). He imagined a scene in which he was putting all the dead-boy's toys in a box but continually finding new **ones** as years rolled by. (*Ibid*).

One олмоши ҳайвонларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин:

They skimmed through the night and came to an abrupt halt at his feet, their gums drawn back, teeth white, both dogs reaching high above his waist. **One** took Stern's wrist between his teeth... (B. J. Friedman).

One ўзидан олдин ишлатилган отнинг қайтарилмаслиги учун ўринбосар сўз /prop-word/ вазифасида келиши мумкин:

«There are only five people in America who would appreciate this story. You are **one** of I had a fight with that guy from a year and them (B. Friedman). The one who said the thing to you (*Ibid*).

Айрим ҳолларда ўринбосар сўз вазифасида келувчи **one** ўша от сўзларидан аввал етакчи сўз вазифасида ҳам келиши мумкин:

«You're the only **one** from New York I've known and you are differed», she said to him (*Ibid*).

One шахси ноаниқ ва шахси умумлашган гапларда ишлатилиши мумкин:

If **one** wants ... — агар биров хоҳласа, ...

if **one** is not well ... — агар киши соғ бўлмаса ...

One could see that the furniture was of that poor, hurriedly patched together quality sold by the instalment houses (Th. Dreiser) «**One** might think we were in the thirteenth century» (H. B. Wells).

One предметларга нисбатан ишлатилганда предметни англаувчи отнинг қайтарилмаслиги учун ишлатилади. Масалан: The book which I've read is a very interesting **one**.

Something, anything олмошлари предметларни кўрсатувчи ўзгармас олмошлар бўлиб, ўзбек тилига *бир нарса*, *алланима*, *алланарса*, *нимадир*, *қандайдир нарса* каби сўзлар билан таржима қилинади.

Something олмоши бўлишли гапларда, **anything** олмоши сўроқ ва бўлишсиз гапларда ишлатилади:

If he just said **something**, well, a man can say **something**. I just with you had **something** on under there (B. J. Friedman). I'm not going to do **anything** like that (*Ibid*). But he was afraid to say **anything** to a handsome young who had worked on the grounds of Italian nobility (*Ibid*). Fools, common men—even common mathematicians, do not know **anything** of what some general expression may mean to the student of molecular physics (H. I. Wells).

Белгилаш олмошлари (Defining Pronouns). Инглиз тилида белгилаш олмошлари қуйидагилар: **all** — ҳамма, ҳар бир, барча, умум;

everybody ҳар бир, ҳар қайси, ҳар киши, ҳамма; **everyone** ҳар бир, ҳар қайси, ҳар бир киши; **each** ҳар бир, ҳар қайси; **every** ҳар бир, ҳар қайси, ҳар ким; **everything** ҳамма нарса, ҳар бир нарса, бутун; **either** иккови, ҳар бири, ҳар қайсиси; **both** иккала, ҳар иккала, ҳар иккаласи ҳам; **other** бошқа, бошқа бир/и/, ўзга, униси; **another** бошқа, яна, яна бири, униси

all, each, every, both, other, either, another каби белгилаш олмошлари шахс, ҳайвон, парранда ва бошқа жонсиз предметларга нисбатан бир хил ишлатилиши мумкин. Аммо **everybody, everyone** фақат шахсга нисбатан, **everything** эса фақат предметларга нисбатан ишлатилади.

Белгилаш олмошларининг грамматик категориялари ҳам ҳар хил бўлиб, умумий қоидага бўйсунмайди.

1) **all** олмоши аъъектив ва субстантив олмош вазифаларида келиши мумкин. Грамматик категорияси нейтралдир. **all** олмоши маъносига кўра умумлаштирувчи хусусиятга эга:

All that was in the past (P. Abrahams). All was dark in the house (*J. Galsworthy*). We heard that you were going to feed all the animals in all the world, and my brothers sent me to ask when dinner would be ready (*P. Kipling*).

2) **all** аъъектив олмош вазифасида келганда сўз бирикмалари ва иборалари билан бирикиб равиш ёки бошқа сўз туркумларини ясаши мумкин.

Масалан: **all day** — кун бўйи, куни билан; **all the time** — ҳамма вақт; **in all respects** ҳар соҳада, ҳар тўғрида; **beyond all doubt** — ҳеч шубҳасиз; **all alone** — якка, танҳо, бир ўзи; **all over** — ҳамма ёқда, ҳамма ерда; **all around** — ҳар томонлама, ҳамма ерда; **all agree** — ҳамма маъқуллайди; **all is well** — ҳамма нарса жойида, яхши; **after all** охири; **in all** — ҳаммаси бўлиб, тўла, бутунлай; **at all** — умуман, ҳеч ҳам, **not at all** — сира ҳам, арзимайди; **once for all** — доимий, абадий, ҳамма вақт.

3) **everybody, everyone, every** олмошлари синонимик маъноларига кўра бир хил бўлиб, улардан **everybody** ва **everyone** олмошлари келишик категориясига эгадир:

everyone айрим бадний асарларда **every one** шаклида ҳам учрайди. **Every** асосан аъъектив олмош вазифасида ишлатилиб, бирликдаги отни талаб қилади.

How she hated everything and everybody sometimes (*P. Abrahams*). Everyone buys tickets (*B. J. Friedman*). Every one protested loudly so that he compromised by taking a long draught of shout, for he had found the carving hot work (*J. Joyce*). Every man has his sea kit with him (*B. Shaw*). «I shall be glad of that», said Tabby «because, after all, though you've brought every single other spear in Tribe of Tagumai, you've forgotten my Daddy's black-handled spear» (*R. Kipling*).

4) **each** ҳам субстантив, ҳам аъъектив олмош сифатида ишлатилади. Шахс ёки предметларнинг муайян гуруҳидан ҳар бирининг якка-яккалигини англатади. Масалан:

Each separate counter was a show place of dazzling interest and attraction (*Th. Dreiser*).

Each предлоглар ва бошқа сўз туркумлари билан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

each of us — ҳар биримиз each to each — бир-бирига
each and all — ҳамма, ёппасига (нисбатан), ҳар бири

each адъектив олмош вазифасида ишлатилганда, гапда эниқловчи бўлиб келади:

each student — ҳар бир студент
each book — ҳар бир китоб ва ҳ. к.

5) **everything** олмоши жонсиз предметлар ўрнида ишлатилади. Бу олмош ўз грамматик формасини ўзгартирмаса ҳам умумлаштирувчи олмош ҳисобланади.

Well boys, keep **everything** ... (*B. J. Friedman*). «**Everything**», said the mariner controlling Marvel with his eye, and then amplifying, «everyblessed — thing» (*H. I. Wells*). That had the advantage of accounting or **everything** straight away (*Ibid*).

6) **both** гумон олмоши ҳам жонли, ҳам жонсиз предметлар учун ишлатилади.

Both олмоши бош ва объектив келишикдаги кишилик олмошлари билан ишлатилиши мумкин:

а) бош келишикдаги **both** олмоши **we both** — икковимиз, иккимиз, биз иккаламиз; **you both** — икковингиз, иккингиз, сиз иккалангиз; **they both** — иккови, икковлари, иккови ҳам, улар иккаласи ҳам.

We both have a pair now (*J. Joyce*). **We both** turned, though I still kept my left arm about Clara's waist (*R. L. Stevenson*).

б) объектив келишигидаги **both** олмоши:

both of us — икковимиз, иккитамиз

both of you — икковингиз, иккитангиз

both of them — иккитаси, иккаласи

Both of them kissed Gabriel's wife ... (*B. Shaw*). **Both** were secure: but I was not to be beaten (*R. I. Stevenson*).

Both кишилик олмошлари билан ишлатилганда кесимдан кейин келса-да, унинг эга билан алоқаси бузилмайди. Масалан:

They were **both** around seventy years old, or even more than that (*I. D. Salinger*).

Both предлог билан ишлатилиши ҳам мумкин:

We had met at college: and though there was not much liking between us, nor even much intimacy, we were so nearly of a humor that we could associate with ease **to both** (*R. L. Stevenson*).

Both шахс билдирмайдиган сўзлар билан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

The song seemed to be in the old Irish tonality and the singer seemed uncertain **both of his words** and of his voice (*J. Joyce*).

The life I was leading made me **both** hardy and frugal (*R. L. Stevenson*).

7) **either** белгилаш олмоши асосан адъектив олмош сифатида ишлатилиб, грамматик категорияга нисбатан нейтралдир. Бу олмошлардан кейин келган кесим бирлик сонда ишлатилади.

Either маъносига кўра предметни ажратиб — яккалаб кўрсатади: Either of them may come — Улардан хоҳлагани келиши мумкин. You may choose either of these rooms. — Сиз бу хоналардан хоҳлаганингизни танлашингиз мумкин.

at either end — икки(ла) чеккасида (ҳам)

on either side — икки(ла) томонида (ҳам)

He was walking forward, toward.

Tranny, his receptive audience, a supporting forearm on either side of his Martini (*J. D. Salinger*). Franny and Loocy. Another of opinion followed Mr. Fearenside, and either accepted the piebald view or some modification of it (*H. I. Wells*).

Either олмоши **or** боғловчиси билан бирга ишлатилганда боғловчилар туркумига ўтиб кетади ва у энди олмош бўлмай, балки боғловчига айланади: I'll take **either** this **or** that

8) **another, other** олмошлари англаган маъноларига кўра бир хил бўлса-да, функционал ишлатилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. **Another** тарихан **an** ноаниқ артиклининг **other** билан қўшилишидан ясалган. Шу сабабли **another** маъносига кўра ноаниқликни билдиради.

Another олмоши — бошқа, яна бошқа, қандай бўлмасин, бари бир деган маъноларни англатади:

Give me **another** apple — Бошқа олма беринг

Another cup of tea — Яна бир пиёла чой;

Another олмошининг грамматик формаси ўзгармас бўлиб, у билан ишлатилувчи кесим ҳамма вақт бирликда қўлланилади:

There is **another** line at which the dress of a man will cause her to study her own (*Th. Dreiser*) Yet **another** view explained the entire matter by regarding the stranger as a harmless lunatic (*B. J. Friedman*).

Another атоқли отлар (киши номлари) билан ишлатилганда (агар ўтган замонда ишлатилса) қачонлардир бор бўлган ёки янги пайдо бўлганликни билдиради. Масалан: **Another** Navoi (**Shakespeare, Pushkin**) Янги пайдо бўлган Навоий (*Шекспир, Пушкин*).

There had been **another** De Luccio long years past (*B. I. Friedman*)

Other олмоши ҳам адъектив ва субстантив функцияларда ишлатилиши мумкин. Агар **other** адъектив функцияда келса, аниқланмиш ҳам бирликда, ҳам кўпликда келиши мумкин.

Other олмоши сон ва келишик категорияларига эга: other — others, other — other's

Ундан ташқари, **other** олмоши аниқ артикль билан ҳам ишлатилиши мумкин other — the other; others — the other's

... all **other** doctors would be wrong except Winkel (*B. J. Friedman*). First one, then **the other** would make a hearty obvious

observation about the train (*Ibid*). I talk about things that have happened to me, and I don't get into **other** things (*Ibid*).

Other турли предлоглар билан ҳам қўлланиши мумкин:

He was so old, standing there, so aggressive and explosive bottle in one hand and test tube in the **other**, that Mrs. Hall was quite alarmed (*H. I Wells*). Among **others**, old Fletcher remembers seeing him (*Ibid*).

Бўлишсизлик олмошлари (Negative Pronouns). Инкор маъно англатувчи бўлишсизлик олмошларига қуйидагилар киради: **no** ҳеч, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч қанақа; **none** ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч бир, ҳеч қайси, ҳеч қанақа; **no one** ҳеч ким; **nobody** ҳеч ким; **nothing** ҳеч нарса, ҳеч нима; **neither** биттаси ҳам, ҳеч бири, ҳеч қайсиси, униси ҳам, буниси ҳам.

Агар гапда бўлишсизлик олмошлари ишлатилса, ҳозирги инглиз тили қонунига асосан инкорни билдирувчи иккинчи бир сўз ишлатилмайди. Қийёсланг: **Nobody came** Ҳеч ким келмади.

no аниқловчи вазифасида ишлатилганда *ҳеч, ҳеч қандай, ҳеч қайси* сўзлари ёрдамида таржима қилиниши мумкин.

He had never married, his position did not allow of it, and **no woman** had ever moved him to it (*J. Joyce*).

No man dared to strive with Kwasind,

No man could compete with Kwasind,

(*H. W. Longfellow*)

No герундий ёки отлашган феъл билан ишлатилиб, *тақиқни ёки руҳсат этилмаганликни* билдириши мумкин:

No smoking! — Чекилмасин!

No talking! — Гаплашилмасин!

No фақатгина олмош бўлибгина қолмай, равиш ва от вазифасида ҳам ишлатилиши мумкин. У отлашганда отга хос бўлган грамматик категорияларни ҳам олади. Масалан: **two noses make a yes** — иккита бўлишсизлик тасдиқни англатади.

I don't like your **no** — сизнинг йўқ — йўқ дейишингиз менга ёқмайди.

None гумон олмошининг маъносига боғлиқ ҳолда феъл ҳам бирликда, ҳам кўпликда келиши мумкин:

None has come yet

None have come yet

} Ҳали ҳеч ким келмади.

None бўлишсизлик олмоши маъносига кўра кишиларни ҳам, предметларни ҳам ифодалаб келиши мумкин:

I see **none** to be afraid of (*R. L. Stevenson*). «**None whatever**», said the stranger (*H. I. Wells*). Communications with the world beyond the village he had **none** (*Ibid*).

None равиш вазифасида ҳам келиши мумкин.

Масалан: **none** the better — ҳеч қанча яхши эмас,

none the less — ҳеч қанча кам эмас, ҳар қалай

... but I felt **none the less** sure of my conclusion because it was founded on instinct in place of reason (*R. L. Stevenson*).

No one ва **nobody** бўлишсизлик олмошлари ўзбек тилидаги ҳеч қим олмошига тўғри келади.

Бу олмошлар инглиз тилида фақат инсонларга нисбатан ишлатилиб, келишк категориясига эга: **No one** — *no one's*; **Nobody** — *Nobody's*.

«**No one** can ever hope to defeat the powerful Billy One-Foot» (*B. J. Friedman*).

There was **no one** to complain to. **No one** who could help Stern with that kind of problem (*Ibid*)

Nobody would harm him (*P. Abrahams*). **Nobody!** **Nobody** could get her except in a light plane (*J. Aldridge*).

9) **neither** маъносига кўра **either** сўзига қарама-қарши туради. Масалан:

And **neither** of you believe. (*R. L. Stevenson*). **Neither** of them knew exactly what (*Th. Dreiser*).

Neither олмоши **nor** сўзи билан қўшилса, боғловчига айланади. Масалан: **Neither** Tom **nor** Bob came.

10) **nothing** олмошининг грамматик категорияси йўқ. Бу олмош маъносига кўра **something** олмошига қарама-қарши қўйилади.

Davy said **nothing** (*J. Aldridge*). She is but, not to deceive you, she has **nothing** whatever to do with my story (*B. Shaw*).

And there was **nothing** but six crosses to explain the cause (*R. L. Stevenson*).

23-§ Олмошларнинг синтактик функциялари. (Syntactic Functions of the Pronouns)

Олмошлар гапда қуйидаги вазифаларда келади:

1) эга вазифасида: **We** were afraid to breathe (*R. L. Stevenson*). **They** are a little drunk, but not so drunk as Englishmen would be in like circumstances on English liquor (*B. Shaw*).

2) тўлдирувчи вазифасида:

And the girl-daughter picked **him** up on the palm of her little brown hand, and sat **him** in the bottom of the canoe and gave **him** her scissors and he waved **them** in his little arms, and opened **them** and shut **them** and shapped **them** (*R. Kipling*). The old man disguised **himself** in a wig (*I. K. Chesterton*).

3) аниқловчи вазифасида:

«You mean», said Grandy slowly, «that this pleasing youth killed his father» (*I. K. Chesterton*).

«I see several difficulties», said Grandy, which one do you mean? (*I. K. Chesterton*).

4) предикатив вазифасида:

— Who's there?

— It's me (*P. Abrahams*)

Leave it alone. It's mine (*Voynich*)

5) ҳол вазифасида:
He plays chess better than I
Kate is younger than me

СОН (THE NUMERAL)

Абстракт миқдор ёки предметнинг тартибини, ўрнини билдирувчи сўз туркуми *сон* дейилади. Сон от билан ишлатилганда отнинг маъносини тўлдириб, отлашиб келади. Мустақил ишлатилганда эса улар мавҳум маънода бўлади.

24-§ Соннинг структурасига кўра турлари (Types of Numerals according to their Structure)

Структурасига кўра сонлар қуйидаги турларга бўлинади:

1) **туб ёки содда сонлар** (Simple Numerals).

Туб морфемадан иборат бўлган сонлар *туб ёки содда сонлар* дейилади. Масалан: **one, two, ten, hundred, thousand, million, billion.**

2) **ясама ёки дериватив сонлар** (Derivative Numerals).

Ясама сонлар туб сонларга сўз ясовчи аффикслар қўшилишидан ташкил топади. Масалан: **thirteen, fourteen, twenty, thirteenth, fourteenth, twentieth.**

3) **қўшма ёки мураккаб сонлар** (Compound or Composite Numerals).

Қўшма ёки мураккаб сонлар икки ёки ундан ортиқ сонларнинг қўшилишидан ташкил топади. Масалан: **(twenty-two, forty-eight, one hundred and five.**

25-§. Соннинг умумий классификацияси

Соннинг грамматик, лексик ва фонетик классификацияси мавжуд.

Сонда от, феъл ёки айрим олмошларда мавжуд бўлган сон, келишик ва бошқа шунга ўхшаш грамматик категориялар йўқ. Аммо соннинг отга қўшилиши натижасида отнинг формаси ўзгариб кетиши мумкин. Масалан:

These **two persons** were unquestionably the guests for whom the house was made ready (*R. L. Stevenson*). The **two men** stuck their heads in their newspapers (*B. J. Friedman*).

26-§. Соннинг турлари (Types of Numerals)

Инглиз тилида сонлар белгисиз (*unmarked*) ва белгили (*marked*) формаларнинг оппозициясидан иборат бўлган саноқ (*Cardinal*) ва тартиб (*Ordinal*) сонларга бўлинади.

Саноқ ва тартиб сонлардан каср сонлар ясалади. Аммо уларнинг махсус формаси йўқ.

САНОҚ СОНЛАР (CARDINAL NUMERALS)

0 naught, nought, zero	41 forty-one
1 one	42 forty-two
2 two	50 fifty
3 three	51 fifty-one
4 four	52 fifty-two
5 five	60 sixty
6 six	61 sixty-one
7 seven	62 sixty-two
8 eight	70 seventy
9 nine	71 seventy-one
10 ten	72 seventy-two
11 eleven	80 eighty
12 twelve	81 eighty-one
13 thirteen	82 eighty-two
14 fourteen	90 ninety
15 fifteen	91 ninety-one
16 sixteen	92 ninety-two
17 seventeen	100 a (one) hundred
18 eighteen	101 (one) hundred and one
19 nineteen	123 (one) hundred and twenty-three
20 twenty	200 two hundred
21 twenty-one	1000 a (one) thousand
22 twenty-two	1001 one thousand and one
23 twenty-three	100 000 a (one) hundred thousand
30 thirty	1000 000 a (one) million
31 thirty-one	2 000 000 two million (s)
32 thirty-two	1 000 000 000 a (one) milliard,
40 forty	billion

Самоқ сонлар инглиз тилида ўзгармайди, яъни грамматик категорияларга эга эмас. Лексик маъносига кўра улар миқдорни билдиради. Самоқ сонларнинг асосий хусусияти қуйидагича:

1) бирдан ўн учгача бўлган сонлар (асосан бирликдаги сонлар) ва юз, минг, миллион, миллиард сонлари содда сон ҳисобланади: **one, two, three, four, five, six, seven, eight, nine, ten, eleven, twelve, hundred, thousand, million, billion, (milliard)**¹.

One more, said the captain (R. L. Stevenson). In one way indeed he bade to ruin us for he kept on staying week after week (Ibid) I closed three million dollars worth of homes last year (B. C. Friedman).

2) ўнлик сонлар-**ty** суффикси ёрдамида ясалади: **twenty, thirty, forty, fifty, sixty, seventy, eighty, ninety.**

If he were in hiding **twenty times** over, would it make one thought of change in you? (R. L. Stevenson). The house has been stan-

¹ Англияда кўпроқ **milliard**, Америкада эса **billion** ишлатилади.

ding here for **thirty** years with whole shrubs, he said to his wife (B. J. Friedman) I'll pay the **fifty** (Ibid)

3) ўн учдан ўн тўққизгача бўлган сонлар **teen** суффиксини қўшиш билан ясалади. **teen** суффикси қадимги инглиз тилида **ўн** деган маънони англаган: **thirteen, fourteen, fifteen, sixteen, seventeen, eighteen, nineteen. Fifteen** сўзи ҳозирги инглиз тилида содда-лашган ҳисобланади. **Five** сони қадимги инглиз тилида **fif** тарзида ёзилган: **Fifteen** men were on the dead man's chest (R. L. Stevenson). When a girl leaves her home at **eighteen**, she does one of two things (Th. Dreiser).

4) агар бирлик сонлар ўнлик сонларга қўшилса, улар ўртасига дефис қўйиб ёзилади:

The train was **eighty-nine** cents. I enter every penny right in here (B. J. Friedman). It was all gone and he was **forty-three** and his wife had gone back to Linnean Street (J. Aldridge).

Эслатма: Сонлар қаторасига саналганда ҳам ўртасига дефис қўйиб ёзиш мумкин:

«This is the way it's done, **One-two-three!** And where's your breakfast (R. Kipling).

5) юз, икки юз ва ундан ортиқ сонларга бирлик ёки ўнлик сонлар қўшилса, улар ўртасида **and** боғловчиси ишлатилади:

110 — one hundred **and** ten

129 — one hundred **and** twenty - nine.

205 — two hundred **and** five

1005 — one thousand **and** five

1,919 — one thousand nine hundred **and** nineteen.

15,000 — fifteen thousand

5,000 000 — five million

3,400 000 — three million **and** four hundred thousand

10,398,517 — ten million three hundred and ninety eight thousand, five hundred and seventeen.

6) **hundred, thousand, million, billion, milliard** сонлари кўпинча ноаниқ артикль билан ишлатилади. Айрим ҳолларда ноаниқ артикль ўрнида **one** ишлатилиши ҳам мумкин:

I would see him in a thousand forms and with a **thousand** diabolical expressions (R. L. Stevenson). Cat made one jump and caught the little mouse, and the woman said «**A hundred** thanks» (R. Kipling). It was a city of over 500 000 with ambition the daring, the activity of metropolies of a **million** (Th. Dreiser).

7) уй, китоб, трамвай, дарс ва бошқаларнинг номерлари айтилганда саноқ сон отдан кейин келади: **flat six** олтинчи хона **bus (number) one hundred and nineteen** 119-автобус ва бошқалар.

8) аниқланмиш тушиб қолса ҳам сон ўша отнинг маъносини билдириб келиши мумкин:

He himself had been brought **in three** in the city and fancied people who lived **in four** were so much more splendid than himself (B. J. Friedman). I'll only put **in one** said Tegumai (R. Kipling).

ТАРТИБ СОНЛАР — CARDINAL NUMERALS.

1 the first	40 the fortieth
2 the second	41 the forty-first
3 the third	42 the forty-second
4 the fourth	50 the fiftieth
5 the fifth	51 the fifty-first
6 the sixth	52 the fifty-second
7 the seventh	60 the sixtieth
8 the eighth	61 the sixty-first
9 the ninth	62 the sixty-second
10 the tenth	70 the seventieth
11 the eleventh	71 the seventy first
12 the twelfth	72 the seventy second
13 the thirteenth	80 the eightieth
14 the fourteenth	81 the eighty-first
15 the fifteenth	82 the eighty-second
16 the sixteenth	90 the ninetieth
17 the seventeenth	91 the ninety-first
18 the eighteenth	92 the ninety-second
19 the nineteenth	100 the hundredth
20 the twentieth	101 the hundred and first; one hundred and first.
21 the twenty-first	200 the two hundredth
22 the twenty-second	1000 the thousandth
30 the thirtieth	1,000,000 the millionth
31 the thirty-first	
32 the thirty-second	

Тартиб сонлар предметнинг санаш тартибини ёки жойлашиш ўрнини билдиради. Тартиб сонларнинг асосий хусусиятлари қуйидагича:

1) **first, second, third** сонларидан бошқа тартиб сонлар **саноқ** сонларга **-th** суффиксини қўшиш билан ясалади. Бу суффике ёрдамида тартиб сонларнинг **саноқ** сонларга бўлган оппозицияси ҳосил бўлади: four — fourth; five — fifth; six — sixth; seven — seventh; eleven — eleventh; million — millionth; one hundred and tenth; four — fourth.

Саноқ сон оппозициянинг белгисиз аъзоси (unmarked member), тартиб сон эса белгили аъзоси (marked member) ҳисобланади.

2) **first** ва **third** сонлари содда сўзларга киради. **first** қадимги инглиз тилидаги **fyresta, forma** сўзларидан, **third** эса қадимги инглиз тилидаги **thirða, thridda** сўзларидан ҳосил бўлган. Аммо **-da** суффикси ҳозирги инглиз-тилида тартиб сон формаси ясаш қобилиятини йўқотган. **Second** латинча сўз бўлиб, инглиз тилига француз тили орқали ўтган.

3) мураккаб сонларни тартиб сонга айлантириш учун **фақат** охириг сонни ўзгартириш кифоя: **sixty-second, (one) hundred and fifty-first, two thousand five hundred and fifty-fourth.**

4) агар тартиб сонларни рақамлар ёрдамида ёзиш керак бўлса, охири суффиксни (ҳатто ажралмас бўлиб, кетганлигига қарамай), рақамларга қўшиб ёзилади: December 31 st, 1968, January 22 nd, February 23 rd, 1968, March 8 th, 1968.

5) кишиларнинг номлари рақам билан ишлатиладиган бўлса, ёзувда киши номидан кейин рим рақами ишлатилади, аммо у тартиб сон бўлиб ўқилади. Масалан:

Peter I — Peter the First; Alexander II, — Alexander the Second; Henry V — Henry the Fifth,

Саноқ сон яна қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

а) процентни билдирганда:

100 % — one hundred per cent,

96 % — ninety six per cent,

150 % — one hundred and fifty per cent.

б) телефон номери айtilганда:

41 — 4 — 35 — four one four three five:

57 — 0 — 34 — five seven 0 (ou) three four:

13 — 0 — 44 — one three 0 (ou) double four.

6) спорт ўйинларининг ҳисоби айtilганда nil (ноль) сўзидан ҳам фойдаланилади:

The result of the football match is four nil (4 — 0)

7) нолдан баланд ёки паст бўлган ҳарорат ҳақида гап борса, zero сўзи қўлланади:

above zero — нолдан баланд

below zero — нолдан паст.

Каср сонлар (Fractional Numerals, Fruction Numbers). Каср сонлар бутуннинг бўлагини ифодалайди. Инглиз тилида каср сонларни ясашда от ва отлашган сўзлардан фойдаланилади. Каср сонларда бўлувчи (numerator) саноқ сонлардан, бўлинувчи (denominator) отлашган тартиб сонлардан иборат бўлади.

1 — the whole — бутун

$\frac{1}{2}$ a half, one half — ярим, яримта

$\frac{1}{3}$ a third, one third — учдан бир

$\frac{1}{4}$ a quarter, one fourth — чорак, тўртдан бир

$\frac{3}{4}$ three quarters — тўртдан уч

$\frac{2}{5}$ two fifths — бешдан икки

$\frac{110}{200}$ one hundred and ten over two hundred — икки юздан бир юз ўн.

Каср сон билан бирга келган бутун сонларни айтишда ёки ёзишда улар ўртасига **and** боғловчиси қўшилади:

$1\frac{1}{2}$ one and a half — бир бутун иккидан бир ёки бир ярим

$2\frac{3}{5}$ two and three fifths икки бутун бешдан уч.

Ярим сони отлар билан келганда икки хил қўлланиши мумкин: бир **ярим** соат — one and a half hours, an hour and a half икки **ярим** фунд — two and a half pounds, two pounds and a half беш **ярим** километр — five and a half kilometres, five kilometres and a half

ярим соат — half an hour, a half of an hour

ярим миль — half a mile, a half of a mile.

Even with **half a mind** he knows more than anyone else. (*B. L. Friedman*). So he's got to get up at **half past five**. (*Th. Dreiser*). She was glad when the short **half hour** was over and the wheels began to whirr again (*Ibid*).

Ўнли каср қуйидагича ўқилади:

0.35 — nought point three five ёки point three five

0.53 — nought point five three ёки point five three

2.7 — two point seven,

6.5 — six point five,

10.3 — ten point three.

15.105 — one five (fifteen) point one nought five.

Хронологик саналар. Хронологик саналарни ўқишнинг ўзига хос қондалари бор. Масалан:

1968 — nineteen sixty eight

1945 — nineteen forty five

1933 — nineteen thirty three

1900 — nineteen hundred

1905 — nineteen o (ou) five, ёки nineteen hundred and five

Ой, кун ва йилларнинг ёзилиши қуйидагича ўқилади:

May 1st, 1968 — (May the first, nineteen sixty eight)

May 9th, 1945 — (May the ninth nineteen forty six)

ёки

I st September, 1968 — The first of September, nineteen sixty eight,

Friday, December 13 1968 — Friday, the thirteenth of December nineteen sixty eight.

On the 12 th of June 1745 for instance a sum of seventy pounds had plainly become due to some one (*R. L. Stevenson*)

Сон турлари ҳақида гапирилганда инглиз тилида чама сонлар деб аталувчи мустақил сон йўқлигини айтиб ўтиш керак. Ўзбек тилида эса бундай сон мавжуд бўлиб, улар морфологик ва синтактик йўллар билан ясалади. Масалан: *элликтача, ўнтача, ёки уч-тўтта, беш-олтита* ва бошқалар.

Инглиз тилида сонлар чамасини кўрсатиш учун сон олдидан **about** сўзи ёки иккита сон ўртасида **or** суффикснни ишлатилади. Масалан:

about ten — ўнтача

one or two — бир-икки, бир-иккита

two or three — икки-уч, иккита ёки учта, учтача

three or four — уч-тўрт, тўрттача

One or two ruined cottages were dotted about the wood. (*R. L. Stevenson*). Two or three steps farther and her life would have been in serious jeopardy (*R. L. Stevenson*). He threw down three or four gold pieces on the threshold (*R. L. Stevenson*).

27- §. Сонларнинг гапдаги вазифалари

Сонлар ўзларининг функцияларига кўра қуйидаги вазифаларни бажариб келади:

1) эга вазифасида:

The two didn't mix. (*P. Abrahams*). But these two passed on and were admitted in their turn to the pavilion (*R. L. Stevenson*).

2) аниқловчи вазифасида:

а) эгани аниқлаб келади:

The two men stuck their heads in their newspapers ... (*B. L. Friedman*). A little afterwards four yachtsmen carrying a heavy chest and guided by a fifth with a lantern passed close in front of me as I lay and were admitted to the pavilion by the nurse (*R. L. Stevenson*).

б) тўлдирувчини аниқлаб келади:

I closed three million dollars worth of homes last year. (*B. L. Friedman*). Stern gave him twenty five dollars. (*Ibid*) Her mother was Hungarian had lost three children in infancy and spent her time crocheting bitterly dreaming of three dead sons (*Ibid*).

3) постпозитив аниқловчи вазифасида:

She was now a thin though rugged woman of twenty seven with ideas of life coloured by her husband's (*Th. Dreiser*).

4) тўлдирувчи вазифасида:

Long John even got rid of two out of the six or seven, I had already engaged (*R. L. Stevenson*) Then you are bringing four of your own people with you and they tell me some of them are to be berthed forward (*Ibid*).

5) предикатив вазифасида:

It was nearly three when we issued from the pavilion (*R. L. Stevenson*). He is ten (*Hornly*)

6) ҳол вазифасида ва ҳол группасида:

When she awoke at eight the next morning Hanson had gone. (*Th. Dreiser*). «Well» he said finally, you report here at eight o'clock Monday morning (*Ibid*). He'll come to me in two seconds if I want him, no matter, how crazy he is (*B. L. Friedman*).

Сонли бирикмалар ва сонлардан ясалган сўзлар. Сонларга ҳар хил суффикслар, предлоглар қўшиш ва уларни бошқа сўзлар билан бириктириш йўли билан янги сўз ва сўз бирикмалари яшаш мумкин. Бу сўз ва сўз бирикмалари асосан бошқа сўз туркумларига мансуб бўлади. Масалан:

firstly биринчидан
at first даставвал
at the first place биринчидан,
биринчи ўринда
secondary иккинчи даражали
secondly иккинчидан
in the second place иккинчи ўрин-
да
thirdly учинчидан

In the third place учинчи ўрин-
да, учинчидан
once бир марта
once and again бир неча марта,
такрор - такрор
twice икки марта, икки қайта
thrice уч марта, уч қарра
one more яна битта
one day кунлардан бир кун

One by one бирикмаси

Инглиз тилида **one, two, three** ва бошқа сонлар **by** предлоги ёрда-мида такрорланиши натижасида одамлар ёки бошқа жонли ва жон-сиз предметларнинг *бирин-кетин, биттама-битта, навбат билан, маълум гуруҳда тўпланганини, бирор иш-ҳаракатини бажарган-лигини* билдириб келади. Бу конструкцияни ўзбек тилидаги ул у ш сонларни ясовчи суффикслардан фойдаланиб таржима қилиш мумкин: **One by one**, or in groups the seamen returned to the beach (*R. L. Stevenson*) **One by one** he took all the beasts and birds and fishes and told them what to play at (*R. Kipling*).

Бу группага **in couples** *жуфт-жуфт бўлиб, иккита-икки-та* бирикмасини ҳам киритиш мумкин:

Four young, who had come from the refreshment room to stand in the doorway at the sound of the piano, had gone away quickly **in couples** after a few minutes (*J. Joyce*).

28-§. Сонларнинг отлашиши

Сонлар бошқа сўз туркумига нисбатан осонлик билан отлаша-ди. Бунда сон отга хос бўлган сигналларни (артикуль, аниқловчи сўз ва форма ясовчи суффиксларни) олиши мумкин.

The woman smiled as she looked down upon the two of them and said, «That was wonderfully done» (*R. Kipling*). But these two passed on and were admitted in their turn to the pavilion. (*R. L. Stevenson*)

Мурожаат қилганда сонлар от ўрнида ишлатилиши мумкин:

At the end of the day the Man called the Horse and the Dog and the Ox together, and said, «Three, O Three, I'm very sorry for you . . .» (*R. Kipling*)

Сонларнинг отлашиши кўпроқ сон аниқлаган от эллипсига уч-раганда рўй беради. Қуйидаги мисолда тартиб сонлар бир вақтнинг ўзида икки хил вазифада от ва сон вазифасида келяпти.

And as the first was his first cousin, the second his second cou-
sin, the third his brother-in-law and the fourth his uncle by marria-
ge, this conversational versatility certainly served in one sense to create
a happy family (*S. K. Chesterton*).

РАВИШ — THE ADVERB

Равиш мустақил сўз туркуми бўлиб, феълдан англашилган ҳаракатнинг қаерда, қачон, қай тарзда, қандай тезликда ва нима сабабдан юзага чиққанини кўрсатади. Равишнинг категориал маъноси ҳаракат ёки белгини аниқлашдир.

29- §. Равишнинг структурасига кўра турлари (Types of Adverbs according to their Structure)

Равишлар ўз структурасига кўра содда, ясама, қўшма ва мураккаб равишларга бўлинади:

1) содда ёки туб равишлар (Simple or Root Adverbs) бир ўзакли сўзлардангина иборат бўлади. Масалан, **now** — ҳозир, **here** — шу ерда, **far** — узоқ, **well** — яхши, тузук, **hard** — қийин;

2) ясама равишлар (Derivative Adverbs) содда (бир ўзакли) сўзларга равиш ясовчи суффиксларни қўшиш билан ясалади. Ясама равишлар кўпинча сифатлардан ясалади: **quick** (сифат) — **quickly** (равиш), **main** (сифат) — **mainly** (равиш), **marvelous** (сифат) — **marvelously** (равиш) **-ly** суффикси билан тугаган сифатлардан равиш ясаш учун унга аввал **-al** кейин **-ly** суффикси қўшилади:

acrobatic — **acrobatically**

acoustic — **acoustically**

Ҳозирги замон инглиз тилида ўз маҳсулдорлигини йўқотган яна бир неча суффикслар бўлиб, улар ёрдамида янги сўзлар деярли ясалмайди, лекин улар ёрдамида ясалган равишлар энг кўп қўлланувчи сўзлардан ҳисобланади. Масалан:

ward: **backward** — орқага, орқа томон(га)
forward — олға, олдинга томон
backward — орқага, орқа томон
homeward — уй томон, уйга
northward — шимол томон, шимолий
inwards — ичкарига, ичкари томон
towards — олға, олд томон

wise **clockwise** — соат стрелкаси бўйича, тўғри
crosswise — қарама - қарши
lengthwise — узунасига
nowise — ҳеч қанақасига

long: **sidelong** — ёнига, ёнбошига, қиялаб
headlong — боши билан (олға), калла билан;

3) қўшма равишлар (Compound Adverbs) икки ва ундан ортиқ ўзакнинг бир-бирига қўшилишидан ясалади. Масалан: **outright** — қатъий, тамомила, бутунлай; **outside** — ташқарида, ташқарига, ташқари томон; **everywhere** — ҳамма ёқда, ҳамма жойда, **everytime** — ҳамма вақт, доим;

4) мураккаб равишлар (Composite Adverbs) икки ва ундан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ясалади. Масалан: **at present** — ҳозирги пайтда, шу кунларда; **up to now** — ҳозиргача; **at last** — охири; **at once** — бирдан; **by chance** — тасодифан; **to and fro** — у ёқ бу ёққа.

30- §. Равишларнинг маъносига кўра турлари (Semantic Classification of Adverbs)

Маъноларига кўра равишларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Уларнинг айримлари иш-ҳаракатнинг қандай ҳолда, қандай тарзда бажарилганлигини билдирса, бошқалари иш-ҳаракатнинг қаерда юзага чиққанлигини, қаердан бошланганлигини, қай томон йўналтирилганлигини, қачон, қайси пайтда бўлганлигини билдириб келади. Ундан ташқари равишлар бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш сабабини, мақсадини кўрсатиши ҳам мумкин.

Равишларни бундай гуруҳларга бўлишда аниқ чегара бўлмаганлиги сабабли вақт равишлари, миқдор ва даража равишлари ҳамда такрорий равишларнинг алоҳида гуруҳларга бўлиниши ҳам шартлидир. Мақсад ва нисбий равишлар боғловчиларга яқин туради.

Ўрин равиши (Adverbs of Place and Direction). Ўрин равишлари иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, жойини, қаердан бошланганлигини, қаерга, қайси томонга йўналтирилганлигини билдиради. Ўрин равишлари қуйидагилар:

here — бунда, бу ёққа, шу ерда, шу ернинг ўзида; **there** — ўша ерда, у жойда, у ерда; **near** — яқин, яқинида, ёнида; **behind** — орқада, кейинда; **within** — ичида; **outside** — ташқарида, устида; **upstairs** — юқорига, юқорида; **inside** — ичкарасида, ички томонида, ичида; **backward** — орқа томонида, орқага; **southward** — жануб томонга; **homeward** — уйга, уй томонга; **ashore** — қирғоққа, қирғоқда; **around** — атрофида, теварагида, атрофига, теварагига; **past** — ёнида, яқинида, ёнидан, яқинидан; **along** — бўйлаб, ёқалаб; **where** — қаерда, қаерга; **somewhere** — қаердадир, бир ерда, бирор жойда, **nowhere** — ҳеч ерда, ҳеч қаерда; **everywhere** — ҳамма ёқда, ҳамма ерда; **anywhere** — бирор жойда, қаерда бўлмасин; **above** — устида, тепасида; **below** — остида, пастга; **under** — остида, тагида; **thence** — у томондан, шу ердан, шу жойдан, ўшандан бери; **hence** — шу ердан; **whence** — қаёқдан, қайси томондан; **thither** — ўша ёққа, ўша томонга; **hither** — бу ёққа; **whither** — аллақаёққа, ўша томонга; **downstairs** — пастга, пастидан, паст қаватда; **back** — орқага, орқада; **out** — ташқарига, ташқарида; **in** — ичига, ичида ва ҳоказолар.

He used to come **here** with a blind begger he used (R. L. Stevenson). Well I am going to be **there** several weeks (Th. Dreiser). Signs were **everywhere** numerous (Ibid). You can get in **somewhere** in a few days (Ibid). Minnie made no objection to this and Carrie put on her hat and went **below** (Th. Dreiser). He was looking **back** (Ibid). But as he came **downstairs**, he noticed that the bolts on the front door had been shot bask (H. I Wells). He stopped **forward** and handed Mrs. Hall something ... (Ibid). I turned **hither** and **thither** among the trees (R. L. Stevenson).

Пайт равishi (Adverbs of Time). Пайт равishi иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, юзага чиқиш вақтини билдиради. Пайт равishi-лари қуйидагилардир:

today — бугун; **tomorrow** — эртага; **then** — сўнг, сўнгра, кейин, у маҳалда, чоғда; **after** — кейин, сўнг, орқасидан; **before** — илгари, аввал, олдин; **when** — қачон; **now** — ҳозир, шу кунда; **since** — шундан (ўшандан) бери; **already** — аллақачон; **soon** — тезда, яқинида; **presently** — тезда, ҳозироқ, сал вақт ўтгач, тез орада; **immediately** — дарров, дарҳол, бевосита; **early** — эрта, барвақт; **late** — кеч, сўнг, кеч қолиб; **afterwards** — кейин, сўнгра; **just** — эндигина, ҳозиргина, аниқ, роса, тўппа-тўғри; **still** — ҳалигача, ҳали ҳам; **shortly** — тезда, сал олдин, илгарироқ; **tonight** — бугун, кечкурун (кечаси); **suddenly** — тўсатдан, қўққисдан, бирдан; **by now** — ҳозиргача, ҳозирги довур; **sooner or later** — эртами-кеч (ми); **every day** — ҳар кун, кунда; **someday** — бир куни; **sometime** — қачондир; **hitherto** — шу вақтгача, ҳозиргача ва ҳоказо. Мисоллар:

I guess she **just** wants to look out a **while** (*Th. Dreiser*). **All day** he hung round the cover or upon cliffs with a brass telescope (*R. L. Stevenson*). I had sat down **already** in my own corner and began to eat (*R. L. Stevenson*). **Every day** when he came back from his stroll he would ask if any men had gone by along the road (*Ibid*).

All this while as I say I was **still** running and without taking any notice I had drawn near to the foot of the little hill with the two peaks (*Ibid*). **Then** you are bringing four of your own people with you (*Ibid*). While I was still in this delightful dream we came **suddenly** in front of a large inn (*Ibid*). He was **now** armed (*Ibid*).

Tonight she would see Lanny (*P. Abrahams*). I'll be back **soon**, father (*Ibid*). Well, she said, I think I'll look around **tomorrow** (*Th. Dreiser*). She could see them moving **now and then**, upon the upper floors (*Ibid*). On Monday she arose **early** and prepared to go to work (*Ibid*). **Someday** you'll understand (*B. I. Friedman*).

Ҳолат равishi (Adverbs of Manner). Ҳолат равishi иш-ҳаракатнинг қай тарзда, қандай ҳолатда, қай усулда бажарилганлигини билдиради. Ҳолат равishини билдирувчи сўзлар қуйидагилардир:

quickly — тез, дарров; **strongly** — қаттиқ, жуда кучли, қатъий; **high** — юқори, баланд, қиммат; **well** — яхши; **thus** — шундай, шунақа, шундай қилиб, шу тарзда; **together** — бирга, биргаликда, бирлашиб; **kindly** — илтифот билан, яхши, кўнгли очиқ, хайрихоҳлик билан; **hard** — қаттиқ, кучли, оғир, кўп; **beautifully** — чиройли, ажойиб тарзда; **badly** — ёмон, зарарли; **slowly** — секин, аста-секин, суст; **wisely** — оқилона, ақлли, доноларча; **bravely** — мардларча, қўрқмас, қахрамонларча; **steadily** — қатъий, доимо; **quietly** — беозоргина, тинчгина; **easily** — осонгина, енгиллик билан, қулайгина; **fluently** — бемалол раван, текис; **lazily** — эриниб, эринчоқлик билан; **fast** — тез қаттиқ, маҳкам, чидамли; **willingly** — тайёргарлик билан, иштаҳа билан, хоҳлаб, юракдан, **by heart** — ёддан; **by chance** — тасодифан, тўсатдан; **so-so** — ўртача, ёмон эмас ва ҳоказолар.

Мисоллар:

What can I do for you, miss? He inquired surveying her **curiously** (*Th. Dreiser*). Oh, you haven't, he said, eyeing her **keenly** (*Ibid*). She boarded a car in the best of spirits, feeling her blood still flowing **uppleasantly** (*Ibid*)

Такрорий равишлар (Adverbs of Repetition and Frequency). Бу равишлар иш-ҳаракатнинг такрорланиб ва қайтарилиб туришини ёки камдан-кам содир бўлишини ифодалайди. Такрорий равишларга қуйидагилар киради: **often** тез-тез, кўпинча; **seldom** — кам, сийрак, гоҳ-гоҳ; **ever** доим, ҳар доим; **never** ҳеч қачон; **sometimes** — баъзан; **rarely** — ўхтин-ўхтин, гоҳ-гоҳ; **always** — доим, ҳар қачон; **generally** умуман, одатдагича; **daily** кунда, ҳар кун; **occasionally** — ҳар замонда, ўхтин-ўхтин, **frequently** — тез-тез бўлиб турадиган; **usually** доимий, одатдагича, ҳар сафаргидек; **twice** икки марта, икки қайта ва ҳоказолар. Мисоллар:

My father was **always** saying the inn would be ruined for people would soon cease coming there to be tyrannized over and put down and sent shivering to their bed (*R. L. Stevenson*). You've **never** called me before (*B. Friedman*). Why doesn't he **ever** come up and talk to me? (*Ibid*). And **often**, inside the house, he would think about his Jewishness. (*Ibid*). **Sometimes** the isle was thick with savages with whom we fought. (*R. L. Stevenson*). That was all very well to draw **once or twice**: but when it came to drawing it six or seven times (*R. Kipling*) . . . but Lilian had **occasionally**, been spoken of as a young woman who might be thankful to marry at all — she was so much plainer than her sisters (*C. James*).

Даража, миқдор ва ўлчов равишлари (Adverbs of Degree, Measure and Quantity). Бу равишлар иш-ҳаракатнинг қай даражада бажарилганлигини, белгининг тахминий миқдорини ифодалайди. Даража, миқдор ва ўлчов равишлари қуйидагилар:

very — жуда, ғоятда, бениҳоя; **quite** — тўла, жуда, бутунлай; **almost** — деярли; **enough** — етарли, бўлди; **scarcely** — сал, зўрга; **rather** — тезроқ, яхшироқ, афзалроқ, анча, етарли; **somewhat** — қисман, маълум даражада, бир қадар, бирмунча; **too** — жуда (ҳам), ҳаддан ташқари; **nearly** — ёнида, тахминан, деярли; **much** — жуда кўп, **little** — оз, бир оз; **hardly** — зўрга, қийинчилик билан; **exactly** — роса, ўз вақтида; **half** — ярим-ёрти, чала; **wholly** — тўла, батамом, тамомила, бутунлигича; **partly** — қисман; **exceedingly** — жуда ҳам, фавқулодда; **firstly** биринчидан, аввал; **secondly** — иккинчидан, иккиламчи, кейин; **thirdly** учинчидан; **pretty** — дуруст, тузуккина; **utterly** — ҳаддан ташқари, ўта, жуда ҳам, ниҳоятда ва ҳоказолар. Мисоллар:

Once a day and **once** a night I return (*R. Kipling*). By God, he said in a whisper this is **too much** for me? (*R. L. Stevenson*). Indeed I may say there is **hardly** a better place of concealment in the United Kingdom (*Ibid*). Your daughter will do well **enough** (*Ibid*). You are the most **different** person I know (*B. I. Friedman*). She also was **much** incensed by what had passed (*Ibid*). They **once** had an original Braque (*Ibid*). I can **hardly** breathe I wear them so tight (*Ibid*).

Сўроқ равишлари (Interrogative Adverbs). Сўроқ равишлари иш-ҳаракатнинг қаерда, қачон, қандай юзага чиққанлигини аниқлаш учун ишлатилади. Сўроқ равишлари қуйидагилардир:

where? — қаерда? қаерга?; **when?** — қачон?; **why?** — нега, нима учун? нима сабабдан?; **how?** — қандай? қай тарзда? қай усулда?; **how much?** — қанча, қанчадан? ва ҳоказолар.

Why wasn't my breakfast laid? (*H. Wells*) **How** is it? (*Ibid*).
Where have they put my clothes? (*Ibid*)

It was already candlelight when we reached the hamlet and I shall never forget **how much** I was cheered to see the yellow shine in doors and windows (*Wells*).

Сабаб ва натижа равишлари (Adverbs of Cause and Consequence). Сабаб ва натижа равишлари иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш сабабини, нима сабабдан бундай натижа рўй берганлигини билдиради. **therefore** — шунинг учун; **consequently** — демак, бинобарин, ҳақиқатда; **accordingly** — шундай қилиб, шу тарзда, шунга кўра; **because** — чунки, шу сабабли, негаки ва шу кабилар сабаб ва натижа равишларидир.

All was drawing a low and aloft: every one was in the bravest spirits, because we were now so near and of the first part of our adventure (*R. L. Stevenson*).

It was on the contrary because she felt too wide-eyed and wished to check the sense of seeing too many things at once (*Ibid*).

«If once I knew I could talk to you **accordingly**» (*Ibid*). Her situation at Gardencourt **therefore** appreciated as we have seen her to be By Isabel and full of appreciation herself of that free play of intelligence which, to her sense rendered Isabel's character a sister spirit, . . . (*Ibid*)

Caspar Goodwood was **accordingly** the next moment shaking hands with her, but saying nothing till the servant had left the room. (*Ibid*)

31- §. Равиш даражалари (Degrees of Comparison)

Равишлардаги бирдан-бир грамматик категория равишларнинг даражаси бўлиб, улар сифатлардагидек; **оддий** (positive), **қиёсий** (comparative) ва **орттирма** (superlative) даражалардан иборатдир. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳамма равишларда ҳам даража бўлавермайди. Масалан, ўрин, пайт, сабаб, сўроқ ва бошқа равишларнинг деярли ҳаммасида даража формаси йўқ. Даража формалари асосан ҳолат равишларига хосдир.

1) синтетик йўл билан даража формалари ясалганда сифатлардагидек оддий даражадаги равишларга **-er** ва **-est** суффикслари қўшиб қиёсий ҳамда ортторма даражалар ясалади. Масалан: quick — quickest

Агар равиш охири-у ҳарфига тугаган бўлса, -у ҳарфи **-i** ҳарфига айланади ва шундан сўнггина **-er** ёки **-est** суффикси қўшилади. Масалан: easy—easier.

I always feel **easier** in my mind when he is here (*J. Joyce*). And the shock of his alarm, the fever predicted by Dr. Livesey, **was** evidently growing swiftly **higher**. (*R. L. Stevenson*).

2) охири-ly суффикси билан тугаган кўп бўғинли равишларда қиёсий ва орттирма даража синтактик усул билан, яъни **more** ва **most** сўзлари ёрдамида ифодаланади.

curiously — **more** curiously — **most** curiously
 beautifully — **more** beautifully — **most** beautifully
 fluently — **more** fluently — **most** fluently

More (most) + Adverb аналитик форма ва синтактик сўз бирикмаси ўртасида туради, яъни икки хил қаралади.

Mr. Hall's complements, as the furniture upstairs was behaving **most extraordinary**. (*H. I. Wells*). And suddenly and **most wonderfully** the door of the room upstairs opened of its own accord, and as they looked up in amazement, they saw descending the stairs the muffled figure of the stranger, staring **more blackly** and **blankey** than ever with those unreasonably large glass eyes of his (*Ibid*).

3) бир группа равишларнинг даражалари супплетив йўл билан ясалади, яъни даража формалари турли ўзакли сўзларнинг бириктиб оппозицияга киришиши натижасида ясалади. Масалан:

well — better — best
 badly — worse — worst

Айрим равишларда фақат сўз ўзагидаги унлилар ўзгарса, баъзиларида сўз ўзаги билан аффиксал морфема бирлашиб кетган бўлиши ҳам мумкин:

fore (far) — further — furthest
 out — outer, outmost, outermost, utter — uttermost, utmost.

Юқоридаги равишларнинг кўплари ҳам равиш, ҳам сифат вазифасида ишлатилади.

Равиш даражаларининг ясалиш усуллари қисқача қуйидагича.

Ясалиш усуллари	Оддий даража	Қиёсий даража	Орттирма даража
Морфологик усул	hard early soon late sharp	harder earlier sooner later sharper	hardest earliest soonest latest sharpest
Синтактик усул	wonderfully curiously fluently	more wonderfully more fluently more curiously	most wonderfully most fluently most curiously
Супплетив усул	well much badly	better more worse	best most worst

32- §. Равишларнинг гапдаги ўрни (The Place of Adverbs in the Sentence).

Равишларнинг гапдаги ўрни анча эркин бўлиб, улар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келишлари мумкин:

а) гапнинг бошида: **Tomorrow** I'll spend the whole day looking about (*Th. Dreiser*). Then he got out a letter from a bunch in his coat pocket (*Ibid*).

б) гапнинг ўртасида:

He was **always** sure to be as silent as a mouse when any such was present (*R. L. Stevenson*) I released his wrist which I was still holding and he drew in his hand and looked **sharply** into the palm (*Ibid*).

в) гапнинг охирида:

Ask him, she pleaded **softly**. (*Th. Dreiser*). I'll be near though in case she isn't here and take you out there **safely** (*R. L. Stevenson*).

Равишлар гапда ҳаракатни ёки белгини аниқлаганлиги сабабли феъл, сифат ва бошқа равишлар билан бирга келиши мумкин:

1) равишлар феъллар билан ишлатилади:

Oh, let me go she exclaimed **angrily** (*Th. Dreiser*). He had risen from his position to his hands and knees ... (*R. L. Stevenson*).

2) равишлар сифатлар билан ишлатилиб, белгини аниқлаб келади:

«Remember, we are **very** busy here. (*Th. Dreiser*). A lean-faced, **rather** commonplace woman recognized Carrie on the platform and hurried forward (*Ibid*).

3) равишлар бир-бирини аниқлаб келиши ҳам мумкин:

And then as I was hurrying off I heard him say quite loudly to the doctor (*R. L. Stevenson*). «Now, Morgen», said Long, **very sternly** (*Ibid*).

Равишларнинг гапдаги вазифаси (Syntactic Functions of the Adverb in the Sentence). Равишлар гапда асосан ҳол вазифасида келади.

And **now** I began to feel that I was neglecting my business. (*R. L. Stevenson*).

And **here** a fresh alarm brought me to a standstill with a thumping heart (*Ibid*).

And **immediately** I began to prefer the dangers that I knew to those I knew not (*Ibid*). Now on one tack, now on another (*Ibid*). «Keep **indoors**, men» said the captain (*Ibid*).

33- §. Ҳолат категориясини билдирувчи сўзлар (The Words of the Category of State (Statives))

Субъект вазифасида келган шахс ёки предметнинг маълум бир вақтдаги ҳолатини, ақлий ёки жисмоний кайфиятини, маълум жойда турганлигини ёки йўналтирилганлигини кўрсатувчи, шаклан ўз-

гармайдыган сўзлар ҳолат категориясини билдирувчи сўзлар дейилади.

Энг кўп қўлланадиган ҳолат категориясини кўрсатувчи сўзлар қуйидагилар:

ablaze — алангада, алангаланиб, ўт ичида; **adrift** — оқим билан, оқим бўйича, ўз эркига, ўз хоҳиши бўйича; **afire** — ўтда, ўт ичида, ўт олиб турган, ўт олган; **afire** — ўтда, алангада, ўт ичида; **afloat** — сувда, денгизда, сувда; **afloat** — пиёда, яёв, пиёда юриб; **afraid** — қўрққан, қўрқиб, қўрқинч ичида; **aghost** — довдираган, қўрқиб кетган, довдираган; **aglow** — қип-қизарган, ёниб турган, ҳаяжонланган; **agog** — қаттиқ кутган, кутавериб тоқати тоқ бўлган; **ahead** — олға, олдинга, олдинда, олд томонда; **akin** — яқин, қариндош, яқинлашган; **ajar** — ярим очиқ, сал очиқ, ярим очиб қўйилган; **alight** — ёқилган, ёқиб қўйилган, ўт олган; **alike** — бир хил, ўхшаш, ўхшаган; **alive** — жонли, тирик; **aloof** — бирмунча нарига жойлашган, нарироқда, четда, бир оз йироқда; **alone** — якка, ёлғиз, якка турган; **amiss** — нотўғри, нобоб, ёмон, ишқал; **ashamed** — уялиб, уялган, уялибгина; **askew** — қийшиқ, қийшиқ жойлашган, кўсини қири билан; **aslant** — кўндаланг, энига, қийшайган; **asleep** — ухлаётган, ухлаган, уйқуда; **asquint** — қийшайтириб; **astir** — ҳаракатдаги, қимирлаб турган, оёқда юрган; **astray** — адашган, адашиб юрган; **athirst** — чанқоқ, чанқаган, қақраган; **awake** — уйғоқ, уйғониб турган; **aware** — хабардор, биладиган. Мисоллар:

He owed me money, he did, and took my knife ashore with him (K. L. Stevenson).

He said the truth: dead or alive, nobody minded Ben Gum. (Ibid).

Suddenly she became aware of a step very different from her intellectual pace. (H. James). We have seen that she now inclined to the belief that her niece should stand alone (Ibid).

They had ideas that people in England nowadays were ashamed to confess to (H. James). She held it must be detestable to be afraid or ashamed (Ibid).

Ҳолат категориясини билдирувчи сўзларга юқорида кўрсатиб ўтилган сўзлардан ташқари яна **aside**, **abroad**, **ashore** каби сўзларни ҳам киритиш мумкин. Бу сўзлар кенг қўлланса-да ҳали иўп грамматистлар томонидан эътироф этилган эмас. Мисоллар:

aside четга, нарига, четда, нарироқда жойлашган.

The buccaneers, with oaths and cries, began to leap, one after another, into the pit, and to dig with their fingers, throwing the boards aside as they did so (H. James).

abroad — чет элга, чет элда, чет элдан, ташқарида(н).

The sentiment in which she sought refuge after reading his letters was a critical view of his having come abroad (H. James).

ashore — қирғоқда, қирғоққа, қирғоқдан.

It occurred to me at once to go ashore (H. James). A turn ashore'll hurt nobody — the boats are still in the water you can take the gigs, and as many as please can go ashore for the afternoon (Ibid).

Морфологик структурасига кўра ҳолат категориясини кўрсатувчи сўзлар а-префикси ёрдамида ясалади, а-префикси қадимги инглиз тилидаги **on** предлогининг редуцияга учраши натижасида пайдо бўлган. Масалан:

on sleep — asleep
on head — ahead

Синтактик функциясига кўра ҳолат категориясига кирувчи сўзлар қўшма от кесимининг предикатив қисми сифатида, пост-позитив аниқловчилар ва объектив — предикатив ролида ишлатилиши мумкин.

All the same, we are **afraid** (*предикатив*) to breathe (*R. L. Stevenson*).

His voice sounded louder and higher, as if he were **afire** (*предикатив*) with eagerness and range (*Ibid*).

And from staring at the framed drightening light, Ashurst **fell asleep** (*предикатив*) (*J. Galsworthy*).

The mar something **amiss** (*аниқловчи*)

Leave me **alone**. (*Объектив предикатив*)

Ҳолат категориясини билдирувчи сўзлар бошқа сўзлардан тузилган конструкцияларга синоним бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан: He is asleep — He is sleeping.

Шунга ўхшаш: afoot — on foot

aboil — on boil

aboard — on board.

ФЕЪЛ — THE VERB

1. Ҳаракат ёки ҳолатни процесс сифатида характерлаб, замон, аспект, майл, нисбат, перфект ва бошқа грамматик категорияларга эга бўлган сўз туркуми *феъл* дейилади. Феъл асосан шахс фаолиятини кўрсатиб келади. Масалан:

Young Mako and Lanny Swarts **are coming** here tonight (*P. Abrahams*). She **gave** the bedclothes such a twitch that both her feet **became uncovered** and she **had to creep up** the pillows to get them well under again (*K. Mansfield*). They **sat down**, very shaky, and looked at each other.

Бу мисолларда ажратиб кўрсатилган сўзлар феъл туркумига кириб, улар гаптаги субъектнинг фаолиятини кўрсатиб келяпти.

34-§. Феълнинг аниқ ва ноаниқ формалари (Finite and Non-finite Forms of the Verb)

Феъл формалари гапта тусланиб ёки тусланмай келишига кўра аниқ (finite forms) ёки предикатив форма ва ноаниқ (non-finite form) ёки предикатив бўлмаган формага бўлинади.

Шахс, сон, замон ва майл категорияларида ўзгариб, гапда кесим вазифасида келувчи феъл формалари *феълнинг аниқ* ёки *предикатив формалари* дейилади: Mrs. Conroy **laughed** (*J. Joyce*). The two young gentlemen **asked** the ladies if they **might have** the pleasure, and Mary Jane **turned** to Miss Daly (*Ibid*). He **avoided** her eyes he **had seen** a sour expression on her face (*Ibid*).

Юқоридаги мисоллардаги **to laugh** — кулмоқ, **to ask** — сўрамоқ, **to turn** — қайрилмоқ, **to avoid** — (кўзини) олиб қочмоқ, **to see** — кўрмоқ феъллари аниқ ёки предикатив формада келяпти.

Ҳаракат ёки ҳолатни умуман кўрсатиш билан бирга қисман белги ёки предметлашганликни кўрсатиш келувчи феъл формалари феълларнинг *ноаниқ* ёки *предикатив бўлмаган формалари* дейилади. Феълнинг ноаниқ формалари ҳаракат ёки ҳолатни гапнинг эгаси билан боғланиб эмас, балки ундан ажралган ҳолда, ўз-ўзи-ча кўрсатиб келиши мумкин. Феълнинг ноаниқ формалари одатда шахс, сон, замон, майл каби категорияларни тўғридан-тўғри кўрсатмайди. Бу формаларга ҳозирги инглиз тилида инфинитив (*infinitive*), сифатдош (*participle*), герундий (*gerund*) киради.

The girl, **seeing** that he had gained the stairs called out after him (*J. Joyce*). She had preceded him into the partry **to help** him off with his overcoat (*Ibid*). Her hair **drawn** low over the tops of her ears, was grey (*Ibid*). He waited outside the drawing-room door until the waltz should finish, **listening** to the skirts that swept against it and to the shuffling of feet. He was still **discomposed** by the girls bitter and sudden retort. It had cast a gloom over him which he tried to **dispel** by **arranging** his cuffs and the bows of his tie (*Ibid*).

Феълларнинг аниқ формалари гапда кесим вазифасида келади, ноаниқ формалари эса гапда кесим бўлмай балки унинг бир қисми вазифасида келиши мумкин.

35- §. Феълларнинг асосий формалари (Main Forms of the Verb)

Тусланадиган ва тусланмайдиган феъллар инфинитив, ўтган замон индикатив ва сифатдош II формаларига эгадирлар. Масалан: **to write** ёзмоқ **wrote** ёзди (-м, -нг, -к, -нгиз, -лар) **written** ёзилган; **be** бўлмоқ, **was** бўлди (-м, -нг), **were** бўлди (-к, -нгиз), **been** бўлган.

Кўпгина феълларнинг иккинчи ва учинчи формалари график тасвирига кўра бир-биридан фарқ қилмайди:

to work, worked ишлади (-м, -нг, -к, -нгиз, -лар) — **worked** ишланган.

to read ўқимоқ, **read** [red] ўқиди (-м, -нг, -к, -нгиз, -лар), **read** [red] ўқиган, ўқилган ва бошқалар.

35-§. Тўғри ва нотўғри феъллар
(Regular and Irregular Verbs)

Феъллар ўтган замон формаларининг қай усулда ясалишига кўра тўғри ва нотўғри феъллар деб аталадиган икки катта гуруппага бўлинади.

Тўғри феъллар. Ўтган замон ва II сифатдош формаси **-ed** суффикси ёрдамида ясалган феъллар *тўғри феъллар* дейилади, **-ed** суффикси қуйидагича талаффуз этилади:

1) жарангли ундошдан ёки унлидан кейин келганда [d]

to turn — turned [tə:nd]

to travel — travelled [trævəld]

to bow — bowed [baud]

2) жарангсиз ундошлардан кейин келса [t]

to mark — marked [mɑ:kt]

to walk — walked [wɔ:kt]

to toss — tossed [tɒst]

3) [t], [d] лардан кейин келса [ɪd]

to land — landed [lændɪd]

to start — started [stɑ:tɪd]

to bound — bounded [baundɪd]

Нотўғри феъллар. Ўтган замон ва II сифатдош формаси **-ed** суффиксини олмасдан бошқа турли йўллар билан ясалган феъллар *нотўғри феъллар* дейилади. Нотўғри феъллар ясалишига кўра уч гуруппага бўлинади:

1) ўзагидаги унлиси ўзгарадиган феъллар.

а) II сифатдош формаси **-en** ёрдамида ясалади:

to write — wrote — written

to shake — shook — shaken

to rise — rose — risen

б) II сифатдош формасига махсус суффикс қўшилмайди

to sink — sank — sunk

to run — ran — run

to do — did — done

в) ўзакдаги унли ва охиридаги ундош ўзгаради:

to tell — told — told
to buy — bought — bought
to catch — caught — caught

г) охиридаги **d** ундоши **t** ундошига айланади:

to send — sent — sent
to spend — spent — spent
to lend — lent — lent
to build — built — built

д) ҳар хил ўзаклардан супплетив йўл билан ясалади:

to be — was, were — been
to go — went — gone

е) II сифатдош формага эга бўлмаган модал (дефектив) феъллар:

can — could, shall — should,
will — would, may — might,

2) ҳар учала формаси бир хил бўлган феъллар:

to set — set — set, to hit — hit — hit,
to cast — cast — cast, to hurt — hurt — hurt,
to cut — cut — cut, to let — let — let.

3) аралаш (mixed) феъллар. Бу феълларнинг ўтган замон формаси тўғри феъллар каби **-ed** ёрдамида ясалиши, II сифатдош формаси эса **-en** ёрдамида баъзан эса ҳам **ed** ҳам **en** суффикслари ёрдамида ясалиши мумкин:

to show — showed — shown,
to saw — sawed — sawn, sawed
to give — rived — rived, riven,

Ҳозирги замон инглиз тилида тўғри феъллар доираси тобора кенгайиб борапти. Бунга биринчи сабаб, бошқа тиллардан олинган феъллар ҳам тўғри феъллардек **-ed** суффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: He **looked** suddenly **savage**, and Dr. Macphail, **getting** out of bed, **saw** that he was heavily tattooed. (*W.S. Maugham*)

Иккинчи сабаб эса нотўғри феълларнинг айримлари тўғри феълга айланмоқда:

awake — awaked — awaked
 awoke — awoke

Нотўғри феъллар жадвали

Биринчи форма (Infinitive)		Иккинчи форма Past Indefinite	Учинчи форма Participle II
arise	кўтарилмоқ, турмоқ	arose	arisen
awoke	уйғонмоқ, уйғотмоқ	awoke, awaked	awoke, awaked
be	булмоқ, жойлашмоқ	was, were	been
bear	ташимоқ, чидамоқ, ту-		
	моқ	bore	borne
beat	урмоқ	beat	beaten
become	булмоқ, бўлиб қолмоқ	became	become
begin	бошламоқ, бошланмоқ	began	begun
behold	кўрмоқ, пайқамоқ	beheld	beheld
bend	эгмоқ, эгилмоқ	bent	bent
bet	гаров ўйнамоқ	bet	betted
bid	тиламоқ, буйруқ бер-	bid, bad	bidden
	моқ	bound	bound
bind	боғламоқ	bit	bit
bite	тишламоқ	bled	bled
bleed	қонга беланмоқ	blew	blown
blow	пуфламоқ, эсмоқ	broke	broken
break	синмоқ, синдирмоқ	bred	bred
breed	боқмоқ, асрамоқ	brought	brought
bring	келтирмоқ	broadcast	broadcast
broadcast	радио орқали	broadcasted	broadcasted
	эшиттирмоқ		
build	қурмоқ	built	built
burn	ёнмоқ, ёндирмоқ	burnt	burnt
burst	узилмоқ, портламоқ	burst	burst
buy	сотиб олмоқ	bought	bought
cast	ташламоқ	cast	cast
catch	тутиб олмоқ	caught	caught
choose	танламоқ	chose	chosen
cling	ёпишиб қолмоқ	clung	clung
come	келмоқ	came	come
cost	турмоқ (баҳога оид)	cost	cost
creep	ўрмаламоқ	creep	crept
cut	кесмоқ	cut	cut
deal	шуғулланмоқ	dealt	dealt
dig	қазинмоқ	dug	dug
do	қилмоқ, бажармоқ	did	done
draw	расм солмоқ, чизмоқ	draw	drawn
dream	орзу қилмоқ, туш кўр-	dreamt	dreamt
drink	моқ, ичмоқ	drank	drunk
drive	олиб бормоқ, ҳайдамоқ	drove	driven
dwell	яшамоқ, турмоқ	dwelt	dwelt
eat	емоқ	ate	eaten
fall	йиқилмоқ	fell	fallen
feed	овқатлашмоқ, овқатлан-		
	тирмоқ	fed	fed
feel	сезмоқ	felt	felt
fight	курашмоқ	fought	fought
find	топмоқ	found	found
flee	қочиб қутулмоқ	fled	fled
fling	улоқтирмоқ, отмоқ	flung	flung

Биринчи форма (Infinitive)		Экинчи форма Past indefinite	Учинчи форма Participle II
fly	учмоқ	flew	flown
forbear	ўзини тиймоқ	forbore	forborne
forbid	тақиқламоқ	forbade	forbidden
forget	унутмоқ	forgot	forgotten
forgive	кечирмоқ	forgave	forgiven
freeze	музламоқ, музлатмоқ	froze	frozen
get	олмоқ, етмоқ	got	got
give	бермоқ	gave	given
go	бормоқ, жүнамоқ	went	gone
grind	янчмоқ, чархламоқ	ground	ground
grow	ўсмоқ, ўстирмоқ	grew	grown
hang	осмоқ, осиб ўлдирмоқ	hung	hung
have	бор бўлмоқ, эга бўлмоқ	hunged	hunged
hear	эшитмоқ	had	had
hide	яширмоқ	heard	heard
hit	урмоқ, нишонга урмоқ	hid	hidden
hold	ушламоқ	hit	hit
hurt	шикаст етказмоқ	held	held
keep	сақламоқ, тутиб тур- моқ	hurt	hurt
kneel	тиз чўкмоқ	kept	kept
knit	тўқимоқ	knelt	knelt
know	билмоқ	knitted	knit
lay	қўймоқ	knew	known
lead	йўл бошламоқ	laid	laid
lean	эгилмоқ, суянмоқ	led	led
leap	сакрамоқ	leant, leaned	leant, leaned
learn	ўрганмоқ	leapt	leapt
leave	қолдирмоқ, кетмоқ	learnt	learnt
lend	қарз бермоқ	learned	learned
let	рухсат бермоқ, ўтказ- моқ	left	left
lie	ётмоқ	lent	lent
light	ёритмоқ, нур сочмоқ	let	let
lose	йўқотмоқ	lay	lain
make	қилмоқ, мажбур қил- моқ	lit, lighted	lit, lighted
mean	англатмоқ, назарда тут- моқ	lost	lost
meet	учратмоқ	made	maden
mow	ўрмоқ	meant	meant
pay	тўламоқ	met	met
put	қўймоқ, солмоқ	mowed	mown
read	ўқимоқ	paid	paid
ride	отда (транспортда) бор- моқ	put	put
ring	қўнғироқ чалмоқ, ча- линмоқ	read	read
rise	турмоқ	rode	ridden
rive	майдаламоқ, майдалан- моқ	rang	rung
run	чопмоқ, югурмоқ	rose	risen
		rived	rived, riven
		ran	run

Биринчи форма (Infinitive)		Иккинчи форма Past Indefinite	Учунчу форма Participle II
saw	арраламоқ	sawed	sawn
say	айтмоқ	said	said
see	кўрмоқ	saw	seen
seek	қидирмоқ	sought	sought
sell	сотмоқ	sold	gold
send	юбормоқ, жўнатмоқ	sent	sent
set	қўймоқ, ўрнатмоқ	set	set
sew	тикмоқ	sewed	sewn
shake	силкитмоқ	shook	shaken
shed	ташламоқ, йўқотмоқ	shed	shed
shine	нур сочмоқ	shone	shone
shoot	отмоқ	shot	shot
show	кўрсатмоқ	showed	shown
shrink	буришмоқ, тортишмоқ	shrank	shrunk
shut	ёпмоқ, беркитмоқ	shut	shut
sing	ашула айтмоқ	sang	sung
sink	чўкмоқ, чўктирмоқ	sank	sunk
sit	ўтирмоқ	sat	sat
sleep	ухламоқ	slept	slept
slide	сирғанмоқ	slid	slid
smell	ҳидламоқ, ҳиди келмоқ	smelt	smelt
sow	ёкмоқ	sowed	sown
speak	гапирмоқ, гаплашмоқ	spoke	spoken
speed	тезлаштирмоқ	sped	sped
spell	(сўзни) ҳарфма-ҳарф айтмоқ ёки ёзмақ	spelt	spelt
spend	ўтказмоқ, сарф қил- моқ	spent	spent
spill	тўкмоқ, қўймоқ	spilt	spilt
spin	тўқимоқ	spun	spun
spit	туфламоқ	spat	spat
split	қизиб кетмоқ, қизит- моқ	split	split
spoil	бузмоқ, бузилмоқ	spoilt	spoilt
spread	тарқалмоқ	spread	spread
spring	сакрамоқ	sprang	sprung
stand	турмоқ	stood	stood
steal	ўғирламоқ	stole	stolen
stick	ёпишмоқ, ёпиштирмоқ	stuck	stuck
sting	чақиб олмоқ	stung	stung
stink	саснимоқ	stank	stunk
stride	қадам ташламоқ	strode	stridden,
strike	урмоқ, урилмоқ	struck	struck
		stricken	
strive	ҳаракат қилмоқ	strove	striven
swear	қасам ичмоқ	swore	sworn
sweep	супурмоқ, тозаламоқ	swept	swept
swell	шишмоқ	swelled	swollen
swim	сузмоқ (субда)	swam	swum
swing	тебранмоқ, тебратмоқ	swung	swung
take	олмоқ	took	taken
teach	ўқитмоқ	taught	taught
tear	йиртмоқ	tore	torn
tell	айтмоқ	told	told

Биринчи форма (Infinitive)		Иккинчи форма Past Indefinite	Учинчи форма Participle II
think throw understand wake wear win wind write	ўйламоқ ташламоқ, ирғитмоқ тушунмоқ уйғотмоқ, уйғонмоқ киймоқ ютмоқ, ғалаба қилмоқ бурамоқ ёзмоқ	thought threw understood wake wore won wound wrote	thought thrown understood waked worn won wound written

Супплетив феъллар (Suppletive Verbs). Ҳар хил формалари турли ўзақлардан ясалган феъллар *супплетив феъллар* дейилади. Ҳозирги инглиз тилида тўла супплетив феълларга *to be*-бўлмоқ, *to go*-бормоқ феълларини киритиш мумкин. Бу феъллар ногўғри феълларнинг бир тури ҳисобланади.

Infinitive	Present Tense		Past Tense		Participles	
<i>to be</i>	sin.	<i>am, is</i>	sin.	<i>was</i>	Part. I	<i>being</i>
	pl.	<i>are</i>	pl.	<i>were</i>	Part. II	<i>been</i>
<i>to go</i>	sin.	<i>go, goes</i>	sin.	<i>went</i>	Part. I	<i>going</i>
	pl.	<i>go</i>	pl.	<i>went</i>	Part. II	<i>gone</i>

37- §. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар (Transitive and Intransitive Verbs)

Феълдан англашиладиган маънонинг бошқа предметга қаратилганлигини, бирор объектга кўчганлигини кўрсатиши ва шу ҳаракатнинг юзага келиши учун бошқа предметнинг иштирок этишига қараб феъллар ўтимли ва ўтимсиз феълларга бўлинади.

Ҳозирги инглиз тилида феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлигини кўрсатувчи махсус грамматик кўрсаткич йўқ. Ўтимли ва ўтимсизлик бевосита феълларнинг ўзаги орқали ифодаланади. Инглиз тилидаги феълларнинг кўпчилиги ўзларининг синтактик дистрибуцияларига қараб айни бир вақтда ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл сифатида ишлатилиши мумкин. Баъзи феъллар асосан ўтимли бўлиб, ўтимсизлик уларда ясама — иккинчи даражали маъно касб этади. Айримлари эса умуман ўтимсиз бўлиб, ўтимлилик уларнинг маълум синтактик дистрибуцияда ишлатилиши натижасида ясаллади.

Шу асосда айрим грамматика китобларида феъллар ҳатто уч гуруҳга, яъни ўтимли, ўтимсиз ва икки хил маъноли феълларга бўлинади¹ деб кўрсатилган.

Инглиз тилида ўтимли ва ўтимсизлик категорияси феълларнинг лексик маъносига боғлиқ бўлганлиги сабабли бу категория доимий грамматик оппозиция ташкил қилмайди. Яъни ҳамма феълларни бир вақтнинг ўзида систематик ўтимли ва ўтимсизга ажратиб бўлмайди. Масалан: инглиз тилидаги **to grow** феълнинг *ўсмоқ*, *ўстирмоқ* вариантлари бу феълнинг икки хил формасини эмас, балки икки хил лексик маъноси борлигини билдиради. Қатор феъллар фақат ўтимли лексик маънони, бошқалари эса фақат ўтимсиз маънони билдиради. Масалан: **to go** — бормоқ, **to be** — бўлмоқ, **to ship** — нур сочмоқ, **smile** — кулмоқ, илжаймоқ феъллари фақат ўтимсиз бўлса, **to see** — кўрмоқ, **to kill** — ўлдирмоқ, **to make** — қилмоқ, **to catch** — тутмоқ, **to polish** — мойламоқ, бўямоқ феъллари асосан ўтимли феъллар ҳисобланади.

Ўтимли феъллар (Transitive Verbs). Ўздан кейин грамматик объект талаб қилиб, иш-ҳаракатни грамматик объект вазифасида келувчи еўзга кўчганлигини кўрсатувчи феъллар *ўтимли* (ёки *транзитив*) феъллар дейилади.

Масалан: **to send** — юбормоқ, жўнатмоқ, **to give** — бермоқ, **to beat** — урмоқ, **to eat** — емоқ, **to love** — севмоқ, яхши кўрмоқ.

Инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири айрим феълларнинг маълум предлоглар билан кўшилиб, ўтимлилик маъносини англатишидир. Бундай феълларга маълум предлоглар билан доимий боғланиб, асосан йўналишни кўрсатувчи феълларгина киради.² Масалан:

to wait for — кутмоқ

to look at — қарамоқ, боқмоқ

to depend on — боғлиқ бўлмоқ, қарам бўлмоқ

to fly over — учиб ўтмоқ

to ask for (something) — (бир нарса) сўрамоқ ва бошқалар.

They knocked at the door, and Cyril followed his aunts into grandmother's hot room (*Mansfield*). They sat down, very shaky, and looked at each other. (*Ibid*) Love, fortune, power, all depending upon one middleaged life (*Conan Doyle*). Well, I was trying to express it as delicately as I could but if you insist upon the word I will not... (*Conan Doyle*).

Ўзлик олмошлари (oneself, myself, yourself, himself, herself, it-self, ourselves, yourselves) билан келган феъллар ҳам ўтимли феъллар ҳисобланади.³

¹ В. Н. Жигадло, И. П. Иванова, Л. Л. Иофик. Современный английский язык. Теоретическая наука грамматики. Москва, 1956, 86—87-бетлар.

² Бу ҳақда тўлароқ қаранг: Л. С. Бархударов, Д. А. Штелинг. Грамматика английского языка. Москва, 1965, 139—140-бетлар.

³ Verb + oneself конструкциясининг маъноси ҳақида феъл нисбатлари бўлимига қаранг.

Sawkins, with the same intention, **stretched himself** at full length on the dresser (*R. Tressel*). Well since never «worry» yourself about these things, it follows that you know nothing about them. (*Ibid*)

Кесим ва тўлдирувчиси бир ўзакдан ясалган феъл ва отли конструкцияларни ҳам ўтимли феълларга киритиш мумкин. Бу конструкциялардаги тўлдирувчи қариндош (*cognate*) тўлдирувчи деб аталади¹. Масалан:

- to live a long life — узоқ умр кўрмоқ
- to die a violent death — биров томонидан ўлдирилмоқ
- to laugh a long laugh — узоқ кулмоқ
- to fight the fight of heroes — қаҳрамонларча курашмоқ

Ўтимли феълларга бир группа каузатив феълларни ҳам киритиш мумкин. Бу феъллар ҳам туб каузатив ва ясама каузатив маъноларга эга бўлиб, алоҳида семантик группани ташкил қилади. Ҳозирги инглиз тилида туб каузатив маъноли феъллар жуда оз бўлиб, аксинча ясама каузатив маъноли феъллар жуда кенг тарқалган.

Туб каузатив маъноли ўтимли феълларда каузатив маъно шу феълларнинг ўзақлари орқали махсус суффиксларсиз ифода этилади. Масалан:

- to fell — йиқитмоқ, ағанатмоқ
- to set — бир жойга қўймоқ, жойламоқ
- to drench — ҳўлламоқ, намламоқ

Бу феълларга каузатив ёки фактитив маъно берувчи яна бир группа феълларни киритиш мумкинки, улар ёрдамида каузатив конструкциялар ясалади. Масалан:

- | | | | |
|-----------|--------------------------------------|------------|--|
| to cause | } (бирор нарса қилишга) мажбур этмоқ | to order | } буйруқ бермоқ, буюрмоқ сўрамоқ, илтимос қилмоқ |
| to force | | to command | |
| to make | | to ask | |
| to compel | | | |
| to oblige | | | |

- to allow } рухсат бермоқ
- to let }
- to direct йўл кўрсатмоқ
- to press (бир нарса қилишга) қистамоқ
- to teach ўргатмоқ ва ҳоказо.

A Chief! I thought, understanding the pride that **made** the old man **stand** before me like an equal (*D. M. Lessing*). «Well, mind you don't **let** him **fell** (*R. Tressel*). And afterwards Harlow suggested that they should ask him if he would **allow** them to **elect** him to Parliament (*R. Tressall*).

Бошқа сўз туркумларидан конверсия, аффиксация ва бошқа йўллар билан ясалган ўтимли феъллар *иккинчи даражали*—*ясама каузатив маъноли феъллар* дейилади.

¹ Бу ўзбек тилидаги *ёшини яшиб, ошини ошаб* каби конструкцияларга тўғри келади.

light (n) — ёруғ, ёруғлик
to lighten — ёритмоқ, ёруғ қилмоқ.
equal (aj) — тенг
to equalize — тенглаштирмоқ
formal (aj) — расмий, формал
to formalize — расмийлаштирмоқ.

Юқоридаги ясама ўтимли феъллар айни бир вақтда ҳам ўтимсиз, ҳам ўтимли феъл вазифасини ўтайди.

Christian (n) — христиан динидаги киши
to Christianize — христиан динига киритмоқ

clay (n) — лой

to clay — лой билан сувамоқ

clean (aj) — тоза, озода

to clean — тозаламоқ ва бошқалар

white (aj) — оқ

to whiten — оқламоқ, оққа бўямоқ

able (aj) — қобилиятли

to enable — имконият туғдирмоқ

It has enabled you to probe my secret (Conan Doyle).

Ўтимсиз феъллар (Intransitive Verbs). Феълдан англашилган иш-ҳаракат тўғридан-тўғри грамматик объектга ўтмасдан фақат грамматик субъектнинг ўзигагина боғлиқликни кўрсатувчи феъл ўтимсиз феъл дейилади. Ўтимсиз феъллар англашган маъносига кўра қуйидаги группаларга бўлиниши мумкин:

а) ҳолат ёки турғунликни кўрсатувчи феъллар; to be — бўлмоқ, бор бўлмоқ, to exist — мавжуд бўлмоқ, to live — яшамоқ, кун кечирмоқ, to die ўлмоқ.

б) ҳаракатни бир ердан иккинчи ерга кўчишни кўрсатиб келувчи феъллар: to start — жўнамоқ, to go — бормоқ, to come — келмоқ, to arrive — етиб келмоқ, to march — юрмоқ, to jump — ирғитмоқ, сакрамоқ.

в) ташқи муҳитга бўлган таъсирни ифодаловчи феъллар: to laugh — кулмоқ, to smile — илжаймоқ, to cry — йиғламоқ, to sorrow — тортмоқ ва бошқалар.

«Yes, I know of him. He has surely lived in England for some time (Conan Doyle). I fear it is a thankless business (Ibid). So the two juries thought Senator Gibson is an attractive person. If his wife dies who more likely to succeed her than the young lady who had already by all accounts received pressing attentions from her employer (Ibid). In the mouth of the bridge lay the dead woman. Such are the main facts (Ibid). Pray sit down (Ibid). Holmes rose from his chair (Ibid).

Ҳозирги инглиз тилида ўтимсиз феълларнинг ўтимли феълларга ўтиши осон.

Деярли ҳамма ўтимсиз феъллар от билан бирга ишлатилиши натижасида ўтимлилашиб, каузатив маънога эга бўлади. Масалан: to march — юрмоқ, to march some one — бировни юргизмоқ, to walk — пиёда юрмоқ, to walk a horse — отни юргизмоқ.

Икки кил маъноли феъллар.

Ўтимли ва ўтимсизлиги тенг ҳуқуқли бўлган феъллар *икки кил маъноли феъллар* дейилади. Масалан:

to move — силжимоқ
to stop — тўхтамоқ
to widen — кенгаймоқ
to finish — тугамоқ

to move — силжитмоқ
to stop — тўхтатмоқ
to widen — кенгайтирмоқ
to finish — тугатмоқ.

Бу феълларнинг ўтимли ва ўтимсиз бўлиб келиши синтактик-дистрибуцияга боғлиқдир.

He **moved**. He **moved** the table. У *силжиди*. У *столни қимирлатди*.

The sun is **shining** well. He **shone** the knife washing with special powder. Қуёш яхши *қизияпти*. У маҳсус порошок билан ювиб пичоқни *ялтиратворди*.

The story **ended**. He **ended** his story. Ҳикоя *тугади*. У ўз *ҳикоясини тугатди*.

The weather **began to change** from morning. He **changed** his mind. Ҳаво эрталабданоқ *ўзгара бошлади*. У ўз *фикрини ўзгартирди*.

Cotton **grows** well in our Republic. Our Republic **grows** cotton. Бизнинг республикамизда пахта яхши *ўсади*. Бизнинг республикамиз *пахта экади (ўстиради)*.

He **stopped** as soon as he heard me. They **stopped** their car near the hotel. Менинг овозимни эшитибоқ, у *тўхтади*. Улар *ўз машинасини* меҳмонхонанинг олдида *тўхтатишди*.

If you **sell** your books in linguistics. I'll buy them. Агар тилшуносликка оид китобларингизни *сотсангиз*, мен оламан.

The books **sells** well. Китоб яхши *сотилади*.

The plane **flew** high. In spring nearly all the boys **fly** kites. Самолёт *баланд учди*. Баҳорда деярли ҳамма болалар *варрак учиради*.

38-§. Феъл структураси. (Verb structure).

Феъллар ҳам бошқа сўз туркумлари каби содда, ясама ва қўшма феълларга бўлинади.

Содда ёки туб феъллар (Simple (or root) Verbs). Бир ўзакдан иборат бўлган феъллар *содда феъллар* дейилади. Масалан: **to come, to see, to work, to bring, to hate, to grow, to jump** ва бошқалар. Феъл замон, шахс, нисбат каби грамматик категорияларда келганда, категориал грамматик суффикслар унинг структурасини ўзгартмайди, яъни феъллар содда феъллигича қолади: **work — worked — works — working**. Конверсия ёрдамида содда отлардан ясалган феъллар ҳам содда феъл ҳисобланади:

to eye — қарамоқ, кузатмоқ, **to hand** — узатмоқ, бермоқ.

Ясама феъллар (Derived Verbs). Ўзак ва аффиксларнинг қўшилишидан ясалган феъллар *ясама феъл* дейилади. Масалан: **to rewrite** — қайта ёзмоқ, **to outcry** — қаттиқ бақирмоқ, **to misunderstand**

tand — нотўғри тушунмоқ, **to equalize** — тенглаштирмоқ, **to sweeten** — ширинлаштирмоқ.

Қўшма феъллар (Compound Verbs).

Икки ёки ундан ортиқ ўзакларнинг ўзаро қўшилишидан ясалган феъллар *қўшма феъл* дейилади. Масалан: **to whitewash** — оқламоқ, **to tongue-tie** — тили тутилмоқ, **to broadsoast** — радио орқали эшиттирмоқ, **to nickname** — лақаб қўймоқ.

Қўшма феълларга бошқа суффикслар қўшилиши натижасида ясалган феъллар *қўшма ясама феъллар* (Compound Derived Verbs) дейилади.

39- §. Феълларнинг синтактик функциясига кўра турлари (Classification of Verbs according to their Syntactic Functions)

Феъллар ўзларининг синтактик функциясига кўра мустақил ва тобе маъноларни англатиб, куйидаги уч группага:

1) мустақил (Notional) феъллар, 2) тўлиқсиз (Seminoational) феъллар ва 3) кўмакчи феъллар (Auxiliary Verbs) га бўлинади.

Мустақил феъллар (Notional Verbs). Мустақил лексик маънога эга бўлиб, гапда содда кесим вазифасида келувчи феъллар *мустақил феъллар* дейилади. Масалан:

A film of pain **passed** over his eyes (*P. Abrahams*). She **lowered** her head till her chin rested on her chest (*Ibid*). She **smiled**. Some light reply was on the tip of her tongue, but she **looked** into his eyes and the reply came. (*Ibid*).

Тўлиқсиз феъллар (Seminoational Verbs). Тўлиқсиз феъллар ўз навбатида а) боғловчи (ёки боғлама) ва б) модал феълларга бўлинади.

Боғловчи феъллар (Link Verbs).

Боғловчи феъллар англатган маъноларига кўра борлиқни, мавжудликни билдирувчи феъллар (to be), сезишни билдирувчи феъллар (to feel), бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни билдирувчи феъллар (to become, to grow, to get, to turn), аввалги ҳолатда турганликни кўрсатувчи феъллар: to remain, to keep, to stay, to continue ва бошқа феъл группаларига бўлинади. Маълум дистрибуция ёрдамида боғловчи феъл вазифасини ўтаб келувчи to stand, to lie, to fall, to go, to draw каби феълларни ҳам шу группага киритиш мумкин.

Агар феъл лексик маъносини йўқотиб, боғловчи феъл вазифасида келса, бу жараён грамматизация (грамматикалашув) жараёни дейилади. Боғловчи феъллар, асосан, кесимнинг турли грамматик категорияларини кўрсатиб келади, чунки предикатив вазифасида келувчи сўзлар феъл категорияларига нисбатан ўзгармас формаларда бўлади. Грамматикалашуви туфайли боғловчи феълнинг маъноси умумлашиб, абстрактлашиб кетади ва предикатив вазифасида келган сўз кесимнинг асосий лексик маъносини англатади.

to be феъли. а) *to be* феълнинг тусланиши.

Дарак форма

Хозирги замон				Утган замон	
Бўлишли форма		Бўлишсиз форма		Бўлишсиз форма	
Тўлиқ форма	Қисқартма формаси	Тўлиқ форма	Қисқартма формаси	Тўлиқ форма	Қисқартма форма
I am	I'm	I am not	I'm not	I was not	I wasn't
He is	He's	He is not	He isn't	He was not	He wasn't
She is	She's	She is not	She isn't	She was not	She wasn't
It is	It's	It is not	It isn't	It was not	It wasn't
We are	We're	We are not	We aren't	We were not	We weren't
You are	You're	You are not	You aren't	You were not	You weren't
They are	They're	They are not	They aren't	They were not	They weren't

Эс латма: aren't, ain't, an't формалари асосан сўзлашув тилида учрайди. Айрим арханг текстларда ва шеърятда иккинчи шахс бирликда art формаси учраб туради.

To be мустақил феъл вазифасида. **To be** мустақил феъл бўлиб келганда бўлмоқ, бор бўлмоқ, яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ, турмоқ каби маъноларни англатади.

And then there was the new motor-car with the chauffeur (A. Bennet). It's too bad you couldn't have been there really (W. I. Maughan). Were you at the performance last evening? She asked of the Hurtwood's friends who greeted her, as she sat in her box there was a note in her voice which vibrated keenly (Ibid).

You weren't here «he said when I came back this morning and I thought you had done it (Ibid). Where is he? (Ibid).

Юқоридаги гапларда **to be** феъли мустақил функцияга эга бўлиб, уларда **to be** содда кесим вазифасида келаётир.

To be боғловчи феъл вазифасида. **To be** феъли боғловчи (боғлама) феъл вазифасида келганда предикативнинг грамматик категорияларга бўлган алоқасини кўрсатиб келади, яъни замон, майл, шахс сон ва шу кабилар фақат **to be** ёрдамидагина берилиши мумкин. Бу функцияда келганда **to be** феъли қуйидаги сўз туркумлари билан бирикиши мумкин.

1) to be + adjective:

However, the charge was unjust, monstrous and ridiculous (A. Bennet). No, no Watson, I will not admit that it is possible (Ibid).

2) to be + noun:

Was not that person the actual criminal. (Conan Doyle). Then I'm a liar (A. Bennet). Nothing could justify me in remaining where I was a cause of unhappiness (Ibid). I think she was a mad woman, subtly mad with the deep of deception which insane people may have (Ibid).

3) to be + pronoun:

«Who are they?» asked Hurstwood. (Th. Dreiser). But what was this? (P. Abrahams). «What is it mother?» he asked softly. (Ibid) But here everything was the same (Ibid).

4) to be + adverb:

It was long ago. (P. Abrahams). He is here (Voynich). It was far away now (Ibid).

5) to be + numeral:

She was eighteen years of age bright, timid, and full of the illusions of ignorance and youth. (Th. Dreiser). He had left when he was fifteen. (P. Abrahams).

6) to be + participle:

«Yes, I was surprised to hear that she had it in her hand when she died (Conan Doyle). For all he knew she might even be married. (P. Abrahams).

Сўроқ форма

		Ҳозирги замон		Утган замон	
		Бўлиши сўроқ форма	Бўлиши сўроқ форма	Бўлиши форма	Бўлиши сўроқ форма
Бўлиши сўроқ форма	Тўлиқ форма	Тўлиқ форма	Қискарган форма	Тўлиқ форма	Қискарган форма
Am I?	Am I not?	Aren't I?	Amn't I?	Was I?	Wasn't I?
Is he?	Is he not?	Isn't he?	Isn't he?	Was he?	Wasn't he?
Is she?	Is she not?	Isn't she?	Isn't she?	Was she?	Wasn't she?
Is it?	Is it not?	Isn't it?	Isn't it?	Was it?	Wasn't it?
Are we?	Are we not?	Aren't we?	Aren't we?	Were we?	Weren't we?
Are you?	Are you not?	Aren't you?	Aren't you?	Were you?	Weren't you?
Are they?	Are they not?	Aren't they?	Aren't they?	Were they?	Weren't they?

7) to be + prepositional phrase:

But it was hard to get hold of anything except his mother, and she was out of setting (*P. Abrahams*). The Duke was in charge of the beer (*Ibid*).

8) to be + infinitive:

The best thing he could do was to get out of here (*P. Abrahams*). Lanny knew that all he had to do was to lower his eyes or look away — any gesture of defeat would have done—and the man would tell him go (*Ibid*). The best thing of course is to lie on the grass (*P. Abrahams*).

To be феълини модал маънода қўлланилиши. *To be* феъли инфинитив формасидаги феъл билан қўшилиб модалликни билдиради. Асосий феъл вазифасидаги феъл *to be* ёрдамида аввал планлаштирилганликни, қатъий ман қилганликни, буюрилганликни, мажбурийликни англатади.

The professor is to deliver lectures on Wednesday. She is not to be late to her lessons.

To be феъли кўмакчи феъл вазифасида. *To be* феъли кўмакчи феъл вазифасида келса асосан феълнинг аналитик формалардаги феълдан мажхул нисбат (*Passive Voice*) ва давомли аспект (*Continuous Aspect*) формаларини ясайди.

1) *to be* феълнинг мажхул нисбатда қўлланилиши.

They were paid by the saloon-keepers, paid by the bullies, paid by the women themselves. At last they were forced to move (*W. S. Maugham*). She'll be starved and tortured and humiliated (*Ibid*). The others had been washed and were waiting to be ironed, but she had been too lazy to finish them off (*S. O' Casey*).

2) *to be* феълнинг давомли аспектда қўлланилиши:

No, you won't hurry her! I suppose you're going to leave my cloak behind (*A. Bennet*). «We may as well be open with one another at last. Her tone was affrighting in its terrific sincerity (*A. Bennet*). He is sleeping in the next room (*Voynich*).

Ҳозирги инглиз тилида *to be* феъли мустақил ёки ёрдамчи маънода гапнинг кесими вазифасида ишлатилади.

Бу ҳолат савол-жавоб конструкцияларида кўпроқ учрайди. Масалан:

«It is true, Sarie». «Yes, I know it is (*P. Abrahams*). «Were you dancing?» asked Gabriel, «of course I was (*James Joyce*). «Are you ready?» he asked his wife. She got up and folded her work. «Yes. I guess I am», she answered (*W. S. Maugham*). See here, Northmour said I, we are all in a right place, are we not? (*R. I. Stevenson*).

To have феъли. Ҳозирги инглиз тилида *to have* феъли кенг тарқалган ва кўп функцияли феъллардан ҳисобланиб, мустақил кўмакчи ва модал феъл функцияларида келоллади. *To have* феъли маълум парадигматик формалар оппозициясини ташкил қилади.

To have фэблинг тусланиши

Дарак форма

Хо эирги замон			Утган замон				
Бўлишли форма		Бўлишсиз форма		Бўлишли форма		Бўлишсиз форма	
Тўлиқ форма	Қискарган форма	Тўлиқ форма	Қискарган форма	Тўлиқ форма	Қискарган форма	Тўлиқ форма	Қискарган форма
I have	I've	I have not	I haven't	I had	I'd	I had not	I hadn't
He has	He's	He has not	He hasn't	He had	He'd	He had not	He hadn't
She has	She's	She has not	She hasn't	She had	She'd	She had not	She hadn't
It has	It's	It has not	It hasn't	It had	It'd	It had not	It hadn't
We have	We've	We have not	We haven't	We had	We'd	We had not	We hadn't
You have	You've	You have not	You haven't	You had	You'd	You had not	You hadn't
They have	They've	They have not	They haven't	They had	They'd	They had not	They hadn't

Сұроқ форма

Хазирги замон		Уттан замон	
Бұлишли сұроқ форма	Бұлишсиз сұроқ форма	Бұлишли сұроқ форма	Бұлишсиз сұроқ форма
Тұлиқ форма	Тұлиқ форма	Тұлиқ форма	Қисқарған форма
Have I? Has he? Has she? Has it? Have we? Have you? Have they?	Have I not? Has he not? Has she not? Has it not? Have we not? Have you not? Have they not?	Had I? Had he? Had she? Had it? Had we? Had you? Had they?	Haven't I? Hasn't he? Hasn't she? Hasn't it? Haven't we? Haven't you? Haven't they?
			Hadn't I? Hadn't he? Hadn't she? Hadn't it? Hadn't we? Hadn't you? Hadn't they?

б) to have феълининг кўмакчи феъл to do билан тусланиши

Хозирги замон				Ўтган замон			
Бўлишли форма		Бўлишсиз форма		Бўлишли форма		Бўлишсиз форма	
Тўлиқ форма	Қисқарган форма	Тўлиқ форма	Қисқарган форма	Тўлиқ форма	Қисқарган форма	Тўлиқ форма	Қисқарган форма
I have He has She has It has We have You have They have	I've He's She's It's We've You've They've	I do not have He does not have She does not have It does not have We do not have You do not have They do not have	I don't have He doesn't have She doesn't have It doesn't have We don't have You don't have They don't have	I had He had She had It had We have You have They have	I'd have He'd have She'd have It'd have We'd have You'd have They'd have	I did not have He did not have She did not have It did not have We did not have You did not have They did not have	I didn't have He didn't have She didn't have It didn't have We didn't have You didn't have They didn't have

b) to have феълнинг сўроқ формаси (Interrogative Form)

Хозирги замон		Ўтган замон	
Бўлишли сўроқ форма	Бўлишсиз сўроқ форма	Бўлишли сўроқ форма	Бўлишсиз сўроқ форма
Тўлиқ форма	Тўлиқ форма	Тўлиқ форма	Қисқарган форма
Do I have? Does he have? Does she have? Does it have? Do we have? Do you have? Do they have?	Do I not have? Does he not have? Does she not have? Does it not have? Do we not have? Do you not have? Do they not have?	Did I have? Did he have? Did she have? Did it have? Did we have? Did you have? Did they have?	Didn't I have? Didn't he have? Didn't she have? Didn't it have? Didn't we have? Didn't you have? Didn't they have?

to have феъли асосан тўлиқсиз ва ёрдамчи феъл вазифасида келганда қисқаради.

to have феълнинг асосий функциялари. а) *to have* мустақил феъл вазифасида.

to have феъли мустақил лексик маънода келганида эга бўлмақ, бирор нарсага бор бўлмақ, эгалламоқ каби маъноларни англатади. Масалан: She had the body of a girl (A. Bennet). (Унинг қизларга хос қомати бор эди). You have no sense of responsibility (Ibid). (Сиз жавобгарликни сезмайсиз, сизда жавобгарликни сезиш деган нарса йўқ).

б) *to have* феълнинг фразеологик бирикмаларда ишлатилиши.

to have феъли от ёки отлашган феълларга артиклли ва артикلسиз қўшилса, у ўз маъносини йўқотади ва ўзидан кейинги сўзнинг маъносини тўлдириб келади. Бундай ҳолатларда у ўзбек тилига ўзининг аввали маъносида таржима қилинмаслиги ҳам мумкин: *to have a good time* — вақтни яхши ўтказмоқ, *to have a glance* — қарамоқ, *to have a headache* — боши оғримок, *to have an appetite* — иштаҳаси яхши бўлмақ, *to have a breakfast* — нонушта қилмоқ.

Then he had a flash of sanity (I. K. Cherterton). «Have you had lunch yet». (Th. Dreiser). «I will have a fame» she thought (Th. Dreiser). She would have a better time than she had ever had before — she would be happy. (Th. Dreiser).

to have феълнинг модал маънода ишлатилиши. *to have* феъли модал феъл вазифасида ишлатилганда асосий феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши кераклигини, лозимлигини, зарурлигини, гапнинг грамматик субъекти учун эса шў ишни бажариши мажбурий эканлигини билдиради:

I have to behave with them around. (P. Abrahams). — Мен улар олдида ўзимни яхши тутушим керак.

Why did she have to ask these questions (P. Abrahams). — Нима учун у бу саволларни сўрашга мажбур бўлди.

You have to be black to understand (P. Abrahams). She understood that she had to go and drink just as Mad Sam had to have his spells of Madness (Ibid).

to have кўмакчи феъл вазифасида ҳам қўлланади. *to have* феъли перфект формаларини ҳосил қилишда ўринбосар феъл сифатида ишлатилади. 1) перфект формада: The wind had been blowing hard for days (A. Bennet). Once or twice it had surprisingly gone right round to the east, and the clouds had uncowered the sun (Ibid). During the whole holiday the wind had never ceased (Ibid).

2) ўринбосар феъл вазифасида:

Have you finished the work? — Yes, I have.

to have got бирикмаси. *to have got* бирикмаси сўзлашув тилига ва инглиз тилининг америка вариантыга хос бўлиб, у мустақил феъл вазифасида келиши ҳамда модалликни ифодалашни мумкин.

а) *to have got* бирикмаси мустақил феъл вазифасида келади.

I have a book }
I have got a book } Менинг китобим бор

I think I've got a sixpence for you (A. E. Coppard). We've got no time for you to collect rare plants after your last attempt as a driver among the wonders of the deep (I. K. Chesterton).

You've got a perfectly clean record and your work at the School has been very good indeed. (Dreiser)

б) **to have got** модалликни билдиради. **To have got** феъли модалликни билдириши учун инфинитив формасидаги бирор феъл билан келиши шарт. Масалан: Come on, muddy or no, we've got to present ourselves before the baronet (I. K. Chesterton). Of course he's got to get in (Ibid).

To have got модалликни билдирганда, биринчидан, **to have** феълнинг модал феъл вазифасида келгандаги функциясида фарқ қилмаслиги, ҳамда **to be** феъли каби мажбурийликни, аввалдан планлаштирганликни билдириши мумкин. Масалан:

I have to meet him at 7 o'clock.

I have got to meet him at 7 o'clock.

I am to meet him at 7 o'clock.

Бу учала гап ўзбек тилига Мен уни соат 7 да учратишим керак деб таржима қилинади.

I've got to get up early in the morning, so I'll go to bed, and off he went, disappearing into the dark little bedroom off the hall, for the right (Th. Dreiser).

«He works way down at the stock-yards», so he's got to get up at half past five» (Ibid).

To do феъли. **To do** феъли ҳам **to be**, **to have** феъллари сингари кўп функцияли феъл ҳисобланиб, грамматик форма ясашда жуда кенг қўлланилади.

To do феъли мустақил, кўмакчи, ўринбосар, эфатик каби функцияларни бажариб келади.

To do феълнинг функциялари. **to do** феъли гапда мустақил феъл вазифасида ишлатилганда ўзбек тилига қилмоқ, ясамоқ, бажармоқ, тамомламоқ каби сўзлар ёрдамида таржима этилиб, мустақил феъллар сингари бошқа кўмакчи феъллар билан ишлатилиши мумкин. Масалан: he does, it is done, he will do; he did not do, he has done, he will be doing etc.

He had done so in regard to the very evening in question only the morning before (Th. Dreiser).

How feelingly did his superior state speak for itself. (Ibid). I don't seem to do anything right (Ibid). I don't know. She murmured at last «What I can do» (Ibid).

To do феъли кўмакчи феъл вазифасида. **to do** феъли сўроқ ва инкор формаларни ясаши, ўринбосар феъл бўлиб келиши ва мустақил феълдан англашилган маънони кучайтириб келиши мумкин.

to do кўмакчи феъли ўзбек тилига сўроқ формада-ми юкламаси ёрдамида, инкор формада-ма қўшимчаси ёрдамида таржима қилиниши, баъзан эса бутунлай таржима қилинмаслиги мумкин.

to do феълининг тусланиши

а) дарак форма

Ҳозирги замон		Утган замон			
Бўлишги форма	Бўлишсиз форма		Бўлишги форма	Бўлишсиз форма	
Тўлиқ форма	Тўлиқ форма	Қисқарган форма	Тўлиқ форма	Тўлиқ форма	Қисқарган форма
I do	I do not do	I don't do	I did	I did not do	I didn't do
He does	He does not do	He doesn't do	He did	He did not do	He didn't do
She does	She does not do	She doesn't do	She did	She did not do	She didn't do
It does	It does not do	It doesn't do	It did	It did not do	It didn't do
We do	We do not do	We don't do	We did	We did not do	We didn't do
You do	You do not do	You don't do	You did	You did not do	You didn't do
They do	They do not do	They don't do	They did	They did not do	They didn't do

б) сұроқ форма

		Үзінгі заман				Үтпін заман			
		Бұлінше форма		Қасқарған форма		Бұлінше форма		Қасқарған форма	
Бұлінше форма	Тұлық форма	Тұлық форма	Қасқарған форма	Бұлінше форма	Тұлық форма	Бұлінше форма	Тұлық форма	Қасқарған форма	
Do I do?	Do I not do?	Do I do?	Don't I do?	Did I do?	Did I not do?	Didn't I do?	Did I not do?	Didn't I do?	
Does he do?	Does he not do?	Does he do?	Doesn't he do?	Did he do?	Did he not do?	Didn't he do?	Did he not do?	Didn't he do?	
Does she do?	Does she not do?	Does she do?	Doesn't she do?	Did she do?	Did she not do?	Didn't she do?	Did she not do?	Didn't she do?	
Does it do?	Does it not do?	Does it do?	Doesn't it do?	Did it do?	Did it not do?	Didn't it do?	Did it not do?	Didn't it do?	
Do we do?	Do we not do?	Do we do?	Don't we do?	Did we do?	Did we not do?	Didn't we do?	Did we not do?	Didn't we do?	
Do you do?	Do you not do?	Do you do?	Don't you do?	Did you do?	Did you not do?	Didn't you do?	Did you not do?	Didn't you do?	
Do they do?	Do they not do?	Do they do?	Don't they do?	Did they do?	Did they not do?	Didn't they do?	Did they not do?	Didn't they do?	

Куйида *to do* феълининг қайси формада келиши ва қандай вазифаларни бажаришига мисоллар келтирамиз:

1) *to do* феъли сўроқ ва инкор формаларида:

«I don't care to go» he returned (*Th. Dreiser*). He did not seem to recognize her (*Ibid*). Don't worry! I'll be all right. (*Ibid*). I don't think you'd better try any more this fall said Minnie (*Ibid*).

«Oh, I don't know» she said her lip trembling. (*Ibid*).

2) *to do* ўринбосар феъл вазифасида:

«Where did you come from?» he inquired. «Mr. Brown hired me» she replied. Oh, he did, eh! and then, «See that you keep things going» (*Th. Dreiser*).

He was not a man who travelled much, but when he did, he had been accustomed to take her along (*Ibid*).

«Did you ever see Jefferson?» he questioned, as he leaned toward Carrie in the box. «I never did», she returned (*Ibid*).

to do феъли ўринбосар феъл функциясида ўзбек тилидаги қўшма феъллар ёки феъл бирикмаларининг маълум компонентлари тушиб қолишига ўхшаш ҳодиса содир бўлади. Масалан:

— Программа қабул қилиндими?

— Ҳа.

3) *to do* феъли эмфатик (кучайтирувчи) маънода:

to do феъли кўмақчи феъл вазифасида келиб, асосий феълдан англашилган маънони кучайтириш учун ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида *албатта*, *жуда*, *жуда ҳам* каби сўз ва иборалар ёки оҳанг ёрдамида ифода этилади. Бу вазифада келган *to do* феъли ҳар доим тўлиқ ва ургули бўлади. Масалан:

But I do wish you wouldn't whisper, Con (*R. Mansfield*). (Кон, сизни пичирлаб гаплашмаслигингизни *жуда* устардим).

They did want some help upstairs a few days ago (*Th. Dreiser*). (Юқоридаги қаватдагилар бир неча кун аввал ёрдамчига *жуда* муҳтож эдилар).

The rain did continue (*A. Bennet*). (Ёмғир яна давом этди.)

Do stop crying (*K. Mansfield*). (Йиғингизни *албатта* тўхлатинг!)

40- §. Боғловчи феъл вазифасида ишлатилувчи феъллар

Ҳозирги инглиз тилида грамматик функция бажариб келувчи феълларга, *to be*, *to have*, *to do* феълларидан ташқари, яна бир гуруҳ феъллар киради. Бу феъллар юқоридаги феъллар каби кенг қўлланилмаса ҳам ярим грамматикалашган феъллар ҳисобланади. Бу феъллар қуйидагилардир: *to feel to grow, to remain, to get, to become, to seem, to look, to go, to fall, to come, to appear, to sit, to lie, to keep, to continue, to stand, etc.*

Юқоридаги феъллар *to be* феъли каби боғловчи феъл вазифасида келиб, улар ё мустақил маънода, ёки ёрдамчи маънода қўлланиши мумкин. Бу феъллар бошқа сўзлар билан қўшилиб, асосий феълларнинг маъносини юзага чиқишига хизмат қиладилар ва ўзлари шу феълларнинг таъсирида кучсизланадилар. Бу феъллар асосан

грамматик маъноларни кўрсатиш мақсадида ишлатилганлиги учун ҳам улар грамматикалашган феъллар қаторига қўшилади. Грамматикалашув тўла ва қисман содир бўлади.

to feel феъли. **to feel** феъли мустақил феъл вазифасида сезмоқ, билмоқ, тушуномоқ, англамоқ, ҳис қилмоқ каби маъноларни англатади. Масалан:

He suddenly **felt** my hand — У менинг қўлимни дарров *сезди*.
We **felt** their aim — Биз уларнинг фикрини *тушундик*.

I **feel** as if I'd got into a novel instead of a house, said the lawyer (I. K. Chesterton). She **felt** him observing her mass of hair (Th. Dreiser).

to feel феъли боғловчи (*link*) феъл вазифасида келганда лексик маъноси умумийлашгани учун ҳам ўзбек тилига таржима қилинмаслиги мумкин. Масалан:

to feel proud — мағрурланмоқ;

to feel happy — шодланмоқ;

to feel vacout — ҳомушланмоқ.

He had **felt proud** and happy (J. Joyce).

He **felt** curiously happy, all the same, with shivers running through his limbs and a vague alarm (Galsworthy).

to grow феъли. **to grow** феъли мустақил феъл бўлиб келганда ўсмоқ, ўстирмоқ кўнаймоқ, ошмоқ каби маъноларни англатади:

The pool, formed by the damming of a rock, had a sandy bottom; and the big apple tree, lowest in the orchard, **grew** so close that its boughs almost overhung the water (Galsworthy).

to grow феъли боғловчи феъл вазифасида келганда бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни англатади:

Then suddenly her feet **grew** painfully cold (A. Bennet).

to remain феъли. **to remain** феъли мустақил феъл вазифасида қолмоқ, давом этмоқ, ўшандайлигича қолмоқ, ўз ҳолатини сақламоқ каби мустақил лексик маъноларни англатади.

He **remained** there (Bennet).

Carrie **remained** without permission (Th. Dreiser).

to remain — боғловчи феъл вазифасида келганида эса асосан ўзи боғлаб келадиган сўзнинг маъносини тўлдириб келади:

Having made too many gambling debts when he was young he ruined his prospects in the Army, and **remained** an infantry captain (D. H. Lawrence). And Stern, whose leg for months **had remained** immobile, would lift and twirl it about once again, saying, «Oh, no, you don't» (B. J. Stern) When he was finished, his stomach **remained** bloated with pain (B. J. Friedman).

to get феъли. **to get** феъли ўтимли феъл воситасида келганида асосан мустақил феъл ҳисобланиб, у ўзбек тилида *толмоқ, олмоқ, ишлаб толмоқ, сотиб олмоқ, эга бўлмоқ, бирор нарса қилишга мажбур этмоқ, тушуномоқ* каби маъноларни англатади. Масалан:

to get an answer — жавоб олмоқ

to get a book — китоб олмоқ

to get home — уйга етмоқ

to get someone ready — тайёрламоқ

to get феъли боғловчи феъл вазифасида келганда, муस्ताқил маъноси кучсизланиб, предикатив сўзнинг маъносини тўлдиради ва бу ўринда у ўтимсиз феъл бўлиб келади.

Yes, we'll go and **get** married (*P. Abrahams*).

Please do drink your tea — it is **getting** cold. Shall I get you some fresh? (*Galsworthy*).

Come and **get** warm (*K. Mansfield*).

to keep феъли. **to keep** феъли ҳам муस्ताқил, ҳам боғловчи феъл вазифасида келиши мумкин. **to keep** муस्ताқил феъл вазифасида келганда ўзбек тилига сақламоқ, ушлаб турмоқ, амал қилмоқ (қоидага), давом эттирмоқ, қўриқламоқ, эга бўлмоқ, деб таржима қилинади:

They were able **to keep** their left hands in their trousers pockets and the left arm close to the side most of time (*R. Tressell*).

It had occurred to him that he was not to be expected to **help to keep** his brother's window and her children (*Ibid*).

Crass **kept** this for himself: it was just the thing to wrap round one's neck when going to work on a cold morning (*Ibid*).

Боғловчи феъл вазифасида келган **to keep** ўтимсиз феъл бўлиб, у гапнинг субъекти бирор ҳолатда турганлигини, ўз ҳолатини сақлаб қолганлигини кўрсатади:

Well, why don't you try **to keep** quiet for a few minutes and let him get on with it (*R. Tressell*).

to keep феъли каузатив боғловчи вазифасида ҳам ишлатилиши мумкин ва бундай ҳолларда **to keep + object + participle** конструкцияси ишлатилади. Бу конструкциядаги **to keep** феъли предикатив бўлиб келаётган сўзни бирор ҳолатда субъект томонидан сақланиб турганлигини кўрсатади.

Масалан: **to keep shut** — ёпиқ сақламоқ, ёпиқ тутмоқ.

For heaven's sake **keep** the front door shut (*R. Mansfield*).

To keep him amused while she did her work (*R. Tressell*).

These and other odd jobs **kept** him employed a few hours every day so that he was not actually of work. (*R. Tressell*).

to become феъли. **to become** феъли деярли ҳамма вақт боғловчи вазифасида келиб, бўлмоқ, бўлиб қолмоқ, бўлиб етишмоқ, ўсмоқ, улғаймоқ каби маъноларни билдиради. **to become** феъли от сифат, сифатдош ва бошқа сўз туркумлари билан бирга ишлатилади:

In the course of time Joe woke up and ruffed her blue eyes with her podgy pink fists and gradually **became aware of the fact that something fundamental had gone wrong in her world** (*A. Bennet*). And simultaneously she was afraid of the invisible thing which also suddenly, **become** more hostile and more obstructive (*A. Bennet*).

His grim, deep-lined fare had **become** even sadder and more grave (*Conan Doyle*).

to seem феъли. **to seem** феъли боғловчи феъл вазифасида келиб ўхшашлик, ўхшаб кўринганлик, бирор ҳолатни қабул қилганлик каби маъноларни билдиради.

And two hours **seemed** almost eternity (*Bennet*).

Then there was milk which the infant **seemed** to drink in immoderate quantities, and various other costly foods (*Ibid*).

And when Megan brought in his meals she always **seemed** too busy in the house or among the young things in the yard to stay talking long (*Galsworthy*).

to look феъли. **to look** феъли ҳам мустақил, ҳам боғловчи феъл вазифасида келиши мумкин. **to look** феъли мустақил феъл вазифасида келганида қарамоқ, кўрмоқ каби маъноларни билдиради. Масалан; He **looked** at me. (У менга қаради).

They all **looked** at her all the rime keenly passionately, instead in everything she did (*A. Bennet*).

to look феъли боғловчи феъл вазифасида келганида бирга ишлатилаётган феълнинг маъносини тўлдириб келади. Масалан:

to look well — соғлом кўринмоқ

to look ill — касал (нософ) кўринмоқ

to look black — қовоғи солиқ кўринмоқ

to look blue — ғамгин кўринмоқ

But I must say Joe **does look** a bit Early Saxon (*Galsworthy*).

You **look** so dreadfully cold (*K. Mansfield*).

There was a cold bitter taste in the air and the new lighted lamps **looked** sad (*K. Mansfield*). She **looked vague** (*K. Mansfield*).

to go, to fall, to come, to appear, to sit, to lie феъллари.

to go, to fall, to come, to appear, to sit, to lie феъллари ҳам мустақил, ҳам боғловчи феъл бўлиб келиши мумкин. Бу феълларнинг ана шу хусусиятларига мисоллар келтирамыз:

to go мустақил феъл сифатида:

And now I think I'll **go** home to all my dear families and try (*R. Kipling*).

«Humph!» said the Camel and the Ox **went** away and told the Man (*R. Kipling*).

to fall мустақил феъл сифатида:

Then, just before she passed the strölling Frederick, the child **fell** (*A. Bennet*).

to go боғловчи феъл сифатида:

Aunt Gosephine **went** scarlet with pleasure (*Mansfield*).

And the elder man **went** pale, and his reddish eyebrows twitched (*D. H. Lawrence*).

I've **gone** lame (*Galsworthy*).

to fall боғловчи феъл сифатида:

The little gire **fell** asleep against him on the way back, and his knees still touched Stella's in the wagonette (*Galsworthy*).

The baby, safe under the head of the perambulator **had fallen** asleep (*A. Bennet*).

to come мустақил феъл сифатида:

Presently the Dog came to him, with a stick in his mouth, and said, «O Camel, O Camel come and fetch and carry like the rest of us» (R. Kipling).

to appear мустақил феъл сифатида:

As she approached the doorway the baby appeared therein, unsteadily toddling (A. Bennet). Some small blossoms had appeared on once of the black and mottled trees of what Stern called his Cancer Garden (B. G. Stern).

to sit мустақил феъл сифатида:

So they sat down on them hard till bright morning time, and then Leopard said, «What have you at your end of the table, Brother» (R. Kipling).

to lie мустақил феъл сифатида:

He lay on the floor (Dreiser).

to come боғловчи феъл сифатида:

Her son had not only come home, but he had come home a good person (P. Abrahams.)

to appear боғловчи феъл сифатида:

He also, appeared very fragile and in his childish face was reproduced much of the delicate prettiness which she had once possessed (R. Tressell).

to sit боғловчи феъл сифатида:

She suddenly sat straight and uncrossed her legs (S. O'Casey).

And now white Frederick sat silent in one corner of the car (Bennet).

to lie боғловчи феъл сифатида:

He lay there purple a dark angry purple in the face and never even looked at them they came in (K. Mansfield).

41- §. Модал феъллар (Modal Verbs)

Англлатган маъносига кўра мажбурийлик, мумкинлик, зарурлик, ишонч, хоҳиш ёки рухсат, тахмин, фараз қилиш, қўлидан келишлик ва шунга ўхшаш бошқа маъноларни ифодаловчи феъллар модал феъллар дейилади. Модал феъллар ҳаракатни кўрсатмаслиги туфайли бошқа феъллардан семантик жиҳатдан фарқ қилади.

Модал феъллар доимо инфинитив шаклидаги асосий феъллар билан бирга ишлатилиб асосий феълларга модаллик маъносини қўшади.

Масалан: I go home — I must go home

Уйга бораман — Уйга боришим керак.

Модал феълларнинг асосий грамматик тавсифи. Модал феълларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

1) модал феъллар фақат инфинитив формасидаги феъллар билан ишлатилади. Модал феъли билан ишлатиладиган инфинитив ҳар хил бўлиши мумкин:

а) перфект эмас инфинитив:

Well, you can go out to the flat then, that's all right (*Th. Dreiser*). So you may say he's in Government even before he's in the house. (*I. K. Chesterton*). But you might keep chickens (*Ibid*).

б) перфект инфинитив:

But he must have worked his way through this fortune also with marvellous rapidity (*I. R. Chesterton*). You ought to have seen the tie he had on (*Th. Dreiser*).

в) давомли аспектдаги перфект инфинитив:

The look in his eyes might well have been disquieting to anyone left alone with him on an island in the middle of a lake.

г) давомли аспектдаги перфект эмас инфинитив.

«She oughtn't to be thinking about spending her money on theatres already, do you think?» he nodded (*Th. Dreiser*).

д) пасив нисбатдаги инфинитив:

All this must be changed (*K. Aldington*). It must not be thought that one could have mistaken her for a nervous sensitive, high strung nature, cast unduly upon a cold, calculating, and unpoetic world (*Th. Dreiser*).

е) пасив нисбатдаги перфект инфинитив:

It might have been considered beautiful at one time:

2) модал феъллардан кейин келган асосий феъл **to** юқламасисиз ишлатилади, яъни улар ҳаммаша предикатив формада бўлади. Аммо модал феълларнинг эквиваленти бундан мустаснодир: he come to read — he can read.

3) учинчи шахс бирликда шахс қўшимчаси-**s** ишлатилмайди: «You must go out in the fresh air all you can (*A. E. Coppert*). You can get a nice room here and some clothes and then you can do something (*Th. Dreiser*).

4) модал феълларнинг айримлари иккита замон формасида (**can-could, may-might, will-would, dare-dared, shall-should**) айримлари фақат битта ўзгармас формада (**must, ought, need**) келади:

Clyde could scarcely prevent her voice from trembling (*Th. Dreiser*). «Perhaps» she thought, «they may want some one (*Th. Dreiser*). Between ourselves, I might say fled the country (*I. K. Chesterton*). Then we can go. We will go to the house first and look over these weapons of which you speak (*Galsworthy*). O, she would go mad then (*A. E. Coppert*). We daren't touch what you propose with a large pole. (*I. K. Chesterton*). They must be bad minded and hearted she imagined (*Th. Dreiser*). A man like you ought to have a little place of his own. (*I. K. Chesterton*). Legs are legs, and you needn't alter them so far as I am concerned (*R. Kipling*). Musgrave

shall have it to Musgrave till the heavens fall (I. K. Chesterton).
You shouldn't, you know, grumbled Repton (A. E. Coppart).

5) модал феъллардан сифатдош (participle) формаларини ясаб бўлмайди.

6) суффикс ёки префикслар ёрдамида модал феъллардан янги сўзлар ясалмайди, чунки модал феълларнинг ўзлари сўз ясалиш усули ёрдамида бошқа сўзлардан ясалган эмас.

Модал феъл *to* юклагмасини олмайди чунки, модал феълларнинг инфинитив формаси претерит-презент феълларнинг инфинитив формасидан эмас, балки ҳозирги замон формасидан ясалади. Масалан: Қадимги инглиз тилида *can, may, shall* модал феълларнинг инфинитив формаси *cunnan, magan, sculan* ҳозирги замон формаси- *can, mag, sceal* бўлган.

Қадимги инглиз тилида бу феълларнинг биринчи ва учинчи шахс бирлик формалари айнан бир хил бўлганлиги учун ҳам ҳамма шахсларда бир хил форма ишлатилиб, фақат иккинчи шахс бирлик формасигина улардан фарқ қилган. (Масалан: I, III шахс бирликда *can* II шахс бирликда *canst*) XVI асрдан бошлаб иккинчи шахс бирлик формаси стандарт адабий инглиз тилида (Standard English) камдан-кам ишлатила бориб, охири умуман ишлатилмай қолганлиги сабабли, ҳозирги инглиз тилида учала шахсда ҳам бир хил форма қўлланилади. Қадимги инглиз тилида I ва II шахс бирлик формаларининг бир хил бўлишига претерит-презент феълларнинг ҳозирги замон формалари кучли феълларнинг (Strong Verbs) ўтган замон индикатив формаларига ўхшашлиги сабаб бўлган.

can, may must модал феъллари англаган маънони *to have, to have got, to be obliged, to be* ёрдамида ҳам бериш мумкин.

Бу инфинитив формалар модал феълларнинг ўзига хос синонимлари бўлиб, уларни модал феълларнинг эквивалентлари деб юритилади. *Can* модал феъли англадагидан маънони айрим ҳолларда *to be able* ёрдамида ҳам бериш мумкин. *May* модал феълнинг эса *to be allowed (to)* каби эквиваленти бор. Модал феълларнинг эквивалентлари ҳамма вақт ҳам модал феълларнинг ўрнини босавермайди. Бу эквивалент феъллар грамматик категорияларнинг деярли ҳаммасида қўлланилса-да, лексик ва стилистик жиҳатдан кўп ҳолларда чегараланган бўлади.

Can ва унинг эквиваленти *to be able (to)*.

Can модал феъли фақат икки замонда қўлланиши мумкин бўлганлиги учун у ҳозирги замонда *can*, ўтган замонда *could* формаларига эгадир.

Can феъли инкор формада ишлатилганда унга *not* юклагмаси қўшилади: *can — cannot*.

Can модал феълнинг ўтган замон формаси бўлган *could* га *not* юклагмаси қўшилмасдан ёзилади: *could — could not*.

Сүрөк бұлмаган форма

Хозьргг замон		Утган замон	
Булмаган форма	Булдишсиз форма	Булдишн форма	Булдишсиз форма
Тулук форма	Тулук форма	Тулук форма	Тулук форма
I can He can She can It can We can You can They can	I cannot He cannot She cannot It cannot We cannot You cannot They cannot	I can't He can't She can't It can't We can't You can't They can't	I couldn't He couldn't She couldn't It couldn't We couldn't You couldn't They couldn't

Can ва *could* модал феълларининг эквиваленти бўлган *to be able (to)* ишлатилишига кўра маълум замон ёки грамматик категория билан чегараланмаган. *to be able (to)* нинг инкор формаси ҳам *not* юкламаси ёрдамида ясаллади:

He is able to do it — he is **not** able to do it. Ундан ташқари инкор маънони англатувчи *un-*префиксини предикатив қисм *able* га қўшиш билан ҳам ифодалаш мумкин. Масалан: He is not able to do it. He is **unable** to do it . . . and this I was **unable** to explain. (R. L. Stevenson).

Can (could) ва *to be able (to)* нинг лексик маънолари

Can (could) ва унинг эквиваленти *to be able (to)* қуйидаги лексик маъноларни англатади:

1) *жисмоний қобилиятни*, яъни бирор ҳаракатни бажаришни қўлидан келиш-келмасликни, кучи етиш ёки етмасликни:

He could look into the nostrils of the other man, the eyes he could scarcely see. (D. H. Lawrence). She could see that the street door looking out, she ventured to walk out a little way (Th. Dreiser). I won't be able to pull you up, «the boy said (J. Aldridge). You will be able to work now for three days without eating because you can live on you humph (R. Kipling). They could scarcely restrain her tears (Th. Dreiser).

2) бирор ишни бажариш учун керак бўлган ақлий қобилиятни: (Бу группага *харид қила олиш* ва *қила олмаслик қобилиятини* ҳам киритилади):

They couldn't know that the responsibility of such a postment that the subaltern got hardly any sleep at all (R. Aldington). She could think of no way of explaining. (Th. Dreiser). I can't understand it is sickening monstuous! (A. Hixley). Carrie saw the drift but could not express her thoughts (Th. Dreiser).

3) бирор ишни бажариш имкониятга эга бўлиш ёки эга бўлмасликни, ишонини ва ишонмасликни:

«He could go along», said Carrie (Dreiser). No, I'm afraid I can't help you (I. K. Chesterton). I can't understand it I was all right for a while, but now I'm afraid of him all over again (B. J. Friedman). Look here, this is confidential, as I say, but I can confide in you (I. K. Chesterton). Sir Harland Fisher could believe that he had ever been called Harry (Ibid).

4) *руҳсат*, *ижозат* — *таъқиқ*, *ийл қўйиш* ёки *ман қилиш*, *буйруқ* ва *шунга ўхшаш маъноларни*:

I can't go about naked can I? (A. Huxley). What can I do for you (I. K. Chesterton). Can you give me something to do? — said Carrie (Th. Dreiser). You can get yourself a nice room by yourself I won't hurt you (Th. Dreiser). You can get a nice room here and some clothes and then you can do something (Ibid). No, no «I can't have that my dear. (A. E. Coppart).

5) *фараз қилиш*, *ишонини* ва *ишонмасликни* (бу ерда модал феълнинг маъноси бирга келаётган сўзларга ҳам боғлиқ бўлади):

I guess we can't use you (*Th. Dreiser*). I've so many misfortunes I suppose I can bear this too (*A. E. Coppard*).

Can he be there? (*Kipling*).

He can't have gone? (*Bennet*).

6) *таажжуб, ҳайрат* ва шу кабиларни:

Why couldn't he speak? (*G. K. Chesterton*) How could you be so stupid, Sophie (*A. Huxley*).

7) иш-ҳаракатнинг юзага чиққани ёки чиқмаганлиги, чиқиши гумон эканлигини:

«If I could only get something to do», she said (*Th. Dreiser*).

«If one could only spend a whole day in bed in a huge bed, feather-gy, warm and soft, all the day long (*A. Huxley*).

8) **can (could) not help** ноаниқ формадаги феъл ёрдамида бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқишини хоҳланмаса-да, барибир рўй берганлигини билдириши мумкин.

A: I couldn't help smiling — Мен кулмай туrolмадим.

She could not help smiling as he told her some popular actress (*Th. Dreiser*).

She could not help feeling pleased as she looked at herself (*Ibid*).

She could not help but choked for breath a little sick as her heart beat so fast (*Ibid*).

9) **Can (could) + see** (ёки *understand, think* etc) тўлдирувчи эргаш гапларнинг бошлаб берувчи функциясини бажариб келиб, ўзбек тилига *кўриш мумкин (эди)*, — *деб ўйлаш, тушуниш мумкин (эди)*, ва бошқа шунга ўхшаш иборалар ёрдамида таржима қилинади. Маъносига кўра бу конструкция хулосага келганликни, тушунганликни англатади.

One could see that the furniture was of that poor, hurriedly quality sold by the instalment houses (*Th. Dreiser*). He could see the flash of big guns followed long after by a solemn deep boom (*R. Aldington*). But I'm damned if I can see why we should lie for those cosmopolitan cads who only help themselves (*G. K. Chesterton*).

Шуни кўрсатиб ўтиш шартки, **see** конкрет лексик маъносини сақлаб қолиши ҳам мумкин. Масалан:

From the pavement below she could see that their room was lit (*A. E. Coppard*).

Бу модал феъл ҳам фақат икки замон формасида қўлланилиб, унинг ҳозирги замондаги формаси **may** ўтган замон формаси **might** дир. Келаси замон ва бошқа категориал формаларда **may** феълнинг эквиваленти **to be allowed (to)** ишлатилади:

The patient is allowed to walk. Касалга юришга *рухсат берилган*.

The patient was allowed to walk. Касалга юришга *рухсат берилган эди*.

The patient will be allowed to walk in a week. Касалга бир ҳафтадан сўнг юришга *рухсат берилади*.

May (might) ва унинг эквиваленти to be allowed (to)

Сўроқ бўлмаган форма

Ҳозирги замон			Ўтган замон	
Бўлишли форма	Бўлишсиз форма		Бўлишли форма	Бўлишсиз форма
	Тўлиқ форма	Қисқарган форма		
I may	I may not	I mayn't	I might	I might not
He may	He may not	He mayn't	He might	He might not
She may	She may not	She mayn't	She might	She might not
It may	It may not	It mayn't	It might	It might not
We may	We may not	We mayn't	We might	We might not
You may	You may not	You mayn't	You might	You might not
They may	They may not	They mayn't	They might	They might not

Сўроқ форма

Ҳозирги замон		Ўтган замон	
Бўлишли форма	Бўлишсиз форма	Бўлишли форма	Бўлишсиз форма
May I?	May I not?	Might I?	Might I not?
May he?	May he not?	Might he?	Might he not?
May she?	May she not?	Might she?	Might she not?
May it?	May it not?	Might it?	Might it not?
May we?	May we not?	Might we?	Might we not?
May you?	May you not?	Might you?	Might you not?
May they?	May they not?	Might they?	Might they not?

May (might)нинг эквиваленти сифатида **to be permitted (to)** (*руҳсат этилмоқ, руҳсат берилмоқ*) конструкториядан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу конструкция маъносига кўра **to be allowed (to)** конструкциядан фарқ қилмайди:

No one is allowed
No one is permitted } to be late

Ҳеч кимга кеч қолишга *руҳсат этилмайди*.

May феъли қуйидаги лексик маъноларни англатади:

1) имкониятни, бирор ҳаракатни юзага чиқишида қаршилиқ йўқлигини:

I **may** explain that I have some status in Mr. Grandby's inquiry and it would be a great relief to my mind if I could go (*G. K. Chesterton*). A flame leaped up in Lally's heart: it **might** mean the offer of some work which would keep her in London after all (*A. E. Coppard*). But you **might** keep chickens (*G. K. Chesterton*). I **might** show you round (*Th. Dreiser*). To be sure there was always next station, where one might descend and return (*Ibid*).

2) *руҳсат, ижозат бериш ва руҳсат, ижозат сўрашни*:

You **may** convey the assurance, said their host gravely] (*G. K. Chesterton*). **May** I ask, sir, by what right it has been taken from me? It is my private property (*R. Aldington*). «Yes», said Dingo-Yellow-Dog—Dingo, «I am just in the same situation. I've made him different from all other animals: but what **may** I have for my tea» (*R. Kipling*). If I take ride, I **may** not like it and well never live in this house (*B. I. Friedman*).

3) *эҳтимолликни, иш-ҳаракатнинг юзага чиққанлиги ёки чиқмаганлигини, чиқиши ёки чиқмаслигини*:

Perhaps, she thought, they **may** want someone, and crossed over to enter (*Th. Dreiser*). It was my idea that a gang of thieves **might** have broken in and be now runsacking Northmour's cupboards (*R. L. Stevenson*). If you will find the facts perhaps others **may** find the explanation (*Conan Dayle*). Without a counsellor at hand to whisper cautious interpretation what falsehoods **may** not these things breathe into the unguarded ear (*Th. Dreiser*). I **might** have stayed longer (*R. L. Stevenson*).

May феълининг эквивалентлари **to be allowed (to)** ва **to be permitted (to)** асосан *руҳсат, ижозат берилганликни ёки тақиқланганликни* билдиради. Масалан:

Do you know why we're not allowed in the Chrysler Building after eleven at night? (*B. J. Friedman*). He was to be allowed to ride home just, like any man coming home to his family (*Ibid*). They are permitted to feed hens and to collect eggs, and to ride horses to the drinking pond, and to talk on equal terms with those mighty men, farm — laboures (*B. Shaw*).

Must ва унинг эквивалентлари **to have (to), to be (to)**

Must фақат ҳозирги замон формасида ишлатилиб, бошқа замон формаларида унинг эквивалентлари — **to have (to), to be obliged (to), to have got (to), to be (to)** ишлатилади.

Хозирги замон

Бүлүшлүк форма	Бүлүшкүз форма		Бүлүштүк форма	Бүлүшкүз форма	
	Түлүк форма	Кыскарган форма		Түлүк форма	Кыскарган форма
I must	I must not	I mustn't	Must I?	Must I not?	Mustn't I?
He must	He must not	He mustn't	Must he?	Must he not?	Mustn't he?
She must	She must not	She mustn't	Must she?	Must she not?	Mustn't she?
It must	It must not	It mustn't	Must it?	Must it not?	Mustn't it?
We must	We must not	We mustn't	Must we?	Must we not?	Mustn't we?
You must	You must not	You mustn't	Must you?	Must you not?	Mustn't you?
They must	They must not	They mustn't	Must they?	Must they not?	Mustn't they?

Must модал феъли эквивалентларидан семантик ва стилистик жиҳатдан фарқ қилиши мумкин. Ҳозирги инглиз тилида **must** феъли қуйидаги маъноларни англатади:

1) *зарурият ёки мажбурийликни:*

Some day I really **must go** to the Louvre and see my portrait (A. Huxley). I **must find** some clean linen (P. Abrahams). I **must have** made some tart rejoinder (R. L. Stevenson). He knew he **must go** (D. H. Lawrence).

2) *бўйруқ, маслаҳат, тавсия қилиш, қаттиқ илтимосни:*

You **must go** out in the fresh air all you can (A. E. Coppard). You **must see** her, miss Sarrie (P. Abrahams). You **must rest** first, she said (P. Abrahams). He **must go**, or they would overtake him. (D. H. Lawrence). You **must be** very wise (R. Kipling).

3) *тақиқни:*

He **must not know** he has to fly it. The thought will scare him stiff (J. Aldridge). Then Cat pretended to be sorry and said «**Must I never come** into the cave? **Must I never sit** by the warm fire? **Must I never drink** the warm white milk? (R. Kipling).

4) *эҳтимоллик, чама қилиш ёки шшончни:*

«It **must be a cleverer family**», said Harold March with a smile. (G. K. Chesterton) But she **must be lonely** (P. Abrahams). You **must feel lonely** too», he said (Ibid). He **must be about ninety**, but he's some strong guy (B. G. Friedman). Northmour himself **must have arrived** and was now airing and inspecting the Pavilian (R. L. Stevenson).

to have (to), to have got (to) ва унинг маънолари. **Must** модал феълининг эквиваленти сифатида қўлланилувчи **to have** феъли инфинитив билан ишлатилганлиги учун мажбур бўлмоқ, бажаришга мажбур бўлиб қолмоқ каби маъноларни англатади. **to have to** асосан маълум бир шароитга, ҳодисага боғлиқликни англатиши учун қўлланади. Масалан:

He **had to see** her tonight (P. Abrahams). У уни (аёлни) бугун кечкурун *кўришга мажбур бўлиб қолди.*

Why did old Tante **have to live** on the other side of the farm? (Th. Dreiser). Нима учун қари Танте ферманинг нариги чеккасида *яшашга мажбур бўлган экан?*

I just **have to go** to Smith's (P. Abrahams). Мен Смитларникига *боришим шарт.*

• **to have (to)** ҳар учала замонда ҳам ишлатилиши мумкин.

а) ҳозирги замонда:

But I **have to** think of you. (A. E. Coppard). I **have to be** in London for some days (G. K. Chesterton).

б) ўтган замонда:

Stern **had to** walk through using a pocket flash-light and not really sure whether he was on some one's property (B. J. Friedman). She **had to bend** and strain at it in order to pull it out (A. Huxley).

в) келаси замонда:

I think I shall have to go (A. E. Coppard). «It's only our secrets' price, Mummy clear, and we'll tell you all about it the very minute it's done: but please don't ask me what it is now, or else I'll have to tell (R. Kipling).

to have (to) шарт майлида ҳам ишлатилиши мумкин:

One day in early summer it seemed, miraculously, that Stern would not have to sell his house and move away (B. J. Friedman). She would have to go home, that was all (Th. Dreiser).

to have (to) ўрнида **to have got (to)** ҳам ишлатилиши мумкин:

You've got to have friends he screamed at her (B. J. Friedman).

to have (to) феълнинг ўтган ва ҳозирги замондаги сўроқ ва бўлишсиз формалари **do** кўмакчи феъли ёрдамида ясалди. Келаси замон сўроқ ва бўлишсиз формалари эса **not** инкор юкламаси иштирокида ясалди:

Does he have to go right now?

He does not have to go right now.

She will not have to come so early tomorrow.

to be (to) заруриятни, бирон ишни қилиш мажбурийлигини, олдиндан келишиб қўйилганлигини кўрсатади. **to be (to)** феълдан англашилган иш-ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайдан кейин юзага чиқади ва шу сабабли у модал маънода келаси замон формасида қўлланмайди.

to be (to) феъли ҳам индикатив, ҳам шарт майлларида ишлатилади.

My mother said that when I meet a Hedgehog I am to drop him into the water and then he will ancoil, and when I meet a Tortoise I am to scoop him of his shell with my paw (R. Kipling). If I were to die I shouldn't idle here? (Flemming).

Агар **to be (to)** инкор формада ишлатилса, ҳаракатни бажаришга зарурият йўқлиги ёки сўзловчининг планлаштирилган ишнинг юзага чиқишига қарши эканлигини ифодалайди.

You're not to go! I object (A. E. Coppard). No, murmured Lally, you're not to come with me (A. E. Coppard).

Need феъли. **Need** ҳозирги инглиз тилида ҳам модал феъли вазифасида, ҳам модал бўлмаган, тўғри феъл вазифасида ишлатилиши мумкин. Модал феъли вазифасида фақат ҳозирги замондагина ишлатилиб, кўпинча иш-ҳаракатни бажаришга зарурият йўқлигини билдиради. **Need** модал феъли сўроқ ва бўлишсиз гаплардагина ишлатилганлиги сабабли, ўзбек тилига кераги йўқ, ҳожати йўқ, шарт эмас, керакми, шартми? ва шу кабилар ёрдамида таржима қилинади:

You needn't stand on any such ceremony as that, said Ralph (James). She may bring her husband if she likes but she needn't bring you (Ibid).

You need not answer. I can see (P. Abrahams). «Ah» said Isabel, to enjoy that pleasure I needn't be so terribly emancipated (H. James).

Need тўғри феъл вазифасида келганда икки хил қўлланади.

а) отлар билан тўғри феъллар каби ҳамма замонда ишлатилади: I need the money and it's near home (P. Abrahams). I'll need somebody to take Mable's place (Ibid). I don't need the did of a clever man to teach me how to live (H. James). Bringing education to people who need it (P. Abrahams). You will need help Mable (P. Abrahams).

б) бошқа феъллар билан ишлатилиб, у феъллар *to* юкламаси билан бирга келади:

I don't have enough. That's the perfect extra thing I need to carry (B. J. Friedman).

Need от вазифасида ҳам келиши мумкин:

But one has no need of a reason for that (H. James). There was no need for words (P. Abrahams).

Dare феъли. **Dare** феъли ҳам модал феъллар гуруҳига кириб, ўзбек тилидаги *журъат қилмоқ*, *ботинмоқ* каби феълларга тўғри келади. **Dare** феъли ишлатилишига кўра икки гуруппага бўлинади: 1) модал феъллар каби ҳозирги замонда барча шахсларда ўзгармай **dare** бўлиб, ўтган замонда эса **dared** (ёки **durst**) бўлиб ўзгаради. Бўлишсиз формаси **daren't** дир. 2) тўғри феъллар каби тусланади. Тўғри феъллар каби тусланганда учинчи шахсда *s* олади, ҳозирги ва ўтган замон сўроқ ва бўлишсиз формаларда **do** кўмакчи феъли ишлатилиши мумкин.

Dare феъли сўроқ ва бўлишсиз гапларда кўпинча ўзгармайди. Масалан:

We **daren't** touch what you propose with a barge pole (G. K. Chesterton). I **daren't** go and tell him, you go and tell him (H. E. Bates). I **dare** you to wear it (B. G. Friedman).

But she had vanished and he **dare not** ask for her (H. E. Bates).

I dare say бирикмаси ҳозирги инглиз тилида *менинг фикримча*, *назаримда*, *менимча бемалол айтишим мумкин*, деган маъноларда қўлланади. Масалан:

But **I dare say** I shan't miss it (H. James). «**I dare say** you think me very irreverent» Isabel returned ((H. James). «**I dare say** he might let one or two of his houses» said the other (H. James).

Dare нинг ўтган замон формаси **durst** ҳозир эскирган форма ҳисобланади: «If I **durst**», said the captain, I'd stop and pock off another man (K. L. Stevenson).

Ought феъли. **Ought** модал феъли фақат ҳозирги замон формасида қўлланилиб, қуйидаги маъноларга эга:

1) *заруриятни билдиради*. **Ought** бундай маънони ифодалаганда ўзбек тилига *керак*, *керак эди*, *зарур*, *шарт* каби модал сўзлар ёрдамида таржима қилинади:

«I know how he **ought** to die» said Granby (I. K. Chesterton). Мен уни қандай жон бериши *кераклигини* тушунаман — деди Грэнби.

She **ought** to send her to bed (A. Hixley). «She **oughtn't** to be thinking about spending her money . . . (Th. Dreiser). You **oughtn't** to be working for those people (Th. Dreiser). «I **ought** to have

warned you that he is a man of infinite resource — and sagacity (R. Kipling).

2) *эхтимолликни билдиради:*

«I don't know», said the Ethiopian, «but it ought to be the aboriginal Flora (R. Kipling). It ought to be made impossible, and then there'd be some sence in Christianity (O. E. Coppard).

And there ought to be a corner for me (R. Kipling).

Should феъли. **Should** феъли маъносига кўра *маслаҳатни, мажбурийликни, ман этишини, заруриятни, эхтимолликни, фараз қилишини* англатиб, юкламасиз келган инфинитив билан қўлланади.

1) **should** қуйидаги маъноларни ифодалайди: *заруриятни:*

At seven o'clock Mr. Alobaster and Ar. Sulky tossed up to see who should pay for supper ... (O. E. Coppard).

You shouldn't do that (Kipling).

2) *маслаҳатни:*

You shouldn't do it, you know, grumbled Repton (A. E. Coppard). You should not be cruel even to a cat (R. Kipling)

3) *эхтимолликни, фараз қилишини:*

You should have seen me at eight. (B. J. Friedman). I should rather guess that the other people are blackmailing him about it (Ibid). He should have been more careful to get a long range weather forecast when he left (Aldridge).

Should + like бирикмаси *хоҳишини* англатади:

«I should like to walk up and see Halstead street if it isn't too» said Garrie, after a time (Th. Dreiser). How I'd like to go there (Ibid). What's for? I should like to know? (A. Huxley).

Shall феъли. **Shall** фақат келаси замон формасини яшаш учунгина қўлланмай, балки у модалликни англатиб, модал феъл бўлиб келиши ҳам мумкин. **Shall** модал феъл вазифасида келганида барча шахсларда бир хил қўлланиб, *хоҳиш, ваъда, огоҳлантириш, ишонтириш* каби маъноларни англатади:

You shall not go there if I can help you (I. K. Chesterton). Mustgrave shall leave it to Musgrave till the heavens fall (Ibid). So your children shall be lazy (R. Kipling).

They shall be the laziest people in the world (Ibid). They shall be called the Malazy — the lazy people (Ibid).

Will феъли. **Will** феъли ҳам **shall** феъли сингари *хоҳишини, бирор нарса ни қилишга маҳкам бел боғланганликни* англатади:

We will go up to the house first and look over these weapons of which you speak (C. Doyle). We will go out seven times a day, and the waters shall never be still (K. Kipling). So I will go down to Somerset, said Horne Fisher (G. K. Chesterton).

I will go and fetch it (Ibid). If you won't let me work now while we're together then I must leave you and work for myself (A. D. Coppard).

Would феъли. **Would** модал феъл вазифасида келганида *хоҳишини, истажни, насиҳат ва илтимосни* билдиради. Масалан:

I would cut up a big estate like this into small estate for everybody, even for poachers (*I. K. Chesterton*). But she would never be able to get her packing done by herself (*I. Huxley*).

What would he say? How would he explain it? How would he resist that inevitable passionate fury? (*A. E. Bates*). O, she would go mad then (*O. E. Coppard*). If I did, do you know what I would do with it (*Ibid*).

42-§. Фельларнинг грамматик категориялари (The Grammatical Categories of the Verb)

Феъл бошқа сўз туркумларига нисбатан грамматик категорияга бой ҳисобланади.

Ҳозирги инглиз тилида феълнинг қуйидаги грамматик категориялари мавжуд:

1) перфект (корреляция) категорияси — the Category of Perfect (Correlation, Order);

2) нисбат (ёки даража) категорияси — The Category of Voice;

3) шахс категорияси — the Category of Person;

4) сон категорияси — the Category of Number;

5) замон категорияси — the Category of Tense;

6) аспект (тус; тарз) категорияси — the Category of Aspect;

7) майл категорияси — the Category of Mood;

Феълларнинг грамматик категориялари феъл туркумига кирувчи сўзларнинг синтетик ёки аналитик формаларини ўзаро қарама-қарши қўйиш (оппозицияси) воситасида ифодаланади.

43-§. Перфект (корреляция) категорияси (The Category of Perfect (Correlation, Order))

Перфект категорияси иш-ҳаракатнинг *маълум муддат ёки вақтдан олдин содир бўлишини, тугаллангани ёки тугалланишини* кўрсатади.

Ҳозирги инглиз тилида феълнинг перфект формаси *перифрастик перфект* (periphrastic perfect) дейилади. Махсус суффикслар олмасдан турли компонентларнинг аналитик формага кириши натижасида ясалган перфект перифрастик перфект деб тушунилади. Масалан:

I have finished my work (Мен ишимни тугатдим) гапида иккита сўз (have finished) қўшилиб, аналитик форма ташкил қилиши натижасида ясалган. Перфект категорияси бўйича феъл формалари икки хил бўлади:

а) перфект бўлмаган феъл формалари (Non-perfect verb forms);

б) перфект (ли) аналитик феъл формалари. (Analytical perfect forms of the verb).

Феълнинг перфект бўлмаган формалари турли категорияларда перфект формаларга қарама-қарши қўйилади, яъни оппозицияга киришади.

Феълнинг перфект формаси асосан *to have* феълнинг II сифатдошга қўшиш билан ясаллади. Масалан: I have come, I had come; I shall have come.

Перфект форма *to be* феълнинг II сифатдошга қўшиш йўли билан ҳам ясадиш мумкин, лекин бу усул ҳозирги инглиз тилида кам учрайди.

Lying against his breast in that constraining embrace, their passionate disaster was gone, her doubts were flown (A. E. Coppard).

His parents were gone for a fortnight's holiday (G. Greene). It was all gone (J. Aldridge).

Перфект форма бу усул билан ясалганда етакчи феъл ҳар доим ўтимсиз бўлади.

44- § Нисбат категорияси (The category of voice)

Грамматик эга ва тўлдирувчини иш-ҳаракатнинг субъекти (бажарувчиси) ва объекти билан бўлган алоқасини феъл орқали ифодаланишига *нисбат категорияси* дейилади. Ҳозирги инглиз тилида нисбат категорияси аниқ (актив) ва мажҳул (пассив) нисбатларнинг бир-бирига бўлган ўзаро оппозициясидан ташкил топиб, аниқ нисбати *белгисиз*, мажҳул нисбат эса *белгили* деб юритилади. Мажҳул даражанинг морфологик кўрсаткичи *to be + II* сифатдош моделидир. Масалан: *to write* ёзмоқ, *белгисиз* — *to be written* ёзилмоқ, *белгили*.

Аниқ нисбатда иш-ҳаракатни бажарувчи шахсга кўпроқ аҳамият берилади. Мажҳул нисбатда эса иш-ҳаракатнинг ким томонидан бажарилганлиги номаълум бўлади.

Инглиз тилида ўзлик (Reflexive), биргалик (Reciprocal) ва каузатив (Causative) нисбатларни кўрсатувчи махсус морфологик форма йўқ. Бу маъноларни махсус рефлексив, каузатив ва биргалик конструкциялари ёрдамида лексик-синтактик усул билангина бериш мумкин (Бу ҳақда тўлароқ 52- § га қаранг).

45- §. Майл категорияси (The category of mood)

Феълдан англашилган маънонинг воқеликка бўлган муносабати ифодаловчи грамматик категория *майл категорияси* дейилади. Ҳозирги инглиз тилида қуйидаги майл категориялари мавжуд:

- а) аниқлик майли (ёки индикатив) — The Indicative Mood;
- б) буйруқ майли (ёки императив) — The Imperative Mood;
- в) ноаниқ майл Oblique Moods.

Бу учала майл турлари иш-ҳаракатнинг реаллигини акс эттиришига кўра икки гурппага бўлинади.

а) тўғри майллар. Буларга аниқлик ва буйруқ майллари киради.

б) ноаниқ майллар. Бу майллар шарт майли группасига кирувчи феъл формаларини ўз ичига олади.

Тўғри майллар группасига кирувчи феъл формалари асосан реалликни, ноаниқ майллар группасига кирувчи феъл формалари эса гумон, аниқ бўлмаган ҳаракатни ифодалайди.

46-§. Шахс ва сон категорияси (The category of person and number).

Феъл формалари парадигмаси воситасида ҳаракат ёки жараённинг сўзловчига бўлган муносабатини кўрсатиш *шахс категорияси* деб аталади.

Ҳозирги инглиз тилида феъл формалари орқали шахсни ифода-лаш яхши тараққий этган эмас. Қадимги инглиз тилида бу кате-гория учта формадан иборат бўлган. Аммо ҳозир бу принцип йўқо-либ, унинг ўрнига иккита форма-(e)s қўшимчасини олган форма ва-(e)s қўшимчасини олмаган форма қолган. Мисол:

write — writes
come — comes

-(e)s қўшимчасини олмаган форма *белгисиз форма* ҳисобланиб, биринчи ва иккинчи шахс бирлик ва кўпликни, учинчи шахс кўп-ликни англатади. -(e) s қўшимчасини олган форма белгили бў-либ, учинчи шахс бирликни ифодалайди. Демак шахс категорияси учинчи шахс бирлик формасининг умумий I шахс бирлик ва I, II, III шахс кўпликдаги формаларга бўлган оппозициясидан иборат. Масалан:

I	}	come	}	he
we		she		
you		it		
they				
		comes		

Мустасно тарзида *to be, shall, will* ва бошқа шунга ўхшаш модал ва тўлиқсиз феъллар ҳам учрайди. Масалан:

Ҳозирги замон	Ўтган замон	Келаси замон
I am	I was	I shall be
He is	He was	He will be
She is	She was	She will be
It is	It was	It will be
We are	We were	We shall be
You are	You were	You will be
They are	They were	They will be

Кўп тарихий текстларда ва поэзияда *-est* суффикси ёрдамида ясалган, ҳозирги кунда эскирган формалар учраб туради. Бу форма деярли ҳамма вақт II шахс бирликдаги кишилик олмоши *thou (sen)* билан бирга қўлланади.

Масалан: **thou speakest**
thou talkest
thou breakfest

Ҳозирги инглиз тилидаги феълларда шахс категорияси тўла кўрсатилмаганлиги сабабли, гапда кишилик олмошларининг иштирок этиши шарт. Ўзбек тилида кишилик олмошларининг иштирокисиз ҳам феъл формалари ёрдамида иш-ҳаракатнинг қайси шахс томонидан бажарилганлигини билиб олиш мумкин, шунинг учун ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинганда, инглиз тилида албатта кишилик олмошлари иштирок этади. Масалан:

(мен) ишлайман — **I work**
(у) ўқийди — **he (she, it) studies**
(биз) ухлаймиз — **we sleep**
(улар) куйлайдилар — **they sing.**

Сон категорияси феъл формалари орқали эганинг кўплик ёки бирликда эканлигини кўрсатади. Сон категорияси ҳам ҳозирги инглиз тилида яхши ривожланган эмас. Феълларнинг ҳозирги замон формаларигина бирликда, у ҳам бўлса учинчи шахсда, **-(e)s** суффикси ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан: **We speak — he speaks.** Қолган формалар учун махсус суффикслар йўқ¹. Шундай қилиб, биз сон категориясида ҳам III шахс бирлик ва қолган ҳамма шахслар учун ишлатилган формаларнинг ўзаро оппозицияни кўрамаймиз. Шахс категориясида кўрганимиздек, **to be** феъли бу қондан мустасно.

Ҳозирги замон

am — is — are
I am a student
He is a student
She is a student
We are students
You are students
They are students

Ўтган замон

was — were
I was a student
He was a student
She was a student
We were students
You were students
They were students

Ҳозирги инглиз тилида учинчи шахс бирликда **to have** феъли **has** тусини олади. Мисол:

I have a book
He has a book
She has a book
It has a tool

We have books
You have books
They have books

47- §. Замон ва аспект категориялари (The Categories of Tense and Aspect)

Замон категорияси феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг юзасига чиқиш пайтини кўрсатади.

Ҳозирги инглиз тилида учта грамматик замон формаси мавжуд

¹ Иккинчи шахс бирлик учун ишлатилувчи **est** суффикси эса фақат тарихий, диний текстларда ва қисман поэзияда қўлланади.

бўлиб, улар ҳозирги замон (Present Tense), ўтган замон (Past Tense) ва келаси замон (Future Tense) лардир. Мазкур замонларнинг ҳар бири ўзига хос йўллар билан ясалади.

Ҳозирги замон формаси иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайт билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. My brother studies in the second course. Now he is at home.

Ҳозирги замон формаси жуда кенг маънода қўлланилади. Бу ҳақда «Умумий аспектдаги ҳозирги замон» бахсида батафсилроқ айтиб ўтилади.

Феълнинг ҳозирги замон формалари турли услубда турлича ишлатилиши мумкин. Масалан: ҳозирги замон формасининг *мақол, матал* ва *ҳикматли сўзларда* афористик ҳозирги замон (Aphoristic present), *умумий ҳақиқатни ёки воқеликни ифодалаш учун* доимий ҳозирги замон (gnomic present tense, generic time), *ўтган замонда юзага чиққан иш ҳаракатни ҳикоя қилиб беришда* тарихий ҳозирги замон (Historical present) формаси ишлатилади.

Ўтган замон формаси иш-ҳаракатни нутқ сўзланиб турган пайдан аввал юзага чиққан ёки чиқмаганлигини билдиради.

Ҳозирги инглиз тилидаги тўғри феълларнинг ўтган замон формалари *-ed* ёрдамида ясалади, нотўғри феъллар эса ўзакдаги унлиларни ўзгартириш ёки бошқа йўллар билан ясалади.

Феълларнинг ўтган замон формалари ҳам маъноларига кўра ҳар хил группаларни ташкил қилади.

Ҳозирги инглиз тилида ўтган замон формаси асосан уч хил кўринишга эга:

- а) ноаниқ (Indefinite) ўтган замон;
- б) ўтган замон перфект формаси (Past Perfect);
- в) келаси ўтган замон (Future in the Past).

Бу замон формаларининг ҳар бири икки хил аспектда: умумий (common) ва давомли (continuous) аспектда қўлланади.

Келаси замон формаси иш-ҳаракат ёки жараённинг нутқ сўзланиб турган пайдан кейин юзага чиқажагини ифодалайди. Инглиз тилида келаси замон *shall* ва *will* кўмакчи феълларига инфинитив формасидаги етакчи феълларнинг қўшиш орқали ясалади. Бунда биринчи шахс бирлик ва кўпликда *shall* қолган шахсларда *will* қўлланади. *Shall, will* ёрдамида ясалган феъл бирикмаси *аналитик форма* дейилади, чунки етакчи феълга қўшилган *shall, will* ўзининг лексик маъносини йўқотиб, фақат грамматик замон кўрсаткичи сифатида қўлланади. Шунинг учун ҳам *shall (will) + infinitive* аналитик формаси гапда содда кесим бўлиб келади: «Well», said the stranger, «I'll come I'll come but no handcuffs» (H. I. Wells).

Аспект категорияси замон категорияси билан боғлиқ. Аниқроғи замон категориясига тобе. Феъллар замон категориясида ҳам, аспект категориясида ҳам ўзгаради.

Аспект феълларда иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш характери, яъни иш-ҳаракатнинг бошланиши, давом этиши, тугалланиши ва такрорланишини билдиради.

Инглиз тилидаги феъллар икки хил аспектда а) умумий аспект (Common Aspect) ва б) давомли аспектда (Continuous Aspect) ўрганилади.

Умумий аспект иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши ёки чиқмаслиги ҳақида умумий маълумот беради. Давомли аспектда эса, иш-ҳаракат муайян вақтда давом этаётганлигини кўрсатади.

Умумий аспект белгилли, давомли аспект эса белгисиз. Давомли аспект *to be* кўмакчи феълнинг исталган формасига мустақил феълнинг I сифатдош формасини қўшиш билан ясаллади. Масалан:

to read — to be reading

He reads — He is reading

(У ўқийди — У ўқияпти)

He read — He was reading


(У ўқиди — У ўқиётган эди)

He will read — He will be reading.

(У ўқийди — У ўқиётган бўлади).

48- §. Ҳозирги замон (The Present Tense)

Феълларнинг замон категориясини кўриб чиқишни (indicative) аниқ майлдаги формалардан бошлаймиз. Қолган майллардаги формалари эса майл категорияси бобида берилади. Замон категорияси қуйидаги тартибда ўрганилади:



Перфект бўлмаган ҳозирги замон. (Non-Perfect Present Tense). Феълнинг перфект бўлмаган ҳозирги замон формаси икки қарама-қарши аспектдан иборат:

1. Умумий аспект (Common Aspect)
2. Давомли аспект (Continuous Aspect)

Умумий аспектдаги ҳозирги замон. (The Present Tense of the Common Aspect). Феълнинг умумий аспектдаги ҳозирги замон формаси *to*

юқламаси тушириб қолдирилган инфинитивдан ясалади. Фақат учинчи шахс бирлик формасида **-(e)s** суффикси қўшилади. Масалан:

I come	he comes
We come	she comes
You come	It comes
They come	

This they rather enjoy; indeed, they finish it quite successfully (*B. Shaw*). With soothed nerves, they talk a little, drink a little, then began a little (*Ibid*). Then I understand the papers in their hatbands. (*Ibid*). She understands it well (*Dreiser*).

-(e)s суффикси қўшилганда феълларнинг структурасида қуйидагича ўзгаришлар рўй беради:

а) феъл-у ҳарфи билан тугаган бўлса ва бу ҳарф олдидан ундош келса, **-у** ҳарфи **-i** га айланади. Масалан:

fry — fries	try — tries
fly — flies	defy — defies

-у ҳарфи унлидан кейин келса, ўзгариш юз бермайди:

betray — betrays	pay — pays
lay — lays	employ — employs

б) сўзнинг охири **-o** унли ҳарфи билан тугаса **-es** қўшилади:

go — goes	woo — woos
embargo — embargoes	echo — echoes

в) **-ee** диграфидан сўнг **-s** қўшилади.

see — sees
flee — flees

г) **-e** ҳарфи билан тугаган сўзларга **s** қўшилиб, **e** ҳарфи талаффуз этилмайди:

pile — piles
write — writes
puzzle — puzzles

д) **-s, -ss, -ch, -sh, -x, -zz** ҳарфларидан сўнг **-es** қўшилади:

flush — flushes	fizz — fizzes
quench — quenches	fix — fixes
arrange — arranges	fish — fishes
	dress — dresses

-(e)s суффикси уч хил талаффуз этилади:

а) жарангсиз ундошлардан сўнг [s]. talk — talks, write — writes, keep — keeps.

б) жарангли ундош ёки унлидан кейин [z]

dig — digs	beware — bewares
bib — bibs	better — betters
tell — tells	follow — follows

в) [z], [s], [f], [tʃ], [dʒ], [ks] каби товушлардан кейин [iz]

analyse — analyses

box — boxes

nurse — nurses

shallenge — challenges

rush — rushes

teach — teaches

Айрим феъллар (to say, to do) га **-(e)s** қўшилса, уларнинг парадигматик формалари ҳар хил талаффуз этилади. Масалан:

say — says [sez]

do — does [dɒz]

Модал феълларнинг ҳозирги замон формаси **-(e)s** суффиксисиз ясалади:

I can, must, may, shall, will, should, would, ought.

He can, must, may, shall, will, should, would, ought.

She can, must, may, shall, will, would, should, ought.

It can, must, may, shall, will, would, should, ought.

We, can, must, may, shall, will, would, should, ought.

You can, must, may, shall, will, should, would, ought.

They can, must, may, shall, will, should, would, ought.

Умумий аспектдаги ҳозирги замоннинг бўлишсиз формаси **do** кўмакчи феълни **not** юклагасига қўшиш билан ясалади, сўроқ формаси эса **do** кўмакчи феълни эгадан олдинга олиб чиқиш билан ясалади.

Бўлишсиз форма:

I do not come — I **don't** come

He does not come — He **doesn't** come

She does not come — She **doesn't** come

It does not come — It **doesn't** come

We do not come — We **don't** come

You do not come — You **don't** come

They do not come — They **don't** come

Сўроқ форма:

Do I go?

Do we go?

Does he go?

Do you go?

Does she go?

Do they go?

Does it go?

Бўлишсиз сўроқ форма:

Do I not go? — **Don't** I go?

Does he not go? — **Doesn't** he go?

Does she not go? — **Doesn't** she go?

Does it not go? — **Does't** it go?

Do we not go? — **Don't** we go?

Do you not go? — **Don't** you go?

Do they not go? — **Don't** they go?

Бўлишли, бўлишсиз ва сўроқ формаларга мисоллар:

«I don't remember, May be he didn't» (B. J. Friedman).

«I just wish you had something on under there» (*Ibid*).

«It **doesn't** make any difference», she said continuing on the tile (*Ibid*). **Don't** you know that just because a man says one price **doesn't** mean that's all he'll pay?» (*Ibid*) «**Do** you want to go?». (*Ibid*). «What **do** you mean by that» (*W. S. Maugham*). «I **don't** know exactly what I can do» he said (*Ibid*).

to be ва *to have* феъллари умумий аспектдаги ҳозирги замонда ўзларининг алоҳида парадигматик формаларига эга бўлади.

I am at home	We are at home
He is at home	You are at home
She is at home	They are at home
It is at home	

Бу феълларнинг бўлишсиз формаси *not* юкламаси ёрдамда ясалди:

I am not ready	We are not ready
He is not ready	You are not ready ¹
She is not ready	They are not ready
It is not ready	

Бўлишсиз сўроқ формаси қуйидагича ясалди:

Am I not ready?
Is he not ready? **Isn't** he ready?
Is she not ready? **Isn't** she ready?
Is it not ready? **Isn't** it ready?

Are we not ready? **Aren't** we ready?
Are you not ready? **Aren't** you ready?
Are they not ready? **Aren't** they ready?

Бўлишсиз сўроқ формалар кўпроқ *таажжуб*, *ҳайратланиш* ёки *ишонмасликни* билдириш учун ишлатилади.

Адабий асарларда айрим қаҳрамонларнинг нутқини бўрттириб кўрсатиш мақсадида *ain't*, *an't* формалари ҳам ишлатилади. Масалан:

«I'm sorry to hear you're not well». he said.

«Oh, I **ain't** sick really»...

«I guess it **ain't** very convenient for me to go to Frisco just now...» (*W. S. Maugham*).

to have феълининг сўроқ ва бўлишсиз формалари ўзига хос усул билан ясалди. Бу феъл мустақил феъл вазифасида келганида, унинг бўлишсиз формаси қуйидагича ясалди:

а) *no* юкламаси иштирокида:

I have no time	We have no time
He has no time	You have no time
She has no time	They have no time
It has no time	

¹ Иккинчи шахс бирликда *art* формаси ҳам учратиш мумкин, ammo у архаик форма ҳисобланади.

б) **not** юкламаси иштирокида:

I have **not** (haven't) any book,
He has **not** (hasn't) any book,
She has **not** (hasn't) any book,
It has **not** (hasn't) any book.

to have феъли билан келган гапнинг сўроқ формаси **have** феълининг тегишли формасини эгадан олдин келтириш билан ясалади:

Have I any book?
Has he any book?
Has she any book?
Has it any book?

Have we any book?
Have you any book?
Have they any book?

Бўлишсиз сўроқ формаси қуйидагича ясалади:

Have I **not** any book?
Has he **not** any book?
Has she **not** any book?
Has it **not** any book?

Haven't I any book?
Hasn't he any book?
Hasn't she any book?
Hasn't it any book?

Have we **not** any book?
Have you **not** any book?
Have they **not** any book?

Haven't we any book?
Haven't you any book?
Haven't they any book?

Э.слатма:

1. *to have a pleasant time* (вақтни яхши ўтказмоқ), *to have a toothache* (тиши оғримоқ) каби фразеологик бирикмаларнинг сўроқ ва бўлишсиз формалари **do** кўмакчи феъли ва **not** юкламаси ёрдамида ясалади.

Does he have a pleasant time in Asaka?
Do you have a toothache?

2. *to have* ўрнида *to have got* келганида бўлишсиз форма **not** юкламаси ёрдамида ясалади:

Hamid hasn't got money?
Has Hamid got money?

Hasn't Hamid got money?
Who has got money?

Жавоб: No one has, I have, he has etc.

3. Инглиз тилининг америка вариантыда *to have* феълининг сўроқ ва бўлишсиз формалари кўпинча **do** кўмакчи феъли ва **not** юкламаси ёрдамида ясалади.

Hamid does not (doesn't) have money.
Do you have money? etc.

to be ва *to have* феълларининг турли формаларига мисоллар:
I'm sorry to hear you're not well», he said (W. S. Maugham)
«I think you're very harsh and tyrannical» (Ibid)

Well, perhaps it is an exaggeration to say I am the fool of the family. It's enough to say I am a failure of the family? (I. K. Chesterton).

That part of it isn't worth understanding, said Fisher (Ibid).

Ҳозирги замон формаси **do (does)** кўмакчи феълидан кейин тўғридан-тўғри мустақил феълнинг инфинитив формасини **to** юкламасисиз келтириш билан ҳам ясаши мумкин:

I never met Sir John Musgrave and I understand very few people do meet him nowadays. (*I. K. Chesterton*).

Бундай ҳолларда феълдан англашиладиган ҳаракат маъно жиҳатдан кучайтирилган бўлади.

Умумий аспектдаги ҳозирги замон формаларининг ишлатилиши (The Use of the Present Tense of the Common Aspect). Ҳозирги замон формалари асосан қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

а) доим такрорланиб турадиган ҳаракатни билдиришида:

He **works** from nine to five, **rides** the commuter special, **plants** his garden, **makes love** to his wife (*B. J. Friedman*).

I **go** there once a month.

In summer we **sleep** outdoors.

б) ҳозирги пайтда, яъни нутқ сўзланиб турган пайтда рўй бериб турган ҳаракатни ифодалашида:

«I'm afraid I **don't** quite **understand** the «of course», answered March laughing (*I. K. Chesterton*).

в) умум ҳақиқатни, воқеликни ифодалашида ишлатилади. Бу доимий ҳозирги замон (generic present, gnomic present) дейилади. Масалан:

To err is human (Proverb) (Инсон хато қилади).

«Pagan-Pago is the rainest place in the Pacific».

г) мақол ва маталларда афористик тарзда ишлатилади:

Still waters run deep. Чуқур дарё тинч оқади. (Тинч оққан сувнинг таги чуқур бўлади.)

A bird in the hand is worth two in the bush.

Қўлдаги бир қуш дарахтдаги иккитадан яхши. (Узоқдаги бугдойдан яқиндаги сомон яхши ёки Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши.)

Where there's smoke there's a fire. Қаерда тутун бўлса, у ерда олов ҳам бўлади.

д) пайт ва шарт эргаш гапларда келаси замонга тегишли бўлган ҳаракатни ифодалаш учун.

If you **make** one wrong step, Swarts, you will **get** more trouble than is good for any living man (*P. Abrahams*).

I'll come if he **invites** me.

You'll get it when you **come** here.

I'll send him a letter as soon as I **get** there.

е) яқин келаси замонда амалга ошадиган ҳаракатни ифодалаш учун. Бундай ҳолларда деярли ҳамма вақт **to come, to go, to arrive, to start, to leave** etc феъллари ва пайт равишлари ишлатилади:

My brother **arrives** in two days. Акам (ёки укам) икки кундан кейин келади.

«Tomorrow, Sophie», she said dramatically, «we **start** for Rome, Tomorrow morning» (*A. Huxley*).

ё) ўтган замон формаси ўрнида бирон ўтган ҳодисани жонлироқ дикоя қилиш мақсадида ҳозирги замон формаси ишлатилиши мумкин: Бундай формани *Drammatic (historical) Present* дейилади.

I look over the rail. There, just below me, stand three young men, just too big to be called lads, each with a document like an income Tax return in his hatband, and each with his arm affectionately round his neighbours neck, singing with all his might. They are a little drunk, but not so drunk as Englishmen would be in like circumstances on English liquor. They are determined to be in the highest spirits: I try to catch the words of their song, and just manage to make out the general sense of it... (B. Shaw).

ж) ёзувчи бирор ҳодисани тасвирлаб туриб, ўқувчиларга мурожаат сифатида ишлатади:

Ye who love the haunts of Nature.
Love the sunshine of the meadow,
Love the shadow of the forest,
Love the wind among the branches,
And the rain—shower and the snow-storm,
And the rushing of great rivers
Through their palisades of pine-trees
And the thunder in the mountains.

Давомли аспектда кам ишлатилувчи **to see, to hear, to understand, to perceive** ва бошқа феъллар ҳозирги замон умумий аспектда ишлатилади.

You see, son, you are the first child that has gone away from Stilleveld and became educated man... (P. Abrahams). You see why everyone is preparing, son (*Ibid*). ✓

Ҳозирги замон давомли аспект (The Present Tense of the Continuous Aspect). Ҳозирги замон давомли аспект нутқ сўзланиб турган пайтда *иш-ҳаракатнинг давом этиб турганлигини, юзага чиқмаётган ёки чиқмаётганлигини* ифодалайди.

Феълнинг ҳозирги замон давомли аспект формаси I сифатдош формасидаги етакчи феълни **to be** кўмакчи феълнинг тегишли формасидан кейин келтириш билан ясалади. Масалан:

I am playing	We are playing
He is playing	You are playing
She is playing	They are playing
It is playing	

«I am kidding» he said (J. Aldridge). ... and I'm not doing any business (B. I. Friedman). I am standing on the brink of a sort of hurricane desk (Shaw).

Бўлишсиз формаси эса кўмакчи феълдан кейин **not** юклагасини қўйиш билан ясалади:

I am not playing	I'm not playing
He is not playing	He's not playing
She is not playing	She's not playing

It is **not** playing
We are **not** playing
You are **not** playing
They are **not** playing

It's **not** playing
We aren't playing
You aren't playing
They aren't playing

Сўроқ формаси кўмакчи феъл *to be* ни эганинг олдига ўтказиш билан ясалади:

Am I playing?
Is he playing?
Is she playing?
Is it playing?

Are we playing?
Are you playing?
Are they playing?

Бўлишсиз сўроқ формаси қуйидагича ясалади:

Am I **not** playing?
Is he **not** playing?
Is she **not** playing?
Is it **not** playing?
Are we **not** playing?
Are you **not** playing?
Are they **not** playing?

Isn't he playing?
Isn't she playing?
Isn't it playing?
Aren't we playing?
Aren't you playing?
Aren't they playing?

«I'm not doing any more of this» (B. J. Friedman). What am I going to do—put a bullet through my head? (Ibid). «He's not saying it the way you think» (Ibid).

Ҳозирги замон давомли аспект формаларининг ишлатилиши. (The Use of the Present Tense of the Continuous Aspect). Ҳозирги замон давомли аспект формалари қуйидаги ҳолларда қўлланади:

а) иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда юзага чиққанлигини, ҳануз давом этиб турганлигини ёки юзага чиқмаётганлигини кўрсатиш учун:

«I'm not singing», Stern said (B. J. Friedman).

«It is a pity your leg is hurting you» (Galsworthy).

«What are you doing here?» (Ibid).

б) яқин келажакда бўладиган иш-ҳаракатни ифодалаш учун: (Бунда кўпроқ: *to go, to come, to leave* каби феъллар қўлланади)

«I'm glad they are coming», Celia said (P. Abrahams). I come to tell you that the preacher has sent word that he's coming to have a talk with you in a little while (Ibid).

«But what are you going to do, Lally? I...» I'm going away to Glasgow», said she (A. E. Coppard).

в) кун, ой ёки йил мобайнида давом этиб турган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

«I know you are not baking today, so I thought I would bring this», (P. Abrahams).

«You're always making me out bad in front of others», she cried passionately while the tears streamed down her face (Ibid).

«All over your country there are people who have not yet begun to live Swarts. They are your people. And they are existing not living» (Ibid).

Яқин келажакда бўладиган иш-ҳаракатни ифодалашда **to be going + infinitive** конструкцияси ишлатилади. Бу конструкция формасига кўра ҳозирги замонни, маъносига кўра эса келаси замонни ифодалайди. Шу сабабли буни *ҳозирги-келаси замон конструкцияси* дейиш мумкин.

«Sausages», Baines said. «We're going to celebrate today (Greene). Tomorrow is going to be a very difficult day for you (P. Abrahams).»

Ҳозирги замон перфекти (The Present Perfect). Фёълнинг ҳозирги замон перфект формаси **to have** кўмакчи фёълнинг тегишли формасидан кейин етакчи фёълнинг II сифатдош формасини келтириш билан ясалади. **To have** кўмакчи фёълнинг асосий вазифаси ҳар хил грамматик категорияларни ифодалашдан иборат:

I have played	We have played
He has played	You have played
She has played	They have played
It has played	

Перфект мустақил форма бўлганлиги сабабли у ўзининг махсус инфинитив формасига эга. Масалан:

Non-perfect infinitive	Perfect infinitive
(Перфект бўлмаган инфинитив)	(Перфект инфинитив)
to inform	to have informed
to be informed	to have been informing etc.

Перфект форма ҳам икки аспектга, 1) умумий аспект (Common Aspect) ва 2) давомли аспект (Continuous Aspect) га эгадир.

Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфекти (The Present Perfect of the Common Aspect). Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфектининг бўлишли формаси **to have** кўмакчи фёълнинг умумий аспектдаги ҳозирги замон формасига II сифатдошни қўшиш йўли билан ясалади. Масалан:

I have informed	We have informed
He has informed	You have informed
She has informed	They have informed
It has informed	

to have етакчи фёъли перфектда бошқа етакчи фёъллар сингари сифатдош формасида қўлланилаверади:

I have had	We have had
He has had	You have had
She has had	They have had
It has had	

Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфектининг сўроқ формаси **have (has)** кўмакчи феълени эгадан олдин келтириш билан, бўлишсиз формаси эса **not** юкламасини кўмакчи ва етакчи феъллар ўртасига қўйиш билан ясалади:

Сўроқ форма:

Have I informed?	Have we informed?
Has he informed?	Have you informed?
Has she informed?	Have they informed?
Has it informed?	

Have I had?	Have we had?
Has he had?	Have you had?
Has she had?	Have they had?
Has it had?	

Бўлишсиз сўроқ форма:

Have I not informed?	Haven' I informed?
Has he not informed?	Hasn't he informed?
Has she not informed?	Hasn't she informed?
Has it not informed?	Hasn't it informed?
Have we not informed?	Haven't we informed?
Have you not informed?	Haven't you informed?
Have they not informed?	Haven't they informed?

Бўлишсиз сўроқ форма:

Have I not had?	Haven't I had?
Has he not had?	Hasn't he had?
Has she not had?	Hasn't she had?
Has it not had?	Hasn't it had?
Have we not had?	Haven't we had?
Have you not had?	Haven't you had?
Have they not had?	Haven't they had?

Бўлишсиз форма:

I have not informed.	I haven't informed
He has not informed	He hasn't informed
She has not informed	She hasn't informed
It has not informed	It hasn't informed
We have not informed	We haven't informed
You have not informed?	You haven't informed
They have not informed	They haven't informed
I have not had	I haven't had
He has not had	He hasn't had
She has not had	She hasn't had
It has not had	It hasn't had
We have not had	We haven't had
You have not had	You haven't had
They have not had	They haven't had

Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфектининг ишлатилиши (The Use of the Present Perfect of the Common Aspect) Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфект формаси қуйидаги мақсадларда қўлланади:

1) ўтган замонда бошланган иш-ҳаракатнинг эндигина тугалланганлигини, натижасини билдириш учун:

Now that you've come I'll go back to the house and get some things on (W. S. Maugham). Ah, Bill, Bill, we have seen a sight of times ... (R. L. Stevenson). I have drawn blood enough to keep him quite a while (Ibid). Never a month but I've given you a silver fourpenny for yourself (Ibid). «I have thought of that», said I (Ibid).

«You have shamed your people enough?» (P. Abrahams)

2) иш-ҳаракат ўтган замонда бошланган бўлса-да, ҳалигача тугалланмаганлиги ёки давом этиб турганлигини кўрсатиш учун: England has had at least three or four such secret statesmen (I. K. Chesterton). You've been a good mother to me, given me a better education than any child from such a position could expect (P. Abrahams).

3) иш-ҳаракати маълум вақтда бошланиб, нутқ сўзланиб турган пайтгача давом этиб турганлигини кўрсатиш учун: (бундай ҳолларда since предлоги қўлланади):

I have not seen you since the army (A. E. Coppard).

«I've had hardly any appetite since I've been here», she went on at last (Ibid).

«What delivery have you all been at since yesterday (Ibid)

Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфект формаси кўпинча never, often, just, always, already каби равишлар билан келади:

... for I have never seen a whole regiment of men intensely unhappy (B. Shaw). They have never heard of any other statesman, except Lord Salisbury (Ibid). «How long has he been married?» (A. E. Coppard).

You have never called me before (B. I. Friedman).

Айрим эргаш гапли қўшма гапларда келаси замонда юзага чиқиши керак бўлган иш-ҳаракатни ифодалаш учун ҳам ана шу перфект форма ишлатилиши мумкин:

No one will know from me where you have gone, not even if they hang me up (P. Abrahams).

have got формаси ҳозирги замон билан боғлиқ бўлиб, маъно жиҳатдан то have феълининг умумий аспектдаги ҳозирги замон формасига яқинлашади:

And he's got a lot of luggage coming tomorrow, so he says (H. I. Wells).

Have you got money about you? I have got a book.

Давомли аспектдаги ҳозирги замон перфекти (The Present Perfect of the Continuous Aspect). Перфектнинг бу формаси to have феълининг тегишли формаси ва to be феълининг been (II сифат-

дош) формасидан кейин етакчи феълнинг I сифатдош формасини келтириш билан ясалади. Масалан:

I have been reading. Мен ўқиб турган эдим.

Бўлишсиз формаси **not** юкламасини **have** ёрдамчи феълдан кейин келтириш билан, сўроқ формаси эса ёрдамчи феъл **have (has)** ни эгадан олдин келтириш билан ясалади:

Бўлишли форма:

I have been informing	I've been informing
He has been informing	He's been informing
She has been informing	She's been informing
It has been informing	It's been informing
Both олмоши билан ясалган конструкциялар ҳам биргаликни ифодалайди:

Both of them kissed Gabriel's wife, she must be perished alive (J. Joyce).

Белгиланмаган умумийлик конструкциялари:

Varman, cabman, and policeman faced about (Wells).

Ёрдамлашиш маъносини ифодаловчи конструкциялар инглиз тилида махсус ажратилмаса ҳам ўзбек тили билан солиштириб ўрганиш мақсадида алоҳида кўриб чиқилди. Бу конструкцияларни яшашда **help, assist** каби сўзлар иштирок этади:

All I want to do is to help you — just tell me what I got to do (Wells). Hardly had she brought one gentleman into the little pantry behind the office on the ground floor and helped him off with his overcoat, than the wheezy hall-door bell clanged again and she had to scamper along the bare hallway to let in another guest. (J. Joyce) He could not help what he was going to do (Th. Dreiser)

You know I've been helping him a little with his garden. (Tressell).

At the yard they found Bundy and his mate Ned Dawson, who helped them to hang up the ladders in their usual places (Tressell).

to assist феъли ҳам to help феъли каби қўлланилади.

He had done nothing to assist jowry at the operation (Cronin).

There he found some half dozen men—wan and forlorn to look at, but ready enough to assist—who helped him to carry them to the log-house (Ch. Dickens).

52-§. Майл категорияси (The Category of Mood)

Ҳозирги инглиз тилида майлнинг **индикатив** (аниқлик), **императив** (буйруқ), **субъюнктив** (шарт—истак) турлари мавжуд:

Индикатив (аниқлик) майли. (The Indicative Mood). Индикатив (ёки аниқлик) майлида ишлатилувчи феъл формалари воқеликни ёки реалликни акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи феъл ҳақиқатни юзага чиққанлик ёки чиқмаганлигини кўрсатади. Масалан: I saw him yesterday. I see a car. I am reading.

Индикатив майли белгисиз бўлиб, фақат бошқа майл формаларига қарама-қарши қўйилиши натижасидагина мустақил майл сифатида ажратилади. Масалан: I remember him as if it were yesterday, as he came plodding to the inn door, his sea-chest following behind him in a hand-barrow (R. L. Stevenson).

Юқоридаги мисолда **remember** ва **came** феъллари воқеа содир бўлган ёки юз берганлигини ифодалаб **индикатив майлда**, **were** феъли эса фаразни ифодалаб, воқеанинг анча илгари содир бўлганини билдириб **субъюнктив майлда** келаётир.

Индикатив майлидаги феъл, феъл учун характерли бўлган замон, аспект, нисбат, перфект, шахс, сон категорияларига эга.

Буйруқ (императив) майли. (The Imperative Mood). Буйруқ майли формасидаги феъллар сўзловчининг тингловчига бирор ҳаракатни бажариш ёки бажарилмаслиқни буюрганлиги сўраганлиги ёки маслаҳат берганлигини билдиради. Инглиз тилида буйруқ майлидаги феъл доим иккинчи шахс кўпликда ишлатилади ва иш ҳаракатни бажарувчи шахс ситуациядан маълум бўлганлиги учун у кўпинча гапда алоҳида олмош билан ифодаланмайди. Масалан:

Come here?

Stand up!

Буйруқ майлининг бўлишсиз формаси **to do** кўмакчи феъли билан **not** юкламаси ёрдамида ясалди:

Do not come! (Don't come)!

Do not read! (Don't read)!

Буйруқ майли қуйидаги маъноларни англатиши мумкин:

а) буйруқ, ундаш, мажбур этишини:

«Look him out», said Mrs Hall. «Don't let him come in again. (H. I. Wells). «Oh! Shut up!» said the voice, with amazing vigour (Ibid) «Shut the doors», said the policeman. (Ibid)

б) сўраш, илтимос, ўтиниш ва маслаҳатни:

«Take a drop more, Johnny», said Hall.

«Twill steady ye»

«Just a drop more, Janny» said Hall (H. I. Wells).

«Keep steady, Kemp, for God's sake! I want help badly. Stop!» (Ibid). «Give me some whisky. I'm near dead» (Ibid).

«Help! Help—hold! He's down! Hold his feet!» (Ibid)

Буйруқ майли илтимосни билдирганда *please* (марҳамат) сўзи ҳам ишлатилиши мумкин:

«Please, don't open the door (H. I. Wells).

в) ажабланиш ва ҳайратни:

«Look out!» said everybody, fencing at random and hitting at nothing. (H. I. Wells).

«Surrender!» said Mr Runting fiercely, and then stopped amazed. (Ibid).

Айрим ҳолларда императив формадаги кесимнинг эгаси ҳам кўрсатилиши мумкин:

You do what you are told (H. Wells). «You go back to the house (Ibid).

Императивнинг маъноси *let+олмош (ёки от)+инфинитив* бирикмаси ёрдамида ҳам берилиши мумкин. Бу кўпроқ I ва III шахсларга тааллуқли:

Let's have a cup of tea, said Marvel. (H. I. Wells).

«Let me get up», said Kemp. (Ibid).

«Let me show you something», he said. (Th. Dreiser)

«Let me go» she said (Ibid).

Субьюнктив¹ майли (Subjunctive Mood) Субьюнктив майл сўзловчининг иш-ҳаракатга бўлган *хоҳиши, истак, фараз қилиши, шарт қўйиши* каби муносабатларини билдиради. Бошқача қилиб айтганда субьюнктив майлдаги феъллар иш-ҳаракатнинг умуман нореал эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги инглиз тилида субьюнктив майл проблемаси ҳар хил грамматикаларда турлича талқин этилади. Мазкур дарсликда профессор А. И. Смирницкий системасига асосланган ҳолда субьюнктив майлни тўрт гуруҳга бўлиб, субьюнктив I, субьюнктив II, субьюнктив III ва субьюнктив IV терминларини ишлатишни лозим топдик.

Субьюнктив I (Subjunctive I). Субьюнктив I туркумига кирувчи феъллар формаларига кўра тўғридан-тўғри ҳеч қандай шахс кўшимчаларисиз ясалади. У аниқлик майлидаги Present Indefinite дан

¹ Инглиз тилидаги субьюнктив майл ўзбек тилидаги шарт майлидан тубдан фарқ қилганлиги сабабли биз инглиз тилидаги терминнинг ўзини ишлатишни маъқул топдик.

улинчи шахс бирликда **-(e)s** қўшимчасини олмаслиги жиҳатдан фарқ қилади. Масалан:

Аниқ нисбат Active Voice)	Мажхул нисбат (Passive Voice)
------------------------------	----------------------------------

I send	I be sent
He send	He be sent
She send	She be sent
It send	It be sent
We send	We be sent
You send	You be sent
They send	They be sent

Субъюнктив I нинг маъноси ва ишлатилиши. Субъюнктив I *истак, тилак, буйруқ, маслаҳат, насиҳат, ноаниқлик ва фараз қилиши* кабиларни билдиради.

Субъюнктив I грамматик замон категориясига нисбатан **нейтрал**, яъни замон категорияси оппозициясига эга эмас.

Субъюнктив I ҳозирги инглиз тилида жуда кам қўлланиб, у **инглиз тилининг америка вариантыга** хосдир. Бу форма асосан **поэзия**, расмий ва архаик текстларда учраб туради.

Субъюнктив I қуйидаги гапларда ишлатилади.

1. Содда гапларда.

Ундов гапларда **истак** ва **тилакни** ифодалаш учун ишлатилади:

Long live the First of May! — Яшасин биринчи Май!

So be it! — Шундай бўла қолсин! Шундай бўлсин!

Success attend you! — Ишингиз ўнгидан келсин!

Эслатма: Майнинг бу формаларини модал феъллари ишлатилган **конструкциялар** билан алмаштириш мумкин: God save the Queen—May God save the Queen. (*L. Tipping*)

2. Эргашган қўшма гапларда:

а) эга эргаш гапли қўшма гапларда:

It is necessary that the child be dressed warmer in the evening.

Болани кечқурунлари иссиқроқ кийинтириш керак.

It's better that he come earlier. Эртароқ келса яхши бўлади.

It is desirable that we be summoned before 12 o'clock. **Бизни соат 12 дан аввал чақиришса** яхши бўларди.

It is obligatory that children wash their hands before dinner. **Болаларни овқатдан олдин қўл ювишлари шарт.**

Юқоридаги мисолларда субъюнктив I нинг маъносини **should + инфинитив** ёрдамида ҳам бериш мумкин:

It is necessary that we **should be summoned** before 12 o'clock

б) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда:

Субъюнктив I тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда *буйруқ, маслаҳат, талаб қилиши, хоҳиш мумкинлик* кабиларни ифодалаш учун ишлатилади. Бундай ҳолларда бош гапда **demand** — талаб қилмоқ, **suggest** — таклиф қилмоқ, **order** — буюрмоқ, **desire** — хоҳламоқ, **insist** — талаб қилмоқ, қаттиқ туриб олмоқ, **to be anxious**—

қаттиқ хоҳламоқ, **ask** — сўрамоқ, илтимос қилмоқ каби феъллар ишлатилади.

The commander **ordered** that the soldiers be immediately **ready**.
Командир солдатларга тезда тайёр бўлишга **буйруқ** берди.

Hamid **suggested** that Vali be the monitor of the group. Ҳамид Валининг группорг бўлишини таклиф қилди.

в) **lest** боғловчили эргаш гапли қўшма гапларда:

Come earlier **lest** you be late to the first act. Биринчи пардадан кеч қолмаслик учун эртaroқ келгин.

He read the letter again **lest** there be mistakes. Хато бўлмасин деб у хатни қайтадан ўқиб чиқди.

г) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда:

No matter how difficult the text be I'll translate it into Uzbek.

Текст қанчалик қийин бўлмасин, уни мен бари бир ўзбек тилига таржима қиламан.

Whatever she say it is a lie — У нима демасин бари бир ёлгон.

Though it be early I must hurry up — Гарчи эрта бўлса ҳам бари бир шошишим керак.

Even if he be your brother you are not like. У сизнинг укангиз бўлса-да, сизлар бир-бирларингизга ўхшамайсизлар.

Late though it be we'll go home. Кеч бўлишига қарамай (кеч бўлса-да) биз уйга кетамиз.

Whoever you be you are patient for the doctors Сиз ким бўлманг, бари бир врачлар учун беморсиз.

д) шарт эргаш гапли қўшма гапларда:

I saw also that in my own country even a prince, if he **be not** cold of heart he may become a poor man in debt to the Chinese or the Russian Merchant (*R. W. Fox*).

But the latter of these facts, if the charge be true, may serve to exonerate her from the discredit of the former (*H. James*)

Субьюнктив II (Subjunctive II). Субьюнктив II нинг бир қанча формалари мавжуд.

1. Умумий аспектдаги перфект бўлмаган субьюнктив II.

2. Умумий аспектдаги перфект субьюнктив II.

3. Давомли аспектдаги перфект бўлмаган субьюнктив II.

4. Давомли аспектдаги перфект субьюнктив II.

1. Умумий аспектдаги перфект бўлмаган субьюнктив II нинг ясалиши. Феълнинг бу формаси аниқ ва машҳул нисбатда бўлиши мумкин. Субьюнктив II нинг аниқ нисбатдаги формаси аниқлик майлининг умумий аспектдаги ўтган замон формаси каби ясалади. Бошқача қилиб айтганда, улар омонимдирлар. *To be* феъли бундан истисно бўлиб, унинг субьюнктив II даги формаси *were* дир. Масалан:

Бўлишли форма:

Бўлишсиз форма:

1.	I sent	I did not send	I didn't sent
	He sent	He did not send	He didn't sent

She sent	She did not send	She didn't send
It sent	It did not send	It didn't send
We sent	We did not send	We didn't send
You sent	You did not send	You didn't send
They sent	They did not send	They didn't send

2. I were	I were not	I weren't
He were	He were not	He weren't
She were	She were not	She weren't
It were	It were not	It weren't
We were	We were not	We weren't
You were	You were not	You weren't
They were	They were not	They weren't

Умумий аспектдаги перфект бўлмаган субъюнктив II нинг маж-хул даражадаги формаси *to be* феълнинг субъюнктив II даги формасига (*were*) етакчи феълнинг II сифатдош формасини қўшиш билан ясалади.

I were sent	We were sent
He were sent	You were sent
She were sent	They were sent
It were sent	

Умумий аспектдаги перфект бўлмаган субъюнктив II нинг маж-хул даражадаги бўлишсиз формаси *were* кўмакчи феълдан кейин **not** юкламасини келтириш билан ясалади.

I were not sent	I weren't sent
He were not sent	He weren't sent
She were not sent	She weren't sent
It were not sent	It weren't sent
We were not sent	We weren't sent
You were not sent	You weren't sent
They were not sent	They weren't sent

2. Умумий аспектдаги перфект субъюнктив II нинг ясалиши. Субъюнктив II нинг бу формаси аниқлик майлининг умумий аспектдаги перфект ўтган замон формасига омонимдир. Мисол:

Аниқ нисбатдаги бўлишли форма:

I had sent	We had sent
He had sent	You had sent
She had sent	They had sent
It had sent	

Аниқ нисбатдаги бўлишсиз форма:

I had not sent	I hadn't sent
He had not sent	He hadn't sent
She had not sent	She hadn't sent
It had not sent	It hadn't sent

We had **not** sent
You had **not** sent
They had **not** sent

We hadn't sent
You hadn't sent
They hadn't sent

Мажхул даражадаги бўлишли форма:

I had been sent
He had been sent
She had been sent
It had been sent

We had been sent
You had been sent
They had been sent

Мажхул даражадаги бўлишсиз форма:

I had **not** been sent
He had **not** been sent
She had **not** been sent
It had **not** been sent

I hadn't been sent
He hadn't been sent
She hadn't been sent
It hadn't been sent

We had **not** been sent
You had **not** been sent
They had **not** been sent

We hadn't been sent
You hadn't been sent
They hadn't been sent

3. Давомли аспектдаги перфект бўлмаган субъюнктив II нинг ясалиши. Бу форма **to be** феълнинг субъюнктив II даги формасига (**were**) етакчи феълнинг I сифатдошини қўшиш билан ясалади.

Бўлишли форма:

I were sending
He were sending
She were sending
It were sending

We were sending
You were sending
They were sending

Бўлишсиз формасини ҳосил қилиш учун **were** дан кейин **not** юкламасини қўшилади.

I were **not** sending
He were **not** sending
She were **not** sending
It were **not** sending

I weren't sending
He weren't sending
She weren't sending
It weren't sending

We were **not** sending
You were **not** sending
They were **not** sending

We weren't sending
You weren't sending
They weren't sending

4. Давомли аспектдаги перфект субъюнктив II нинг ясалиши. Субъюнктив II нинг бу формаси аниқлик майлининг давомли аспектдаги перфект ўтган замон формасига оммонимдир.

Бўлишли форма:

I had been sending
He had been sending
She had been sending
It had been sending

We had been sending
You had been sending
They had been sending

I had **not** been sending
He had **not** been sending
She had **not** been sending
It had **not** been sending

I hadn't been sending
He hadn't been sending
She hadn't been sending
It hadn't been sending

We had **not** been sending
You had **not** been sending
They had **not** been sending

We hadn't been sending
You hadn't been sending
They hadn't been sending

Ҳозирги инглиз тилида *were* формаси ўрнида *was* формасини ишлатилиши ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин бу ҳодиса хали адабий тилга киргани йўқ. Масалан: *I wish I was young.*

Субъюнктив II нинг маъноси ва ишлатилиши. Субъюнктив II формасидаги феъллар маъноларига кўра реалликни ифода этмайди, яъни англашилган иш-ҳаракат умуман юзага чиқмаган бўлади. Субъюнктив II формасидаги феъл кўпинча *хоҳиш, истакни* ифодалайди. Масалан:

He wished his wife were with him (*G. Greene*).

«I wish they were not coming», said he (*P. Abrahams*).

Субъюнктив II нинг перфект бўлмаган формаси перфект формасига қарама-қарши қўйилади. Унинг перфект бўлмаган формаси маъносига кўра ҳозирги замонга перфект формаси эса ўтган замонга яқинроқ бўлади. Аммо уларнинг замон маъноси бош гапдаги феъл формасининг маъносига боғлиқ бўлади. Эргаш гапдаги перфект бўлмаган форма кўпроқ бош гапдаги ҳаракат билан бир вақтда бўладиган ҳаракатни ифодаласа, перфект форма бош гапдаги ҳаракатдан аввал бўладиган ҳаракатни ифодалайди. Субъюнктив II формаларининг замон ифодалашни қуйидагича:

а) бош гапдаги феъл формаси ҳозирги замонда бўлса, эргаш гапдаги перфект бўлмаган субъюнктив II ҳозирги замонни ифодалайди:

You speak as if it were for your amusement.

You talk as if she were a yard. (*H. James*).

б) агар бош гапдаги феъл ҳозирги замонда бўлиб, эргаш гапдаги феъл перфект субъюнктив II формасида ишлатилса, эргаш гапдаги иш-ҳаракат бош гапдаги ҳаракатдан аввал содир бўлади.

«I feel as if I'd got into a novel instead of a house», said the lawyer. (*J. K. Chesterton*).

в) бош гапдаги феъл ўтган замонда бўлиб, эргаш гапдаги феъл перфект бўлмаган субъюнктив II формасида бўлса, эргаш ва бош гапдаги иш-ҳаракат бир вақтда юзага чиқали:

Gabriel knitted his brows and said, as if he were slightly angered (*J. Joyce*). Suddenly he felt responsible for Baines, as if he were the master of the house (*G. Greene*). «It's a German name, she said in Italian, as if needed to be translated (*H. James*)»

г) бош гапдаги феъл ўтган замонда, эргаш гапнинг феъли перфектдаги субъюнктив II формасида бўлса, эргаш гапдаги иш-ҳаракат бош гапдаги иш-ҳаракатдан аввал юзага чиқади:

Whatever she felt grand or no, she at any rate felt different, felt as if something had happened to her (*H. James*).

д) агар қўшма гапнинг иккала қисмида перфект форма ишлатилса, иккала гапдаги иш-ҳаракат бир вақтда юзага чиқади:

«By George, if he hadn't missed me I'd have been in a nice state (*B. S. Maugham*). If we had been allowed to sit idle, we should all have fallen in the blues (*R. L. Stevenson*). If it had not been for Manuma with his knowledge of the great world, and their dread of his ridicule, they would have wielded (*W. S. Mansfield*).

And if it had not been for the chart on the companion, we might have been the first, that have ever anchored there since the island arose out of the seas (*R. L. Stevenson*).

е) шарт эргаш гапда перфект бўлмаган субъюнктив II нутқ сўзланиб турган вақтда ёки келгусида бўладиган иш-ҳаракатни ифодалайди:

If all the good people were hidden away in convents how would the world go on?» (*H. James*).

«I should try to escape it if I were to marry you (*H. James*).

Субъюнктив II қуйидаги гапларда ишлатилади:

1) содда гапларда:

Истак, тилак, хоҳиш, маслаҳат, насиҳат кабиларни ифодалайди:

«O, that I were dead! She murmured,

«O, that I were dead as thou art» (*H. W. Longfellow*).

«If only I had money!» (*A. E. Coppard*)

Бу маънода Субъюнктив II модал феъллар билан ҳам ишлатилиши мумкин:

«You should have brought a fishing line along». (*J. Aldridge*).

Сиз қармоқ олиб келишингиз керак эди.

No you couldn't have called her beautiful (*K. Mansfield*). Сиз уни чиройли деб айтишингиз мумкин эмас эди.

You shouldn't do it, you know», grumbled Repton. (*A. E. Coppard*). Биласизми, сиз ундай қилмаслигингиз керак — деб тўнгиллади Рептон.

Субъюнктив II фразеологик ибораларга кирувчи **had better, would rather, would have** каби бирикмаларда ишлатилиши мумкин:

You had better sit down (*R. L. Stevenson*). Яхшиси ўтиринг (ёки ўтирганингиз маъқул)

«But I think we had better go» (*L. K. Chesterton*). Менимча, сизни кетганингиз яхши (бўлар эди)

I... I'd rather hear what you were going to say first», said Constantin. (*K. Mansfield*).

2) эргашган қўшма гапларда:

а) эга эргаш гапли қўшма гапларда:

It is high time he were in bed.

It is time you understood this grammar rule.

б) кесим эргаш гапли қўшма гапларда:

It had been as if a big gun were fired off behind her. (*H. James*) It was as though he had followed his son's thoughts. (*P. Abrahams*) He didn't behave as though he had done anything wrong (*Ibid*).

в) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда *хоҳиш ва истакни* билдиради:

I wish I could wash the blood off before I go back (*P. Abrahams*).

I wish you had given us a chance to receive you (*H. James*). Well, you are: I wish you weren't. But I suppose you can't help it (*Ibid*) He rubbed his face hard with both hands, and wished he were dead (*R. Aldington*).

г) ўхшатиш ёки чоғиштирма эргаш гапли қўшма гапларда (*as if, as though* боғловчилари ёрдамида):

He has booted and spurred, as if he had dismounted from a long ride (*H. James*).

Isaac smiled his secret, twisted smile as though he were sharing a joke with himself (*P. Abrahams*).

«You sounded as though you disapproved. Why?» (*Ibid*).

He spoke in a quiet, distant voice, as though his thoughts were far away (*Ibid*).

д) шарт эргаш гапли қўшма гапларда субъонктив II фақат реал бўлмаган воқеаларни тасвирлаш учун ишлатилади:

And if there were to be a revolution he would come off very easily. (*H. James*). Агар революция бўлганда, у осонгина муваффақиятга эришар эди.

I could try to make the place comfortable with more heart if the sun were shining». (*S. Maugham*).

What I mean is this: if the whites and the black people were equal, if there were no color bar, if a black man could go to Parliament and had all the same rights as a white man, and the colored people wanted to grudge toward the whites, then it would be all right. (*P. Abrahams*).

е) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда:

Even if I had not been an engineer I should have tried to translate that technical text into English. Мен инженер бўлмасам ҳам бу техникага оид тексти таржима қилишга уриниб кўрар эдим.

Субъонктив III. (Subjunctive III) Субъонктив III барча шахсларда *should* кўмакчи феълдан кейин етакчи феълнинг инфинитив шаклини келтириш билан ясалади. Субъонктив III формасидаги феълларда ҳам перфект, аспект ва нисбат категорияларининг оппозициялари; перфект ва перфект бўлмаган аниқ ва мажхул нисбат формалари, умумий аспект ва давомли аспект формалари мавжуд. Замон категорияси субъонктив III учун хос эмас. Баъзан бир иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатдан олдин юзага чиққанлигини перфект субъонктив III формаси ёрдамида ифодалаш мумкин.

Умумий аспектдаги перфект бўлмаган субъюнктив III

Аниқ нисбат:

I should send
He should send
She should send
It should send
We should send
You should send
They should send

Мажхул нисбат:

I should be sent
He should be sent
She should be sent
It should be sent
We should be sent
You should be sent
They should be sent

Давомли аспектдаги перфект бўлмаган субъюнктив III:

I should be sending
He should be sending
She should be sending
It should be sending

We should be sending
You should be sending
They should be sending

Умумий аспектдаги перфект субъюнктив III:

Аниқ нисбат:

I should have sent
He should have sent
She should have sent
It should have sent
We should have sent
You should have sent
They should have sent

Мажхул нисбат:

I should have been sent
He should have been sent
She should have been sent
It should have been sent
We should have been sent
You should have been sent
They should have been sent

Давомли аспектдаги перфект субъюнктив III:

I should have been sending
He should have been sending
She should have been sending
It should have been sending

We should have been sending
You should have been sending
They should have been sending

Маъно жиҳатдан майлнинг субъюнктив III формаси фараз қилиш зарурият, *буйруқ*, *маслаҳат* бериш, *ачиниш* ёки *хайратланиш* каби маъноларни англатади. Субъюнктив III билан Субъюнктив I маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлганлиги сабабли, кўпгина гапларда бирининг ўрнига иккинчисини ишлатиш мумкин.

Субъюнктив III нинг ишлатилиши

Субъюнктив III қуйидаги ҳолларда ишлатилади: 1) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда:

Бунда бош гапнинг кесими, кўпинча *буйруқ*, *маслаҳат*, *фараз қилиш*, *хоҳиш*, *қўрқув* каби маъноларни англатувчи феъллар билан ифодаланган бўлади.

Isobel had got up: She felt a wish, for the moment, that he **should not sit down** beside her (*H. James*). They believe there should

be neither rich men nor poor, but that all **should be** equal (*R. W. Fox*). I don't see why you think Mrs. Touchett's niece **should matter** very much to me (*H. James*). . . . «It wouldn't be remarkable if you did think it ridiculous that I **should have** the means to travel when you've not: for you know everything and I know nothing (*H. James*). I was in mortal fear lest the captain **should repent** of his confession and make an end of me (*R. L. Stevenson*).

There's a great deal that's attractive about such an idea: but don't see why the English **should want** to entice us away from our native land (*H. James*).

2) эра эргаш гапли қўшма гапларда:

It's impossible I **should wait** for you», Mrs. Touchett answered. (*H. James*). «He's very intelligent», said Ralph: «but it's right he **should be puzzled** once in a while. (*H. James*).

It could not be right that his son **should know** so much, that he should be afraid of his son's eyes (*P. Abrahams*). It was natural we **should meet** (*Ibid*). «Ah it's proper you **should go** with her, very proper. (*Ibid*).

3) мақсад эргаш гапли қўшма гапларда:

«You: but I won't say it again lest you **should be disappointed** at them. (*H. James*).

Бундай гапларда қўпинча модал феъл **may (might) + инфинитив** ишлатилади:

«God, turn the water into wine so that I **may know** you love me too even if I'm black. (*P. Abrahams*). . . . but he wouldn't eat a second helping lest she **might count** that a victory (*G. Greene*).

4) шарт эргаш гапли қўшма гапларда:

«If he **should marry** Miss Archer I suppose, he'd behave like a gentleman (*H. James*).

«**Should** you like me better if I were your butler, dear? her husband asked. (*H. James*).

Should he come tell him to wait for me.

Субьюнктив IV (Subjunctive IV)

Майлинг Субьюнктив IV формаси биринчи шахс бирлик ва кўпликда **should** кўмакчи феълيني, қолган барча шахсларда эса **would** кўмакчи феълيني мустақил феълнинг инфинитив формасига қўшиш билан ясалади.

Умумий аспектдаги перфект бўлмаган субьюнктив IV

Аниқ нисбат:

I should send
He would send
She would send
It would send

Мажхул нисбат:

I should be sent
He would be sent
She would be sent
It would be sent

We should send
You would send
They would send

We should be sent
You would be sent
They would be sent

Давомли аспектдаги перфект бўлмаган субъюнктив IV:

I should be sending
He would be sending
She would be sending
It would be sending

We should be sending
You would be sending
They would be sending

Умумий аспектдаги перфект субъюнктив IV:

Аниқ нисбат:

I should have sent
He would have sent
She would have sent
It would have sent

We should have sent
You would have sent
They would have sent

Мажхул нисбат:

I should have been sent
He would have been sent
She would have been sent
It would have been sent

We should have been sent
You would have been sent
They would have been sent

Давомли аспектдаги перфект субъюнктив IV

I should have been sending
He would have been sending
She would have been sending
It would have been sending

We should have been sending
You would have been sending
They would have been sending

Субъюнктив IV нинг маъноси ва ишлатилиши

Субъюнктив IV иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг содир бўлмаганлигини аммо маълум шароитда уни амалга ошириш мумкинлигини, ва у муайян шароит бўлмаганлиги сабабли юзага чиқмай қолганлигини билдиради. Масалан:

«If you were not going away you'd **know** me better (H. James).
Агар сиз кетмаётган бўлганингизда мени яхшироқ билар эдингиз.

«If I were to go to Japan next winter you **would laugh** at me». she went on (H. James). «Мен келуси кинда Японияга борадиган бўлсам борми, сиз мендан кулардингиз» — гапида давом этди у.

If my aunt had wheels she **would be** an omnibus. (R. Lynd).
Агар холамга гилдирак битганда, у автобус бўлиб келган бўларди.

«I **should have done** so if I had known you were there» (H. James). Агар сизнинг у ерда эканлигингизни билганимда (билган бўлганимда), мен шундай қилган бўлардим.

«If he had been alive today he **would have fought** for the freedom of the African people (P. Abrahams). Агар бугун у тирик бўлганида, африкаликларнинг озодлиги учун курашган бўлар эди.

I **should have leaped** out and run for it, if had found the strength (L. R. Stevenson). Агар менда етарли куч бўлганида эди, мен (у нарсага) югуриб-елиб борган бўлардим.

Инглиз тилидаги умумий аспектдаги перфект бўлмаган субъектив IV га ўзбек тилида *ар эди* билан ясалувчи форма, умумий аспектдаги перфект субъектив IV га *ган бўлар эди, -ар эди* — билан ясалувчи формалар, давомли аспектдаги перфект ва перфект бўлмаган субъектив IV га *ётган бўлар эди билан* ясалган форма тўғри келади.

Субъектив IV қуйидаги гапларда ишлатилади:

1) содда гапларда:

She would fight for him, do anything for him (*P. Abrahams*).

У (қиз) унинг учун курашган ва у учун ҳамма нарсани қилган бўлар эди.

I should have told him (*G. Aldridge*). Мен унга айтган бўлар эдим.

We should be very happy to believe that (*H. James*).

Nobody but old Redruth would have dared so much as even to grumble. (*R. L. Stevenson*).

Any of the under-game-keepers would gladly have changed places with him (*Ibid*).

2) эргаш гапли қўшма гапларда:

а) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапида.

Even if it were dark he **would go** home. Ҳатто қоронғи тушган бўлса ҳам, у уйига қайтар эди.

б) шарт эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапида.

If I were to wait three months it **would make** no difference (*H. James*).

She'd like garden court a great deal better if it were a boarding-house (*Ibid*). If they might die at the same time it **would be** all very well. (*H. James*). If he told Davy he would have to fly the plane, it **would scare him** (*J. Aldridge*). He was asked what he **would do** if a black man raped his sister (*P. Abrahams*).

Инверсия ҳолати юз берган пайтларда **if** боғловчиси тушиб қолади.

Had there been a breath of wind we should have fallen on the six mutineers (*R. L. Stevenson*).

Субъектив формасида модал феъллар ҳам ишлатилиши мумкин.

And if I had seen as many kings or archbishops I **could not have been** more delighted (*R. L. Stevenson*). They **might have hid** the blessed thing» said another (*Ibid*) I» **could try** to make the place comfortable with more heart if the sun were shining» (*W. S. Maugham*).

54-§ Феъл ясаш. (Verb Formation)

Ҳозирги инглиз тилида феъл аффиксация, композиция конверсия ва бошқа усуллар билан ясалади.

1. Аффиксация. Турли сўз туркумларига префикс ва суффикслар қўшиш орқали феъл ясаш *аффиксация* усули дейилади.

а) префикслар иштирокида феъл ясаш (Verb Formation by means of Prefixes):

ante-: antedate	— аввалроқ вақт билан белгиламоқ
anti-: anticipate	— аввалдан сезмоқ», кутмоқ
be-: becalm	— тинчитмоқ
co-: coexist	— бирга, бир вақтда мавжуд бўлмоқ, бирга яшамоқ
coordinate	— координация қилмоқ, бирлаштирмоқ
counter-: counteract	— қайта таъсир кўрсатмоқ,
countermarch	қарши юрмоқ
dis-: discontinue	— тўхтатмоқ, ташлаб кетмоқ,
discover	— очмоқ, ихтиро қилмоқ
en-: enliven	— жонлантирмоқ,
enroll	— рўйхатга киритмоқ
for-: forbid	— чидамоқ
forbear	— ман этмоқ,
inter-: interact	— ўзаро муносабатда бўлиш
interchange	— фикр алмашилмоқ
interconnect	— алоқа қилмоқ, боғлашмоқ
mis-: misbehave	— ўзини тута билмаслик
misbelieve	— хато қилмоқ, «ишонмаслик»
over-: overbrim	— лиммо - лим тўлдирмоқ
overcome	— енгмоқ, уддасидан чиқмоқ
out-: outbalance	— орттириб юбормоқ
outcry	— қаттиқ бақирмоқ
outgrow	— ўсиб кетмоқ
pre-: predetermine	— олдиндан аниқламоқ
prepay	— олдидан тўламоқ, ширинкома бермоқ
re-: recall	— қайта чақириб олмоқ
renew-:	— янгиламоқ
sub-: subdue	— бўйсундирмоқ, бош эгдирмоқ
subclassify	— классификация қилмоқ, кичкина бўлим- ларга ажратмоқ
super-: supercharge	— ортиқча юклаб юбормоқ
superheat	— ўта қиздирмоқ
trans-: transact	— олиб бормоқ, бошқармоқ
transform	— бошқа нарсага айлантирмоқ, трансформа- ция қилмоқ
un-: untie	— бўшатмоқ, ечмоқ
unbelt	— камарини (белбоғини) ечмоқ
under: undercharge	— арзон олмоқ
underpay	— оз ҳақ тўламоқ
with: withstand	— қарши турмоқ, қаршилиқ кўрсатмоқ
withdraw	— қайта чақириб олмоқ

Юқоридаги префиксларнинг кўплари бошқа тиллардан, жумладан — латин ва грек тилларидан кириб келган бўлиб, ҳозирги вақтда ўз маҳсулдорлигини йўқотиб, сўз ўзагидан ажралмас бўлиб қолган.

6) суффикслар иштирокида феъл яшаш (Verb Formation by means of Suffixes):

Ҳозирги инглиз тилида суффикслар сони жуда оз бўлиб, асосийлари куйидагилардир:

-en: lengthen	— узайтирмақ
widen	— кенгайтирмақ
-ize: organize	— уюштирмақ, ташкил қилмақ
civilize	— маданийлаштирмақ
-(i)fy: clarify	— равшанлантирмақ
glorify	— мақтамақ, кўкларга кўтармақ.
-ish: flourish	— гулламақ, яшнамақ,
cherish	— авайлаб ўстирмақ, эркалатмақ
-ate: vaccinate	— эмламақ, прививка қилмақ
communicate	— хабар қилмақ, билдирмақ

2. **Композиция** (Composition or Compounding). Икки ёки ундан ортиқ сўзларни қўшиб, феъл яшаш *композиция усули* дейилади. Масалан:

N + N: beeswax	— мўмламақ, мўм суркамақ,
buttonhole	тугма тешиги очмақ.
N + V: back - bite	— орқасидан ғийбат қилмақ
cat-call	хуштак чалмақ
A + N: blackquard	— сўкинмақ,
blacklist	— қора рўйхатга ёзмақ
A + V: broadcast	— радио орқали эшиттирмақ,
Adv + V: outgo	— устун турмақ,
cold-hammer	— совуқлигида, қиздирмай тобламақ
outflow	— оқиб чиқмақ.
Adv + A: outgeneral	— яхши тактика асосида енгмақ.

3. **Конверсия** (Conversion). Сўз туркумларига ҳеч қандай қўшимча қўшмай сўз (феъл) яшаш конверсия дейилади. Масалан:

a bell <i>n.</i> -қўнғироқ	— to bell <i>v.</i> қўнғироқ билан таъминламақ
a belt <i>n.</i> -қамар	— to belt <i>v.</i> камар боғламақ, тасма билан ўрамақ
brain <i>n.</i> -мия	— to brain <i>v.</i> миани қоқиб солмақ
a cage <i>n.</i> -қафас	— to cage <i>v.</i> қафасга солмақ
black <i>aj.</i> -қора	— to black <i>v.</i> қорага бўямақ
blind <i>aj.</i> -кўр	— to blind <i>v.</i> кўр бўлиб қолмақ, кўр қилмақ
brown <i>a.</i> -жигар ранг	— to brown <i>v.</i> қораймақ, жигар ранг тусга кирмақ ва бошқалар.

Турғун феъл бирикмаларининг яшалиши (Formation of Verb Combinations) Турғун феъл бирикмалари мустақил ва ёрдамчи феълларнинг бошқа мустақил сўзлар ёки предлоглар билан бирикувидан ясалади. Ҳозирги инглиз тилида айрим кўп ишлатилувчи феъллар ёрдамида феъл бирикмаларини яшаш кенг тарқалган. Қуйида кўп

қўлланадиган феъллар ёрдамида феъл бирикмаларини ясаш намуна-
ларини келтирамиз:

to be cold — совқотмоқ
to be hungry — қорни очмоқ
to be in bed — ётган, ухлаётган
бўлмоқ
to be about — бирор нарса қил-
моқчи бўлмоқ, отланмоқ
to do one's hair — сочни тарамоқ
to do one's room — хонани су-
пурмоқ, тозаламоқ
to do harm — зарар етказмоқ
to do good — фойда келтирмоқ
to draw attention — диққатни
тортмоқ, ўзига жалб қилмоқ
to draw aside — бир чеккага олиб
чиқмоқ
to draw back — орқасига қайтмоқ
to draw in — қизиқтирмоқ
to drop smoking — чекишни
ташламоқ
to drop a hint — имо қилмоқ,
шама қилмоқ
to drop across — тасодифан уч-
рашиб қолмоқ
to drop in — излаб кирмоқ, кўр-
гани кирмоқ
to fall ill — касал бўлиб қолмоқ
to fall in love — севиб қолмоқ
to fall asleep — ухлаб қолмоқ
to fall silent — жим бўлиб қолмоқ
to get angry — аччиғи келмоқ,
жаҳли чиқмоқ
to get married — уйланмоқ, эр-
га тегмоқ
to get wet — ҳўл бўлмоқ, ҳўл

бўлиб кетмоқ
to get on — муваффақият қозон-
моқ
to go mad — ақлдан озмоқ
to go against — қарши чиқмоқ
to go ahead — олдинга силжи-
моқ, ривожланмоқ
to go for a walk — сайрга чиқ-
моқ
to give a cry — йиғлаб юбормоқ
to give a kiss — ўпиб қўймоқ
to give a look — қараб қўймоқ
to give in — кечмоқ, ўз фикридан
қайтмоқ
to have to — мажбур бўлмоқ
to have something done — бирор
нарса қилдирмоқ
to have tea — чой ичмоқ
to make bed — жой солмоқ
to make after — қувмоқ
to make off — қочиб кетмоқ
to make sure — ишонмоқ, ишонч
ҳосил қилмоқ
to lay eggs — тухум қўймоқ
to lay the table — дастурхон
ёзмоқ
to lay open — очмоқ
to lay up — йиғмоқ, жамғармоқ
to see the doctor — ўзини врачга
кўрсатмоқ
to see after — боқмоқ, қарамоқ
to see off — кузатиб қўймоқ
to see light — дунёга келмоқ,
босилиб чиқмоқ.

55-§ Феълнинг шахссиз формалари (The Verbids)

Ҳозирги замон инглиз тилида феъл шахсли ва шахссиз форма-
ларга эга. Феълнинг шахссиз формаларини *verbals* ёки *verbids*
деб ҳам номланади. Феълнинг шахссиз формаларининг шахсли фор-
маларидан фарқи шундаки, шахссиз формалар шахс, сон ва майлини
ифодаламайдилар ва шунинг учун шахсли формаларга хос бўлган
кесим функциясида келмайдилар.

Феълнинг шахссиз формалари шахсли формалар сингари перфект ва даража (нисбат) категориясига эга.

Инглиз тилида шахссиз формалар учта: инфинитив, сифатдош ва герундий.

Ўзбек тилида ҳам феълнинг учта шахссиз формаси бор: ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош. Иккала тилдаги шахссиз формаларнинг сони бир-бирига тенг бўлса ҳам, уларнинг маъноларида ва синтактик функцияларида катта фарқ бор. Масалан, инглиз герундийсининг маъно ва функцияси ўзбек тилидаги инфинитив, сифатдош ва равишдош орқали ифодаланади. Ўзбек равишдошнинг маъно ва функциялари эса инглиз сифатдоши ва герундийси орқали берилади. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилида герундий, инглиз тилида равишдош йўқ.

Шахссиз формаларнинг ўзларига хос хусусиятлари қуйидаги ҳолларда кўринади:

1. Шахссиз формалар феъллик белгидан ташқари яна бирор белгига — отлик, сифатлик ёки равишлик белгисига эга. Уларнинг феъллик белгилари ўзлари ифодалаган морфологик категориялар ва ўзлари билан воситасиз тўлдирувчи олишлари ва равиш билан изоҳланишларида кўринади, отлик белгилари эса синтактик функцияларида намоён бўлади. Масалан, сифатдош феъллик белгиларидан ташқари сифатлик ва равишлик хусусиятларига эга, инфинитив ва герундийда эса феъллик хусусиятлари билан бирга отлик хусусиятларини ҳам кўриш мумкин.

2. Шахссиз формалар от ва олмошлар билан предикатив конструкциялар ҳосил қилиши мумкин. Бундай конструкцияларда доимо иккита элемент мавжуд бўлади. Конструкциядаги биринчи элемент от ёки олмошлар билан ифодаланиб, *от қисм* деб аталади, иккинчи қисми эса шахссиз формаларнинг бири билан ифодаланиб, конструкциянинг *феъл қисми* ёки *элементи* деб аталади. Конструкциядаги шахссиз формаларнинг бири билан ифодаланган элемент от элементига нисбатан предикатив муносабатда бўлади, бошқача қилиб айтганда, от қисм билан феъл қисм ўртасидаги муносабат гапдаги эга билан кесим муносабатига ўхшашдир.

56- § Сифатдош (The Participle)

Инглиз тилида сифатдош феълнинг шахссиз формаларидан бири бўлиб, у икки хилдир — I сифатдош ва II сифатдош. I сифатдош феъл негизига *ing* қўшимчасини қўшиш билан ясалади, II сифатдошнинг ясалиши эса феълнинг турига боғлиқ: Агар феъл тўғри бўлса, ўзакка-(*e*)*d* қўшимчасини қўшиш билан¹, агар феъл нотўғри бўлса, унда *-en* қўшимчаси ёрдамида ёки товушни ўзгартиш йўли билан ясалади. Ҳатто айрим нотўғри феълларнинг сифатдош формаси негиз билан омоним бўлади.¹ Масалан:

¹ Тўғри феълларнинг ўтган замон формаси ва II сифатдош формаси омонимдир.

I сифатдош

reading
going
helping
buying

II сифатдош

helped
read [red]
gone
bought
cut

Сифатдош феъллик белгиларидан ташқари, сифатлик ёки равишлик белгиларига ҳам эга.

Сифатдошнинг сифатлик ва равишлик белгилари у бажарган синтактик функцияларда кўринади. Бир томондан, сифатдошлар сифат каби аниқловчи ва қўшма от кесимнинг от қисми вазифасида келса, иккинчи томондан, улар ганда равиш каби ҳол бўлиб келадилар. Масалан:

1) сифатдош аниқловчи вазифасида:

The note of **rising** irritation was plainly audible in Arthur's voice (*E. L. Voynich*).

He knelt in silence, and in silence Montarelli laid his hand on the **bent** head (*E. L. Voynich*).

2) сифатдош қўшма от кесимнинг от қисми вазифасида:

The old man was tall and shadowy and **stooping**. (*Abrahams*)

Your people are excited and the word of your coming has **travelled** all over the two valleys (*P. Abrahams*).

3) сифатдош ҳол вазифасида:

Liza rose to her feet. Lavretsky followed her out. **Going downstairs** Liza suddenly stopped (*I. Turgenev*).

If **insulted** she would merely bow meekly and be grateful for them. (*I. Turgenev*).

Сифатдошнинг феъллик хусусиятлари қуйидаги ҳолларда кўринади:

1) I сифатдош перфект ва нисбат категорияларига эга.

	аниқ даража	мажҳул даража
Перфект бўлмаган формаси Перфект формаси	reading having read	being read having been read

2) ўтимли феълдан ҳосил бўлган сифатдош воситасиз тўлдирувчи олиши мумкин:

Then **taking a pocket knife**, he deftly ripped up the torn sleeve supporting the child's head against his breast, while Gemma held the injured hand (*Voynich*).

«I am happy it is you», sister Swarts said, **patting** Celia's hand (*Abrahams*).

3) сифатдош равиш билан аниқланиб кела олади:
His eyes dilated. She was quite still, **hardly breathing** till he spoke again (*E. L. Voynich*).

There is no need to leave». — he said. «Oh, but I know there is», the old man said nodding wisely (*Abrahams*).

Сифатдошда перфект категорияси. Перфект категорияси фақат I сифатдошлагина бўлиб, у сифатдошнинг перфект ва перфект бўлмаган формаларининг оппозициясидан ташкил топган. Масалан: reading — having read, being read — having been read

Перфект бўлмаган сифатдош гапдаги асосий феъл бажарган иш-ҳаракат билан бир вақтда бўлган ҳаракатни ифодалайди, перфект сифатдош эса асосий феъл ифодалаган иш-ҳаракатдан аввал содир бўлган иш-ҳаракатни кўрсатади. Масалан: **Reading this book, I came cross many unknown words. Having read the book, I gave it to my friend.**

Сифатдош II биргина формага эга халос, шунинг учун унда ҳеч қандай грамматик категория мавжуд эмас.

Сифатдошда нисбат категорияси. Утимли феъллардан ясалган I сифатдош нисбат категориясига эга:

Аниқ даража:	Мажхул даража:
reading	being read
having read	having been read

Инглиз тилида сифатдошнинг мажхул нисбатдаги формалари аналитик формалар бўлиб, улар **to be** ёрдамчи феълига II сифатдошни қўшиш билан ясалади.

II сифатдошда нисбат категорияси мавжуд эмас, чунки унда бир-бирига қарама-қарши қўйилиши мумкин бўлган аниқ ва мажхул нисбат формалари йўқ.

Сифатдошнинг гапдаги функцияси. 1) I сифатдош аниқловчи функциясида:

«I hate you!» She cried, turning on him with eyes like **glowing coals** (*Voynich*) — Сизларни кўришга кўзим йўқ! — деб қичқирди. Кўзлари эса ёниб турган чўғдай ярақлади (*Воинич*).

«You asking me why a **drowning** man struggles for his life. (*P. Abrahams*). — Ҳали сиз нарқ бўлаётган одам нега чўдга ёпишади деб ҳам сўрасиз (*Абрахамс*).

Аниқловчи вазифасини бажараётган инглиз I сифатдоши ўзбек тилига сифатдош формалари орқали бериледи.

Аниқловчи функциясидаги I сифатдош ўзи аниқлаб келган оддан аввал ёки кейин келиши мумкин.

Аниқланмишдан аввал келган I сифатдошнинг актив формаси одатда ёлғиз ўзи ишлатилади, яъни ўзига тобе сўзлар билан кела олмайди. Масалан:

In the **deepening** dusk Lanny looked down High Street and felt at home (*Abrahams*). Ленни қуюқлашиб бораётган ғира-ширада

катта кўчага қараб туриб, уйда эканлигига хурсанд бўлиб кетди (Абрахамс).

Ўзига тобе сўзларни бошқариб келган сифатдошли бирикма одатда аниқланмишдан кейин қўлланади:

Once in a while letters arrived from Alisher and Timur **fighting on the front line** (*Sh. Rashidov*). Фронтнинг олдинги линияларида жанг қилаётган Алишер ва Темурдан тез-тез қисқа ёзилган мактублар келиб турарди (*Ш. Рашидов*).

The Gafly sipped his coffee and ate his burnt almonds with the grave and concentrated enjoyment of a cat **drinking cream**. (*Voy-nich*). Сўна қаймоқ ялаётган мушук сингари кофесини керилиб ичишга, қандил бодомини мазза қилиб ейишга киришди (*Войнич*).

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилидаги сифатдошли бирикма ҳеч қачон ўзи аниқлаб келаётган оддан кейин келмайди.

Инглиз тилида пассив нисбатдаги I сифатдош ҳар доим позицияда қўлланади ва мажҳул нисбатдаги ўзбек сифатдошига тўғри келади. Масалан:

The hostel **being built in our street** is for University students. Кўчамизда қурилаётган ётоқхона университет студентларига мўлжалланган.

The question **now being discussed at the meeting** is very important. Ҳозир мажлисда муҳокама қилинаётган масала жуда муҳим.

I сифатдошнинг перфект формалари аниқловчи вазифасида ишлатилмайди. Баъзан аниқловчи функциясидаги I сифатдош (ёки у ҳосил қилган оборот) гапда анча мустақилликка эга бўлиб, I сифатдош билан аниқланмиш ўртасидаги боғлиқлик сусаяди. Бундай ҳолатда I сифатдош ажратилган аниқловчи вазифасида келган бўлади. Ажратиб кўрсатилган аниқловчи одатда вергул билан ажратилади. Масалан: Rivera, on his knees, **scrubbing**, looked up, with suspended brush, his bare arm flecked with soapy, dirty water (*J. London*). Тиз чўкиб пол юваётган Ривера бошини кўтарди, унинг шимарилган қўлларидан кир сув томчилари оқиб турарди (*Ж. Лондон*).

Three women, **chatting at the gates of a house** near the small market, recognized her (*A. Mughtar*). Гузарга яқинроқ бир эшик олдида гурунглашиб турган хотинлар уни узоқдан танидилар (*А. Мухтор*).

2) I сифатдош қўшма от кесимнинг от қисми вазифасида:

The joy of the prisoners was almost **overwhelming**. Their speed was slow, however, because, pitfalls were somewhat common and has to be guarded against (*M. Twain*). Қичкина асирлар шодликларидан ўзларини билмас, лекин тез юра олмас эдилар, чунки ҳар қадамда чуқур ерлар бўлгани учун эҳтиёт бўлиб юришга тўғри келарди (*М. Твен*).

3) I сифатдош ҳол вазифасида:

а) пайт ҳоли. Пайт ҳоли вазифасини бажарган сифатдош (ёки сифатдош оборот) асосий феъл билан бир пайтда бажарилган ёки ундан аввал бажарилган иш-ҳаракатни ифодалашни мумкин. Масалан:

Placing the child on the chair, the Gaddy knelt down beside him ... (E. L. Voynich). And having spoken, he took his stand back to the fireplace (J. Galsworthy).

Пайт ҳоли функциясини бажариб келган сифатдош ёки сифатдошли оборот ўзбек тилида сифатдош ёки равишдошли оборотларга тўғри келади:

Sitting still, he might have been taken for a very pretty girl masquerading in male attire (E. L. Voynich). Жим ўтирган кезларида, яхшигина қизалоқ экан деб ўйлаш мумкин (Э. Л. Войнич).

Coming home from work, he would tell them about the railway or a locomotive, imitating its whistle (A. Muchtar). Ишдан келгандан кейин, қизларига поезд тўғрисида ҳикоя айтиб берар, паровознинг «пипийп» деб юришини қилиб кўрсатар эди (А. Мухтор).

Айрим вақтларда пайт ҳоли вазифасини бажарган сифатдошли обороти when ва while боғловчилари билан бирга келади:

The Governor, when sending into the legate his report of the arrest, had begged as a special favour permission of this case (E. L. Voynich). Arthur was in very high spirits while driving through the fertile country (E. L. Voynich)

б) сабаб ҳоли. Ҳ сифатдошнинг ҳамма формалари сабаб ҳоли вазифасини бажариб кела олади. Масалан:

... but remembering that he had not seen her for three weeks, he held out his hand and said rightly: Good evening, Zita, how are you?» (E. L. Voynich) ... and being occupied in preparations for an evening visit, it passed out of her thoughts entirely (B. Stower).

в) ўхшатиш ҳоли. Ўхшатиш ҳоли вазифасида ишлатилган сифатдош ёки сифатдошли оборот ўзбек тилида сифатдошнинг (ётган + дай) — дек формасига тўғри келади.

Arthur stood and answered slowly, as though repeating a catechism ... (E. L. Voynich). Артур ўрнидан турди-да, катехизиснинг сўзларини тақрорлаётгандек тантана билан жавоб қилди ... (Войнич)

«I am no longer a child Lanny, Fieta was right». As though thinking aloud she murmured ... (P. Abrahams). «Мен энди кичкина бола эмасман, Ленни, Фиета тўғри айтади». — Худди овозини чиқариб айтаётгандай пичирлаб давом эттирди у ... (П. Абрахамс).

г) равиш ҳоли. Инглиз тилида сифатдош ва сифатдошли оборот равиш ҳоли вазифасини бажарганда, у ўзбек тилига равишдош формаси орқали таржима қилинади:

Better die standing than live bending (Proverb). Тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлган яхши (Мақол).

Then he went on his stomach and began to eat the earth, laughing mildly while he did it (P. Abrahams). Кейин муккасидан йиқилди-да, қаттиқ хохолаб, ер тишлай бошлади (П. Абрахамс).

д) кетма-кет ҳаракатни ифодаловчи ҳол¹ (adverbial modifier of

¹Ўзбек тилшунослигида ҳолнинг бундай тури алоҳида ажратилмай, уни равиш ҳоли ишда кўрилади.

circumstances). Бу вазифадаги сифатдош ёки сифатдошли оборот асосий феъл кўрсатган иш-ҳаракатидан анча мустақил бўлган иш-ҳаракатни ифодалайди. У ўзбек тилига равишдошнинг **иб формаси** ёки шахсли феъл формалари орқали таржима қилинади:

«I thought so», — she said **looking Lanny up and down**. (*P. Abrahams*). — Ҳзим ҳам шундай деб ўйловдим — деди у Леннига бошдан-оёқ разм солиб (*П. Абрахамс*).

«What feeling», — she observed to Gedeonovsky in an undertone.

«A splendid» — Gedeonovsky repeated, **rolling up his eyes**. (*I. Turgenev*).

— Жопон аёл, — деди Марья Дмитриевна Гедеановскийга. Секингина — Тасанно, — дея такрорлади Гедеановский ва осмонга тикилди (*И. Тургенев*).

4) I сифатдош қўшма тўлдирувчи (complex object) нинг қисми вазифасида:

Mad Sam looked up and saw Lanny **approaching** him (*P. Abrahams*). Телба Сем бошини кўтариб, унга томон келаётган Леннига кўзи тушди (*П. Абрахамс*).

And with secret fear she saw Panshin **riding** into the courtyard (*I. Turgenev*). У номаълум кўрқув ичида Паншиннинг ҳовлига отда кяриб келаётганини кўрди.

5) I сифатдош қўшма феъл кесимнинг қисми вазифасида:

Kudratullah could be heard **swearing** (*A. Muxtar*). Қудратулланинг сўкинаётганини эшитишди (*А. Мухтор*).

At about ten o'clock the next morning Lavretsky was seen **pointing** the porch steps of Kalitin's house (*I. Turgenev*). Эртаси кун соат ўнларда Лаврецкийнинг Калитинлар уйига кўтарилаётганини кўришди (*И. Тургенев*).

6) сифатдошли оборот кириш сўз вазифасида:

Generally speaking, it would be useful to visit Britain again but I don't think that I shall be able to do so this trip to the United States. (*Daily Worker*).

— Умуман, Англияда яна бир марта бўлиш фойдали бўлур эди-лекин Америка Қўшма Штатларига қилинаётган бу сафарда Англияга тушиб ўтишнинг имкони бўлмаса керак.

... and **judging by Glafira's letter**, Fedya was now getting on for thirteen, and it was now time to give serious attention to his education. (*I. Turgenev*).

II сифатдошнинг гапдаги синтактик функцияси. II сифатдош ҳам гапда бир қанча вазифаларни бажаради.

1) II сифатдош аниқловчи вазифасида:

а) препозитив аниқловчи. Инглиз тилидаги бундай аниқловчи ўзбек тилида сифатдошнинг мажҳул даражасидаги-гап формасига тўғри келади.

He had received from Gemma by post a bundle of printed circulars (*E. L. Voynich*). Жемма унга босмахонада нашр қилинган бир боғлам эълон юборди (*Войнич*).

He took a neatly **folded** envelope from his breast pocket. (*Sh. Rashidov*). Йигит кўрагидан икки букланган хатни олди (*Ш. Рашидов*).

б) постпозитив аниқловчи. Постпозитив аниқловчи вазифасини бажариб келган II сифатдош аниқланмишдан кейин жой олади кўп ҳолатларда оборот составида ишлатилади.

The Gadily was sitting beside a table **covered with flowers and ferns**, staring at the flowers with an open letter on the knee (*E. L. Voynich*). Сўна гуллар қўйилган ёзув столи ёнида паришонлик билан ерга қараб ўтирар, тиззасида бир очиқ хат ётарди (*Войнич*).

The inhibitions **caused by oppression** have left him (*P. Abrahams*). Эзилиш туғдирган сиқиклик, қўрқувдан у, ниҳоят, қутулибди. (*П. Абрахамс*).

Юқоридаги мисоллардан аниқ кўринадики, ўзбек тили сифатдошлари оборот составида аниқланмишдан олдин келади.

в) ажратилган аниқловчи:

I сифатдош каби II сифатдош ҳам ажратилган аниқловчи вазифасини бажариб келади. Ажратилган аниқловчи вазифасидаги сифатдошли оборот препозитив ёки постпозитив ҳолатда туриши мумкин: 1) **Tortured by longing and sadness**, he blew out the lamps and followed his mother out into the empty darkness (*P. Abrahams*). 2). It seemed hard to see this dear study, the Padre's own private **anctum, invaded by a stranger** (*E. L. Voynich*).

2) II сифатдош қўшма от кесимнинг от қисми вазифасида:

They fried fish with the bacon and were **astonished** (*M. Twain*). Улар балиқларни гўштига қўшиб қовуриб олар эканлар, таажжубда қолдилар (*М. Твен*).

Tom was **paralysed**, he could not move (*M. Twain*). Том қўрққанидан қотиб қолди. У қўлини ҳам, оёғини ҳам қимирлата олмай қолган эди (*М. Твен*).

3) II сифатдош пайт, шарт, тўсиқсиз ва ўхшатиш ҳоли вазифасида кела олади. Ҳол вазифасида қўлланганда, II сифатдош **when, if, once, even though, although, as, of, as though** каби боғловчилар билан бирга келади.

а) пайт ҳоли:

He listened in silence: and **when asked**, according to the usual form, whether he had anything to say, merely waved the question aside with an important movement of his hand (*E. L. Voynich*). У индамасдан эшитди; расмий одатга кўра, айтадиган гапи бормийўқлигини сўрашганда, гаши келиб, қўлини силтаб қўя қолди (*Войнич*).

Several witnesses deposed concerning Potter's **quilty behaviour when brought to the scene of the murder** (*M. Twain*). Гувоҳлардан бир неча киши, Поттернинг ўлдирилган ерга олиб борилганда, унинг қилиқ ва ҳаракатларидан айбли экани сезилиб тургани ҳақида сўзлади (*М. Твен*).

б) шарт ҳоли:

And the pound of butter would last a week, if kept in cold water and she watched Mabel. (*P. Abrahams*). Агар совуқ сувга солиб қўйилса ва у Мейблдан кўз-қулоқ бўлиб турса, бир фунт ёғ бир ҳафтага етади (*П. Абрахамс*).

Once started, the revolution would take care of it self (*J. London*). Революция бошлағиб кетса, у ўз-ўзини таъмин қила олади (*Лондон*).

в) тўсиқсиз ҳол:

But a viper, even crushed and dying, strives to sting to the last (*Sh. Rashidov*). Аммо илон янчиб ташланганда ҳам, заҳар сочишга интилади (*Ш. Рашидов*).

She sat down, folded hands and followed his movevents with his eyes that were still beautiful, lightly touched up (*I. Turgenev*). Қовоғида хиёл чизиклар пайдо бўлган бўлса-да, ҳамон жуда гўзал кўзларини тикиб, уни кузата бошлади (*И. Тургенев*).

г) ўхшатиш ҳоли:

There was a single street lamp at the corner, and he saw by its light that she was hanging her head down, as though embarrassed or ashamed (*E. L. Voynich*). Кўча охирида биттагина фонарь бор эди. Мартини узоқдан турган ўша ёруғда Зитанинг тортинаётгандек ёки бирон нарсадан уялаётгандек, бошини солинтириб келаётганини кўрди (*Войнич*).

... Haley broke out afresh with becoming difference, but as if acturately driven by the force of truth to say a few words more (*B. Stower*).

... Гэли, гўё ҳақиқий ҳолни охиригача изҳор этиш тилаги билан тўлиб-тошгандек шу мавзуда яна гап бошлади (*Б. Стоу*).

Сифатдошли предикатив конструкциялар. Ҳозирги замон инглиз тилида қўйидаги сифатдошли предикатив конструкциялар мавжуд:

1. Сифатдошли объектив конструкция.
2. Сифатдошли субъектив конструкция.
3. Сифатдошли номинатив абсолют конструкция.
4. Сифатдошли предлогли абсолют номинатив конструкция.

Сифатдошли объектив конструкция (*The Objective Participial Construction*). Бу конструкциядаги сифатдош умумий келишиклари от ёки объектив келишигидаги олмошга нисбатан предикатив муносабатида бўлади. Масалан:

But his eyes stole to where Sarie stood and there was a jump of joy in his heart when he saw her watching him (*P. Abrahams*). I «wish you could show me what you see, carino», he said, as he looked up from his book, and saw Arthur stretched (*E. L. Voynich*).

Сифатдошли объектив конструкция гапда қўшма тўлдирувчи (*complex object*) вазифасини бажариб келади.

Сифатдошли объектив конструкция қўйидаги ҳолларда қўлланади: 1) *to see, to hear, to notice, to feel, to watch, to find* каби сезги маъносини билдирувчи феъллардан кейин:

The dangerous new-comer in the blue jacket, glancing swifly round saw only two farmers discussing their crops over a flask of

wine (*E. L. Voynich*). One afternoon in the following week Ricardo found him lying (*Ibid*). The children fastened their eyes upon their bit of candle and watched it melt slowly and pitiously away. (*M. Twain*). He found it locked and was obliged to vault the fence (*I. Turgenev*).

2) **to keep, to set, to start, to have** каби бирор ишни бажаришга мажбур қилишлик маъносини билдирадиган феъллардан кейин (бунда асосан конструкция составида I сифатдош ишлатилади):

Don't keep the fine waiting (*Th. Dreiser*). Fedya studied these pictures: They were all familiar to him down to the smallest detail: some of them, always the same ones, set him thinking and loosed his imagination (*I. Turgenev*). It's rather hard to have your husband running about like that, isn't it? said Hurstwood: addressing Carrie (*Th. Dreiser*).

3) **to want, to wish, to desire** каби истак-хоҳиш маъносини билдирадиган феъллардан кейин (бунда конструкция составида II сифатдош ишлатилади):

«It is all very well, gentlemen, to want the people helped at once» he said, looking around the red-hot radicals with his calm and pitying air (*E. L. Voynich*). We don't want anything changed here» (*P. Abrahams*).

4) **to have** ва **to get** феълларидан кейин (бунда ҳам конструкция составида доимо II сифатдош қўлланади):

So I had to have a bolt made at the smithy (*Sh. Rashidov*).

Lavretsky walked through out all the rooms, ...and had the doors opened everywhere (*I. Turgenev*).

Юқоридаги феъллардан кейин келган сифатдошли объектив конструкцияда иш-ҳаракати эга ифодалаган шахс таклифига биноан бошқа шахс томонидан бажарилган бўлади.

Сифатдошли субъектив конструкция (The Subjective Participial Construction). Бу конструкция ҳам икки элементдан ташкил топиб, биринчи элемент умуий келишикдаги от ёки номинатив келишикдаги кишилик олмоши билан, иккинчи элемент эса сифатдош билан ифодаланади. Бу конструкциянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг икки элемент бошқа-бошқа синтактик вазифаларни бажариб келади. От элемент гапда эга вазифасини, феъл элемент эса қўшма феъл кесимнинг қисми бўлиб келади. Масалан:

At the windows dark figures could be seen hanging blackout clothes (*Turgenev*). Lavretsky was left standing alone on the steps, and he gazed down the road until the tarantass was no longer in sight (*I. Turgenev*). Once more stewards, bailiffs and all manner of common folk could be seen coming to the back entrance to speak to the old skinflint (*Turgenev*). He would often be found sitting in the corner (*Turgenev*).

Сифатдошли номинатив абсолют конструкция (The Nominative

Absolute Participial Construction). Ҳозирги замон инглиз тилида сифатдошли номинатив абсолют конструкция мавжуд бўлиб, унинг от элементи умумий келишикдаги от ёки номинатив келишикдаги кишилик олмоши билан ифодаланади. Баъзан от элемент **that, it** олмошлари ёки **there** сўзи билан ҳам ифодаланиб келиши мумкин. Конструкциянинг феъл элементи сифатдош билан ифодаланади. Масалан:

The preacher saw Mako and hurried forward, **his cheeks puffed out in anger** (*P. Abrahams*). ... and she sat listening silently, **her chin resting on one hand** and her eyes on the ground (*E. L. Voynich*).

Сифатдошли номинатив абсолют конструкция гапда *пайт, сабаб ва кетма-кет иш-ҳаракатни ифодаловчи ҳол вазифасини баъжариб кела олади.*

1) пайт ҳоли:

The congregation **being fully assembled now**, the bell rang once more to warn laggards (*M. Twain*).

Черков халқ билан **лиқ тўлгандан кейин**, кечикканларни огоҳлантириш учун яна қўнғироқ чалдилар. (*М. Твен*).

The work **finished** we went home.

Иш **тамом бўлгач**, биз уйга кетдик.

2) сабаб ҳоли:

She would gladly have stopped at the door to listen, as she came out: **but her mistress just then calling**, she was obliged to hasten away (*B. Stower*). У эшик ёнида туриб, яна қулоқ соларди-ю, лекин шу чоғ бекаси чақириб қолганлигидан унинг ёнига кетди. (*В. Стю*).

Not a soul was in sight, **all the hands being employed in the fields** (*M. Twain*). Ҳамма далада, ишда бўлганлигидан, фермада ҳеч ким йўқ эди. (*М. Твен*).

He dismissed her at length, and after long hesitation **Varvara Pavlovna not having returned**—he decided to go to the Kalitins... (*I. Turgenev*). У ниҳоят, уни чақириб юборди-да, **Варвара Павловна ҳануз қайтиб келмагани сабабли**, Қалитинларникига боришга аҳд қилди (*И. Тургенев*). 3) Кетма-кет ҳаракатни ифодаловчи ҳол:

The tarantass drove into the yard, **its wheels rustling over the nettles...** (*I. Turgenev*). Тарантас ғилдираклари билан қичитқини эзиб-янчиб, ҳовлига кирди (*И. Тургенев*).

«None of your business», Fieta said calmly and walked down the High Street, **hips swaying freely, proud head carried high** (*P. Abrahams*).—Ишинг бўлмасин,—Фиета вазмин жавоб берди-да, сонларини лорсиллатиб, мағрур бошини тик тутганича катта кўчадан юриб кетди (*П. Абрахамс*).

Montanelli came slowly down the steps, **the people crowding about him to kiss his hands** (*E. L. Voynich*). Монтанелли секин паства туша бошлади, кишилар эса унинг қўлини ўпиш учун атрофини ўраб олдилар. (*Э. Л. Войнич*).

«I'm not a slave!» she cried, tears brimming her eyes (*P. Abrahams*). Мен чўри эмасман!— деб қичқирди Мейбл кўзлари жикқа ёшга тўлиб (*П. Абрахамс.*)

Сифатдошли предлогли абсолют конструкция (*The Prepositional Absolute Participial Construction*). Бу конструкциянинг от элементи умумий келишикдаги от ёки объектив келишикдаги олмош билан, феъл элементи эса I сифатдош ёки II сифатдош билан ифодаланиб келади.

Сифатдошли предлогли абсолют конструкция гапда кетма-кет ҳаракатни билдирувчи ҳол вазифасини ўтайди. Масалан:

His movement was a sort of left footed running jump with his right leg trailing slightly behind (*P. Abrahams*). У ўнг оёғини судраб, чап оёғида қилтанг-қилтанг қилиб сакраб юрарди (*П. Абрахамс.*)

«It—it is not Domenichino I want to save», he stammered at last, with his face half-buried in the cat's fur (*E. L. Voynich*). Сўна юзини мушук юнглари ичига қаратиб, яшириб туриб, ғудурлади:— Мен—мен Доминикинони қутқарай деяётганим йўқ (*Э. Л. Войнич.*)

Fieta sat with her hands cupping her chin, staring at a corner of the little kitchen (*P. Abrahams*). Фиэта кафтига даҳанини тираб, кичкина ошхонанинг бурчагига тикилиб ўтирарди. (*П. Абрахамс.*)

«Why am I sitting here with my head buried in a bush like an ostrich?» (*Turgenev*).— Нега энди бошини бута орасига суқиб турган туяқуш сингари бу ерда беркиниб ўтирибман, ахир? (*И. Тургенев.*)

57- §. Герундий (*The Gerund*)

Герундий ҳам сифатдош сингари феълнинг шахсиз формаларидан бири бўлиб, унда феъллик ва отлик хусусиятлари мавжуд. Герундийнинг отлик белгилари қуйидаги ҳолларда яққол кўрилади:

1) от каби герундий ҳам предлог олиши мумкин:

He touched it now as he spoke of going (*Th. Dreiser*). ...but assistant professor managed to dig his heels into the gutter, steeping himself from going off the roof (*B. Malamud*). I never in my life saw men so careless of the morrow: hand to mouth is the only word that can describe their way of doing... (*K.L. Stevenson*).

2) герундий олдидан қаратқич келишигидаги от ёки эгалик олиши туриши мумкин:

I wonder at Jolyon's allowing this engagement (*J. Galsworthy*). «There's no use your packing up now» (*Th. Dreiser*). There was so much warmth in it and such tense complaint at her having failed to melt him (*Th. Dreiser*).

3) от каби герундий гапда эга, тўлдирувчи ва қўшма от келишининг от қисми вазифасини бажариб келади:

а) герундий эга вазифасида:

They are under the illusion that **talking** effects great results (Th. Dreiser).

б) герундий тўлдирувчи вазифасида:

«Say, mister», said a voice at Hurtswood's side, «would you mind **giving** me the price of a bed?» (Th. Dreiser).

в) герундий қўшма от кесимнинг от қисми вазифасида:

Seeing is **believing**.

Герундийнинг феъллик хусусиятлари қуйидагилар:

1) герундий феъл каби перфект ва нисбат категорияларига эга.

	Аниқ нисбат	Мажхул нисбат
Перфект бўлмаган форма	writing	being written
Перфект форма	having written	having been written

2) ўтимли феъллардан ясалган герундий воситасиз тўлдирувчи олиши мумкин:

Already he took controll in **directing the konversation** (Th. Dreiser). «You ought to pay for **seeing your old friends**. Bother the show» (Th. Dreiser). I don't spend all my time in **correcting proofs** (E. L. Voynich).

3) герундий феъл каби равиш билан изоҳланиб келиши мумкин:

«Do you mind **eating early?**» Pauline asked (Malamud). But he had done the right thing in **coming here** (P. Abrahams). A youth with tan-coloured hair, that needed **clipping very badly**, came shuffling along between the machines... (Dreiser).

Герундийда перфект категорияси. Герундийдаги перфект категорияси заминда перфект бўлмаган формалар билан перфект формалар оппозицияси (қарама-қаршилиги) ётади. Масалан: reading — having read, being read—having been read.

Перфект бўлмаган герундий ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат билан бир вақтда содир бўлади:

I thought of **doing** that (Th. Dreiser). Lavretsky felt like **killing** himself at that moment (I. Turgenev).

Перфект герундий ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатдан аввал содир бўлади:

This he dragged on for another two years and died early in May **after having been carried out** on balcony in the sunlight. (I. Turgenev). I denied myself for **having denied life** (I. Malamud). She complained of a headache and of **having had a bad night** (I. Turgenev).

Герундийда нисбат категорияси. Ўтимли феъллардан ясалган герундий аниқ ва мажхул нисбатга эга.

а) аниқ нисбатдаги герундий:

On **hearing** Lavretsky's name, Marya Dmitriyevna was thrown into a flutter: She paled as she came forward to **meeting** (*Turgenev*).

б) мажхул нисбатдаги герундий:

«I'll see you later», he said with a pretence of disturbance at **being interrupted** (*Th. Dreiser*).

Шу нархани қайд қилиб ўтиш керакки, **to want, to need, to deserve, to require** феъллари ва **worth** сифатидан кейин қўлланган аниқ нисбатдаги герундий формаси мажхул нисбат маъносини ифодалайди:

A youth with tan-coloured hair, that needed **clipping** very badly, came shuffling along between machines (*I. Turgenev*). Carrie was indeed worth **living** (*Th. Dreiser*). I had hoped he was worth **defending** (*B. Malamud*).

Герундийнинг гапдаги синтактик вазифалари. Герундий гапда турли синтактик вазифаларни бажариб келиши ва у ёлғиз ўзи ишлатилиши ёки сўз бирикмаси составида келиши мумкин.

1) герундий эга вазифасида:

Waiting was a strain (*R. H. Stevenson*). **Being now forty three years of age and comfortable** built, walking was not easy. (*Th. Dreiser*). **Slanging the Jusuits** won't take all his time (*Voynich*). **Taking chair here** was painful to him (*Th. Dreiser*).

2) герундий қўшма модал феъл кесимнинг қисми вазифасида:

She couldn't help **smiling** as he told her of some popular actress of whom she reminded him (*Th. Dreiser*). Carrie turned before the glass. She could not help **feeling** pleased as she looked at herself (*Th. Dreiser*).

3) герундий предикатив вазифасида:

Our aim is **learning** to speak English fluently.
Deciding is **acting**.

4) герундий тўлдирувчи вазифасида:

а) воситасиз тўлдирувчи:

to avoid, to begin, to like, to dislike, to enjoy, to finish, to hate, to forget, to have, to learn, to intend, to need, to mean, to regret, to recollect, to remember, to start, to try, to mind, to mention, can't stand, to stop, to want феълларидан кейин ишлатилган герундий воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажариб келади.

Remembering his peculiar sensitiveness on the subject of his own physical defects, she had avoided **mentioning** this particular bit of the entertainment (*Voynich*). She was elated and began **figuring** at once (*Th. Dreiser*). Pauline said she would whip up something for supper, nothing elaborate, as soon as the sister had finished **feeding** the children in the kitchen (*B. Malamud*). I didn't mind **giving** his family a fair share of all that he earned (*Th. Dreiser*). I remember **seeing** pictures of bread line in New York (*B. Malamud*). He could not for the life of him remember her name or recollect ever **having seen** her (*I. Turgenev*). If he would rather **give up teaching**, her

uncle in San Francisco would help him find a job (*I. Turgenev*). The child stopped crying. (*B. Malamud*).

б) предлогли тўлдирувчи

to think of, to complain of, to dream of, to excuse somebody for, to succeed in, to object to, to insist on, to feel like, to accuse of, to depend on, to begin by, to finish by, to thank somebody for, to look forward to, to stop somebody from, to prevent somebody from, to save somebody from, to speak of каби феъл ва сўз бирикмаларидан кейин келган герундий предлогли тўлдирувчи вазифасини ўтайди:

I began to think of clearing it from its last passenger—the dead man, O'Brien (*R. L. Stevenson*). He thought he would go out and insist on seeing her if she didn't send him word of some sort soon (*Th. Dreiser*). Lavretsky felt like killing himself at that moment (*I. Turgenev*). Levin did better: more than once she insisted on adding something to his inexpensive meal (*B. Malamud*). She complained of a headache and of having had a bad night (*I. Turgenev*)... and God only knows whether he would have succeeded in getting back to Russia in the winter—meanwhile he was leaving with his wife for Baden—Baden (*I. Turgenev*). He had almost admitted that somehow he was depending upon her being in the city (*Th. Dreiser*). «The notebook», said Levin», also contains the names of some of our colleagues who have nothing to do with Pauline or me, and who might seriously object to being spied on (*B. Malamud*). He touched it now as he spoke of going. (*Th. Dreiser*).

5) герундий аниқловчи вазифасида:

Герундий бу вазифада келганда унинг олдида доимо предлог туради. Масалан:

Well, gentlemen, that saves the trouble of putting him in irons (*R. L. Stevenson*). He had no power of analysing the glance and the atmosphere of a man like Hurstwood (*Th. Dreiser*). There will be no need of going to the country (*I. Turgenev*). ... but thought of returning to his native land had never deserted him amid all his tribulations (*I. Turgenev*). She abandoned the thought of appealing to the other department stores (*Th. Dreiser*).

6) герундий ҳол вазифасида:

Бу вазифани бажарган герундий формаси ёки бирикмаси олдида доимо предлог қўлланади. Герундий пайт, равиш, мақсад, сабаб ва кетма-кет иш-ҳаракатни ифодаловчи ҳол вазифасида ишлатилади.

а) пайт ҳоли вазифасини бажариб келган герундий **after, before, on (upon), in, at** каби предлоглар билан қўлланади:

After releading, we walked down the outside of the palisade to see the fallen enemy (*R. L. Stevenson*). We would go to sleep and get a little rest before beginning his filing (*E. L. Voynich*). In thinking it over, we'll use the books your committee recommended (*B. Malamud*). The Gadfly, on receiving information of this, was to file through the bars of his window (*E. L. Voynich*). Clare turned at hearing her footsteps (*T. Hardy*).

б) равиш ҳоли функциясини бажариб келган герундий *by, in* предлоглари билан қўлланади.

Have you anything to say to me, now I am here, or have you sent for me merely to amuse yourself **by insulting an old man?** (*E. L. Voynich*). I am taking upon myself a tremendous responsibility **in opposing the colonel** (*E. L. Voynich*). I had better take the key, Gemma, so as not to wake anyone **by ringing** (*E. L. Voynich*).

в) мақсад ҳоли функциясида ишлатилганда герундий *for* предлоги билан келади:

An old basket, used **for decending**, was hanging there, fastened by a worn tape (*Th. Dreiser*).

г) сабаб ҳоли функциясида келганда, герундий *for, for fear, of, owing to* предлоглари билан ишлатилади:

Pardon me **for saying so.** (*B. Malamud*). ... and Carrie would be rewarded **for coming and tolling in the city** (*Th. Dreiser*). There was a good dinner in the flat that evening, **owing to the mere lifting of the terrible strain.** (*Th. Dreiser*).

д) кетма-кет бўлаётган иш-ҳаракатни ифодаловчи ҳол вазифасида келганда, герундий *without* предлоги билан қўлланади:

And he turned and groaned, but **without awaking** (*R. L. Stevenson*). **Without much thinking**, she reached Dearborn Street (*Th. Dreiser*). The girl sat **without stirring** her elbows propped on the velved of the box (*I. Turgenev*). Hurstwood thought over the preposition a few moments **without answering** (*Th. Dreiser*).

Герундийли предикатив конструкция. Сифатдош каби герундий ҳам предикатив конструкция составида ишлатилиши мумкин.

Герундийли предикатив конструкциянинг от элементи одатда қаратқич келишигидаги от ёки эгалик олмоши билан ифодаланган бўлиб, феъл элементи герундий билан ифодаланади:

Mabel's crying turned into curses (*P. Abrahams*). Levin, though excited by their coming, was a little afraid of them for their looks ... (*B. Malamud*).

Баъзан герундийли предикатив конструкциянинг от элементи умумий келишигидаги от ёки объектив келишигидаги кишилик олмоши билан ҳам ифодаланиб келади:

Excuse me **interrupting** you. Not a day passed without **Glafira reminding** her of her former status and commending her for knowing her proper place (*I. Turgenev*). She seemed outraged at the thought of **him sleeping** on the floor (*P. Abrahams*).

Герундийли предикатив конструкция гапда қуйидаги вазифада келиши мумкин:

1) қўшма эга (complex subject) вазифасида:

Mabel's eating was the bane of her life. (*P. Abrahams*). **Your coming** home has made me as foolish as a young girl of nineteen (*P. Abrahams*).

2) қўшма тўлдирувчи (complex object) вазифасида:

Looking out early on Wednesday he spied **her coming** up the back stairs (*B. Malamud*). She came with her son and Mar-

ya Timofeyevna, who would not hear of her going alone and was determined to take her part if need be (*I. Turgenev*). Still she remembered what Drouet said about his having stolen the money (*Th. Dreiser*).

3) қўшма аниқловчи (complex attribute) вазифасида:

The rumours of **Celia's coming** had reached him earlier in the day (*P. Abrahams*). There's no chance of **anyone coming** in on us? Levin asked (*B. Malamud*). «She was in Paris until recently: now there is talk of **her having gone off to Italy**» (*I. Turgenev*).

4) қўшма ҳол (complex adverbial modifier) вазифасида:

The two of them managed to get as far as Omaha, where, **because of their carousing** they were ejected from the train (*B. Malamud*). With effort she choked down the urge to shout at him, to tell him that things didn't end **by one person's not wanting to talk about them**. (*P. Abrahams*). «You silly men, what good are your prays... Everyone is awake **without your calling**» thought Katrine (*Moscow News*).

Герундий, сифатдош ва отлашган феъл. Герундий, сифатдош ва отлашган феъл омонимик формалар бўлиб, уларни бир-бирларидан ажратиш кўп ҳолларда катта қийинчиликларга олиб келади. Шундай бўлишига қарамасдан уларни бир-бирларидан ажратиш мумкин.

Герундий сифатдошдан қуйидаги белгилар билан фарқ қилади:

1) герундий предлог олади, сифатдош эса ололмайди:

He spoke **of** going there.

2) герундий олдидан эгалик келишигидаги от ёки эгалик олмоши келиши мумкин, сифатдош эса улар билан кела олмайди:

I rely **on** your coming.

I rely **on** Tom's coming.

3) герундий гапда эга бўлиб келиши мумкин, сифатдош эса эга вазифасида кела олмайди:

Dancing had not begun yet (*Mansfield*).

4) аниқловчи вазифасидаги герундийнинг аниқловчи вазифасидаги сифатдошдан фарқи шундаки, герундийнинг аниқланмиши иш-ҳаракатнинг бажарувчиси бўлмайди, сифатдошнинг аниқланмиши эса иш-ҳаракатни бажарувчи бўлади. Буни қуйидаги трансформациядан кўриш мумкин.

a dancing hall → The hall dances.

a dancing girl → The girl is dancing.

Трансформациядан кўринадики, биринчи ҳолатда **dancing** сўзи герундий, чунки у аниқлаб келган **hall** сўзи иш-ҳаракатни бажарувчиси эмас, иккинчи ҳолатда эса, сифатдош, чунки у аниқлаб келган **girl** сўзи иш-ҳаракатни бажарувчиси дир.

Герундий билан **-ing** морфемасини олган, отлашган феълнинг фарқи қуйидагилар:

айлантириб бўлади деган белги

айлантириб бўлмайди деган белги.

1) герундий феъллик ва отлик хусусиятига эга, отлашган феъл эса фақат отлик хусусиятига эга.

2) герундий артикль билан кела олмайди, отлашган феъл эса кела олади:

He gave me a good brushing.

3) герундий кўплик қўшимчасини ололмайди, отлашган феъл эса ололади.

Our likings are regulated by our circumstances (*Ch. Bronte*).

4) герундий воситасиз тўлдирувчи олиши мумкин, отлашган феъл эса ололмайди.

He gave up reading books (герундий), Meanwhile Gwendolen was rallying her nerves to the reading of the paper (*Elliot*) (отлашган феъл).

5) герундий ҳол олиши мумкин, отлашган феъл эса аниқловчи олиши мумкин.

Drinking, even temperately, was asin (*Th. Dreiser*) (герундий).

He took a good scolding about clodding Sid (*M. Twain*) (отлашган феъл).

58- §. Инфинитив

Сифатдош ва герундийлар каби инфинитив ҳам феълнинг шахсиз формаси бўлиб, унда феъллик ҳамда отлик хусусиятлари мавжуд.

Инфинитивнинг феъллик хусусияти қуйидагилар:

1) инфинитив ҳамма феъллар қатори даража, перфект ва аспект категорияларига эга.

2) ўтимли феълларнинг инфинитив формаси воситасиз тўлдирувчи олиши мумкин:

He had faith fully promised to marry her, and this was the way he fulfilled his promise (*Th. Dreiser*). All the young girls will be here to night to examine you (*P. Abrahams*). «My mother will be glad to see you» Liza said (*I. Turgenev*).

3) у равиш билан изоҳланиб кела олади:

Pray and Hunter were the first to come forward. (*R. L. Sten-son*). Carrie began to move quickly to the door (*Th. Dreiser*).

Инфинитивнинг отлик хусусиятлари у бажарган синтактик функцияларда ифодаланлади:

а) инфинитив гапда от каби эга вазифасида келиши мумкин:

To change intention changes fortune (*B. Malamud*). It was ridiculous at his age to put on student's uniform (*I. Turgenev*).

б) предикатив бўлиб кела олади:

His ambition was some day to build a house on them (*Th. Dreiser*). His first impulse was to write but four words in reply— «Go to the devil!» (*Th. Dreiser*).

в) инфинитив тўлдирувчи вазифасини бажариб кела олади:

I hate to be late (*B. Malamud*). ...And you should have seen, how the two gentlemen leaned forward and looked at each other;

and forgot to smoke in their surprise and interest (*L. S. Stevenson*), He had asked to be buried beside Anna Pavlovna and «Malaska» (*Nest*)

Инфинитивда перфект категорияси. Инфинитивдаги перфект категорияси перфект бўлмаган формалар билан перфект формаларни қарама-қарши қўйишга асосланган. Масалан:

to read — to have read
to write — to have written

Перфект бўлмаган формалар ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракат билан бир пайтда содир бўлади. Масалан:

Last of all Celia said good-buy. It was hard to leave her (*P. Abrahams*). «I suppose Monsier Lemm», Marya Dmitrievna said, «you have come to give Liza her music lesson?» (*I. Turgenev*). Who is it you wish to see? he asked. (*Th. Dreiser*) «He wants to be picked up», Pauline said (*B. Malamud*).

Инфинитивнинг перфект формаси ифодалаган иш-ҳаракат шахсли феъл ифодалаган иш-ҳаракатдан аввал содир бўлади. Масалан:

The secretary seems to have stepped out a minute? (*B. Malamud*) Several shots were fired but such was the hurry of the markmen that not one appears to have taken effect (*E. L. Stevenson*).

Инфинитивда нисбат категорияси. Утимли феъллардан ясалган инфинитив аниқ ва мажҳул нисбатни кўрсатувчи формаларга эга бўлади. Демак, нисбат категорияси инфинитивдаги аниқ формаларни мажҳул нисбатдаги формаларга қарама-қарши қўйишга асослангандир. Масалан:

to read — to be read
to have read — to have been read

He loved the changing panorama of the street — to see and to be seen as he dined (*Th. Dreiser*). ... he could not keep from desiring her — to consume and to be consumed (*B. Malamud*).

There is конструкцияси билан бошланадиган гапларда инфинитив аниқ ва мажҳул нисбатда келиши мумкин:

«There's so much to do (or to be done) (*B. Malamud*). There was nothing more to do (or to be done) (*P. Abrahams*).

Бундай гапларда аниқ нисбатдаги инфинитив мажҳул нисбатдаги инфинитивнинг маъносини англатади.

Инфинитивда аспект категорияси. Инглиз тилидаги инфинитив умумий ва давомли аспектдаги формаларга эга. Масалан: to read — to be reading, to have read — to have been reading.

Умумий аспектдаги инфинитив шахсли феъл билан бир вақтда бўлган иш-ҳаракатни кўрсатади. Шахсли феъл ҳозирги, ўтган ва келаси замонга тегишли иш-ҳаракатни ифодалаши мумкин. Масалан:

Let's go up here and have something to eat (*Th. Dreiser*). The best thing he could do was to get out of here (*P. Abrahams*).

Давомли аспектдаги инфинитив ифодалаган иш-ҳаракат ҳам шахсли феъл ифодаланган иш-ҳаракат билан бир вақтда содир бўлади, лекин у давом этаётган бўлади. Масалан:

He seemed to be **realizing** for the first time what it was that made life worth living (*I. Turgenev*). Pauline seemed to be **listening** to something going on in another part of the house (*B. Malamud*).

Инфинитивнинг гаптаги синтактик вазифаси. Инфинитив гапта турли синтактик вазифаларни бажаради. У бу функцияларда ёлғиз ҳолда ва оборот составида келади. Охириги ҳолат айниқса кўпроқ учрайди.

1) инфинитив гапта эга вазифасида:

To have a number of notes here was for suspicion (*P. Abrahams*). To see him leap and run and pursue me over hedge and ditch was the first of night mares. To pay her would soon become a distressing thing (*Th. Dreiser*). To discover him at Ralliver's, to sit there for an hour or two by his side and dismiss all thought and care of the children during the interval, made her happy (*T. Hardy*).

It олмоши билан бошланган гапларда, инфинитив орқали ифодаланган эга, кесимдан кейин туради:

It was difficult to **know** what to do (*Stevenson*). It's not very hard to get now, put in Hanson, «If you look right?» (*Th. Dreiser*).

2) инфинитив қўшма от кесимнинг от қисми вазифасида:

All they would do was to **give me a loaded pistol** lest we were attacked (*Stevenson*). The first duty of a good leader is to **carry out orders**. (*B. Malamud*).

3) инфинитив қўшма модал феъл кесимнинг қисми вазифасида:

I think I can **find** something for you to do (*Th. Dreiser*). I am **told I am not to prosecute you** (*Stevenson*).

4) инфинитив тўлдирувчи вазифасида:

...And Grey took his pipe out of his mouth and fairly forgot to **put** it back again. I hate to **be late** (*B. Malamud*). Don't forget to **post** the letter.

5) инфинитив қўшма тўлдирувчининг қисми вазифасида:

I saw **him come**. «Not at all» said Hurstwood «I would want your husband to do as much for me» (*Th. Dreiser*). Hurstwood wished her to **go on** (*Ibid*).

6) инфинитив аниқловчи вазифасида:

Her decision to **hunt for work** was moderately strong. (*Dreiser*). I have not the slightest desire to **talk to you** (*Stevenson*).

7) инфинитив ҳол вазифасида қўлланади:

а) мақсад ҳоли:

All the young girls will be here tonight to **examine you** (*P. Abrahams*). Lanny reached down to **pick up** his cases (*P. Abrahams*). On Monday she rose early and prepared to **go to work** (*Th. Dreiser*).

б) натижа ҳоли:

...I was **glad to see you** (*Stevenson*). I was **glad to see you** (*Stevenson*).

Carrie started at the name, but recovered quickly enough to avoid notice (*Th. Dreiser*). If I could only get enough to let her out easy (*Ibid*) «You're too young to put on air with your mother (*Th. Dreiser*).

в) инфинитив ўхшатиш ҳоли вазифасида келганда **as if** ва **as though** боғловчилари билан бирга ишлатилади:

His head was close to his mother's bosom, and while he blew she raised her hand, moved it **as though to lay** it on his head then pulled it away again (*P. Abrahams*). ...And the doctor **as if to hear** the better had taken off his powdered wig and sat there (*Stevenson*). The remaining individual took up a paper **as if to read** (*Th. Dreiser*).

г) инфинитив кетма-кет келаётган иш-ҳаракатни ифодаловчи ҳол вазифасида:

Hunter lay beside his loophole stunned: Joyce by his shot though his head never **to move** again (*Stevenson*). He went never **to return**.

8) инфинитив кириш сўз вазифасида:

Well, **to make a long story short**, we got a few hand on board made a gold cruise home ... (*Stevenson*). In fact sir I believe I have the thing in my breast and, **to tell you the truth**. I should like to get it put in safety (*Ibid*). I got the rum, **to be sure**, and tried to put it down his throat (*Ibid*).

Инфинитивли объектив конструкция (The Objective with the Infinitive Construction). Инфинитивли объектив конструкциянинг биринчи элементи объектив келишиқдаги кишилиқ олмоши ёки умумий келишиқдаги от билан, иккинчи элементи инфинитив билан ифодаланиб, биринчи элементга нисбатан предикатив муносабатда бўлади. Инфинитивли объектив конструкция гапда қўшма тўлдирувчи вазифасини бажаради. Масалан:

From my place of ambush, I could hear **him pant** aloud as he struck the blows (*Stevenson*) «You see, I really don't want **you to go**, Lanny (*P. Abrahams*).

Инфинитивли объектив конструкция қуйидаги феъллардан кейин ишлатилади:

1) **to hear, to see, to watch, to feel, to observe, to notice** каби сезиш ва ҳис этиш маъносини билдирадиган феъллардан кейин:

A few times she had seen her at the piano in the parlour, and not infrequently had heard **her play** (*Dreiser*). My eyes tuned instinctively in that directions and I saw a **figure leap** with great rapidity, behind the trunk of a pine (*Stevenson*). «I notice the **papers praise it**», said Ames (*Ibid*). Florence felt the satire **to be both ungenerous and unfair**. (*Voynich*). At the same time, observing **Gray to be unarmed**, I handed him my cutlass (*Stevenson*).

2) **to want, to like, to wish, to desire, to intend, to choose, to prefer, to mean** каби истак-хоҳиш маъносини ифодаловчи феъллардан кейин:

Carrie wants **us to go** to the theatre, she said, looking upon her husband (*Th. Dreiser*). You wish **us to keep** this matter dark (*Ste-*

venson). Would you like us to drink through the campas?» (*B. Ma-lamud*).

3) to know, to think, to consider, to believe, to imagine, to find, to trust каби ақлий фаолиятни билдирувчи феъллардан кейин.

I think it to be most probable,—though of course its only an opinion—that you'll all have the deuce to pay before you get that malaria out of your Systems (*R. L. Stevenson*). From her position he knew it to be the pretty maiden with whom he had not danced (*T. Hardy*).

I believe it to be true. ...He said that he considered you to be one of those supporting his candidacy for department head (*B. Ma-lamud*).

4) to order, to ask, to say, to mention, to allow, to permit, to let каби буйруқ ва рухсат маъноларини ифодаловчи феъллардан кейин:

... and I order you to follow your Captain (*Stevenson*). Marya Dmitriyavna asked Panshin to sing his song again (*I. Turgenev*). Mr. Dance told me to jump down and knock (*R. L. Stevenson*). Ah, permit me to kiss your snow—white little hands. (*I. Turgenev*). Nor would he allow any one to leave the inn till he had drunk himself sleepy and reeled off to bed.

5) to make, to force, to cause, to get, to have каби каузатив феъллардан кейин:

What made you go there (*Th. Dreiser*) ... but sometimes he would call for glasses round, and force all the trembling company to listen to his stories or bear a chorus to his singing (*R. L. Stevenson*). «The man has come home—where would you have him go?» (*I. Turgenev*).

Инфинитивли субъектив конструкция (The Subjective with the Infinitive Construction). Инфинитивли субъектив конструкциянинг биринчи элементи номинатив келишидаги кишилик олмоши ёки умумий келишидаги от билан, иккинчи элементи эса инфинитив билан ифодаланади.

Гапнинг кесими инфинитивли субъектив конструкциянинг элементларини бир-биридан ажратиб туради ва бу элементлар турли функцияни бажариб келадилар. Конструкциянинг биринчи элементи гапда эга функциясини, иккинчи элементи эса қўшма феъл бўлган кесимнинг қисми вазифасини бажаради. Ма-садан:

The general managed somehow to extricate himself from it, but his carrier was ruined and he was advised to retire (*I. Turgenev*).

Инфинитивли субъектив конструкция қуйидаги феъллардан кейин ишлатилгани мумкин:

1) to see, to hear каби сезги маъносини ифодаловчи феъллардан кейин:

He was seen to enter the room.

Mr. Bod Sowyer was heard to laugh heartily (*Dickens*).

2) to think, to consider, to know, to expect, to believe, to suppose
каби ақлий фаолиятни билдирувчи феъллардан кейин:

Why, you were born in my hands, you rogue. Well, never mind that: how could you be expected to think of me! (*I. Turgenev*). The men who were executed in Bologna are known to have been nothing but common malefactors... (*Voynich*).

3) to advise, to allow, to order, to permit, to make, to tell, to issue
каби буйруқ, илтимос, маслаҳат, ва руҳсат маъноларини ифода-
ловчи феъллардан кейин:

Lemm was advised to leave Russia (*I. Turgenev*). If we had been allowed to sit idle, we should all have fallen in the blues, but Captain Smollet was never the man for that (*Stevenson*). An order was also issued not to receive former guests. (*I. Turgenev*).

4) to seem, to appear, to happen, to prove, to turn out
каби аниқ нисбатдаги феъллардан кейин:

«I seem to be getting very bad» (*Th. Dreiser*). The ship proved to be a good ship (*Stevenson*). «What I want to know», she said, is why have you come so far? Was it some special reason, or just the job happened to be here?» (*B. Malamud*).

5) to be likely, to be sure, to be certain
каби сўз бирикмала-
ридан кейин:

... before the week was out he was sure to think better of it (*R. L. Stevenson*). If we keep near to the bridge we shall be sure to see him well (*Voynich*). «Oh, I'm not likly to get killed (*Voynich*).

6) to say, to report
феълларидан кейин:

The clergyman explained that, as for as he was aware, it had quite died out of knowledge, and could hardly be said to be known at all (*T. Hardy*). After a short investigation Abu-salmon and several of his men ran to that part of the city which was reported to have been seized by an English Company (*Moscow News*). «First, then you are said to have been smuggling firearms into this district» (*Voynich*).

For предлогли инфинитив конструкция. *For* предлогли инфинитив конструкция инфинитивли объектив ва субъектив конструкциялар каби икки элементдан иборат бўлиб, биринчи элемент *for* предлогини олган умумий келишикдаги от ёки объектив келишикдаги олмош билан, иккинчи элемент инфинитив билан ифодаланади.

For предлогли инфинитив конструкция гапда қуйидаги вазифада келади:

1) эга вазифасида:

For you to go there just now would be to walk into a trap with your eyes open. (*E. L. Voynich*). It would be impossible *for* her to live with him (*Th. Dreiser*).

2) қўшма от кесимнинг от қисми вазифасида:

«It is *for you to speak*», says Mr. Trelawney grandly. (*R. A. Stevenson*). It was *for him to brush the doubt away and clear the path* if he could. (*Th. Dreiser*).

3) қўшма тўлдирувчи вазифасида:

He pictured both of them in the hall waiting for his class to let out before the bell rang. (*B. Malamud*). But he waited for her to come to grips with him. (*B. Malamud*). I could see it was in vain for me to contend in speed with such an adversary. (*R. L. Stevenson*).

4) қўшма аниқловчи вазифасида:

There was no time left for him to answer in. (*Stevenson*) I think I can find something for you to do. (*Th. Dreiser*) ...you, just ask old John, and he'll cut a snack for you to take along. (*Stevenson*).

5) ҳол вазифасида:

а) мақсад ҳоли:

Allow me, signora! He rang the bell, and, limping to the door, opened it for her to pass out (*Voynich*). He opened the study door and held it for her to pass in. (*Voynich*). I have brought this book for you to read.

б) натижа ҳоли:

It seemed as if it was all closed to her, that the struggle was too fierce for her to hope to do anything at all (*Th. Dreiser*). Every Hall was too far away for him to look back and shapely remember. (*Th. Dreiser*).

Инфинитивнинг *to* юкламасисиз қўлланиши. Инглиз тилида *to* юкламаси инфинитивнинг белгиси ҳисобланади, бироқ у кўпинча *to* юкламасисиз ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан:

1) *ought* феълидан бошқа модал феъллардан кейин:

«Speak up: we can't hear!» (*Voynich*). ...but he must have been watching me closely. (*Stevenson*).

2) ёрдамчи феъллардан кейин:

«Do you know how to stick cups?» he returned. (*Th. Dreiser*). «I am glad of that. Will it do us any good, mother?» (*T. Hardy*). What time do you get up to get breakfast?» asked Carrie. (*Dreiser*).

3) *to see, to hear, to feel, to notice, to watch* каби сезиш ва ҳис этишни ифодаловчи феъллардан кейин:

4) *to make, to have* каузатив феъллардан кейин:

And they made me sit down at table beside them, poured me out a glass of wine... (*Stevenson*). I won't have you talk so loudly. He made her take it. (*Th. Dreiser*),

5) *to let* феълидан кейин:

He had taken me aside one day and promised me a silver four penny on the first of every month if I would only keep my «weather eye for a seafaring man with one leg» and let him know the moment he appeared. (*R. L. Stevenson*). I would ask you to let me resign. (*R. L. Stevenson*).

6) *had better, would rather, would sooner, cannot but, cannot choose but, nothing but* каби иборалардан кейин:

«I don't think you'd better try more this fall», said Minnie (*Th. Dreiser*). «You don't say», said Levin, «Maybe I'd better not disturb»

him». (*R. Malamud*). I'd rather not tell you why, mother: indeed I don't quite know why». (*Ibid*).

7) Why not сўзлари билан бошланадиган гапларда:

«Why not get yourself a nice little jacket?». (*Th. Dreiser*). «Why not come to the Fair», he suggested», next Tuesday?». (*Th. Dreiser*).

59- §. Модал сўзлар (Modal words).

Фикрнинг воқеликка муносабатини аниқ тасдиқ ва тахмин йўли билан билдириб, кириш сўз вазифасида қелувчи сўзлар *модал сўзлар* дейилади.

Модал сўзлар кўпчилик инглиз тили грамматикаларида мустақил сўз туркумлари сифатида берилмайди, чунки бу сўзларнинг формалари ҳол, равишларга ўхшашдир. Ундан ташқари модал сўзларнинг кўплари асосан равишлардан келиб чиққан *-ly* суффиксли модал сўзлар бунга мисол бўла олади: **surely, really, actually, happily, obviously, assuredly supposedly** etc.

Модал сўзлар равишлардан ясалган бўлса ҳам улар равишдан фарқ қилади. Модал сўзлар сўзловчининг объектив реалликни ифодаловчи гапга бўлган субъектив баҳосини ифодаласа, равишлар сўзловчининг объектив баҳосини ифодалайди.

Морфологик структурасига кўра модал сўзлар асосан ясама (**really, actually, probably, unhappily, unfortunately**) содда (**perhaps**), қўшма (**maybe**) ва мураккаб (**of course, no doubt**) бўлиши мумкин.

Модал сўзлар кириш сўзи ёки бир сўздан ташкил топган гап бўлиб келиши мумкин. Масалан:

а) кириш сўз: **Probably** «The young man exclaimed, laughing. (*H. James*).

б) бир сўздан ташкил топган гап: ...Well, then, what's he doing with an echo to him, I should like to know? That ain't in nature, **surely?** (*R. L. Stevenson*).

Модал сўзларнинг семантик классификацияси. (Semantic Classification of Modal Words). Модал сўзлар англатадиган маъноларига кўра бир-биридан маълум оттенкалари билан фарқ қилади.¹ Шу сабабли уларни қуйидаги учта семантик группага бўлинади: 1) фикрнинг реаллигини тасдиқловчи модал сўзлар; 2) тахмин, гумон, шубҳаланишни билдирувчи модал сўзлар; 3) сўзловчининг бирор воқеага бўлган субъектив баҳосини билдирувчи модал сўзлар.

1) фикрнинг реаллигини тасдиқловчи модал сўзлар:

assuredly — албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан.

actually — ҳақиқатда.

certainly — албатта, шубҳасиз.

evidently — аниқ, муқаррар.

¹ Модал сўзларнинг семантик классификацияси *В. Н. Жигадло, И. П. Иванова, Л. Л. Иофикларнинг «Современный английский язык»* (М — 1956) китобида берилган классификация асосида тузилди.

indeed — ҳақиқатан, чиндан ҳам.
naturally — табиий, табиий равишда, албатта.
no'doubt — шубҳасиз.
obviously — аниқ, ойдин, равшан, яққол.
of course — албатта, сўзсиз.
really — ҳақиқатан, дарҳақиқат.
surely — албатта, шубҳасиз.

undoubtedly — шубҳасиз, ростдан, дарҳақиқат ва бошқалар.
There are circumstances in which, whether you partake of the tea or not — some people of course never do — the situation is in itself delightful. (*H. James*). He had certainly had a great experience (*Ibid*). «She's really very benevolent», she answered. (*Ibid*). She apparently took pains to convince him that she had adapted the right system. (*Ibid*).

She has evidently taken a great fancy to her. (*Ibid*). He was naturally a good man. (*Voynich*). Ralph, indeed, who had very, long legs, was fond of standing, and even of walking about at his work. (*H. James*). It was very probably this. (*Ibid*). That aint in nature, surely?» (*R. L. Stevenson*). Yes, assuredly — as we have touched on the point... (*Ibid*). Next day his knee was badly swollen the walking tour was obviously over (*J. Galsworthy*).

2) тахмин ёки гумон, шубҳаланишни билдирувчи модал сўзлар:
maybe — эҳтимол, мумкин, балки, чоғи.
perhaps — шекилли, ҳойнаҳой, чамаси.
possible — мумкин, эҳтимол.
probably — эҳтимол, балки, чамаси.
apparently — чамаси, афтидан, ...са керак.
supposedly — чамаси, чоғи, тахминан ва бошқалар.

Perhaps some one might feel for you, said the younger man laughing (*H. James*). They are probably two of my late aunt's daughters (*Ibid*). In that case we should probably have telegraphed to you. (*Ibid*). May be he is here. (*Kipling*). Very possible, said his companion. (*H. James*).

3) сўзловчининг бирор воқеага бўлган субъектив баҳосини билдирувчи модал сўзлар.

Бу сўзларнинг антоним маънони англатувчи оппозициялари мавжуд. Масалан:

happily — бахтимга, яхшиямки.
unhappily — бахтга қарши, аксига.
luckily — бахтимга, омадимга, қарангки, яхшиямки.
unluckily — бахтга қарши, аксига.
fortunately — бахтимга, яхшиямки, омадди қарангки.
unfortunately — бахтга қарши, аксига.

Fortunately there are always more jokes, the ugly young man remarked (*H. James*). The husband of the elder Lord Haycock was very good fellow, but unfortunately a horred Tory (*Ibid*). This as-sorment scabbled unhappily against the tin of the lunch bucket. (*J. Steinbeck*).

60- §. Предлог (Preposition)

Бир предметнинг иккинчи бир предметга ёки ҳодисага бўлган алоқасини билдирувчи сўз туркуми *предлог* дейилади. Предлог от, олмош, отлашган сифатлар, сон ва герундийлар ўртасидаги алоқани кўрсатади.

Предлог мустақил гап бўлаги вазифасида келмаганлиги учун ҳам *ёрдамчи сўз туркуми* дейилади.

Предлогнинг морфологик структураси (Morphological Structure of the Preposition). Морфологик структурасига кўра предлог содда, ясама, қўшма ва мураккаб бўлиши мумкин:

1) **содда предлоглар (Simple prepositions).** Бир ўзакдан иборат бўлиб, бошқа маъноли бўлакларга бўлинмайдиган предлоглар *содда предлоглар* дейилади. Инглиз тилидаги содда предлоглар қадимги инглиз тилидан сақланиб келаётган **турғун** предлоглардир.

Содда предлоглар группасига кирувчи предлоглардан баъзилари тарихан икки қисмга бўлинган бўлса-да, ҳозирги инглиз тилида соддалашиб кетган. Этимологик жиҳатдан улар қўшма ёки ясама бўлганлигига қарамай, ҳозирги кунда улар содда предлоглар группасига қўшилади.

Содда предлоглар қуйидагилар: **about, above, after, at, ago, but, by, down, for, from, in, like, midst, near, of, off, on, out, over, save, since, through, till, to, under, up, via, with.**

2) **ясама предлоглар (Derivative Prepositions).** Префикс ва суффикслар ёрдамида ясалган предлоглар *ясама предлоглар* дейилиб, улар қуйидагилардир:

across, against, along, amid, amidst, among, amongst, before, behind, below, beneath, beside, besides, between, beyond, concerning, considering, during, except, past, regarding, respecting, unlike Булардан concerning, considering, during, past, regarding, respecting каби предлоглар сифатдошлардан ясалганлиги сабабли уларни *сифатдош предлоглар (participle prepositions)* дейилади.

3) **қўшма предлоглар (Compound Prepositions).** Икки ва ундан ортиқ предлогларнинг қўшилишидан ясалган предлоглар *қўшма предлоглар* дейилади:

inside, into, onto, outside, toward, towards, upon, withal, within, without.

4) **мураккаб предлоглар (Composite Prepositions).** Икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган предлоглар мураккаб предлоглар дейилади.

by means of, in front of, as to, because of, by way of, in consequence of, on account of, on behalf of, in course of, in spite of, in order to, in regard to, with a view to, with reference to, opposite to, away from, prior to, by reason of, for fear of, in comparison of, in defiance of, in opposition to, instead of, in contrast

with, in accordance with, contrary to, in place of, despite to, by force of, in view of, by virtue of, for the sake of, in respect of, in relation to, thanks to.

Юқорида келтирилган бирикмаларнинг айримлари ҳали тўла предлогга айланган эмас.

Предлогларнинг маъносига кўра турлари. Англатган маъноларига кўра предлогларни қуйидаги группаларга бўлиш мумкин:

а) ўрин, жой ва йўналишни билдирувчи предлоглар: **at, in, on, about, above, after, by, down, from midst, near, out, over, through, till, under, up, via, across, amid, among, amongst, behind, below, beneath, beside, between, beyond, inside, into, outside, toward, towards, within, in front of etc.**

He swallowed them all down **into** his warm, dark inside cupboards (*R. Kipling*). And so shall all proper Dogs do **after** me (*Ibid*). ... And the cat ran **after** it and patted it with his paws... (*Ibid*). He went **from** Grahaws Town to Kimberley and **from** Kimberley to Khamas Country, and **from** Khama's Country he went east by north, eating melons all the time (*Ibid*). Then our Cave is just **beyond** the beaver-swamp (*Ibid*). Balkins the most beautiful stood up **behind** the tree **among** the red lilies and smiled to herself. ... (*Ibid*). Then the Moon rose big and full **over** the water ... (*Ibid*). You can look **over** my shoulder but you mustn't joggle (*Ibid*) ... and she threw more wood **on** the fire, and she made a magic (*Ibid*). I can sit **by** the warm fire at the back of the Cave ... (*Ibid*) ... And now I can sit **within** the Cave for always ... (*Ibid*).

б) вақтни билдирувчи предлоглар:

after, about, at, ago, by, for, from, in, near, on, since, through, till, untill, before, between, beyond, during, in course of, within, past, over.

But **on** the twelfth month of every year it shall grow soft (*R. Kipling*). It's a long time **since** we've hunted them (*Ibid*). Many of the other pictures were much too beautiful to begin with, especially **before** lunch (*Ibid*). People were frightened **at** the time, but on looking back they rather liked it (*R. L. Stevenson*). **In** those days the Evil Spirits all the Manitos of mischief. (*Ibid*). **By** this time the stranger man was really annoyed (*Ibid*).

в) сабаб ва мақсадни билдирувчи предлоглар:

by reason of, because of, by virtue of, on account of, for fear of, thanks to, for the sake of, in view of, in order to, by way of, for the sake of, etc.

...And from that day to this every rhinoceros has great folds in his skin and a very bad temper **on account of** the cake crumbs inside. (*R. Kipling*) ... because I hoped that **for the sake of** the jest my lord would make some great Magic and that the Queens would see it and be frightened (*Ibid*). ... but nearly always he is careful **because of** the Eldest Magician. (*Ibid*). Wild thing out of the wild woods, you did not come here **for wild Dog**: The paper had been sealed in several places with a thimble **by way of seal** (*R. L. Ste-*

venson) I put it all way some here, some there, and none too much anywhere, by reason of suspicion (*Ibid*).

г) қиёслашни, қарама-қарши қўйишни, ажратишни ифодаловчи предлоглар:

like, unlike, in comparison with, in spite of, in contrast with, in accordance with, in opposition to, contrary to, despite: with regard to in respect of, as to, as for, in relation to.

By this time the Stranger man in spite of being a Tewara was really annoyed (*R. Kipling*). As for my mother when we had carried her up to the hamlet, a little cold water and salts and that soon brought her back again, and she was none the worse for her terror ... (*R. L. Stevenson*). Trelawney, said the doctor contrary to all my notions, I believe you have managed to get two honest men on board with you that man and John Silver (*Ibid*).

д) иш-ҳаракатни маълум бир асбоб (қурол, транспорт) воситасида ёки бирор йўл билан амалга ошишни кўрсатувчи предлоглар: with, by means of, by force of, by etc.

He came by tram.

By means of a grating I have stopped your ... (*R. Kipling*). I beat him with a stick. (*Kipling*).

Предлогнинг гаптаги ўрни. Предлог ўзи аниқлаб келган сўзлар билан қуйидагича бирикади:

а) предлог ўзи аниқлаб келган сўз туркумлари билан бирга ишлатилади:

Then followed a battle of looks between them (*R. L. Stevenson*).

He spoke to him, as before, over his shoulder, and in the same tone of voice (*Ibid*).

б) аниқловчи предлогни отдан ажратиб туриши мумкин:

He sank claily and my mother and I had all the inn upon our hands: and were kept busy enough, without paying much regard to our unpleasant guest (*Ibid*)

в) предлог ўзи аниқлаб келган сўздан ажралиб, гапнинг охирида келиши ҳам мумкин:

...there were not many men who wouldn't take money from a girl they were living with (*A. E. Coppard*).

«Some people I never heard of called Grunov (*K. Chesterton*). «What did he make his money in? Oil? Army contracts?» (*I. K. Chesterton*). «I've nothing to be ashamed of», Sarie said passionately, «I love him» (*P. Abrahams*). And what are you standing there for? I went to be kissed. (*Ibid*).

61- §. Боғловчилар (Conjunctions)

Мустақил маъноли сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларни бир-бирига боғлаб, ҳар-хил синтактик алоқаларга киритиб келган ёрдамчи сўзлар боғловчилар дейилади.

Боғловчилар структурасига кўра қуйидаги группаларга бўлинади:

а) содда боғловчилар (Simple conjunctions): **and, but, as, or, nor, after, till, that, so, for, hence, yet, since, when, if, lest, while, whether.**

б) ясама боғловчилар (Derivative Conjunctions) **untill, unless, supposing, seeing, provided, because, once, directly, before, consequently.**

в) қўшма боғловчилар (Compound Conjunctions): **however, wherever, although, whereas, nevertheless, therefore.**

г) мураккаб боғловчилар (Composite Conjunctions): **as well as, both ... and, either ... or, neither ... nor, whether ... or, as ... as, as ... so, so ... as, so ... that: rather ... than, such ... as, in order ... that: even though, even if, not so ... as, no sooner ... than, not only ... but, the ... the, no matter who (when), such ... that, but that, or else.**

Боғловчиларнинг гаидаги вазифасига кўра турлари. Боғловчилар вазифаларига кўра тенг боғловчи ва эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади.

1. Тенг боғловчилар (Coordinating Conjunctions).

Тенг боғловчилар ўз навбатида қуйидаги кичик гуруппаларга бўлинади:

а) бириктирувчи боғловчилар (Copulative Conjunctions): **and, as well as, both ... and, not only ... but (also), neither ... nor, the ... the.**

She dances very hard and you'll be the fresher (*H. James*). You must ask Edmund and Lilian they'll be back in half an hour. (*Ibid*). You are neither a friend nor a servant (*R. Kipling*).

б) айирувчи боғловчилар (Disjunctive Conjunctions) **or, either ... or, or else.**

She ought to marry an Armenian or a Portuguese. (*H. James*) Does I mean that they've been left well off, or that they wish to be under no obligations? (*Ibid*) - His companions had either finished their tea or were indifferent to their privilege ... (*Ibid*). I can't make head or tail of this, said Dr. Livesay. (*Ibid*) ... I had either fallen asleep or was on the point of doing so when a heavy man sat down with rather a clash close by (*Ibid*).

Come here or else you'll be punished. (*Ibid*)

в) видловчи боғловчилар (Adversative Conjunctions): **but, still, yet, while, where as, as yet.**

The girl spoke to Ralph smiling, while she still held up the terrier. (*H. James*). Once I stepped out myself into the road, but he immediately called me back ... (*R. L. Stevenson*). I could hear nothing but a low gabbling (*Ibid*) I am in the most magnificent hearth and spirits, eating like a bull, sleeping like a tree, yet I shall not enjoy a moment till I hear my old tarpaulins tramping round the capstan (*Ibid*).

г) сабаб ёки натижани ифодаловчи боғловчилар (Causal and Resultative Conjunctions): **for, so, hence.**

His appeal seemed to produce some affect for two of the fellows began to look and there among the lumber (*R. L. Stevenson*).

So a big pigeon pie was brought in and put on a sidetable, and I made a hearty supper, for I was as hungry as a hawk . . . (*Ibid*).

Hence there were still faithful men on board (*Ibid*). So he kept talking as I ran, neither expecting nor receiving any answer (*Ibid*).

2. Эргаштирувчи боғловчилар (Subordinating (subordinative) Conjunctions). Эргаштирувчи боғловчилар кўпинча, эга, кесим, аниқловчи ва ҳол эргаш гапларни бош гапга боғлашга хизмат қилади. Бундан ташқари улар ҳар хил конструкцияларни ҳам ўзаро боғлаши мумкин.

Эргаштирувчи боғловчилар: 1) эга, кесим ва объектив конструкцияларни боғлаб келувчи **that, if, whether** каби боғловчиларга бўлинади:

It was the crew **that** troubled me (*Ibid*). He showed me in a moment **that** they were just the sort of freshwater swabs we had to fear in an adventure of importance (*Ibid*). I know of my own knowledge **that** he was a bankers account which has never been overdrawn (*Ibid*).

Whether he was there then is still enigma (*Ibid*). Our attitude simply is **that** facts are facts (*Leacock*). I wonder **if** he has it (*Trollope*).

Адвербиал (ҳол) конструкцияларни боғлаб келувчи боғловчилар куйидаги группаларга бўлинади:

а) жойни ифодаловчи (where, wherever каби) боғловчилар (Conjunctions of Place) га:

In the meantime, we could never make out **where** he got the drink (*P. L. Stevenson*). His skin, **wherever** it was exposed, was burnt by the sun: even his lips were black. (*Ibid*) **Wherever** a man is, say I, a man can do for himself (*Ibid*)

б) вақтни ифодаловчи (after, since, when, before, until, till, as long as, while, as soon as, once now that ва not long каби) боғловчилар (Conjunctions of Time) га:

When we came on deck the men had begun already to take out the arms and powder . . . (*R. L. Stevenson*). I'm fifty, mark you: **once** you back from this cruise, I set up gentleman in earnest (*Ibid*). **When** he was twelve years old I myself was in love with him. (*H. James*). The girl spoke to Ralph smiling, **while** she still held up the terrier (*Ibid*). Rosier lingered a moment **till** Pansy came in right on the aim of her cavalier (*Ibid*).

в) мақсадни ифодаловчи (that, so that, in order that, lest, for fear that каби) боғловчилар (Conjunctions of Purpose) га.

Бу боғловчилардан кейин кўпроқ **may, might, shall, should** модаль феъллари ишлатилади:

He had found her a boy as an apprentice also, **so that** she should not want help while I was gone. (*R. L. Stevenson*).

He started early **lest** he should miss the train. Wounds sometimes must be opened **in order that** they may be healed. (*Trollope*).

г) натижа (**that, so . . . that** каби) боғловчилар (Conjunctions of result) га.

He is so weak **that** he can hardly move (*Shaw*)

д) тўсиқсизликни ифодаловчи (**though, although, even if, even though, no matter** каби) боғловчилар (Conjunctions of concession) га:

He knew the passage like the palm of his hand, and **though**, the man in the chains got everywhere more water than was down in the chart, John never hesitated once. (*R. L. Stevenson*) For just then, **although** the sun had still an hour or two to run all the echoes of the island awoke and bellowed to the thunder of a cannon (*Ibid*).

I'll go there **even if** it rains.

е) сабабни билдирувчи (**as, because, since, seeing (that) for** каби) боғловчилар (Conjunctions of Cause) га:

Since you are too busy we'll leave you alone. All was drawing a low and aloft, every one was in the bravest spirits **because** we were now so near an end of the first part of our adventure (*R. L. Stevenson*).

As I do so, I could hear hails coming and going between the old buccaneer and his comrades, and this sound of danger lent me wings (*Ibid*).

ж) чоғиштирув (**as, as . . . as, not so . . . as, than, as if, as though (not) so . . . as, (not) such . . . as** каби) боғловчилар (Conjunctions of Comparison) га:

We take the risk: but we are not so ignorant **as** you believe us (*R. L. Stevenson*) . . . you are young, but you're **as** smart **as** paint (*Ibid*).

He gazed fixedly at nothing in particular **as if** he were thinking of something. (*T. H. Dreiser*).

з) шартни ифодаловчи (**if, unless, suppose, supposing, on condition that, provided, providing** каби) боғловчилар (Conjunctions of condition) га: If I die like a dog, I'll die in my booty (*Stevenson*). I'll come **unless** it is hot.

62- §. Юкламалар (Particles)

Маълум сўз, конструкция ёки бутун гапга тегишли бўлиб, унинг маъносини кучайтириб, сусайтириб, айириб, чегаралаб ёки сўроқ маъносини билдириб келувчи (алоҳида сўзларга боғлиқ ҳолда сўзнинг қўшимча маъноларини билдирувчи) ёрдамчи сўзлар *юкламалар* дейилади.

Юклама деярли ҳамма сўз туркумлари билан бирикиши мумкин, бироқ ўзи мустақил гап бўлаги вазифасида келмайди.

Юкламаларнинг маъноларига кўра турлари. Юкламалар маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) кучайтирув маъносини англатувчи (**all, but, even, just, only, quite, simply, still, too, very** каби) юкламалар (Emphatic or Intensifying Particles):

Very close around the stockade — **too** close for defence, they said — the wood **still** flourished high and dense (*R. Stevenson*). Our chim-

ney was a square hole in the roof: it was **but** a little part of the smoke that found, its way out (*Ibid*). Dick! he added, breaking off, you **just** jump up, like a sweet lad, and get me an apple (*Ibid*). Now we've **only** one man to rely on (*Ibid*). Poor old, fellow, he had not uttered one word of surprise, complaint fear, or **even** acquiescence (*Ibid*).

б) айирув ёки чегараловни англатувчи (**only, alone, solely, merely, barely, almost, nearly, scarcely, hardly** каби) юкламалар (Limiting Particles):

...for from these dozen words I understood that the lives of all the honest men aboard depended upon me **alone** (*R. L. Stevenson*).

By the sound they must have been talking earnestly, and **almost** fiercely (*Ibid*) The report had **scarcely** died away and it was repeated and repeated from without in a scattering valley, ... (*Ibid*). **Nearly** all of his father's presents were given with reservations which hampered their value somewhat. (*I. Stainbeck*).

в) бириктирувчи ёки умумлаштирувчи (**too, also** каби) юкламалар (Connecting particles):

David was a man, **too**, by all accounts said silver (*R. L. Stevenson*).

His moustache was **also** cut short (*D. H. Lawrence*).

г) инкорни билдирувчи (**no, not, never** каби) юкламалар (Negative Particles):

«**No, no, no**, and an end of it!» he cried once (*R. L. Stevenson*). **No**, said the doctor, musingly, «I've **no** right to say more: its **not** my secret, you see silver, or, I give you my word (*Ibid*). I **never** in my life saw men so careless of the morrow (*Ibid*). **Not** a man, **not** a sail upon the see (*Ibid*) Lets **not** do it again (*B. I. Fredman*).

63- §. Ундов (The Interjection)

Экспрессив-семантик функциясига кўра ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи, грамматик кўрсаткичи бўлмаган ва ўз формаларини ўзгартирмайдиган сўз группаси *ундов* дейилади.

Ундов маъно англатишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи (**Oh! O! ah! Hallo! Hallo! Ha! Alas! Hush! Aha! Ho! Hey! Ptum! Bravo! Humph! Whew! Hurrah! Pshaw! Ugh! Stuff and Nonsense! Oh me! Oh than** каби) ундовлар:

Ah! that's a different matter», said Jaffers. (*Ibid*).

«**Oh!**» come! I ain't blind (*Ibid*).

«**Hush!**» said Mr. Teddy Henfrey (*Ibid*).

б) императив ундовлар (Imperative Interjections) буйруқ, хитоб, ёлвориш каби маъноларни англатади. Масалан: Help! Silence, Come, Come! Well run! Stop thief! Look! Hear! All right! Fie upon him! Dear me! (*H. Wells*).

It's just empty clothes. **Look!** You can see dawn his collar and the linings of his clothes.

«**Chump!**» said Mr. Marvel (*Ibid*).

«**Lord!**» he said (*Ibid*).

«Odd!» said Mr. Henfrey.

«YAP!» cried Huxter «Stop thief!» and he ran obliquely (*Ibid*).
в) тақлид (onomatopoeic) ни билдирувчи **bang, crash, mew, cock — a — doodle — doo** каби ундовлар:

Whizz came a flint, appearantly out of the air . . .

Whizz it came and ricighted from a bare toe into the ditch
(*H. Wells*) Crack, crack, crâck, they came one after the other
(*Ibid*).

64- §. Артикль (The Article)

От, отлашган сўз ва субстантив сўз бирикмалари олдида ишлатилувчи махсус аниқловчи сўз (determinatives) *артикль* дейилади. Ҳозирги инглиз тилида ноаниқ (Indefinite) ва аниқ (definite) артикларнинг ўзаро оппозицияси мавжуд.

Артикльнинг асосий вазифаси отни аниқлаб келишдир. Шунинг учун у отнинг грамматик белгиларидан бири деб ҳам юритилади.

Этимологик жиҳатдан артикль олмошдан ва сондан келиб чиққан. Чунончи: ноаниқ артикль қадимги инглиз тилидаги **an** санок сони («бир», *битта, қандайдир*) сўзидан, аниқ артикль эса кўрсатиш олмоши **se** (*ўша, ана шу*) сўзидан юзага келган. Шу сабабли ҳам ҳозирги инглиз тилида ноаниқ артикль олдида сөн ва аниқ артикль олдида кўрсатиш олмошлари ишлатилмайди.

Эслатма: the first one, the second one бирикмаларидаги one отлашган.

Ўзбек тилида артикль йўқ бўлганлиги учун ҳам уни ўзбек тилига таржима қилишда турли лексик-синтактик усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ноаниқ артикль (The indefinite article) ноаниқ артикльнинг **a, an** формалари мавжуд. Унинг **a** формаси ундош товуш билан бошланган отдан олдин, **an** формаси эса унли товуш билан бошланган отдан олдин ишлатилади. Ноаниқ артикль асосан доналаб саналувчи от олдидан ишлатилади. Масалан:

a: a boy, a ball, a city, a bag, a student, a school, a barrel, a mistake:

an: an apple, an elephant, an uncle, an aunt, an ant, an exercise

Эслатма: 1. Сўз ундош ҳарф билан бошланиб, ўқиганда ундош ҳарф тушиб қоладиган сўзлар олдида **an** ноаниқ артикли ишлатилаверади. Масалан:

an hour — бир соат

2. Ноаниқ артикльни олган от бирлик формасида бўлади.

Ноаниқ артикльнинг ишлатилиши (The use of the indefinite article).
Ноаниқ артикль қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1) от ифодалаган предмет маълум гуруҳга мансуб эканлигини билдирганда:

This is a book. Tom is a student. I have a match.

Юқоридаги мисолларда сўзловчини предметларнинг сони ёки миқдори эмас, балки предметнинг гуруҳи, тури қизиқтираётир.

In the hallway you find a wash basin where you shave your beard and while you are shaving a stout man ... watches critically (*Ibid*). She had a gold watch (*Ibid*).

2) от ифодалаган предмет ёки шахс ноаниқ бўлса:

A man wants you to see. (*London*).

When I was coming I saw a woman at your door.

Бундай ҳолларда ноаниқ артикль ўзбек тилига «бир», «аллақандай», «қандайдир» каби сўзлар билан таржима қилинади.

3) от ифодалаган предмет умумлашган бўлса:

A dog is an animal.

A drawing man catches at a straw.

Бундай маъноларни ифодалаган артикль кўпинча ўзбек тилига таржима қилинмайди¹.

4) ой, ҳафта, кун, соат кабиларни англлатувчи сўзлар билан ишлатилса: (бундай ишлатилган ноаниқ артикль ўзининг тарихий маъноси бирни сақлаб қолади).

a century — бир аср, a year — бир йил, a month — бир ой, a week — бир ҳафта, a day — бир кун, an hour — бир соат, a minute — бир минут, a moment — бирпас, бир нафас.

There was half an hour of day light remaining (*B. J. Friedman*). After half an hour the guests departed (*J. Barth*).

5) few ёки little сўзлари олдидан келса, бу сўзларнинг маъноси ўзгаради.

Қиёсланг: few — оз, a few — бир оз, little — кам, оз, a little — бир оз, озгина.

... and now it was left with a factory that manufactured table silver and a few other small industries (*J. Chesterton*). A little wind came off the river. (*Ibid*) ... in a few minutes the float has gone (*G. Cheever*).

6) отлашган миқдорни билдирувчи (a hundred, a thousand, a million, a billion, a dozen, a score, a quarter, a half, a couple каби) сўзлар олдида:

... and the fifes and drums began to squeal, discharging a dozen pigeons from the roof of the Cartwright Block (*J. Cheever*). There were a couple of trunks. (*Ibid*).

7) many а бирикмасида:

Many a book was sold during the book bazaar days (китоб бозори кунлари жуда кўп китоб сотилди).

8) қуйидаги фразеологик бирикмаларда ва конструкцияларда:

to be in a hurry — шошмоқ, шошилмоқ

to be at a loss — довдираб қолмоқ, қийин аҳволга тушмоқ

to bring to an end — охирига етказмоқ

to have an opportunity — имкониятга эга бўлмоқ

to have a habit — одатланмоқ

to have a good time. — вақтни яхши ўтказмоқ

¹ Бундан «умумийлик маъноси таржиманда йўқолиб кетади» деган маънода хулоса чиқариш керак эмас. Умумийлик ўзбек тилида яшрин йўл билан ифодаланали.

to have a headache — боши оғримоқ
it is a pity — афсус, ачинарли
at a distance of — узоқда, ... дан нарида
to take a seat — ўтирмоқ, жой эгалламоқ
in a panic — ваҳимада

to make a fool of — аҳмоқ қилмоқ

to take an interest of — қизиқмоқ

9) what (қандай) ва such (шундай) сўзлардан кейин:

what a, ... such a ...

What a beautiful valley! Қандай гўзал водий!

10) предлогли бирикмаларда

a friend of mine — бир дўстим,

an actor of the Hamza Theatre — Ҳамза театри артисти (артистларидан бири)

a piece of chalk — бир бўлак бўр

a cup of tea — бир пиёла чой

a piece of work — озгина иш

Бундай ҳолларда артикль олган от кўпнинг бири ёки бутуннинг бўлагини билдиради.

Аниқ артикль (The definite article) Аниқ артикль **the** икки хил, яъни унли товуш билан бошланган оддан олдин [ði], ундош товуш билан бошланган от олдида [ðə] тарзида талаффуз этилади. Масалан:

the [ði] Institute, the apple, the ink, the East, the example,

the [ðə] doctor, the book, the laboratory, the dean,

Аниқ артикль ҳам бирлик, ҳам кўпликдаги оддан олдин ишлатилиши мумкин:

the student — the students,

the room — the rooms,

the professor — the professors.

Аниқ артикльнинг ишлатилиши (The use of the Definite article). Аниқ артикль қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

1) маълум гуруҳга кирувчи кўп предметлар орасидан биттасини ёки бир нечасини ажратиб кўрсатиш учун:

In summer we usually go to **the sea** (Ёзда биз кўпинча денгизга кетамиз).

The stranger came early in February, one wintery day through a biting wind and a driving snow, the last snow, the last snowfall of the year, over the down (*H. Wells*). Mrs Hall lit **the fire** and left him there (*Ibid*).

2) бирор предмет ҳақида аввал гапирилган бўлса ёки гап тингловчига таниш предмет ёки шахс ҳақида борса:

The natives did not consider that it had diminished much in size or importance (*J. Cheever*). «Leave **the hat**», said her visitor in a muffled voice (*H. Wells*). His father came down **the path** with the groceries and an old man followed him.

It was **the old man** who look off the lines and pushed the boat into deep water with a hook (*J. Cheever*).

3) бир предмет бутун гуруҳ вакили сифатида олинганда:

The earth quail is a singing bird (Бедана—сайрайдиган қуш).

Now this is the next tale, and it tells how the Camel got his big hum (*R. Kipling*).

4) от ягона, танҳо предметни ифодалаб келса:

the sun (қуёш), the moon (ой), the earth (ер), the sky (осмон), the universe (қоинот), the Cosmos (фазо, космос), the world (дунё). They were sleepy and sitting in the hot sun they seemed to have aut lived the holiday (*J. Cheever*).

Океан, денгиз, дарё, тоғ, тоғ тизмалари, орол, ярим ороллар ва шу кабилар номини ифодаловчи от олдида:

the Pacific Ocean, the Atlantic Ocean, the Humbler, the Thamse, the Rhince, the Volga, the Alps, the Himalayas, the Rockies, the Hebrides, the Orkney Islands, the Netherlands, the West Indies, the Ruhr, the Crimea, the Congo, the Baikal, the Sudan, the Tyrol, the Urals, the Caucasus, the Sahara, the Black Sea, the Suez Canal.

6) кема, флот ва бошқа шунга ўхшашлар номи олдида:

During the day the following vessels arrived viz: The Resilience from Gibraltar, Capth Tobias Moffet. The Golden Doge from New Orleans Captn Robert Folger. The Venus from Quito Captn Edg. Small. The Unicorn from Antwerp Captn Josh Kelley. Bathed in river. (*J. Cheever*).

The Topaze seemed to be his creation (*Ibid*).

7) ҳар хил ташкилот, айрим давлат, агентлик, клуб, газета, наشريёт, меҳмонхона ва шунга ўхшаш муассасалар номларини билдирувчи от олдида:

The Soviet Union. The October Socialist Revolution.

The C. P. S U is the Party of the working class, the vanguard of the working people (*Moscow News*). ...in the ballroom of the Towers Hotel in Brooklint (*People's World*).

After a couple of minutes he rejoined the little group that had formed outside the «Coach and Horses» (*H. I. Wells*).

«The Times», «The Guardian», «The Gapon Times», «The Sun» Support «The Daily World», The daily Marxist press... (*Daily World*).

8) от орттирма даража формасидаги сифат билан келганда:

The most interesting novel (Энг қизиқ роман).

The greatest single volume of information ever published (*Dictionary*).

The best handy — size dictionary for home, school, and office use (*Ibid*). («Listen!» said the eldest sister. (*Ibid*).

9) very, same, only, last ёки particular каби сифатлар отни аниқлаб атрибутив сўз бирикмалари ясаб келса:

the same book ўша китоб.

the very man (худди ўша одам), ўша одамнинг ўзи.

«When I glanced at the very first sentence of Stern, I was filled with a fear. (*B. J. Friedlan*)

10) маълум бир миллатнинг тилини кўрсатилганда:

the English language инглиз тили
the Uzbek language ўзбек тили

Эслатма: Agar language (тил) сўзи ишлатилмас, артикль ҳам тушиб қолади. Масалан:

He taught Latin, Greek, and Hebrew and gave lessons on the flute (*G. Cheever*).

11) маълум турғун фразеологик ва фразеслогик бўлмаган бирикмалар ва конструкцияларда:

at the beginning — бошида, бошланишида

at the end — охирида, кейин, to the end охиригача

to be in the habit of — ўрганиб қолмоқ, одатланмоқ

to give the cold shoulder to smb — бировни совуққина кутиб олмамоқ

nothing of the kind — ҳеч бундай эмас, ўхшаш эмас

to play the piano — пианино чалмоқ

to tell the truth — ҳақиқатни айтмоқ

to become the fashion — расм бўлмоқ

in the singular — бирликда

on the left — чап томонда

So it was that on the 9th day of February, at the beginning of the thaw, this singular person fell out of infinity into Iping village. (*H. I. Wells*). . . here was a novel I would not be able to put down until I had read it through to the end. (*B. J. Friedman*).

12) от чегараловчи аниқловчига (limiting attribute) эга бўлса:

«Oh my children! my poor children!

Listen to the words of wisdom,

Listen to the words of warning,

From the lips of the Great Spirit,

From the Master of Life, who made you»

(*H. W. Longfellow*)

13) гап бутун оила ҳақида бориб, фамилия кўпликда ишлатилса:
The Harcouts and the Whulwrights, the Coffins and the Slaters, the Lowells and the Cabots, and the Sedgewicks and the Kimbalsyas, even the Kimballs — have all had their family histories investigated and published and now we come to the Wapshots, who would not want to be considered without some reference to their past (*Cheever*).

14) two (икки) сўзи билан: the two иккови, иккаласи, иккови ҳам

The two Wapshot boys — Moses and Coverly — sat on a lawn on Water Street watching the floats arrive (*Cheever*).

Аниқ артикль сифат ва бошқа сўз туркумлари билан ишлатилганда, у сўз туркумларини отга айлантириши мумкин. Масалан:

poor = камбағал, қашшоқ — the poor = камбағаллар

rich = бой — the rich — бойлар

unemployed = ишсиз — the unemployed = ишсизлар

Артиклнинг ишлатилмаслиги, тушиб қолиши. Артикль қуйидаги ҳолларда ишлатилмайди:

а) киши номлари олдида:

Muhammad Ali this week said: «I salute Paul Robson, one of the greatest ever born on American soil, who came two generations ahead of me and who pioneered for freedom, justice and equality for black people in America . . .» (*World Magazine*)

Larry looked at Lanny and Celia (*P. Abrahams*).

Nina embarks on an acting career and meets Grigorin in Moscow (*People's World*).

б) шаҳар номлари олдида:

New York, Washington, London, Moscow, Tashkent, Berkley, Oakland, San Francisco

в) суюқлик ва доналаб саналмайдиган нарса номи олдида: water, milk, juice, sugar, gas

г) мавҳум от олдида: power, anxiety, cleverness, time

There was a mixture of anxiety and fear in her eyes (*P. Abrahams*).

Артикль қуйидаги ҳолларда отлар олдида тушиб қолиши мумкин:

а) луғатларда берилганда. М:

bird *n.* қуш, парранда

bit *n.* бўлак, парча, бурда

blackboard *n.* синф доскаси

blacksmith *n.* темирчи

б) газеталардаги сарлавҳа ва мақолаларда, телеграммаларда ҳамда схемаларга берилган изоҳларда:

Testimonial for Garry

СИНТАКСИС (SYNTAX)

Синтаксис грамматиканинг бир қисми бўлиб, унда *гап структураси, тузилиши, гап бўлаклари, гап турлари, сўзларнинг бир-бири билан боғланиш йўллари, сўз бирикмалари* ўрганилади.

Гап ҳақидаги таълимот синтаксиснинг асосидир. Сўз бирикмаси гапнинг қуриш материали, воситаси бўлганлиги учун ҳам синтаксисда текширилади. Синтаксисда ҳар қандай сўз бирикмаси ўрганилавермайди. Икки ва ундан ортиқ сўзнинг қўшилиб, қўшма сўз ҳосил қилиши лексикологиянинг ўрганиш объектидир.

65- §. Сўз бирикмаси (Phrases)

Гап нутқнинг энг кичик, минимал бўлагидир. Сўз, сўз бирикмалари, грамматик формалар, сўз тартиби ва интонация г.п. структурасининг ажралмас қисмидир.

Нутқ процессида сўзлар шу тилга хос бўлган грамматик хусусиятлар асосида бир-бири билан боғланади. Сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ мустақил маъно ифодаловчи сўзлардан тузилган, ҳам грамматик, ҳам семантик бутунликка эга бўлган бирликдир. Масалан: *The two men walked in silence (A. Cronin)* гапида қуйидаги сўз бирикмалари бор: 1) *the two men*, 2) *walked in silence*.

Бир сўз бирикмаси гапда турли ўринда кела олади:

1. *The two men walked in silence*;

2. *We have seen the two men walking in silence*.

Қўмакчи сўзлар мустақил сўз билан биргаликда бир элемент саналади. Предлог + от типидagi қўшилмалар, масалан, *in the evening, at night, in time, for a while* кабилар сўз бирикмаси саналмайди.

as soon as, down to, in front of, on behalf of, in order, in accordance with ва шу каби конструкциялар ҳам сўз бирикмаси ҳисобланмайди, чунки улар гапда предлог ва боғловчилар вазифасида келади.

Сўз бирикмалари эркин ва турғун бўлиши мумкин.

Эркин сўз бирикмасида сўзларнинг бирикиши эркин бўлади.

Эркин сўз бирикмаларининг маъноси компонентларнинг маъносига тенг бўлиб, компонентлар ўртасида ҳоким-тобелик мавжуд бўлади.

Турғун сўз бирикмасининг маъноси бир сўзга тенглашиб, унда ҳоким-тобелик бўлмайди. Турғун сўз бирикмаси фразеологгияда ўрганилади.

Турғун сўз бирикмасига мисол:

to take a fancy — қизиқиб қолмоқ

to put up with — чидамоқ

out of the blue — томдан тараша тушгандек

Сўз бирикмаси билан гап ўртасида фарқ каттадир. Сўз бирикмаси номинация (аташ) функциясини бажариши жиҳатдан сўзга яқин туради ва у гап сингари интонацион тугалликка эга бўлмаганлиги учун коммуникатив бирликни ташкил қилмайди.

Сўз бирикмасининг турлари (Types of Phrases). Сўз бирикмаси структурасидаги бир сўз ҳоким (head), қолгани тобе (subordinate) бўлади. Одатда сифат билан от бирикканда сифат тобе, от ҳоким; равиш билан феъл бирикканда феъл ҳоким, равиш тобе бўлади: a powerful man, a grey suit, Red Square, curly hair, enormous eyes, little regular features, neatly dressed, play well; said smilingly, beamed with pleasure.

Ҳоким сўз феъл билан ифодаланган бўлса, *феълли сўз бирикма*, от билан ифодаланган бўлса, *отли сўз бирикма*, олмош билан ифодаланган бўлса, *олмошли сўз бирикма*, равиш билан ифодаланган бўлса, *равишли сўз бирикма*, сон билан ифодаланган бўлса, *сонли сўз бирикма* деб юритилади.

Ҳозирги замон инглиз тилида **от + от** тузилишидаги сўз бирикмаси кўп учрайди. **От + от** сўз бирикмаси ҳам ўз навбатида бир неча кўринишга эга:

1) **бош келишидаги от + от**

stone wall, uncle Tom

2) **қаратқич келишидаги от + от**

Rahim's book, Tom's sister

От + от сўз бирикмаси кўп ҳолларда предлог билан ҳам келади:

От + of + от

a drop of rain, the edge of the shelf.

от + with + от

Аниқловчининг отдан олдин ёки кейин келишига кўра сўз бирикмаси бир неча турларга бўлинади. Бундай ҳолат *вариантлашиш* дейлиб, у сўз бирикмасининг ичидан кенгайиши натижасида содир бўлади.

Сўз бирикмаларининг кўп учрайдиган турига **сифат + от** бирикмаси ҳам тааллуқлидир: Big Ben, white hair, an old man, strange hunter.

Мазкур сўз бирикмасининг **сифат + предлог + от** тури ҳам мавжуд. Масалан: afraid of work

Бу турдаги сўз бирикмасида иккита сифат кетма-кет келиши мумкин. **Сифат + сифат + от** сўз бирикмаси ҳам кўп қўлланади. Масалан: new high buildings.

Сўз бирикмасининг бошқа турлари ҳам мавжуд:

- 1) **Феъл + от** wrote a letter, is smoking a cigar, valued rest
Буйруқ майлидаги **феъл + от** структурасидаги бирикмалар (масалан, wait a minute) буйруқ гапга тенг бўлади.
- 2) **Феъл + равиш** spoke louder, ran fast.
- 3) **сон + от** fifteen Republics, twenty days
- 4) **равиш + сифат** very happy, profoundly happy, midely famous
- 5) **равиш + равиш** very well, too young.
- 6) **Феъл + предлог + от** to go with (one's) friend, to accept with gratitude.
- 7) **сифат + феъл** easy to write, hard to know
- 8) **сифат + герундий** worth seeing
- 9) **сифат + предлог + герундий** famous for painting
- 10) **сифат + предлог + сифат** far from important

Сўз бирикмасининг ясалишида мустақил сўзлар қанча кўп иштирок этса, унинг турлари ҳам шунча кўп бўлади.

Сўз бирикмаси компонентлари орасидаги синтактик муносабатлар (Syntactical Relations between the Components of a Phrase). Сўз бирикмасининг компонентлари бир-бири билан сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, интонация, сўз тартиби ёрдамида бирикади.

Сўз бирикмасининг компонентлари бири иккинчисига тобеланиш йўли орқали бирикади. Сўз бирикмаси компонентлари ўртасидаги ҳоким-тобелик қўйидаги йўллар билан ифодаланади:

Мослашув (Agreement). Мослашувда тобе сўз (subordinate word) ҳоким сўзга (head word) мос формада келиши керак.

Инглиз тилида аниқловчи аниқланмиш билан мослашмайди. Кўрсатиш олмошлари билан ифодаланган аниқловчи бу қоидадан мустаснодир.

this book	that book
these books	those books

Эта билан кесимнинг мослашуви сўз бирикмасида эмас, гапга ўрганилади.

Бошқарув (Government). Бошқарувда ҳоким сўз қандай формада бўлмасин, у тобе сўзни маълум формада келишини талаб қилади. Тобе сўзнинг формаси ҳоким сўз формаси билан бир хил бўлмайди.

Ҳозирги инглиз тилидаги сўз бирикмаларида бошқарувнинг роли унчалик катта эмас. Б. А. Ильяшининг кўрсатишича, фақат объект (objective case) келишигида келган кишилик олмошлари ва *who* сўроқ олмоши ҳоким сўз — феъл талабига кўра ўз формаларини ўзгартиришлари мумкин: **give me, him, her, us, them, whom.**

Бирикув (Adjoining). Бундай боғланишда бириккан сўзлардан бирининг грамматик иккиланиши иккинчисига боғлиқ бўлмайди. Уларнинг ўзаро алоқаси тартиб ёки интонация орқали ифодаланади. Инглиз тилида бундай боғланиш кенг тарқалган. Масалан:

a good boy	his book	to read well
ten books	many pens	to read slowly

Гапнинг энг асосий белгиси предикативлик (кесимлик)дир. Предикативлик — гап структурасининг асосий маркази ҳисобланади. Гапнинг муҳим белгиларидан яна бири унинг интонацион шаклланиган бўлишидир. Интонациясиз айрим олинган гап ҳеч қачон ҳақиқий гап бўлолмайди. Интонациясиз гап, интонация олган гапдан мурда жонли мавжудотдан қанчалик фарқ қилса, шунчалик фарқ қилади,¹ деб ёзади А. А. Смирницкий. Интонация ёрдамида фақат сўз бирикмаларигина эмас, балки айрим олинган сўз ҳам гап бўла олиши мумкин. Масалан: He rubbed his eyes and looked again. «Henry», he said. «Oh, Henry!». What is the matter now? asked Henry sleepily (J. London). They heard aloud cry. «The wolves», said Henry (J. London).

Гапнинг характерли хусусиятларидан яна бири модалликдир. Модаллик (modality) — гап мундарижасининг воқеликка муносабати, сўзловчининг воқеликка субъектив муносабатидир.

67- §. Гап турлари (Types of Sentences)

Гап сўзловчининг бирор мақсадини англатади. Сўзловчи гап орқали дарак, хабар беради, ўзига номаълум шахс, предмет, ҳаракат, белгини аниқламоқчи бўлади, тингловчини бирор иш-ҳаракатни бажаришга ундайди, буюради. Сўзловчининг мақсадига кўра гаплар уч турга бўлинади:

1. Дарак гаплар (Declarative Sentences)
2. Сўроқ гаплар (Interrogative Sentences)
3. Буйруқ гаплар (Imperative Sentences)

Сўзловчи гап орқали дарак, сўроқ, буйруқлар билан бирга ўзининг эмоционал муносабатини, ҳист-туйғуларини ҳам ифодалайди.

Эмоционалликнинг ифодаланишига кўра гап яна икки турга бўлинади:

1. Эмоционал гаплар.
2. Эмоционал бўлмаган гаплар.

Эмоционал гаплар, одатда, *ундов гаплар* (Exclamatory Sentences) деб юритилади.

Дарак гаплар (Declarative Sentences). Дарак гаплар бирор нарса, ҳодиса тўғрисида дарак, хабар бериш, белгини, тасвирни тасдиқлаш ёки инкор қилиш мақсадида қўлланади. Дарак гаплар структура жиҳатидан содда ва қўшма бўлади.

Дарак гаплар бўлишли ва бўлишсиз (тасдиқ ва инкор) гапларга бўлинади. Бирор ҳодиса, белги, тасвирни тасдиқ ё инкор қилиши дарак гапларгагина хос хусусиятдир. Сўроқ ва буйруқ гап-

¹ А. А. Смирницкий. Синтаксис англ. тилига М., 1956; стр. 36.

лар гарчи бўлишли ва бўлишсиз формаларга эга бўлса ҳам, уларда тасдиқ, инкор ифодаланмайди.

Дарак гапда сўз тартиби. Умуман гапларда икки хил сўз тартиби учрайди: 1) **тўғри сўз тартиби** (Direct Word Order), 2) **тескари сўз тартиби** (Inverted Order of Words). Тескари сўз тартиби **инверсия** (inversion) деб ҳам юритилади. Дарак гапда сўз тартиби тўғри бўлиб, эга биринчи, кесим иккинчи, тўлдирувчи учинчи, ҳол эса тўртинчи ўринда келади. She was reading a book then (*Ch. Brontë*). Jane took it yesterday (*Ch. Brontë*)

Баъзан ҳол эгадан олдин ёки кейин келиши мумкин. Предлогсиз воситали тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчидан олдин келади. Масалан:

He bought me a book
Nick wrote me a letter

Предлогсиз воситали тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчидан кейин келади:

He bought a book for me
Nick wrote a letter to me

Ундалма, киритма сўз ва киритма конструкциялар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиб, ёзувда вергул билан, оғзаки нутқда эса махсус интонация билан ажратилади ва бу сўзлар гап бўлаклари ҳисобланмайди. Масалан: You have, Fred, a very pretty girl (*J. Priestly*).

Инглиз тилида морфологик воситалар етарли даражада ривожланмаганлиги учун сўзлар орасидаги муносабат асосан сўз тартиби орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам инглиз тилида, рус ва ўзбек тилларида бўлгани каби сўзлар ўрнини алмаштириш мумкин эмас. Масалан: Edward looked at Rose, and Rose looked at Edward

Гапдаги Edward ва Rose сўзларнинг ўрнини ўзгартириш билан маъно ўзгарапти.

Дарак гапда инкорнинг ифодаланиши. Инглиз тилида гапдаги инкор маънони англатиш учун инкор сўз қўлланади. Бир гапда бирдан ортиқ инкор сўз қўллаш мумкин эмас. Инкор қуйидаги сўзлар ёрдамида ифодаланади:

1) бўлишсиз олмош ва равишлар: **Nobody, no one, nothing, nowhere, never;**

I can do **nothing** with him. (*E. Hemingway*).

I **never** thought of that before. (*L. Carroll*).

Nobody could hear anything (*J. Galsworthy*).

2) инкорни ифодаловчи боғловчи: **neither...nor;**

He showed **neither** disappointment **nor** anger. (*S. Maugham*)

There had been **neither** rabbit **nor** fish. (*J. London*).

3) инкорни ифодаловчи **not, no** юқламалари:

I have **not** any book

I have **no** book

Бўлишсизликни ифодаловчи **-less** (fatherless) **mis-** (misinterpret), **dis-** (disarm), **non-** (nonrecognition), **un-**, **in-** (untie, inactive), **ab-** (abnormal) каби аффикслар инкорни гапда эмас, балки сўзда ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, улар инкор ҳукмини эмас, инкор тушунчани ифодалайди.

Гапда инкорни ифодаловчи воситаларнинг энг маҳсулдори **not** юкламасидир.

Дарак гапда **not** юкламасининг ишлатилиши. Агар гапнинг кесими қўшма бўлса, ёки ёрдамчи (кўмакчи) феълга эга бўлса, **not** биринчи ёрдамчи (кўмакчи ёки модал) феълдан кейин келади. Масалан:

There was **not** any need to insult her. (*S. Maugham*).

The game is **not** worth the candle. (*Proverb*).

He couldn't be wrong three times. (*J. Steinbeck*).

You cannot eat your cake and have it. (*Proverb*).

You haven't had much practice. (*L. Carroll*).

Гапнинг кесими мустақил маъно англатувчи феъл билан ифодаланган бўлиб, **Present Indefinite**, **Past Indefinite** замонида келса, инкорни ифодалаш учун **not** юкламасидан ташқари **do** кўмакчи феъли ҳам ишлатилади: **do + not**, **does + not**, **did + not**.

He **does not** seem so shipper (*J. Steinbeck*).

I **did not** see Elliot till he came to London. (*S. Maugham*).

Гапнинг кесими **to have** феъли билан ифодаланган бўлса, **not** юкламаси **do** кўмакчи феълсиз ишлатилади: **have not**, **has not**, **had not**.

Бундай ҳолларда тўлдирувчидан олдин, одатда, **any**, **much**, **this**, **that**, **my**, **our**, **your** ва бошқа олмошлар ёки сон билан ифодаланган аниқловчи келади.

He has **not any** ball

I have **not that** book.

Айрим ҳолларда, масалан, кесим **to have a good (hard) time**, **to have breakfast** сингари бирликлар орқали ифодаланган бўлса, инкорни ифодалашда **do** кўмакчи феъли иштирок этади:

We **did not** have a good time.

Гапнинг кесими **to have to** модал феъли ёрдами билан ясалганда ҳам инкорни ифодалашда **do** кўмакчи феъли иштирок этади:

I **do not** have to go...

Кўп ҳолларда, асосан оғзаки нутқда, **not** юкламаси ўзидан олдин келган кўмакчи ёки модал феъл билан қўшилиб, қисқа формада (isn't, aren't, don't, doesn't, wasn't, shan't, won't (will not) can't, couldn't) ишлатилади:

We **shan't** want any tea. (*J. K. Jerome*).

He's just a colt. You **can't** ride him for some time (*J. Steinbeck*).

Кесими **to have** феъли билан ифодаланган гапда, инкор **no** ёрдами билан ифодаланиши мумкин. Бунда **no** гапнинг кесими **have** дан сўнг воситасиз тўлдирувчидан олдин ишлатилади:

We have **no** lessons today.

Агар гапда воситасиз тўлдирувчи ишлатилмаган бўлса, **none** инкор сўзи қўлланилади: We have **none** (no lessons).

Гапнинг кесими **to have** феълдан бошқа мустақил маъно билдирувчи феъл билан ифодаланганда **no** (инкор сўзи) гапда турли ўринларда келиб, инкорни ифодалашни мумкин:

He made **no** reply. (*Ch. Brontë*).

No windows faced the street.

All plants and factories are public property. **No** other owners exist in a socialist country.

He **no** longer occupied himself with the landscape. (*Norris*).

Инкорнинг тўлдирувчида ифодаланиши:

She did **nothing** of the kind. (*S. Maugham*).

The buzzards overlooked **nothing**. (*J. Steinbeck*).

Инкорнинг пайт ҳолида ифодаланиши:

I **never** had a bone spur. (*E. Hemingway*).

He **never** refused it (*S. Maugham*).

I **never** saw any one day. (*Ibid*).

Инкорнинг ўрин ҳолида ифодаланиши:

But when he arrived at the site, Bosinney was **nowhere** to be seen. (*J. Galsworthy*)

He went nowhere. (*J. London*).

Инкор гапнинг бирор бўлагига эмас, бутун гапга тегишли бўлиши мумкин: **Not** did I fare better with the masters themselves. (*J. London*).

Дарак гапда модалликнинг ифодаланиши. Модаллик предикативлик ва интонация билан бир қаторда гапнинг асосий белгиси ҳисобланади. Сўзловчи гап орқали нейтрал фикрни эмас, балки шۇ айтилаётган фикрга бўлган ўз муносабатини билдиради. Машҳур тилшунос Ш. Балли «модаллик гапнинг жонидир» деган эди.

Модаллик дарак гапларда феъл майллари, замон формалари, модал сўзлар, иборалар, модал юкламалар ва интонация ёрдамида ифодаланади. Модалликни ифодалашнинг бу воситалари тегишли бўлимларда берилди.

Сўроқ гаплар (Interrogative Sentences). Бирор номаълум нарса, ҳодиса ҳақида маълумот олиш учун ишлатиладиган гаплар **сўроқ гап** дейлади. Сўроқ гаплар жавоб талаб қилувчи гаплардир.

Ҳозирги инглиз тилида сўроқ гаплар бир неча йўллар билан ифодаланади:

1. **who, whom, what, which, when, where, how** каби сўроқ олмыш ва сўроқ равишлари ёрдами билан:

Who are you?

When did you come?

2. Сўз тартиби (инверсия) ва кўтарилувчи интонация ёрдами билан:

Are you a student?

Is he young?

3. Фақат интонация орқали: Не same?

Сўроқ гапнинг турлари. Сўроқ гапни турларга ажратишда гапнинг грамматик структураси, интонация ва бошқа хусусиятларига асосланилади.

Сўроқ гаплар умумий моҳиятига, сўзловчининг мақсадига кўра соф сўроқ гапларга ва риторик сўроқ гапларга бўлинади.

Соф сўроқ гаплар. Сухбатдошдан жавоб талаб қилувчи гаплар соф сўроқ гаплар дейилади. Соф сўроқ гапларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: 1. Умумий сўроқ гап.

2. Алтернатив сўроқ гап.

3. Ажратилган сўроқ гап.

4. Махсус сўроқ гап.

Умумий сўроқ гаплар (General Questions). Тасдиқ ёки инкор жавобни талаб қилувчи гаплар умумий сўроқ гаплар дейилади.

Умумий сўроқ гаплар қисман инверсия ва кўтарилувчи интонация ёрдами билан ифодаланади. Умумий сўроқ гапда ёрдамчи, кўмакчи ёки модал феъл эгадан олдин келади. Масалан:

Have you ever been married, captain Meadows? (*S. Maugham*)

Have you forgotten the wood-box? (*J. Steinbeck*)

Can I go out and get sardines for you tomorrow? (*E. Hemingway*)

Did he get frightened at the last moment? (*S. Maugham*)

May I take the cast net? (*E. Hemingway*)

Do you know anything else about Sherlock Holmes? (*C. Doyle*)

Умумий сўроқ гапда сўз тартиби қуйидагича бўлади: биринчи ўринда ёрдамчи, кўмакчи ёки модал феъл, иккинчи ўринда эга, учинчи ўринда асосий маъно англатувчи кесим, тўртинчи ўринда тўлдирувчи, бешинчи ўринда эса ҳол келади.

Гапнинг кесими **to be** ёки **to have** феълидан ясалган бўлса, умумий сўроқ гапни ифодалашда кўмакчи феъл иштирок этмайди. Бунда гапнинг кесими эгадан олдин келади. Масалан:

Is your father a theoretical physicist too? (*M. Wilson*)

Have you enough covers on? It's getting winter. (*J. Steinbeck*)

Was it Denis Foyle? (*A. Cronin*)

Умумий сўроқ гапда инкор ифодаланганда **not** инкор юклагаси асосан эгадан кейин келади. Агар инкорни ифодаловчи юклага ёрдамчи, кўмакчи ёки модал феъл билан бирикса, у ҳолда **not** эгадан олдин келади:

Will you not need a good deal of machinery? (*S. Leacock*)

Isn't he a lovely sight? (*L. Carroll*)

Умумий сўроқ гапга **yes** ёки **no** сўзлари ёрдамида қисқа жавоб берилади. Шунинг учун ҳам баъзан сўроқ гапнинг бу турини ҳа ёки йўқ жавобини талаб қилувчи сўроқлар (**Yes- or -no Questions**) деб юритилади. Адабий тил нормасига кўра умумий сўроқ гапга берилган жавобда **yes** ёки **no** сўзларидан сўнг эга (кишилик оломи) ва кесим (ёрдамчи, кўмакчи ёки модал феъл) келади:

— Did you go there?
— Yes, I did.
— Are you a student?
— Yes, I am.

— Have you a brother?
— Yes, I have.
— Can he read?
— Yes, he can.

Айрим ҳолларда, асосан оғзаки нутқда, умумий сўроқ гапга берилган жавобда **yes** ёки **no** сўзлари иштирок этмаслиги ҳам мумкин:

«Are his eyes that bad?»
«He is almost blind» (*E. Hemingway*).

«Have you lived here long?»
«Seven years». (*J. Galsworthy*).

«Are you quite sure?»
«Quite sure». (*M. Baring*).

Баъзан умумий сўроқ гап инверсиясиз ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолларда сўроқ асосан интонация орқали ифодаланади:
You want to marry me? (*English humour*)

You're not going to shoot him? (*J. Steinbeck*)

Агар сўроқ инверсиясиз ифодаланса **surely, so, of course, suppose, wonder, hope** каби сўзлар ишлатилади.

Бу турдаги сўроқ гапларда тахмин кучли бўлиб, жавоб сўроқ гапнинг ўзидан англашилади. Сўровчи тасдиқ жавоб берилишини кутади.

«I suppose you don't remember?»
«Oh, yes. (*J. Galsworthy*).

«I hope your finger is better now?»
«Oh, much better» (*L. Carroll*).

You know her history, of course? (*S. Maugham*)

Бундай сўроқ гаплар ҳам асосан сўзлашув нутқда кўп учрайди.

Махсус сўроқ гап (*Special Question*). Махсус сўроқ гап сўроқ сўзлар, сўроқ олмошлари ва сўроқ равишлари ёрдамида тузилади.

Махсус сўроқ гап шахс ёки предметни (ҳаракатнинг бажарувчиси), объектни, иш-ҳаракатни, ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатлар (пайт, ўрин, сабаб, мақсад) бажарувчини ёки объектнинг белгиси, тартиби, миқдорини аниқлаш учун ишлатилади. Мисоллар:

Why don't you go into ... (*J. Galsworthy*) Who gave this to you? (*E. Hemingway*) What does that matter? (*J. Galsworthy*)

What in God's name came over you? (*A. Cronin*) Where were you hidden? (*C. Doyle*) Why don't you go into the country? (*J. Galsworthy*)

And whow do you expect to answer our advertisement? (*C. Doyle*) How old was I when you first took me in a boat? (*E. Hemingway*)

What time do you think to be back, Carl? (*J. Steinbeck*).

Махсус сўроқ гапнинг бошида сўроқ сўз — сўроқ олмоши ёки равиши келади. Агар сўроқ эгага, ё эганинг аниқловчисига берилган бўлса, сўз тартиби дарак гаптагидек бўлади. Масалан: Who goes there? (*O'Henry*) What made you quarrel with Conrad? (*English Humour*)

Агар сўроқ гапнинг бошқа бўлакларига тушса, сўз тартиби ўзгариб, биринчи ўринда сўроқ сўз, иккинчи ўринда кўмакчи, ёрдамчи ёки модал феъл, учинчи ўринда эга, тўртинчи ўринда эса маъно англатувчи кесим ё кесимнинг от ёки феъл компоненти келади. Мисоллар:

What are you going to do with it? (*O. Henry*)

Why was that exceedingly important? (*C. Doyle*)

When do you expect him to come? (*C. Doyle*)

What will you do now? (*J. Steinbeck*)

Агар сўроқ сўз предлог билан бирга бир тушунчани ифодаласа (бир сўз каби қўлланса), предлог одатда гапнинг охирида келади. Масалан:

Where does she come from? (*B. Shaw*)

Айрим ҳолларда сўроқ сўз бирикма шаклида ишлатилади:

What kind of a picture is it to be? (*O'Henry*)

What about the eighty-seven of your great record? (*E. Hemingway*)

Махсус сўроқ гапга тўлиқ жавоб берилади.

Махсус сўроқ гаплар интонацияси пасаювчан бўлади.

Алтернатив сўроқ гап (*Alternative Questions*). Алтернатив сўроқ гап туридаги сўроқ гаплар танлов характериغا эга бўлиб, икки, баъзан уч бир-бирига зид предмет, нарсаларнинг қайси бири тўғрилиги сўралади.

Алтернатив сўроқ гап икки гапдан ташкил топиб, гаплар ўртасида айирувчи боғловчи келади. Алтернатив сўроқ гапдаги гапларнинг сўз тартиби умумий сўроқ гаплардагидек бўлади.

Do you agree to this condition or do you refuse? (*C. Doyle*)

Can you really remember that or did I just tell it to you (*E. Hemingway*)

Are you going to stay here or would you like to come with me? (*C. Doyle*)

Алтернатив сўроқ гапнинг *or* айирувчи боғловчисидан олдинги қисми кўтарилувчи интонация билан, қолган қисми тушувчи интонация билан айтилади.

Алтернатив сўроқ гап икки, баъзан уч составли кесимнинг от компонентидан ясалиши ҳам мумкин. Масалан:

Is he a painter or a writer or something? (*S. Maugham*)

Are you guilty or not guilty? (*«English Humour»*)

Алтернатив сўроқ гапга тўлароқ жавоб берилади.

Ажратилган сўроқлар (*Disjunctive Questions*). Ажратилган сўроқ гапнинг биринчи қисми дарак гап, иккинчи қисми эса қисқартирилган умумий сўроқ гап бўлади.

Ажратилган сўроқ гапда сўроққа нисбатан уқдириш, таъкид кучли бўлади:

You don't mind sleeping in that bed, do you? (*S. Maugham*)

That would be all the better, wouldn't it? (*L. Carroll*)

Ажратилган сўроқ гапнинг дарак гап қисми бўлишли формада бўлса, сўроқ қисми бўлишсиз формада келади:

You have come from Afghanistan, haven't you (*C. Doyle*)

Ажратилган сўроқ гапнинг дарак гап қисми бўлишсиз формада бўлганда, сўроқ қисми бўлишли бўлади.

You didn't send for me, did you? (E. Caldwell)

Бу сўроқ гапларга ҳам қисқа жавоб берилади:

«Oh, I don't know. It doesn't matter, does it?»

«No, it doesn't». (I. B. Priestly).

«Fabermacher's not a common name, is it?»

«No, it's not» (M. Wilson).

Ажратилган сўроқ гапнинг дарак гапга тенг қисмидан сўнг интонация пасаяди, гапнинг охирида интонация умумий сўроқлардагидек кўтарилади.

Ажратилган сўроқ гап кўпинча дарак гап қисмидаги фикрни тасдиқлаш мақсадида ишлатилади.

Риторик сўроқ гап (Rhetoric Questions). Ташқи томондангина сўроқ формага эга бўлган, лекин сўроқни билдирмайдиган, жавоб талаб қилмайдиган гап *риторик сўроқ гап* дейилади.

Риторик сўроқ гаплар бадий адабиёт ва оғзаки нутқда фикрни таъсирли, кучли, эмоционал ҳолда ифодалашда қўлланади:

Who cares now that Alexander of Macedon was cruel and ungrateful, who remembers that Julius Caesar was perfidious? (S. Maugham)

But who wants to be foretold the weather? It is bad enough when it comes ... (J. K. Jerome).

Риторик сўроқ гапнинг кесими бўлишсиз формада келса, тасдиқ маънони, бўлишли формада келса, инкор маънони билдиради: Мисалан:

Shall I ever forget those lessons! They were presided over nominally by my mother ... (Ch. Dickens)

Қиёсланг: Shall I ever forget — I shall not forget.

Буйруқ гаплар (Imperative Sentences). Буйруқ гаплар тингловчинини бирор иш-ҳаракатни бажаришга қисташ, буюриш, ман этиш, оғоҳлантириш, рухсат, таклиф, насиҳат, маслаҳат, илтимос, ялиниш ва шу кабилар учун ишлатилиб, дарак, сўроқ гаплар билан бир қаторда коммуникативлик (алоқа) функцияни бажаради. Буйруқ асосан II шахсга қаратилган бўлади. Буйруқ гапнинг кесими буйруқ гап майлидаги феъл билан ифодаланади. Буйруқ гапларда одатда эга ишлатилмайди. Мисоллар:

You're with a lucky boat. Stay with them. (E. Hemingway)

Буйруқ гаплар ҳам бўлишли, ҳам бўлишсиз формада бўлиши мумкин. Бўлишсиз буйруқ гаплардан ман этиш ва бошқа модал оттенкалар ифодаланади. Бўлишсизлик *do* феъли ва *not* инкор юкламаси ёрдами билан ифодаланади. Мисоллар:

Don't tell her, Matt! Don't tell anybody. (A. Cronin).

Баъзи ҳолларда бўлишсизлик фақат *not* инкор юкламаси орқали ифодаланади:

Look not a gift horse in the mouth. (Proverb).

Look not — Don't look.

Кўпинча буйруқ гапларда ундalma ишлатилади. Ундalma гапнинг бошида ёки охирида келади:

Megan, get the spare room ready. (*J. Galsworthy*).

My dear, sit up straight and don't worry your father. (*A. Cronin*).

Буйруқ III шахсга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда ҳам буюриш II шахс орқали амалга оширилиб, у қуйидаги структурага эга бўлади: **let** ёрдамчи феъли объект келишигидаги олмон ёки бош келишигидаги от билан ифодаланган эга + инфинитив. Инфинитив **to** сиз ишлатилади:

Let him come,

Let her read the book.

Let them come.

Агар буйруқ I шахс кўплика қаратилган бўлса, бирор иш-ҳаракатни биргаликда қилишга ундаш ифодаланади: Let us read the book.

Гапнинг структураси **let + me + инфинитив** формасида бўлса, яъни I шахс бирликка қаратилган бўлса, сўзловчининг истаги, хо-ҳиши ифодаланади: let me help you.

Агар буйруқ гапнинг эгаси бўлса, кесим буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланади. Бундай буйруқ гап эмфатик характерга эга бўлиб, ундan с а н а ш, к ў р с а т и ш англашилади:

You just go back to work, young man (*D. Carter*).

Roger, you look after the shop now. (*J. B. Priestly*).

Буйруқ гапларнинг модал турлари оғзаки нутқда асосан интонация орқали ифодаланади, ёзма нутқда эса автор гапи, ремаркалар, баъзан лексик-грамматик йўл билан англашилади: «Come here!» he ordered (*J. Steinbeck*).

Буйруқ гап орқали илтимос, насиҳат кабилар ифодаланса please сўзи қўлланади:

Come over here, please. (*C. Doyle*). Please, explain how you focus your alpha beam on the target. (*M. Wilson*).

Oh! Please don't make such faces, my dear. (*L. Carroll*).

Агар буйруқ гапда қатъий буйруқ, ўта илтимос ифодаланган бўлса, буйруқ майлидаги феъл кесимдан ташқари **do** феъли ҳам ишлатилиши мумкин:

Do come

Do eat

Илтимос умумий сўроқ структурасидаги гап орқали ифодаланиб, эгадан олдин **would** кўмакчи феъли ишлатилади:

Which is the best way out of this wood: it's getting so dark.

Would you tell me, please? (*L. Carroll*)

Илтимос ифодаланганда кўпинча буйруқ гап **would you mind** структурасига эга бўлади. Масалан:

Would you mind bringing me the gun? (*C. Doyle*)

Would you mind putting the dog here on the floor! (*Ibid*).

Буйруқ гап қўшма гапнинг бир компоненти бўлиб келиши мумкин. Масалан:

Pass your father's cup, Nessie, and I'll give him some fresh tea.
(A. Cronin).

Look about in the grass and see if you can find any nests.
(J. Steinbeck).

Everybody who goes home to lunch hold up your hands (H. Lee.)
Маълум ситуация, контекстда от ёки равишли сўз-гаплар интонация ёрдамида буйруқни ифодалай олади. Мисоллар:

Please — please get me a glass of water. Quick! Quick, Frank! Water please! (E. Caldwell).

Give me your hand. Make haste! Your hand! (Ch. Dickens)

«Give him and the child food and drink».

Then the chief cried, «Forward!» (C. Doyle)

«Silence!» cried Mr. Mell (Ch. Dickens).

Эмоционал гаплар (Exclamatory Sentences). Ҳис-ҳаяжон, эмоционал муносабатларни ифодалайдиган гап эмоционал (ундов) гап дейилади.

Ҳис-ҳаяжон эмоционал воқеликни билишда энг муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

Ҳис-ҳаяжон гапда турли йўллар билан ифодаланади.

Дарак, сўроқ, буйруқ гаплар ундов интонацияси билан айтилса, ундов гапга айланган ҳисобланади. Мисоллар:

«I've done it, Father. I've Finished First,» cried Nerrie triumphantly. (A. Cronin).

Let the Socrates, Platos and Aristotles of philosophy, the Ulugbegs of astronomy ...work here in please, each in his own spherel (Ojbek).

Hey, you can't peddle this stuff! Get out of here with that stuff.
(D. Carter).

«It is the voice of my child!» the white Queen cried out. (L. Carroll).

He's well liked father! Indeed he is! (A. Cronin).

When did I say that?! — cried Authur. (Voynich).

Эмоционал гаплар структурасига кўра дарак, сўроқ, буйруқ гаплардан фарқ қилади ва қуйидаги турларга бўлинади:

1. Таркибида **what, how** каби кучайтирувчи, ҳис-ҳаяжон ифодаловчи сўз келган эмоционал гаплар.

Well, it's many years since we first met.

How time flies! (S. Maugham).

What enormous flowers they must be! ...What a quantity of honey they must make! (L. Carroll).

«We are saved. How happy I am! (C. Doyle)

Ashurst drew a deep breath. What a night to wander out int
(J. Galsworthy).

What a miserable fish raw! (E. Hemingway)

How nice and soft it sounds? (L. Carroll)

What a fine thing for our girls. (J. Austen)

Эмоционал гапларнинг бу турини **what, how** сўроқ сўзлари билан ясалган сўроқ гаплардан фарқлаш керак. Сўроқ гапларда

what, how сўроқ сўзларидан кейин ёрдамчи ёки кўмакчи феъл ишлатилади.

2. Таркибида ундов сўзлар иштирок этган эмоционал гаплар. Ундов сўзлар турли-туман эмоционал кечинмаларни ифодалаш учун хизмат қилади:

Oh, what fun it is! (*L. Carroll*)

Oh, you wicked, wicked little thing! (*Ibid*)

Ундов сўздан сўнг дарак ёки буйруқ гап келиши мумкин:

Oh, it's too bad! (*L. Carroll*) Oh! go on! (*A. Cronin*)

3. Фақат ундов сўз билан ифодаланган эмоционал гаплар. Маса-лан:

«No, sir. Mr. Desent has just started for the East.

«Oh!» said Michael. (*J. Galsworthy*).

«Ah!» sighed all the Norrises. (*Ch. Dickens*).

They began to bleat, and ghostly flocks and herds answered them from the sea: «Baa! Baaa!» (*K. Mansfield*)

4. Ундов сўз ва ундалмадан иборат бўлган эмоционал гаплар: Oh! dear me! (*A. Cronin*)

5. Таркибида **do, does, did** эмфатик юklamалар иштирок этган эмоционал гаплар: I do so wish it was true! (*L. Carroll*) Why, I do believe! (*Ibid*)

6. Турли эпитетлардан иборат бўлган эмоционал гаплар: Good Heavens, Good gracious... Thank God! I am glad that you agree to our condition. (*C. Doyle*).

7. Саломлашиш, хайрлашишни ифодаловчи бирикмалардан иборат бўлган эмоционал гаплар: «Thanks, old man! That's great! Good-bye!»

«So long!» (*J. Galsworthy*)

8. Қарғишни ифодаловчи бирикмалардан иборат бўлган эмоционал гаплар:

Vivie. I hardly find you worth thinking about at all now.

Crofts. Damn you! (*B. Shaw*)

9. Эмоционал гап таркибидаги урғу тушган бўлак бир неча марта қайтарилиб, эмоционаллиги кучайтирилган гаплар:

I shall never, never forget! (*L. Carroll*)

You ought, Dinah, you know you ought! (*Ibid*)

Better, and better, and better!

10. Эмоционал гаплар фақат ундалмадан тузилган бўлиши мумкин: «Mary!»

«Yes, Father» (*A. Cronin*).

Fred! Oh, Fred! (*J. London*)

68- §. Гапларнинг структурасига кўра турлари. (Structural Types of Sentences)

Гаплар тузилишига кўра содда гап ва қўшма гапларга бўлинади: Содда гап (The simple sentence). Содда гап нутқнинг энг кичик, бўлинмайдиган бирлиги бўлиб, тузилиши жиҳатдан эга ва кесим-

нинг ўзидан ёки иккинчи даражали бўлакди, ёки бир ажралмас составнинг ўзидан иборат бўлади. Шунга кўра содда гаплар тузилиши, структураси жиҳатидан **икки составли гаплар** ва **бир составли гапларга** бўлинади.

Икки составли гаплар (Two-member sentences). Гапнинг бош бўлаклари — эга ва кесим иштирок этган гаплар *икки составли гаплар* дейилади. Эга ва кесимдан тузилган гаплар икки составли гапнинг энг оддий туридир: He was nervous. (S. Maugham). The moon rose. (J. Galsworthy).

Икки составли гаплар иккинчи даражали бўлаклар — тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол ҳисобига кенгайди. Иккинчи даражали бўлак эга ва кесим составини аниқлаб, тўлдириб келади.

Икки составли гаплар иккинчи даражали бўлакнинг иштирок этиши ё эмаслигига кўра икки турга, яъни содда йиғиқ ва содда ёйиқ гапларга бўлинади.

1. **Содда йиғиқ гаплар** (Simple unextended sentences) фақат эга ва кесимдан иборат бўлади: The storm died (J. K. Jerome). She was silent. (A. Cronin).

2. **Содда ёйиқ гаплар** (Simple extended sentences) да эга ва кесимдан ташқари бир ёки бир неча иккинчи даражали бўлак ҳам иштирок этади. Масалан:

Her old eyes warmed at a sudden thought. (A. Cronin).

A couple of English tourists came out of the hotel. (B. Shaw).

The light fell on his face. (Voynich).

He had many invitations to dinner. (J. London).

I shrugged my shoulders. (S. Maugham). She valued him. (J. London).

Бир составли гаплар (One-member sentences). Бир составли гапларда — эга ҳам, кесим ҳам иштирок этмайди. Бу турдаги гаплар бир бош бўлакдан (бир составдан) иборат бўлиб, у эга состав ҳам, кесим состав ҳам эмас. Бир составли гаплар учун қайси состав ишлатилганлигининг аҳамияти йўқ, чунки фикр (ёки эмоция) шу бир составнинг ўзи орқали англашилади.

Бир составли гаплар бир сўздан ёки бир неча сўздан тузилиши мумкин. Масалан:

Night, midnight. Still she worked. (Dickens). A little inn in North Italy. The innkeeper, Giuseppe Grandi, is in the highest spirits. (B. Shaw). **But, the eyes of them! The cold, red and often wet hands!** The tore hats with snow on them, the thin shoes that are sappy with show and water (Th. Dreiser).

Very early morning. The sun was not yet risen. (K. Mansfield).

Upper Brook Street, Park Lane! Emptying streets, cold night, stark plane trees painted — up by the lamps against a bluish dark. (J. Galsworthy).

Ўзбек тилида бир составли гапларнинг бир неча турлари, масалан, *шахси аниқ*, *шахси номаълум*, *шахси умумлашган*, *шахсиз*, *инфинитив*, *номинатив*, *вокатив* турлари мавжуд. Ҳозирги инглиз тилидаги *номинатив*, *инфинитив*, *вокатив* гапларгина бир составли

гап ҳисобланади. Чунки инглиз тилида гапнинг эгасини ҳамма вақт ҳам унинг кесими орқали ифодалаб бўлмайди. Кесим орқали англашилмаган субъект — махсус сўз эга орқали ифодаланади. Бундай гап эса икки составли ҳисобланади.

Бир составли гапларда етакчи бўлак қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. От билан:

On the road, where their front line ran, they had a sign — board that said Frente Peligro. Danger. The Front. (*E. Hemingway*). And then the silence and the beauty of this camp at night. The stars. The mystic shadowy water. The wonder and glory of all this. (*Th. Dreiser*).

2. Сифат билан:

«He's known in Arizona as «One-Bullet Mike».

«Good gracious!» (*S. Maugham*).

3. Инфинитив билан:

To be lovely and grow older and older. (*J. Galsworthy*). To do one's bit, and not worry! But what is my bit? (*J. Galsworthy*).

4. Буйруқ майлидаги феъл билан:

Get your hand off me. Go on back to your work. (*D. Carter*). Feet! Look! Feet running! (*Wells*).

Юқоридаги гаплар, кузатилган мақсадга кўра, буйруқ гаплардир. Буйруқ гаплар структураси жиҳатидан бир составли гап саналса-да, бир составли гапнинг бошқа турларидан фарқ қилади, чунки буйруқ гапларда эгадан иккинчи шахс бирлик ё кўпликдаги кишилик олмоши доимо англашилиб туради, бир составли гапнинг бошқа турларида эса эга мутлақо англашилмайди. Шунга кўра буйруқ гапларни структура жиҳатидан бир составли гапларга кiritиш анча қийин.

Умумий сўроқ гапга жавоб бўлиб келадиган **yes, no** сўз-гаплар бир составли гап ҳисобланади.

Тўлиқсиз гаплар (Elliptical Sentences). Тўлиқсиз гапларда гап бўлакларидан бирортасининг қўлланилмаслиги, тушиб қолиши мумкин, бироқ қўлланилмаган бу гап бўлагини контекстдан, ситуациядан англаш мумкин бўлади. Тўлиқсиз гаплар дарак, сўроқ, буйруқ гап бўлиши мумкин. Тўлиқсиз гап асосан диалогда ишлатилади.

Мисоллар:

«Who is that?»

«The lady excellency».

«The lady upstairs?».

«Yes, excellency».

«The strange lady!»

«Strange? (*B. Shaw*)»

How old are you?»

«Seventeen, sir».

«And what's your name?»

«Megan David». (*J. Galsworthy*).

«Are you a Devonshire girl?»

«No, sir».

«What then?»

«From Wales».

«... So it's not your form?»

«My aunt's, sir» (*J. Galsworthy*).

Диалог кўпинча сўроқ — жавоб формасида бўлганлиги учун сўроқ гапга бериладиган жавоб қисқа, яъни тўлиқсиз гап структурасида бўлади. Жавобда фақат номаълум — сўроқ тушган бўлаккина айтилади.

Тўлиқсиз гаплар фақат маълум контекстдагина гаплик хусусиятига эга бўлиб, уларни контекстдан ажратиб бўлмайди.

Тўлиқсиз гаплар диалоглардан бошқа ўринларда ҳам учраши ҳамда уларда эга ёки кесим ифодаланмаган бўлиши мумкин: **An hour passed, and a second hour.** The pale light of the short, sunless day was beginning to fade (*J. London*).

Бу гапларнинг кесими бир хил феъл билан ифодаланганлиги учун иккинчи гапда кесим (passed) ишлатилмаган: The eyes were half closed and the lids thick and dry (*J. Steinbeck*).

Баъзан ҳам эга, ҳам кесим ёки иккинчи даражали бўлаклар «тушиб қолади».

«And where is that?»

«Down here, sir» (*J. Galsworthy*).

Тўлиқсиз гаплар билан бир составли гапларни бир-биридан фарқлаш лозим. Айтиб ўтилганидек тўлиқсиз гапларда «тушиб қолган» гап бўлагининг мазмунини контекстдан, ситуациядан англаш мумкин бўлса, бир составли гапларда эса ҳеч бир гап бўлаги «тушиб қолмайди». Бир составли гапни контекст, ситуация, диалогдан ташқари алоҳида келганда ҳам англаш мумкин.

69- §. Гап бўлаклари (Parts of the Sentences)

Гап ясашдаги вазифаларига кўра гап бўлаклари икки гурпуга: бош ва иккинчи даражали бўлакларга бўлинади.

Гап бош бўлаклардан тузилиб; улар гапнинг *асоси, маркази* ҳисобланади.

Бош бўлаклар мустақил бўлиб, иккинчи даражали бўлакларсиз ҳам маълум фикрни ифодалай олади. Иккинчи даражали бўлаклар бош бўлакларга тобедир. Иккинчи даражали бўлаклар бош бўлаклар англатадиган фикрни аниқлаб, тўлдириб келади.

Бош ва иккинчи даражали бўлакларни аниқлашда сўзнинг қайси сўз туркумга тааллуқлиги, гапдаги ўрни, формаси, синтактик муносабатлари назарда тутилади.

Сўзнинг қайси сўз туркумга мансублигини билмай туриб, у гапнинг қайси бўлаги бўлиб келганлигини аниқлаб бўлмайди. Масала: I like my red dress гапида **red** сўзи аниқловчи бўлиб келса, the pen is red гапида кесимнинг от қисми (предикатив) бўлиб келади.

От сўз туркумига кирувчи **garden** сўзи гапда ҳам бош, ҳам иккинчи даражали бўлак функциясида кела олади: We garden with garden tools in the garden.

Демак, гап бўлакларини зикрлашда сўзнинг қайси сўз туркумига тааллуқлилигини, гаптаги ўрнини, формасини, синтактик мунсабатларини ҳисобга олиш зарур.

70- §. Гапнинг бош бўлаклари (The Principal parts of the Sentence).

Эга ва кесим гапнинг бош бўлакларидир. Эга ва кесим минимал гап структурасининг асоси, гапнинг ҳоким бўлагидир. Эга ва кесим бир-бири билан грамматик жиҳатдан боғлиқ. Агар гапнинг эгаси бўлса, унинг кесими ҳам бўлиши шарт.

Эга (The Subject). Эга гапнинг шундай бўлагики, у ифодалаган шахс ёки нарсага кесим ифодалаган ҳаракат, белги ёки ҳолат тегишли бўлади. Эга мутлақ мустақил бўлак бўлиб, кесим ҳам эгага тобе ва кўп ҳолларда эга билан шахс-сонда мослашади.

Эга асосан қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланadi.

1. Бош келишидаги от билан:

Bernard Higginbotham invited him to dinner (*J. London*).

The man was unusual, not eccentric, but unusual (*J. Galsworthy*).

Society opened its portals to me (*J. London*).

2. Олмошлар билан:

а) кишилик олмошлари билан:

He arrived at the club at three o'clock (*J. Galsworthy*).

We stood looking out at them through the window (*J. K. Jerome*).

I had a case this morning, Chris! You'll note that **I** say had! (*A. Cronin*).

Эга кишилик олмошлари **he, they, you** билан ифодаланганда, баъзан III шахс ёки II шахсни (бирлик ва кўплик) англатмасдан, балки умумий бўлиши, яъни учала шахсга қаратилган бўлиши мумкин:

He laughs best who laughs last (*Proverb*). As **you** make your bed, so must **you** lie on it. (*Proverb*). **They** say he died.

б) кўрсатиш олмоши билан:

This was highly diverting. (*A. Cronin*).

That is my opinion of you (*B. Shaw*).

And **that** was all (*J. Galsworthy*).

в) сўроқ олмошлари билан:

Who told you? (*B. Shaw*).

What has happened?

г) шахс ва предметни ифодаловчи **some, any, somebody, one, each, every, all, either, both, other, another, something, anything** каби гумон олмошлари билан:

Somebody laughed, and it gave me courage (*D. Carter*).

The others gave a cry of horror: they sprang forward and seized him (*S. Maugham*).

All will be well with me. And all will be with you too. Some day I will help you. (*J. London*).

One, with a long pale face, was sitting in a chair. The other was standing in front of the window (*C. Doyle*).

The little ones toddled after their mother. (*S. Thompson*).

Everything was still (*J. Galsworthy*).

Another was a yellow wolf of remarkable swiftness (*S. Thompson*).

Эслатма: One оллоши билан ифодаланган эга фақат бир шахсга эмас, барча шахсларга қаратилган бўлиши ҳам мумкин:

One could not throw away the past like a drown tooth (*P. Abrahams*).

д) Nobody, none, nothing, no one каби бўлишсизлик оллошлари билан:

Nobody was absent (*Norris*)

No one was at home (*Ch. Dickens*).

Nobody can ride him for a long time (*J. Steinbeck*).

Nothing had been taken from the dead man's pockets (*C. Doyle*).

No one was happy ... No one know who belonged to the Aven-
ging Angels. (*Ibid*)

е) эгалик оллошларининг абсолют формаси (Absolute Forms of Possessive pronouns) билан:

His was a lucky lot (*W. Locke*).

Ours are low islands you know (*S. Maugham*).

But my point of view proves to be correct, theirs is wrong (*C. Doyle*).

3. Сон билан:

Eighty-five is a lucky number (*E. Hemingway*).

Thirty is a good age to begin all a new yet (*P. Abrahams*).

At length the two resumed their seats ..., the party grew louder in their mirth (*Ch. Dickens*).

4. Инфинитив, инфинитивли сўз бирикма ёки оборот билан:

To come out of Wales into England was like the change from China to earthenware. (*J. Galsworthy*).

To withhold the truth is sometimes wise. But never conceal the truth with lies (*Navoi*).

A wonderful thing, a memorable thing, to want a doctor!

To get him would be a remarkable thing (*J. Steinbeck*).

For him to come was impossible.

5. Отлашган сифатдош ёки сифатдош сўз бирикмаси билан:

Seated next to him was a young man, Doctor Wallance. (*A. Cro-
nin*).

6. Герундий, герундий сўз бирикмаси ёки обороти билан:

Freezing is a heat evolving process.

Sitting here is dangerous.

Annet's being French might upset him a little (*Galsworthy*).

7. Айрим ҳолларда отлашган равиш билан:

The worst had happened (*J. Galsworthy*)

Many didn't know what had happened (*S. Maugham*)

Tomorrow is going to be a good day (*E. Hemingway*).

8. Эргаш гап ҳам эга вазифасида келиши мумкин:

What I want is sea air (*J. Galsworthy*).

What you say is wrong.

9. Контекстнинг талабига кўра эга баъзан бошқа сўз туркумидаги сўзлар, турли сўз бирикмалари билан ҳам ифодалана олади. Бундай сўзларни, сўз бирикмаларни *цитаталаштирилган* (quotation) сўзлар, сўз бирикмалари дейилади:

The is the definite article.

And is a coordinating conjunction.

On is a preposition.

Эганинг *it* сўзи билан ифодаланиши. *It* сўзи эга бўлиб келганда у ҳам предмет, ҳам жонли нарсаларни ифодалашни ёки ҳеч нарсани ифодаламаслиги мумкин. *It* сўзи бирор предмет ёки жонли нарсани ифодалаганда *шахсли эга* (*шахсни кўрсатувчи эга* — A notional subject) ҳеч нарсани ифодаламаганда *формал эга* (A formal subject) ҳисобланади.

— *It* — *шахсли эга*. *It* III шахс бирликдаги предмет ёки шахсни билдириб, ўзбек тилидаги у олмашига тўғри келади:

But the master of the house was not George Meadows: it was his mother (*S. Maugham*).

It предмет ва шахсни ифодалаб, ўзбек тилига кўрсатиши олмаши воситасида таржима қилинади.

«Who is knocking?»

«It is me».

It — *формал эга*. *It* формал эга бўлиб келганда шахс, предметни ифодаламайди.

Формал эга қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Шахсиз эга** (Impersonal subject) *It* сўзи қуйидаги ҳолларда шахс англатмайдиган эга тарзида қўлланади:

а) Об-ҳаво, табиат ҳодисалари ифодаланганда:

The morning is dark and cold. Soon it will snow.

It is snowing even now (*J. London*).

It is drizzling now. It was raining. I fraze hard (*J. Galsworthy*).

It will be dark soon (*E. Hemingway*).

It was still hot. It's nippy in the mornings now (*Priestley*).

б) вақт ифодаланганда:

It was about 9 o'clock but felt like late afternoon (*A. Harrison*).

It was late in the summer. (*J. Steinbeck*).

It was one o'clock when we left (*C. Doyle*).

в) ташқи муҳит, ҳолат англатилганда:

It was very quiet in the library.

It really is nice here (*A. Cronin*).

It's lonely at the seaside in summer (*Priestley*).

г) масофа ифодаланганда: It is not far from here.

2. **Киритма эга** (Introductory (anticipatory) subject). Предмет маъносига эга бўлмаган сўз ё сўзлар бирикмаси эга вазифасида келганда, гап лексик маънога эга бўлмаган *it* сўзи билан бошланishi мумкин: *It is impossible to go.*

Бу гапда *it* формал эга, *to go* эса ҳақиқий эга (real subject) ҳисобланади. Бу турдаги гапларда ҳақиқий эга, кесимдан кейин келиб, кўпинча инфинитив, герундий билан ёки инфинитив ва герундийли сўз бирикмалари билан ифодаланади.

It is necessary for him to come tonight (C. Doyle).

It is no use to cry over spilt milk (Proverb).

It is said that humans are never satisfied, that you give them one thing and — they want something more (J. Steinbeck).

3. **Эмфатик эга** (Emphatic subject). Эмфатик эга бўлиб келган *it* сўзи предикатив ролида келган сўзнинг коммуникатив аҳамиятини кучайтириш учун хизмат қилади. Қийёсланг:

He came to Tashkent only yesterday.

It was only yesterday that he came to Tashkent.

Иккинчи гаптаги *it* эмфатив эгадир. У предикатив вазифасидаги *yesterday* сўзини коммуникатив аҳамиятини кучайтиряпти:

It was not the father, however, who first discovered. (C. Doyle)

It is a Mormon law that a man might have several wives (Ibid)

There + to be билан бошланадиган гаплар. Маълум пайт, ўринда бирор предмет ё шахснинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини ифодалаш учун **there + to be** конструкцияси ишлатилади:

There were no white dunes covered with reddish grass beyond them: there was nothing to mark (K. Mansfield).

There was only one student in the room . . . There was a big picture on the table in front of him (C. Doyle).

Бу гапларда **there** сўзи формал эга ҳисобланади, ҳақиқий эга эса **to be** феъли (баъзан бошқа феъл) билан ифодаланган кесимдан кейин келади. Ҳақиқий эга доимо ургули бўлиб, асосан от билан ифодаланган бўлади. Баъзан эса бўлишсизлик олмоши, бирикмалар билан ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Кесим ҳақиқий эга билан шахс - сонда доимо мослашади:

There were signs of an early winter and with them irritating delays (J. London).

There was no help for it (Ch. Dickens).

There were not more than a dozen attendants on the lectures altogether (M. Twain).

Ўрин ҳоли гапнинг бошида ҳам келиши мумкин: *For many miles there was no fit camping — place (S. Lewis).*

Гапнинг кесими **to be** дан бошқа феъллар билан ҳам ифодалана олади. Масалан:

In the central part of the great North American Continent there lies a desert (C. Doyle).

Кесим (The Predicate). Кесим эга орқали ифодаланган шахс ёки предметнинг белгисини, ҳаракатини, ҳолатини билдиради.

Кесим гапнинг асосий марказларидан бири бўлиб, предикативлик у орқали ифодаланади.

Эга ва кесим доимо ўзаро муносабатда бўлади ва улар икки составли гапнинг асоси, ядросини ташкил қиладилар:

The aprilsun was hot (*J. Galsworthy*). We pulled out the maps. (*J. K. Jerome*).

You'll see her soon (*L. Carroll*). George was going to sleep (*J. K. Jerome*). Something must be done. We knocked again (*J. Galsworthy*).

Қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра кесим икки хил — феъл кесим ва от кесим бўлади.

Кесимнинг турлари (The Types of Predicate). Структура жиҳатидан кесимлар даставвал содда, составли кесим группаларига бўлинади.

Содда кесим (The Simple Predicate). Содда кесим тусланадиган соф феъл бўлиб (finite forms of the verb) одатда ҳаракатни, баъзан эса ҳолатни ҳам ифодалашни мумкин.

Everybody looked at Martin. «I came over in the same ship as the general», said Martin (*Ch. Dickens*).

Rebecca refused. Thus a battle began, which lasted for months (*Thackeray*).

She answered him simple (*A. Cronin*). Tom came up to the Lence, and leaned on it (*M. Twain*)

The boy ran around and stopped within a foot or two of the flower (*Ibid*).

Содда кесим фразеологик бирикмалар билан ҳам ифодаланиши мумкин:

At a certain corner he came to a stand still (*O. Henry*). And this policy has reaped fruits far beyond their fondest expectation (*J. London*).

You mustn't lose your temper because you're losing a game (*S. Maugham*).

The romance, and beauty, and high vigour of the books were coming true (*J. London*).

He soon fell asleep and forgot his troubles. (*Ch. Dickens*).

Составли кесим (The Compound Predicate). Икки ё ундан ортиқ лексик маънога эга бўлган сўзлар билан ифодаланган кесим составли кесим саналади. Фразеологик бирикмалар билан ифодаланган кесимлар составли кесим ҳисобланмайди.

Составли кесим баъзан қўшма кесим деб ҳам аталади.

Составли кесим икки турга, яъни составли от кесим ва составли феъл кесимга бўлинади.

Составли от кесим (The compound nominal predicate). Составли от кесим боғловчи феъл (кўпинча to be феъли) ва от предикатив (a predicative) дан ташкил топади:

The street was empty (*Ch. Dickens*). Kino was young and strong (*J. Steinbeck*).

You are happy to day, Mrs. Swarts (*P. Abrahams*).

Ўзбек тилидаги гапда - дир, бўлмоқ боғловчи феъллари кўпинча ишлатилмайди. Инглиз тилида эса боғловчи феълнинг кесим составида ишлатилиши шарт. *To be* феълидан ташқари *to look, to feel, to turn, to remain, to grow, to come, to go, to seem, to fall, to stand, to keep* каби феъллар ҳам боғловчи феъл вазифасида кела олади:

You seem a little nervous (*J. Galsworthy*). You look very young (*Ibid*).

She sincerely wished he could get through the summer. He looked so hopeless (*Th. Dreiser*).

Составли от кесимда асосий маъно унинг от қисмидан англашилади. Кесимнинг от қисми қуйидагилар билан ифодаланиши мумкин:

1) бош келишикдаги от билан:

He was a stranger (*Hardy*). He was not a welcome visitor (*S. Maugham*). It was a singular dwelling (*A. Cronin*).

Баъзан қаратқич келишигидаги от билан: «The book is my friend's ...

2) сифат билан:

He was clever (*Voynich*).

The eyebrows were still dark (*J. Galsworthy*).

Beauty is alive and everlasting (*J. London*)

In size it was small (*A. Cronin*).

3) сон билан:

I was seventeen, so was she (*B. Shaw*).

He was about forty (*S. Maugham*).

4) қишилиқ, эгалиқ (possessive), инкор, сўроқ, бўлишсизлик, ўзлик олмоқлари билан:

The names of the leading lady and many members were given, Carrie was nothing (*Th. Dreiser*).

It's me.

It's mine.

Who is he?

5) инфинитив, герундий ва сифатдош (кўпинча ўтган замон сифатдоши) билан:

Fleur's attitude was to go everything. (*J. Galsworthy*).

Idris ... was looking extra-ordinarily pleased with life. (*A. Cronin*) Our responsibility is to suppress (*A. Cronin*).

6) эргашган гап билан:

The only thing left to discuss was what we should take with us (*J. K. Jerome*).

Составли феъл кесим (The compound verbal predicate). Составли феъл кесим икки ва ундан ортиқ феъллардан ясалиб, таркибида модал сўз бўлган составли феъл кесим, таркибида модал сўз бўлмаган составли феъл кесимга бўлинади.

Таркибида модал сўз бўлган составли феъл кесим (The compound verbal modal predicate). Таркибида модал сўз бўлган составли

Феъл кесимларда биринчи ўринда модал феъл, сўнг инфинитив келади: Бунда асосан **may, (might), must, can, (could), to be to, to have to, will, ought, should, would, dare, need** модал феъллари ва **to be able to, to be obliged to, to be going to** каби модал маъно билдирувчи иборалар ишлатилади. Модал феъллар ҳаракатни билдирмасдан, фақат қўшимча маънони турли модал муносабатларни (мумкинлик, тахминийлик, мажбурийлик, зарурийлик ва ҳ. к.) ифодалайди. Мисоллар:

I must catch the boat train (*J. Galsworthy*).

Your address **must only be known** to me (*J. Galsworthy*). She imagined she **must have proved** to be satisfactory (*Th. Dreiser*).

He **cannot forgive** himself for his careless acceptance (*J. London*).

She **can be trusted** (*J. Galsworthy*).

You **may come**.

I **would willingly have gone out** with you! (*A. Cronin*).

Таркибида модал сўз бўлмаган составли феъл кесим (The compound verbal nonmodel predicate). Таркибида модал сўз бўлмаган составли феъл кесимнинг биринчи элементи а) **to like, to wish, to want, to desire, to hope, to expect to intent, to attempt, to try** каби истак, хоҳиш, ишонч каби модал маъноларни ифодаловчи феъллардан, б) **to continue, to come, to begin, to start, to fall, to go, to go on, to keep on, to proceed, to stop, to finish, to seem, to appear, to happen** каби феъллардан тузилиб, иккинчи элементдан англашиладиган иш-ҳаракатнинг бошланишини, давомийлигини, тақорланишини, тугалланганлигини, тахминни, кутилганликни англатиб келади.

Составли феъл кесимнинг иккинчи компоненти асосан инфинитив ёки герундий билан ифодаланган бўлади.

Бу турдаги кесимни кўпчилик қўлланмаларда *составли аспектив феъл кесим* (compound verbal aspective predicate) деб ҳам юритилади:

He **had not intended to go** (*Th. Dreiser*). No animal likes to be cooped up too long (*J. Steinbeck*). I **tried to keep on** at both, but often fell asleep with the pen in my hand (*J. London*). I **hated to give up the hope** of a University education (*J. London*).

She **wished to have** nothing more to do with him than to receive rent (*S. Maugham*). I **wished to emphasize** the brutalities and horrors . . . I **wanted to shock** people (*A. Cronin*).

Бу турдаги составли феъл кесимнинг биринчи элементи замон, даража, шахс, сон билан тусланади:

You **are going to enjoy** yourself (*J. K. Jerome*). He lit his pipe, and began to think over the daily problem (*J. Galsworthy*). At that my heart gave a bound, and **began** running along the road. (*Wells*). I still **kept on writing** fresh stuff (*J. London*). I **kept on dreaming** with the hero (*Ibid*). Barras **continued to measure** David with a coldly inquiring eye (*A. Cronin*). The information seemed to mean nothing to his father (*A. Cronin*). He **begins searching** vainly from drawer to drawer in the writing table. (*B. Shaw*).

Составли от ва феъл кесимлар баъзан аралаш' ишлатилиши ҳам мумкин:

He continued to be glad (*Buck*).

The gray house had ceased to be a house for family life (*Buck*).

Кесимнинг эга билан мослашуви. (Agreement of the Predicate with the Subject).

Кесим эга билан шахс ва сонда мослашади, яъни эга қайси шахс, сонда келса, кесим ҳам шунга мос формада келади. Масалан:

She was white, and he was coloured. It was hard though to remember it all the time. (*P. Abrahams*).

They were still alone. (*A. Cronin*). Have you washed your hands? (*A. Cronin*). Has your indigestion bothered you today? (*Ibid*)

Инглиз тилида шахс-сон қўшимчалари кам бўлгани учун кесимнинг эга билан мослашуви фақат ҳозирги замонда бўлади. To be феъли бундан истиснодир.

to be феъли билан ифодаланган кесим ҳозирги замонда ҳам, ўтган замонда ҳам эга билан мослашади. Масалан:

Ҳозирги замонда:

I am a student

We are students

You are a student

You are students

He is a student

They are students

She is a student

Ўтган замонда:

I was a student

We were students

You were a student

You were students

He was a student

They were students

She was a student

Эга билан кесим мослашувининг қуйидаги кўринишлари мавжуд: Бирлик сондаги эга уюшиб келса, кесим кўплик формада қўлланади:

He and his brother are fond of sports ... The summer was ending. The dust and the east wind were tired before they got anywhere (*J. Aldridge*).

Агар уюшиб келган эга бир шахсни, нарсани ёки бир бирликни ҳосил қилувчи икки шахсни, нарсани ифодаласа кесим бирликда ишлатилади:

a) The writer and editor-in-chief has come to our institute.

b) The writer and the editor-in-chief have come to our institute.

Биринчи гапда уюшган эга бир шахсни ифодалайди; бир шахснинг ўзи ҳам ёзувчи, ҳам редактор. Бунда кесим эга билан учинчи шахс бирликда мослашади.

Иккинчи гапда уюшган эга иккита шахсни ифодалайпти, шунинг учун кесим эга билан учинчи шахс кўпликда мослашади.

There — to be обороти билан тузилган гапда эга уюшган бўлса, кесим ўзига яқин турган эга билан сонда мослашади: There was a book and note-books on the table.

Уюшиб келган эга **either ... or, neither ... nor, not only ... but also** каби боғловчилар билан боғланиб, турли шахсларда бўлса, кесим эганинг энг кейингиси (ўзига яқини) билан шахсда мослашади.

Neither he nor his friends have read the book. Neither his friends nor he has read the book.

Кесим қуйидаги ҳолларда бирликда қўлланади:

1) агар уюшиб келган эга инфинитив билан ифодаланган бўлса: **Now, to go through stormy night, with wet clothes, and, in addition, to be ill nourished and to have tasted meat for week or month, is about as severe handship (J. London).**

2) **where** ва **to be** боғламасини ўз ичига олган сўроқ гапларда уюшган эганинг биринчиси бирликда бўлса: **Where is his sister and brother?**

3) **there + to be** обороти билан тузилган гапларда биринчи эга бирликда бўлса:

4) бирликдаги эга **as well as, with, together with** боғловчилари билан боғланиб келган бўлса: **The teacher as well as the students was present at the meeting.**

5) эга **somebody, someone, something, everybody, everyone, everything, nobody, no one, nothing, neither, either, it** каби олмошлар билан ифодаланса:

Somebody is knocking at the door.

Everybody is here.

It is the children who did it.

6) кўпликдаги от журнал, газета ёки китобнинг номини билдирса: **«The slaves» by Aini is a very interesting novel.**

7) эга вақт, масофа, ўлчов, миқдор англатувчи кўпликда келган от билан ифодаланган бўлса: **Eighteen dollars is just about as much as the damned thing's worth. (S. Maugham).**

Айрим олмошлар, масалан, **all, none, who, what** кабилар эга бўлиб келса, кесим эга билан ҳам бирликда, ҳам кўпликда мослашади, яъни эга орқали кўплик назарда тутилса, кесим ҳам кўпликда келади:

Who is coming?

Who are coming?

All is ready. All are ready.

Эга **people, police, cattle, poultry, jury, cavalry** каби жамловчи отлар билан ифодаланган бўлса, кесим одатда кўпликда ишлатилади:

These people are younger than you (A. Cronin).

Police were elsewhere (J. London)

Эга **committee, company, family, crew, army, government, team** каби жамловчи отлар ёрдами билан ифодаланганда, кесим ҳам бирлик, ҳам кўпликда келиши мумкин, яъни агар от орқали яқкалик назарда тутилса, кесим бирликда, кўплик назарда тугилса, кесим кўпликда қўлланади.

Эга бирдан ортиқ отлашган сон билан ифодаланган бўлса, кесим эга билан мослашиб кўпликда келади. **The two were established at a well-appointed table (O. Henry).**

Эга қўшув, олув, бўлувни билдирувчи сонлар бирикмаси билан ифодаланган бўлса, кесим эга билан бирликда мослашади: **Fifteen divided by three equals five. Ten minus two is eight.**

Эга кўпайтирув англатувчи сонлар бирикмаси билан ифодаланган бўлса, кесим эга билан ҳам кўплик, ҳам бирликда мослашиб келади: **Thrice three is (ёки are) nine. Five times five is (are) twenty five.**

Эганинг биринчи элементи **a lot of..., plenty of..., a number of, a mass of..., the majority of..., a variety of...** каби сўз бирикмалари билан ифодаланса, кесим сўз бирикманинг иккинчи элементига боғлиқ ҳолда ё бирликда, ё кўпликда бўлади.

Great majority of them, male and female were old (J. London). There was plenty of applause, (Th. Dreiser).

«There is a lot of truth in it», said Jonson cautiously. (*Lindsay*).

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари (The Secondary Parts of the Sentence)

71-§. Тўлдирувчи (The object)

Гапнинг кесимида ифодаланган иш-ҳаракат, йўналган белги ёки шу иш-ҳаракатга боғланган предметни — объектни кўрсатадиган иккинчи даражали бўлак тўлдирувчи дейилади.

Тўлдирувчи кесимни тўлдириб келади:

I had read and absorbed **Washington Irving's «Alhambra» (J. London).**

The doctor put on his **hat (Ch. Dickens).**

I have seen **big ones. (E. Hemingway).**

Тўлдирувчининг ифодаланиш йўллари (The ways of Expressing the Object. Тўлдирувчи предмет маъносини билдириб, қуйидагилар билан ифодаланади:

1. Бош келишикдаги от билан:

I shrugged **my shoulders. (S. Maugham).** We liked **the place very much. (C. Doyle).**

2. Қишилиқ, эгалик, белгилаш, ўзлик, кўрсатиш, гумон олмошлар билан:

Neither Gregory **not his wife** could help liking **her** a little. (*Th. Dreiser*).

For a moment her glance had rested on **me.**(*Gr. Greene*). You should see **them** on a Saturday night. (*B. Shaw*).

You get your true perspective. I got **mine.** (*J. London*).

I cannot help feeling **that** (*S. Maugham*).

I heard **everything** (*C. Doyle*). A little rain never hurt **anything.** (*J. Steinbeck*)

I tried to defend **myself** but could do nothing. (*M. Twain*). He recollected **himself**. (*A. Cronin*).

I tramped **all** through the United States. (*J. London*).

3. Отлашган сифат, сифатдош билан:

June Forsyte always championed **the unfortunate**. (*Galsworthy*).

In old times nomadic tribes when moving to another place left **the dying** behind.

4. Инфинитив, инфинитивли бирикма ёки конструкция билан:

He ordered me **to come** (*J. London*).

Don't forget **to post** the letter.

The man heard something **cry**.

5. Герундий, герундийли бирикма ёки конструкция билан:

Could they prevent **flying** in war-time? (*Galsworthy*).

I remember **seeing** you. (*B. Shaw*).

I don't like him **going** away with Lord Illingworth (*Wilde*).

6. Отлашган ҳар қандай нутқ элементи билан: ... He called «**Hst**» several times. (*Galsworthy*).

7. Эграш гап билан: He said **he would come**.

Тўлдирувчининг турлари. (Kinds of Objects)

Тўлдирувчи бошқарувчи сўз кесимга тобе бўлади. Тўлдирувчининг ҳоким сўз—кесимга боғланишида предлог иштирок этиши ёки иштирок этмаслигига кўра икки турга бўлинади:

1) предлогли тўлдирувчи: I rely **upon you**. He asked **about you**

2) предлогсиз тўлдирувчи: I like **books**. I'll buy a **hat**

Инглиз тилида тўлдирувчининг алоҳида кўриниши мураккаб тўлдирувчи (complex object) ҳам мавжуд.

Ҳаракатни бевосита ёки бавосита ўтишига кўра тўлдирувчи воситасиз ва воситали тўлдирувчига бўлинадилар.

Воситасиз тўлдирувчи (The direct object). Воситасиз тўлдирувчи одатда ўтимли феъл билан ифодаланган кесим билан ишлатилади. Феълдан англашилган ҳаракат воситасиз тўлдирувчи ифодалаган шахс ёки предметга бевосита йўналтирилган бўлади:

Fizkin expressed **his readiness** to do anything. (*Ch. Dickens*).

Everybody would guess **its importance**. (*B. Shaw*).

I've never seen **any of them** (*R. Aldington*). David raised **his head**. (*A. Cronin*).

Воситасиз тўлдирувчи предлогсиз воситали тўлдирувчидан кейин келади:

He bought me **a book**.

I'll send him **a letter**.

to take (one's) place, to raise voice, to have a walk, to have a good time, to give way, to give a person the cold shoulder каби феълли фразеологик бирикмаларда иккинчи элемент тарихан воситасиз тўлдирувчига тенг келса ҳам, ҳозирги инглиз тили структурасига кўра бундай бирикмалар алоҳида бўлақларга бўлинмайди.

Гапнинг кесими **to live a happy life, to laugh a bitter laugh, to smile a sweet smile** каби бирикмалар билан ифодаланган бўлса, тўлдирувчи бошқача хусусиятга эга бўлади. Бундай гапнинг кеси-

ми ва тўлдирувчиси бир ўзақли сўзлардан ясалган бўлиб, одатда, тўлдирувчидан олдин аниқловчи келади. Воситасиз тўлдирувчи *ички тўлдирувчи* (The cognate object) деб ҳам аталади. Бундай тўлдирувчи кесимдан англашилган ҳаракатнинг белгисини кўрсатади. Ҳаракатнинг белгиси тўлдирувчинини аниқлаб келаётган сўз орқали ифодаланади. Масалан:

Воситали тўлдирувчи (The indirect object). Воситали тўлдирувчи иш-ҳаракатга бевосита, бирор йўл билан боғланган шахс ёки предметни кўрсатади.

Предлогсиз тўлдирувчи гапда кесимдан кейин, воситасиз тўлдирувчидан олдин келади:

I have found **you** a beautiful envelope. (*B. Shaw*). Once, in fun, Andrew offered **Darkie** an empty matchbox. (*A. Cronin*).

He hands **her** the receiver. (*B. Shaw*).

Воситали тўлдирувчининг ўзи яқка ҳолда гапда кам қўлланади.

Агар воситали тўлдирувчидан сўнг воситасиз тўлдирувчи ишлатилмаса, баъзан маъно ҳам ўзгариши мумкин:

I bought him a book. Мен унга китоб сотиб олдим.

I bought him. Мен уни сотиб олдим.

Воситали тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчидан кейин келганда, предлог ишлатилади. Воситасиз тўлдирувчи кўпинча **to**, баъзан эса **for** предлоглари билан қўлланади:

I shall write him a letter.

I shall write a letter **to him**.

Агар воситасиз тўлдирувчи **it** олмоши билан ифодаланган бўлса, у ҳар доим воситали тўлдирувчидан олдин келади:

He handed **it** to Ramsay without a word. (*S. Maugham*) She puts the sham list into her envelope and hands **it** to him. (*B. Shaw*)

to explain, to decide, to suggest, to relate, to announce, to ascribe, to attribute, to communicate, to introduce, to submit, to repeat, to dedicate, to disclose, to interpret, to point out феъллари билан қўлланган воситали тўлдирувчи ҳар доим **to** предлоги билан ишлатилади:

He dictated the text **to me**.

He introduced his friend **to me**.

Юқоридаги феъллар ишлатилган гапларда предлогли воситали тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчидан ҳам олдин, ҳам кейин келиши мумкин:

He repeated his words **to him**.

He repeated **to him** his words.

Мураккаб тўлдирувчи (The complex object). Мураккаб тўлдирувчи структура жиҳатидан икки компонентдан ташкил топиб, иккинчи компонент биринчисига предикатив муносабатда бўлади. Мураккаб тўлдирувчининг биринчи компоненти бош келишидаги от ёки объектив, ёки қаратқич келишигидаги олмошдан, иккинчи компоненти кўпинча инфинитив, герундий ёки сифатдошдан, айрим ҳолларда эса от ва сифатдан тузилган бўлади.

Мураккаб тўлдирувчи асосан қуйидаги ҳолларда қўлланади:

1) кўриш, ҳис қилиш, сезишни англатувчи **to hear, to feel, to see, to watch, to notice, to observe** каби феъллардан сўнг:

I saw **him** come.

I observed **Agnes** turn pale (*Dickens*).

2) ақлий фаолиятни ифодаловчи **to understand, to think, to know, to consider, to suppose, to believe, to imagine, to find, to trust...** каби феъллардан кейин:

I consider **him** to be clever.

I know **you** the most honest, spotless creature. (*Hardy*).

3) буюриш, ман этишни ифодаловчи **to make, to force, to order, to cause, to have, to get ...** каби феъллардан кейин.

4) истакни, ниятни, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи **to wish, to want, to like, to hate, to intend, to desire, to dislike ...** каби феъллардан кейин:

I want **you** to do us a column. (*J. Galsworthy*). I don't want **you** to come near me ... I want **you** to stand right. (*Th. Dreiser*).

5) буйруқ ёки рухсатни ифодаловчи **to order, to allow, to suffer, to have** ва ҳоказо феъллардан кейин:

He ordered **the books** to be taken away.

I allowed **the letter** to be sent.

She suffered Mr. Tranklin to lead her back into the room (*Col-lins*).

I won't **have** you speak like it, dear Tess! (*Hardy*).

Мураккаб, тўлдирувчи предлогли бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

I rely **on you** to come.

I rely **on your coming**.

Мураккаб тўлдирувчининг иккала компоненти ягона бўлинмас бирликни ташкил этиб, гапнинг бир бўлаги деб саналади.

72- §. Аниқловчи (The Attribute)

Предметнинг белгисини, сифатини, миқдорини, қарашлилигини ва шу каби хусусиятларини билдирадиган гап бўлаги *аниқловчи* деб аталади. Белгиси аниқланаётган бўлак *аниқланмиш* дейилади. Аниқловчи ва аниқланмиш ўртасидаги алоқа а т т р и б у т и в алоқадир. Аниқловчи одатда от, олмош ёки отлашган сўзлар билан ифодаланган эга, тўлдирувчи ва предикативнинг белгисини аниқлаб келади:

There was a **red** pen on the table.

I bought an **English** book.

She was a **clever** girl.

You've got a **nice little** house here (*J. Galsworthy*).

The **full** moon shone down from an **unclouded** sky (*S. Maugham*).

Аниқловчининг турлари, Аниқловчининг аниқланмишдан олдин ёки кейин келишига кўра аниқловчилар икки гурпга— аниқланмишдан олдин турадиган аниқловчилар ва аниқланмишдан кейин турадиган аниқловчиларга бўлинади:

Аниқланмишдан олдин турадиган аниқловчилар (Препозитив аниқловчилар) (The prepositive attribute). Аниқловчи аниқланмишдан олдин турган бўлса, у одатда белги билдирувчи сўзлар — сифат, сифатдош ва белгини кўрсатувчи сўзлар олмош, сон билан ифодаланади. Бундай гапда аниқловчи билан аниқланмиш яхлит бирлик ҳосил қилади, яъни паузасиз талаффуз этилиб, бир интонация билан бирлик, синтагмани ташкил қилади.

Инглиз тилида аниқловчи, аниқланмиш билан шахс, сон ва родда мослашмайди.

Аниқловчи-аниқланмиш бирикмаси ягона артиклга эга бўлиб, у асосан аниқловчидан олдин ишлатилади:

The little tables round us began to fill (*J. Galsworthy*). In the canoe she was like a strong man. (*J. Steinbeck*). The large forest is the chief scene of our story. (*W. Scott*).

Баъзан аниқловчи аниқланмиш билан артикль орқали ажралниш ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ноаниқ артикль аниқланмишдан олдин қўлланади:

Such a cruel, heartless charge! (*M. Twain*)

Both the stories were interesting.

Аниқланмишдан кейин турадиган аниқловчилар (Постпозитив аниқловчилар) (The postpositive attribute). Аниқловчи аниқланмишдан кейин келган бўлса, кўпинча предлогли оборотлар, сифатдошли, инфинитивли бирикмалар ва эргаш гап билан ифодаланган бўлади.

Аниқловчи аниқланмишдан кейин келганда кўпроқ мустақилликка эга бўлади, ҳатто у интонация жиҳатидан ҳам мустақилликка эга бўлиши мумкин:

«Dear me! What an odd remark to make» (*English Humour*)

The important night of the first real performance came (*Th. Dreiser*)

Meanwhile the officer on horseback was approaching slowly and proudly («*English Short Stories*»)

The man who is standing in the corner is my father.

Аниқловчининг ифодаланиши (Ways of expressing the attribute). Аниқловчи асосан қуйидаги сўз туркумлари ва бирикмалари ёрдами билан ифодаланиб келади:

1. Сифат билан:

The young man opened the door with a latch-key and went in, followed by another young fellow (*J. London*).

The pale face of the young woman was raised from the pillow, and a weak voice pronounced the words ... ((*Ch. Dickens*)).

Truthful speech is the wise man's token. But soul truths wisely remain unspoken (*Alisher Navoi*).

2. Сифатдош билан:

Аниқловчи I ва II сифатдошлар билан ифодаланиши ва аниқланмишдан ҳам олдин, ҳам кейин келиши мумкин:

a) I сифатдош билан:

They had been those surprising scenes (*J. Aldridge*). Quayle

could see one **Gladiator** moving down on the bomber, and the tracers **dragging** past the bomber, and the bomber's bullets **passing** into **Gladiator** (*J. Aldridge*).

6) II сифатдош билан:

Norman-French was the only language **used** (*W. Scott*).

Once Tom and Huck **made up** their minds to **look for** **hidden** treasures (*M. Twain*).

The fresh **crowned** hero fell without firing a shot (*M. Twain*).

3. Эгаллик, кўрсатиш, сўроқ, биргалик, нисбий оямошлар билан:
Mrs. Swarts thanked Mrs. Finkelberg and bought a few **other** things (*P. Abrahams*)

Only few of them still owned land in the country of **their** fathers (*W. Skott*)

He had been hungry and thirsty for **many, many** days. (*C. Doyle*). **What** a **excellent** example of the power of dress younger Oliver Twist was! (*Ch. Dickens*). **What** hotel are you **stopping** at? (*J. London*). You must follow **this** path (*W. Scott*).

4. Саноқ ёки тартиб сон билан:

The **two** tables formed the letter T. (*W. Scott*). He watched the easy walk of the young man in front of him, and for the **first** time realised... (*J. London*).

5. От билан:

а) аниқловчи бош келишикдаги от билан ифодаланиб, аниқланмишдан олдин келади. Ўзбек тилида ҳам аниқловчи от билан ифодаланиб, донмо аниқланмишдан олдин туради. Масалан:

The **winter** quiet spread soft over the desert's breadth. In the afternoon they had waited in a **Cairo** bar (*J. Aldridge*).

б) аниқловчи қаратқич келишигидаги от билан ифодаланиб, аниқланмишдан олдин туради:

The **old** man's head was clear and good now. (*E. Hemingway*)

The next moment I heard a **woman's** cry of distress. (*J. K. Jerome*).

Oliver Twits's ninth birthday found him a pale, thin child, somewhat small for his age. (*Ch. Dickens*).

6. Предлогли бирикмалар ёрдами билан (Бундай ҳолларда аниқловчи аниқланмишдан кейин келади.):

Forests of **dark** firtrees grew on both sides of the frozen river. (*J. London*).

Suddenly Lanny heard the sound of **laughter and shouting**. (*P. Abrahams*).

The man in the **black** coat swore at the cop (*D. Carter*).

The people in the **line** were smiling (*Ibid*).

7. Равиш билан:

Аниқловчи равиш билан ифодаланганда равиш ҳаракатни эмас, балки предметнинг белгисини кўрсатади. Равиш **сифатланган**, сифатга ўтган бўлиб, сифат функциясини бажаради. Бироқ ҳар қан-

дай равиш ҳам аниқловчи функциясида келавермайди. Фақат **there, back, above, here, then upstairs, downstairs** каби равишларгина аниқловчи вазифасида келиши мумкин. Масалан:

Susan, take Oliver and those two boys upstairs, and wash them at once (*Ch. Dickens*):

8. Аниқловчи инфинитив, инфинитивли бирикма ёки оборот билан ифодаланади. Бундай аниқловчи аниқланмишдан кейин туради:

I have a lot of work to do and absolutely no time to spare. (*English Humour*).

You have only yourself to please ... (*Ibid*).

Here is a book for you to read.

9. Аниқловчи эргаш гап билан ҳам ифодаланади:

The man who is standing in the corner is my father.

73- §. Изоҳловчи (The Apposition)

Изоҳловчи ҳам аниқловчининг бир тури бўлиб, унда шахс предмет бошқача ном билан аталади. Изоҳловчи асосан от билан ифодаланиб, *амал, унвон, касб, машғулот, тахаллус, қариндошлик, шахсинг номи, географик номларни* билдиради:

All the Mormon chiefs — Young, Stangerson, Kimball, Johnson, and Drebber — liked him. (*C. Doyle*).

The prior Aymer of Jorvaul, and the good Knight Brian de Bois — Guillbert, Commander of the Order Knights Templars, with their attendants, ask hospitality for the night (*W. Scott*).

Yes, there was Matthew, his son (*A. Cronin*).

Кўпинча изоҳловчи изоҳланмиш (изоҳланаётган бўлак) билан бир зўтуғчи шакил қилади. Шунга кўра изоҳловчилар икки гурпуга бўлинади: 1) зич (ажратилмаган) изоҳловчилар, 2) ажратилган изоҳловчилар.

Зич (ажратилмаган) изоҳловчилар (The close apposition). Зич изоҳловчилар изоҳланмиш билан боғланиб, ўзи мустақилликка эга бўлмайди. Изоҳловчи билан изоҳланмиш паузасиз талаффуз этилади, ёзувда эса ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди. Масалан:

Professor White nodded sympathetically (*J. Aldridge*).

Зич изоҳловчилар изоҳланмишдан олдин келади.

Ажратилган изоҳловчилар (The loose (detached) apposition). Ажратилган изоҳловчилар қисман мустақилликка эга бўлиб, ажралган изоҳланмишдан кейин келади, ёзувда эса вергул билан ажратилади. Ажралган изоҳловчилар интонация жиҳатидан ажралиб туради. Масалан:

Albert, his great — nephew, told me (*S. Maugham*). They, the bastards, will not come now (*J. Aldridge*). The British airmen came to the hotel to see Lawson, an American war correspondent. (*Ibid*). Sven (Minnie's husband) hates your standing down there alone (*Th. Dreiser*). Their children, two sons and three girls, were handsome and strong (*S. Maugham*).

Иш - ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатлар — мақсад, сабаб, шарт, миқдор-даража, ўрин ва пайтни билдирадиган иккинчи даражали бўлак ҳол деб аталади. Ҳол асосан ҳаракатни ифодаловчи бўлак — кесимга тобе бўлади:

Finally he looked at Nessia and **immediately** his bearing became tinged . . . (*A. Cronin*). I worked away ironing shirts and other things in the laundry, and wrote **in all my spare time**. (*J. London*) He considered architecture to be **truly** an art; and he **honestly** believed . . . (*O. Henry*). He paused **for a moment, then** resumed. (*A. Cronin*). He must be taught something **because of going to school** (*J. Galsworthy*).

Ҳолнинг мазмун жиҳатдан турлари (Semantic types of Adverbial Modifiers) Ҳол мазмун жиҳатдан равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, миқдор-даража ҳоли, шарт ҳоли, тўсиқсизлик ҳоли, натижа ҳоли ва қиёслаш ҳолига бўлинади.

1. **Равиш ҳоли** (The adverbial modifier of manner) иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, ҳолатини англатади:

She nodded **dumbly, feverishly**, filled with a choking, unendurable sense of a **hard** bought victory (*A. Cronin*). A youth passed **smoking a cigarette** (*J. Galsworthy*).

2. **Ўрин ҳоли** (The adverbial modifier of place) ҳаракатнинг бажарилиши, жўналиш (direction), бошланиш ўрнини билдиради:

From all sides the cries came (*J. London*). Jody sat **at the long table** (*J. Steinbeck*). Ramsay leaned **forward** (*S. Maugham*).

3. **Пайт ҳоли** (The adverbial modifier of time) иш-ҳаракатнинг бажарилиши вақтини билдиради:

At nine o'clock it become light. **At twelve o'clock** the sky grew red in the South (*J. London*). He had not even bought himself a new suit **since coming to Blaenelly** (*A. Cronin*).

Агар бир гапда ҳам пайт, ҳам ўрин ҳоли ишлатилса, ўрин ҳоли пайт ҳолидан олдин келади:

I was born **in San Francisco in 1876**. (*J. London*).

The caravan travelled **in the desert for many days** (*C. Doyle*).

Баъзан пайт ҳоли гапнинг бошида, ўрин ҳоли гапнинг охирида келади:

By the time the «Athenian» arrived at Seattle (*J. London*). **In 1965** Uzbek goods were on display at 19 fairs and exhibitions in Leipzig, Tripoli, Teheran, Copenhagen and Budapest... (*Uzbekistan*).

4. **Сабаб ҳоли** (The adverbial modifier of cause) иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги сабабни англатади:

I can't sleep much **on account of thinking about it** (*M. Twain*). She could hardly read **for laughing**. (*S. Leacock*).

Jackson received his injury **through trying to save the machinery from damage**. (*J. London*).

5. **Мақсад ҳоли** (The adverbial modifier of purpose иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни билдиради:

I am going down **to ring up**. (*J. Aldridge*).

I'll come **to help you**.

6. **Миқдор - даража ҳоли** (The adverbial modifier of degree and measure) ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш миқдори ва даражасини кўрсатиб келади:

The water-melon weighed **ten kilograms**.

He speaks in French **very well**.

7. **Шарт ҳоли** (The adverbial modifier of condition) иш-ҳаракатнинг бажарилиш шартини англатади. Бу ҳол инглиз тилида жуда кам ишлатилади:

They (the Forsytes) are never seen or **if seen** would not be recognized (*J. Galsworthy*).

But for you I shouldn't have come.

8. **Тўсиқсизлик ҳоли** (The adverbial modifier of concession иш-ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ бўлган шартга қарамай, уни (иш-ҳаракатни) бажарилганлигини билдиради:

In spite of all Sikes' threats the boy was resolved to make one effort to alarm the family. (*Ch. Dickens*).

9. **Натижа ҳоли** (The adverbial modifier of result) иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги натижани ифодалайди: The patient was too weak **to stand**.

10. **Қиёслаш ҳоли** (The adverbial modifier of comparison) иш-ҳаракатни бажарилиши жараёнида бирор нарсани қиёслашни билдиради:

I have been treated worse **than any servant** in the kitchen. (*Thackeray*).

Don't look at me **like that**. (*A. Cronin*).

Ҳолининг ифодаланиши. (Ways of expressing the adverbial modifier). Ҳол қуйидагилар билан ифодаланadi:

1. Равиш билан:

He sat down **gingerly** on the edge of the chair, **greatly** worried by his hands. (*J. London*).

He ran **faster than Bob**.

He lives **here**.

2. Предлогли бирикмалар билан:

After sailing for seven months I came back **to California** and took odd jobs at coal shoveling and **long-shoring** and also **in a jute factory** (*J. London*). The two walked **side by side**. (*J. Galsworthy*). He stopped short **at the door on seeing a stronger**. (*Ch. Dickens*).

3. Сифатдош ёки сифатдошли бирикма билан:

Having finished my work I went home.

Turning away, she caught sight of the extra special edition of the Sigal. (*London*).

4. Абсолют конструкцияларнинг ҳар қандай тури билан:

He came **his hands in his pockets**.

He stopped and turned about, **his eyes brightly proud** (*Douglas*).

5. Инфинитив, инфинитивли бирикмә ёки конструкция билан:
He had to fight his way with Hickey to get in the door of the hotel. (*J. Aldridge*) He bought a book for her to read.

6. Герундийли предлогли бирикмә ёки конструкция билан:
His father looked up without speaking. (*Lindsay*).

I left the room without anybody noticing it.

7. От ва предлогсиз субстантив бирикмалар билан:

He has gone home. All winter Christine fed the ponies. (*A. Cronin*). A most extraordinary fact came to my knowledge the other day (*S. Maugham*). They stayed a day. (*J. Aldridge*).

8. Эргаш гаплар билан:

Before I was eleven I left the ranch and came to Oakland. (*J. London*). As the dawn approached it drew a little cooler (*S. Maugham*).

75- §. Гапнинг уюшиқ бۇлаклари

(Homogeneous Parts of the Sentence)

Гада бир хил синтактик вазифани бажариб бирдан ортиқ марта қўлланадиган гап бۇлаклари гапнинг уюшиқ бۇлаклари дейилади.

Уюшиб келган бۇлаklar санаш интонацияси — кўтарилувчи интонация билан айтилиб, охиригида интонация пасаяди.

Қуйидаги гап бۇлаклари уюшиб келиши мумкин:

1) эга

Their eyelashes, cheeks, and lips were covered with snow. (*J. London*) Mike, Bob and Nick are coming.

2) кесим

But Sister Swartz was too proud and happy and confused to stop to answer them. (*P. Abrahams*).

Gabilan hunched and reared and threw he saddle off ... (*J. Steinbeck*). The barn was dark and warm and sweet (*Ibid*).

3) тўлдирувчи

And they knew the doctor. They knew his ignorance, his cruelty, his avarice, his appetites, his sins. (*J. Steinbeck*).

4) аниқловчи

He became conscious of music, very soft, lovery. (*J. Galsworthy*).

I have bought some red, green and yellow pencils.

5) ҳол

Fleur rose from her chair swiftly, restlessly (*J. Galsworthy*).

I was here in 1962, 1965 and 1971.

76- §. Гапнинг ажратилган бۇлаклари

(Detached Parts of the Sentence)

Гәдан англашиладиган фикрни янада кучлироқ таъсирлироқ ифодалаш учун гапнинг иккинчи даражали бۇлаклари махсус интонация билан ажратилади. Гапнинг ажратилган бۇлаклари грамматик

ва семантик жиҳатдан нисбий мустақилликка эга бўлиб, бу мустақиллик уларнинг коммуникатив аҳамиятини кучайтиради.

Ажратилган бўлақларнинг гапдаги ўрни ўзгарувчандир:

Ажратилган бўлақ алоҳида бир синтагмани ҳосил қилиб, ёзувда вергул билан ажратилади:

Suddenly he saw Italian bombers, **slow and dark** in wide line formation. (*J. Aldridge*). Then Stangon himself came in — **thin, like his son, with grey flecks in dark hair and brown eyes above red, transparent cheeks over a dark complexion — smiling eyes and mouth** as he spoke. (*Ibid*).

The luncheon hour at Holm Oaks, was, **as in many wellbred country houses**, out of the shooting seasons (*J. Galsworthy*).

✓ 77- §. Киритма элементлар (конструкциялар) (Parenthesis)

Гапнинг боши ва иккинчи даражали бўлақлари билан синтактик ва интонацион жиҳатдан боғланмаган бўлақлар *киритма элементлар* (конструкциялар) дейлади.

Киритма элементлар гап бўлақлари билан фақат семантик жиҳатдангина боғланган бўлади. Киритма элементлар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин.

Киритма элементлар бир неча турга бўлинади:

- 1) алоҳида сўз ҳолида келувчи киритма сўз,
- 2) сўз бирикмаси структурасида келувчи киритма бирикма,
- 3) тузилиш жиҳатидан гапга тенг бўлган киритма гап.

Киритма сўзлар **maybe, probably, perhaps, possibly, surely, truly, in fact, indeed, certainly, evidently** каби модал сўзлар ва **thus, then, besides, anyway, firstly, secondly, nevertheless** сингари равишлар билан ифодаланиб, асосий фикрга янги маъно қўшмай, балки қўшимча маъно аълатлади:

He did, however, begin again and eventually tweaked his way through the piece (*A. Cronin*). Then, **as he moved away**, he added (*Ibid*) **Of course** I keep him up to it. (*Ibid*). They ought, **of course**, to have glass windows to them. (*Ibid*).

Киритма бирикмалар предлогли, инфинитивли ва сифатдошли бирикмалар билан ифодаланади. Масалан:

To tell the truth, I don't know him. **By the way**, I have seen him twice.

Киритма гаплар қуйидаги хусусиятларга эга:

1) киритма сўз ва иборалар каби қўшимча маъно ифодаланиши мумкин. Масалан:

Mrs. Skelton, **at appeared**, had known her parents in that city fifteen years before. (*Th. Dreiser*);

2) киритмаларда кўп ҳолларда асосий гапда ифодаланган фикрга қўшимча тариқасида янги факт, маъно ортирилади, масалан:

And at the some moment he drew a knife from his ragged shirt— I haven't a notion how he had managed to keep it — and stabbed her in the neck. (S. Maugham).

78- §. Қўшма гап (The Composite Sentence)

Қўшма гаплар структура жиҳатидан содда гапларга ўхшаш икки ва ундан ортиқ компонентларнинг (clause) мазмун, грамматик ва интонацион бирикувидан тузилган гаплар *қўшма гап* дейилади. Қўшма гапнинг компонентлари асосан боғловчилар, боғловчи ва-зифасидаги сўзлар ва интонация ёрдамида бирикади. Компонентлар-нинг боғланиш хусусиятига қараб қўшма гаплар дастлаб икки груп-пага бўлинади:

1. Боғланган қўшма гап (The Compound sentence)
2. Эргашан қўшма гап (The Complex Sentence)

79- §. Боғланган қўшма гап (The Compound Sentence)

Компонентлари грамматик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлиб, тенг боғловчилар ёки интонация ёрдамида боғланган гаплар *боғланган қўшма гап* дейилади.

Бундай гаплардаги боғланиш усуллари қуйидагилардир:

1. **Бирикув боғланиш** (Copulative coordination) да гаплар бир-бири билан **and, nor, neither ... nor not only ... but (also)** каби боғловчилар ёрдамида боғланади.

There was a weary sound in Arthur's voice **and** Padre noticed it at once (*Voynich*).

Andrew had not moved, **nor** had his eyes left her face (*A. Cronin*).

Not only did he speak more correctly, **but** he spoke more easily... (*J. London*):

2. **Зидлов боғланиш** (Adversative coordination) да гаплар бир-бири билан **but, while, whereas** боғловчилари ва **nevertheless, still, yet** снгари боғловчи равишлар ёрдамида боғланади.

She was very pale, **but** her face had not changed at the words. (*Voynich*) He was doing his utmost to please her, **yet** there seemed no limit to her demands (*A. Cronin*).

3. **Айирув боғланиш** (Disjunctive coordination) да гаплар бир-бири билан **or, else, or else, either... or** каби боғловчилар ва **other-wise** боғловчи равиши ёрдамида боғланади.

He ought to have something hot before he goes out into the wet, **or** he will catch cold (*Voynich*). ... **either** our union must be con-ected and sealed by marriage **or** it cannot exist (*Ch. Brontë*).

4. **Сабаб ва натижа боғланиш** (Causative-consecutive coordina-tion) да гаплар бир-бири билан **for, so** боғловчилари ва **hence, there-fore, accordingly, consequently** каби боғловчи равишлар ёрдамида боғланади. Боғланган қўшма гапнинг бу тури ўзбек тилидаги сабаб эргаш гапли қўшма гапга тўғри келади.

There wasn't any point in arguing, so I got up and put on my tie and shoes ... (G. Greene). У билан тортишиб ўтириш бекфойда эди, шунинг учун ўрнимдан турдим-да, ботинкамни кийиб, галстугимни тақдим (Г. Грин).

It wasn't safe to cross the bridge at night, for all the far side of the river was in the hands of the Vietminh after dark (G. Greene). Кечаси кўприкдан ўтиш хатарли эди, чунки қош қорайиши билан дарёнинг нариги томони вьетманчилар қўлида бўлар эди (Г. Грин).

80- §. Эргашган қўшма гап (The Complex Sentence)

Бош гап ва бир ёки бир неча эргаш гапларнинг бирикувидан тузилган гапларга *эргашган қўшма гап* дейлади.

Эргашган қўшма гапни ташкил этган содда гаплар бош гапга икки йўл билан боғланади:

1) боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўзлар билан:

«Where shall you go when the seminary closes, Padre?» (E. L. Voynich). Бу мисолда when боғловчиси эргаш гапни бош гапга боғламоқда.

«A man who acts hastily is not unlike the blind. (Sh. Rashidov).

Бу гапда эса who нисбат олмоши воситасида аниқловчи эргаш гап бош гапга боғланыпти;

2) боғловчиларсиз ёки интонация билан:

«I wish I were really your nephew» (Voynich):

The book I read was interesting.

Бу мисолларда эргаш гаплар бош гапларга интонация воситасида боғланган. Синтактик функцияларига кўра, эргаш гаплар эга, предикатив, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол эргаш гапларга бўлинади.

Эга эргаш гап (Subject Clauses). Бош гап кесимига эга вазифасида келган эргашган гаплар *эга эргаш гап* дейлади.

Эга эргаш гапли қўшма гаплар структура жиҳатидан икки гурпулага бўлинади. Биринчи гурпулага: бош бўлақлар *эга + кесим* тартибда жойлашган эга эргаш гапли қўшма гаплар киради.

What you did about the kid was splendid. (A. Cronin).

What I detest is napalm bombing. (G. Greene).

Иккинчи гурпула: бош бўлақлари *киритма эга it + кесим + эга* тартибда жойлашган эга эргаш гапли қўшма гаплар киради. Бошқача қилиб айтганда, бу турдаги эга эргаш гапли қўшма гапларда аввало киритма эга it, кейин бош гап кесими, кейин эса эга эргаш гап келади:

It's a most extraordinary thing that you two never can keep sparing like a cat and dog (E. L. Voynich)

Эга эргаш гаплар бош гапга қуйидагича бирикади:

a) that, if, whether боғловчилари орқали:

It was enough that he was regularly paging off his obligation to the Endowment. (A. Cronin).

Whether they will come or not depends on circumstances.

б) **who, which, whoever, whatever** каби боғловчи олмошлар ва **where, when how, why** сингари боғловчи равишлар ёрдамида:

Who broke the glass remained unknown.

What he told me was about — all that affair with the spy and about. (E. L. Voynich).

It's a mystery to me how it all happened. (A. Cronin).

Where he was going was home. (P. Abrahams).

в) боғловчисиз:

It's a pity you must keep Idris home from school. (A. Cronin).

Эра эргаш гапли қўшма гаплар ўзбек тилида кўпинча содда ёйиқ гаплар орқали берилади:

What we want to know is what the French are going to do now. (G. Greene).

Бундан кейин французлар нималар қилмоқчилигини билмоқчимиз (Г. Грин).

It is impossible that he should have got a 5.

У беш баҳо олган бўлиши мумкин эмас.

Предикатив эргаш гап (Predicative Clauses). Қўшма гап составида предикативлик функциясини бажарган эргаш гап *предикатив эргаш гап* дейилади. Предикатив эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзларига хос хусусияти шундан иборатки, улардаги бош гап составида кесимнинг фақат бир қисми, яъни боғлама феъл бўлиб, бу боғлама предикатив эргаш гап билан қўшма от кесимни ташкил қилади:

What I am not quite sure about is how you are to get across. (E. L. Voynich).

Юқорида берилган гапда *how you are to get across* предикатив эргаш гап вазифасида келган, чунки у боғлама *to be* феъли билан бирга қўшма от кесим функциясини бажаради.

Предикатив эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар билан боғланади:

1) **that, if, whether, as though, as if** боғловчилари ёрдамида:

All you get to remember is that you are working for Doctor Page. (A. Cronin).

The question is whether you may not succeed in giving offence to the wrong people (E. L. Voynich).

It seemed as though it were in another world (P. Abrahams).

2. **who, which what** каби боғловчи олмошлар ва **where, how, why** сингари боғловчи равишлар ёрдамида:

«This is what writes» (E. L. Voynich).

«That was where Americans came in now with clean hands (G. Greene)

That was why he didn't come

3. боғловчисиз:

The question is: For what purpose did your committee invite me to come here? (E. L. Voynich)

Инглиз предикатив эргаш гаплари ўзбек тилига кесим эргаш гаплар воситасида таржима қилинади:

The trouble was ... he got mixed (*G. Greene*).

Ҳамма боло шундаки, у бировларнинг ишига ҳам аралашаверади (*Г. Грин*).

Аниқловчи эргаш гап (Attributive Clauses). Бош гапдаги от ёки олмошнинг аниқловчиси функциясида келган гап *аниқловчи эргаш гап* дейилади.

Аниқловчи эргаш гап аниқланаётган от ёки олмош эргаш гапнинг *антицидентни* (antecedent) деб аталади.

Аниқловчи эргаш гаплар маъносига кўра нисбий ва аппозитив аниқловчи эргаш гап бўлиши мумкин.

Нисбий аниқловчи эргаш гаплар антицидентни чегаралайди ёки у тўғрисида бирор маълумот беради, аппозитив аниқловчи эргаш гаплар эса антицидентнинг маъносини очиб беради:

The book you read is here (*нисбий*).

I don't like the idea that we should go there (*аппозитив*).

Нисбий аниқловчи эргаш гап (Attributive Relative Clauses).

Нисбий аниқловчи эргаш гаплар маъносига кўра чегараловчи (restrictive) ва тасвирловчи (descriptive) эргаш гапларга бўлинади.

Чегараловчи нисбий аниқловчи эргаш гаплар антицидент маъносини чегаралайди. Агар бундай эргаш гаплар туширилиб қолдирилса, гапнинг мазмуни ўзгариши мумкин.

Чегараловчи нисбий аниқловчи эргаш гаплар бош гапдан вергул билан ажратилмайди, чунки у бош гап билан мустаҳкам боғланган бўлади. Чегараловчи нисбий аниқловчи эргаш гаплар бош гапга **who, whose, which, that** сингари нисбий олмошлар **where**, ва **when** каби нисбий равишлар ёрдамида боғланиши, айрим ҳолларда эса боғловчиларсиз ҳам боғлаши мумкин. Мисоллар:

There are many students in the university **whom** I don't know (*E. L. Voynich*)

«And there's a beautiful girl in Cape Town **who** loves him ...» (*P. Abrahams*).

Thoughtfully, he went up the side street to the house **where** he lodged (*P. Abrahams*)

Young Jolyon took his seat there, too, under the pear tree **that** bore no fruit (*J. Galsworthy*).

He is one of the wittiest men I ever came across (*E. L. Voynich*).

Охирги мисолда нисбий аниқловчи эргаш гап бош гапга боғловчисиз боғланган. Тасвирловчи нисбий аниқловчи эргаш гап антицидент маъносини чегараламайди, балки у тўғрида қўшимча маълумот беради.

Агар тасвирловчи нисбий аниқловчи эргаш гап тушириб қолдирилса, гапнинг маъноси ўзгармайди, шунинг учун ҳам уни кўпинча бош гапда вергул билан ажратилади.

Тасвирловчи эргаш гаплар бош гапга **who, which** каби нисбий олмошлар **where, when** сингари нисбий равишлар ёрдамида бирилади. Мисоллар:

He crossed the courtyard treading continuously for fear of waking Gian Batista, **who** slept on the ground floor (*E. J. Voynich*).

Aunt Hester, who had also risen, sank back in her chair, and her face away (*J. Galsworthy*).

How she hated the memory of that white girl, who even in death controlled Sam's love. (*P. Abrahams*).

Jane went first to a back-street in Paddington, where Mr. Smeech, her «lame duch» lived (*J. Galsworthy*).

Аппозитив аниқловчи эргаш гап (Attributive Appositive Clauses). Бош гаптаги абстракт от билан ифодаланган антисидент маъносини очиб берувчи эргаш гап *аннозитив аниқловчи эргаш гап* дейилади. Аппозитив аниқловчи эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилмайди.

Аппозитив аниқловчи эргаш гаплар бош гапта **that** ва **whether** боғловчилари ҳамда **how**, **why** равишлари ёрдамида бирилади. Нутқда **that** билан бириккан аппозитив аниқловчи эргаш гаплар бошқаларга қараганда анча кўп ишлатилади. Масалан:

Andrew had a warm desire **that** the conversation might continue (*A. Cronin*).

There's no reason **why** you shouldn't make a good living here (*A. Cronin*).

Аппозитив аниқловчи эргаш гапнинг антисиденти **idea**, **thought**, **feeling**, **impression**, **doubt**, **wish**, **opinion** каби абстракт отлар билан ифодаланади.

Инглиз тилидаги аниқловчи эргаш гаплар ўзбек тилига қуйидаги воситалар ёрдамида-таржима қилинади:

1. Аниқловчи функциясидаги сифатдош бирикмаси билан:

He says things which need saying and which none of us have had the courage to say (*E. L. Voynich*). Биздан ҳеч биримиз айтишга ботина олмайдиган, лекин айтилиши керак бўлган нарсаларни айтибди (*Э. Л. Войнич*).

Thoughtfully he went up the side street to the house where he had lodged (*P. Abrahams*). Ўйга чўмиб, тор кўчадан ўтди-да, ўзи турадиган уйга кирди (*П. Абрахамс*).

2. Содда ёки боғланган қўшма гап компоненти билан:

He will preach first in Florence, where he will stay about three weeks; (*E. L. Voynich*). Аввал Флоренцияга тушиб ваъз айтади, у ерда уч ҳафтача туради (*Э. Л. Войнич*).

The Gadfly took lodgings outside the Roman gate, near to which Zita was boarding (*E. L. Voynich*). Сўна шаҳар ташқарисидан, Рим дарвозасигача яқин ердан уй ижара қилди, Зита ҳам шу атрофга жойланди (*Э. Л. Войнич*).

3. Аниқловчи эргаш гап билан:

There are people, who do not admit their mistakes. Шундай одамлар борки, улар ўз хатоларини тан олмайдилар.

Тўлдирувчи эргаш гап (Object Clauses). Бош гапнинг феъл кесимига тўлдирувчи бўлиб келадиган эргаш гаплар *тўлдирувчи эргаш гап* дейилади:

Lanny understood what she meant. (*P. Abrahams*).

Тўлдирувчи эргаш гап бош гаптаги феълнинг шахссиз формаси-

га, сифатга еки ҳолат маъносини тўдаловчи сўз туркумига ҳам қарашли бўлиши мумкин:

6. 9.

✓ «Villier wanted to know **what I intended doing**» (P. Abrahams).

Katie was waiting for her mistress, and on hearing **what had happened**, ran for warm water and other necessaries. (E. L. Voynich).

Are you satisfied **that your informant is correct in his facts?** (E. L. Voynich).

She was still unaware of **what it was about**. (G. Greene).

Тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

а) **that, if, whether** боғловчилари ёрдамида:

He saw **that** he would get little information and no help from Mrs. Page (A. Cronin).

I asked them in my bad French **whether** I could accompany them (G. Green).

Now he **began** to question **if** there were not some truth in what Denny said (A. Cronin).

б) **who, which, what, whatever, whoever whichever** каби боғловчи олмошлар ва **where, when, how, why** каби боғловчи равишлар орқали:

«I don't to know **what** I am talking politics for» (G. Green).

He decided to find out **why** they called Sam «Tad» (P. Abrahams)

«And this girl of his? — do youk now **where** she was?» (G. Greene).

в) предлоглар ёрдамида:

Масалан: «I believe in **what** I hear through the ends of my stethoscope» (A. Cronin).

«And he was nothing to **what** his father had been» (T. Hardy)

г) Боғловчисиз ҳам боғланиши мумкин.

«At any rate, I know he has lived out there (E. L. Voynich).

He told himself it was a stupid case of injured pride. (A. Cronin)

Инглиз тилидаги тўлдирувчи эргаш гаплари ўзбек тилига тўлдирувчи эргаш гаплар воситасида таржима қилинади.

«Count Saltykov wants to know **whether** you can go to his villa to morrow night» (E. L. Voynich). Граф Салтиков эртага кечкурун чорбоғига сизни борармикин деб сўрапти (Э. Л. Войнич).

«Bass Gert gave the money and insisted that you be sent to **Sare Town** (P. Abrahams). Баас Герт пул бериб, сени Кейнтаунга юборинглар, деб буюрган эди-да (П. Абрахамс).

«Tell her I want to marry her» (G. Greene). Айтинг, унга уйланмоқчиман (Г. Грин).

Инглиз тилидаги тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ўзбек тилига кўпинча содда гаплар орқали таржима қилинади. Бунда тўлдирувчи эргаш гап номинализациялашиб, ёйиқ тўлдирувчи функциясидаги бирикма билан берилади:

I told you once that I have no one in the world but you (E. L. Voynich). Дунёда сендан бўлак ҳеч кимим йўқлигини бир кун сенга айтиб эдим (Э. Л. Войнич).

I'll try to make people understand that you are a good person ...»

(*P. Abrahams*). Дуруст хотинлигинги одамларга тушунтиришга уриниб кўраман (*П. Абрахамс*).

Ҳол эргаш гапли қўшма гап (*Adverbial Clauses*). Бош гап составидаги феъл, сифат ва равишни характерлаб, қўшма гап составида ҳол вазифасида келувчи эргаш гаплар *ҳол эргаш гаплар* дейилади. Мисоллар:

In general cows were milked as they presented themselves, without fancy or choice (*T. Hardy*).

The son was returning with even more success than the committee had hoped for (*G. Greene*).

Англатган маъноларига кўра ҳол эргаш гапларнинг пайт эргаш гап, ўрин эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, натижа эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, шарт эргаш гап, равиш эргаш гап ва қиёс эргаш гап каби турлари мавжуд.

Пайт эргаш гап (*Adverbial Clauses of Time*). Бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг пайтини кўрсатадиган эргаш гаплар *пайт эргаш гап* дейилади.

Пайт эргаш гап бош гапга **when, while, as, till, until, as soon, as, as long as, since, after, before** каби боғловчилар ёрдамида боғланади. Мисоллар:

When he spoke to Arthur its note was always that of a caress (*E. L. Voynich*).

I ought to have insisted on your taking a through rest **before** you left Leghorn (*E. L. Voynich*).

As Montanelly entered the room where Arthur was writing for him at the supper table, he saw that the lad seemed to have shaken off the hostly fancies of the dark ... (*E. L. Voynich*).

Инглиз пайт эргаш гаплари ўзбек тилига кесими сифатдош ёки равишдош билан ифодаланган пайт эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади:

As he came in she rose and looked at him with keen black eyes (*E. L. Voynich*). Сўна кирганда ўрнидан кўзголиб, пирпираб турган қора кўзлари билан бир қараб олди (*Э. Л. Войнич*).

Ўрин эргаш гап (*Adverbial Clauses of Place*) Бош гапдаги ҳаракатнинг ўринини кўрсатувчи эргаш гап *ўрин эргаш гап* дейилади. Ўрин эргаш гап бош гапга **where** ва **wherever** боғловчилари ёрдамида бирилади:

I could see lamps burning **where** they had disembarked the new American planes (*G. Greene*).

«You are a good boy» the old man said, storing away to **where** the sun was sliding into obseusety behind the distant western hills. (*P. Abrahams*).

Инглиз тили ўрин эргаш гаплари ўзбек тилига ўрин эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади.

«**Where's** there's smoke, there is fire» (*P. Abrahams*). Қаярда тутун бўлса, ўша ерда олов ҳам бўлади (*П. Абрахамс*).

Wherever I go it's the same thing (*Voynich*). Қаярга бормайин ҳамма ер шундай (*Э. Л. Войнич*).

Баъзан инглиз ўрин эргаш гаплари ўзбек тилига аниқловчи функциясидаги сифатдош бирикмалар ёрдамида ҳам таржима қилинади:

... ornaments stand where you place them ... (G. Greene).

Where there's news there's Gander (G. Greene). Грендерни доим порих ҳиди келган ердан топасан (Г. Грин). Майда-чуйда нарсалар қўйилган жойда туроди (Г. Грин).

Сабаб эргаш гап (Adverbial Clause of Cause).

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини билдирувчи эргаш гап *сабаб эргаш гап* дейилади. Сабаб эргаш гаплар бош гапга **because, as, since, for fear, for the reason that, on the ground that** каби боғловчилар ёрдамида бирикади:

Her taunt had stung him more deeply **because** he felt it to be unfair (A. Cronin). «... as I must give the welcome speech, I will go down now and prepare it» (P. Abrahams).

«... since you will probably have to leave at Christmas, it is every way desirable and convenient that I should curry you off as my property» (T. Hardy).

Инглиз сабаб эргаш гаплари ўзбек тилига асосан сабаб эргаш гаплар орқали таржима қилинади:

«Perhaps he was killed by General The because he knew the Caodaists» (G. Greene). Қим биледи, эҳтимол, каодистчилар билан таниш бўлганлигидан уни генерал Тхе ўлдиргандир. (Г. Грин).

— Well then, it will be dull **because** half the interesting people are not coming (E. L. Voynich). ... кеча совуқ ўтади, нимагаки бамаъни одамларнинг ярми келмайди (Э. Л. Войнич).

Мақсад эргаш гап (Adverbial Clauses of Purpose). Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қандай мақсад билан юзага келишини ифодаловчи эргаш гап *мақсад эргаш гап* дейилади. Мақсад эргаш гаплар бош гапга **that, in order that, so that, lest** сингари боғловчилар билан боғланади:

Montanelly turned his head away, **that** he may, not see them (Voynich).

He cursed himself bitterly for not being able to speak Afrikaans **so that** he could explain to her (P. Abrahams).

Andrew ... withdrew his eyes lest he should read them. (A. Cronin).

Инглиз мақсад эргаш гаплари ўзбек тилига мақсад эргаш гаплар воситасида таржима қилинади.

I held whisky out to him **so that** he could see how calm my nerves were. (G. Greene). Мен асабларим қандай мустаҳкамлигини кўриб қўйсин деб, қўлимни титратмасдан унга стаканда виски узатдим (Г. Грин).

Натижа эргаш гап (Adverbial Clauses of Result). Бош гапда ифодаланган ҳаракатнинг натижасини билдирувчи эргаш гап *натижа эргаш гап* дейилади.

Натижа эргаш гаплар кўпинча қўшимча даража маъносиди ҳам бўлади.

Соф маънодаги натижа эргаш гаплар бош гапга so that боғловчиси ёрдамида бирикади:

She got quickly up, shaking the yellow tree so that it showed its petals over my type writer (*G. Greene*).

Қўшимча даража маъносига эга бўлган натижа эргаш гаплар эса бош гапга that боғловчиси орқали ёки боғловчисиз боғланади. Бундай пайтда бош гап составида so ёки such сўзлари келади.

Қўшимча даража маъносига эга бўлган натижа эргаш гаплар бош гапдан вергул билан ажратилмайди:

The rebuke was so gently given that Arthur hardly coloured under it. (*E. L. Voynich*).

Her pretence of invalidism was so blatant he had to struggle to conquer a wild impulse to laugh.

It was such a warm, friendly smile, Lanny couldn't help returning it (*P. Abrahams*).

Инглиз натижа эргаш гаплари ўзбек тилига натижа эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади.

The pain was so great there wasn't any room for tears (*P. Abrahams*). Унинг дарди шу қадар оғир эдики, кўзларидаги ёшлари ҳам қуриб қолди (*П. Абрахамс*).

The silence was so long and deep that he looked up, wondering why the Pardre didn't speak. (*E. L. Voynich*). Бу шу қадар чарчатувчи жимлик эдики, Монтанеллининг гапирмаётганига Артур, ниҳоят, ҳайрон бўла бошлади (*Э. Л. Войнич*).

Тўсиқсиз эргаш гап (Adverbial Clauses of Concession). Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг амалга ошишига тўсиқ бўлмайдиган ҳаракатни ифодаловчи эргаш гап *тўсиқсиз эргаш гап* дейилади. Тўсиқсиз эргаш гаплар бош гапга **though, although, as, no matter how, however, whatever, whoever, whichever** каби боғловчи вазифасидаги элементлар ёрдамида бирикади:

But Sarie was close by, and **though** she was not as beautiful and vivacious as Celia, she was there ... (*P. Abrahams*).

He said «There she is», **although** he said had only one evening to learn her footfalls (*G. Greene*).

Now, **whatever** his own bungling efforts of the previous night had, Andrew realized with a shiver of apprehension that he had an outbreak of typhoid fever on his hands (*A. Cronin*).

Инглиз тўсиқсиз эргаш гаплари ўзбек тилига тўсиқсиз эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади.

«I promised you, I would wear it, **though** it is rather warm for a hot evening like this» (*E. L. Voynich*).— Қияман деб ваъда қилдимку сизга, гарчи бугунги кечга иссиқлик қилса ҳам (*Э. Л. Войнич*).

«I'll be still reporting, **whoever** wins» (*G. Greene*).— Қайси томон енгмасин, бари бир, мен фақат шоҳидман, репортёр бўлиб хизмат қиламан (*Г. Грин*).

Шарт эргаш гап (Adverbial Clauses of Condition). Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзга келиши учун зарур бўлган шарт-шароитни ифодаловчи эргаш гап *шарт эргаш гап* дейилади.

Шарт эргаш гаплар бош гапга if, unless, suppose, in case, on condition that, provided каби боғловчилар ёрдамида бирикади:

If you get into trouble over this, if you — die, you will break my heart (*E. L. Voynich*).

«If you want to operate you use the kitchen table». «No, I shan't do anything unless you order me to (*T. Hardy*). ... but my father just at the last, consented to let him teach you, **on condition** that he never attempted to see your mother» (*E. L. Voynich*).

Шарт эргаш гап бош гапга боғловчисиз ҳам бирика олади. Бундай ҳолларда эргаш гапда инверсия ҳодисасини учратамиз.

Had she been near Marlott she would have had less dread (*T. Hardy*). ... were she to remain they probably gain less good by her precepts than harm by her example (*T. Hardy*).

Инглиз шарт эргаш гаплари ўзбек тилига шарт эргаш гаплар воситасида таржима қилинади:

«If I wanted her here and wanted you to see her I would not have put her on the other side of the farm» (*P. Abrahams*). — Агар уни бу ерда тураверсин десам, кўрғоннинг нариги чеккасига элтиб ташламасдим (*П. Абрахамс*).

«If he wanted to see me, he would have asked us to the Majestic» (*G. Green*). Пайил мени кўргиси келса, бизни «Мажестик» ка таклиф қилган бўларди (*Г. Грин*).

Равиш эргаш гап (*Adverbial Clauses of Manner*). Бош гапдаги иш-ҳаракатни қандай бажарилишини ифодаловчи эргаш гап *равиш эргаш гап* дейилади.

Равиш эргаш гаплар бош гапга асосан **as** боғловчиси билан боғланади. Равиш эргаш гапларнинг маъносида қиёслаш мазмуни ҳам сезилиб туради:

The old woman gossiped as they had always done on the floor outside ... wrinoir (*G. Greene*). «... but if he were even to ask me I should refuse him, as I should refuse any man» (*T. Hardy*). Life would go on as it had gone before (*P. Abrahams*).

Инглиз равиш эргаш гаплари ўзбек тилида эргаш гаплар воситасида берилади.

«Tell her I love her as I love my sister who is at home» (*P. Abrahams*). — Унга айтинг, Англиядаги синглимни қандай яхши кўрсам уни ҳам шундай яхши кўраман (*П. Абрахамс*).

Andrew realised that he didn't detest Denny so much as he had thought (*A. Cronin*). Андрей Деннини ўзи ўйлагандай унчалик кўп ёмон кўрмаслигини тушуниб етди.

Қиёс эргаш гап (*Adverbial Clauses of Comparison*). Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатни ёки белгини бошқа бир ҳаракат ёки белги билан қиёслашни кўрсатувчи эргаш гап *қиёс эргаш гап* дейилади.

Қиёс эргаш гап бош гапга **than, as, as ... as, not so ... as, as if, as though** сингари боғловчилар ёрдамида бирикади:

And soon the whisper went round that the teacher in a happy mood than they had ever seen him before (*P. Abrahams*).

«Will you stay to night?» I asked Phoung over the croissants as casually as I could (*G. Greene*). ... every market girl comes up to me with bunches of flowers — as if I wanted them now (*E. L. Vonnegut*). For the rest of the meal she sat in a huff, not looking at him, as though he had insulted her (*A. Cronin*).

Инглиз қиёс эргаш гаплари ўзбек тилига қиёс эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади.

«I'm scared stiff — but things are better than they might be» (*G. Green*) — Мен жуда қаттиқ қўрққанман, лекин вазият кутилганидан кўра бирмунча яхшироқ (*Г. Грин*).

«My child ... My child ... » The old man held him as if she would never let him go again» (*P. Abrahams*). — Болагинам жон болам . . . — ўғлини бир лаҳза бўлсин қўйиб юборишдан қўрққандай, унга маҳкам ёпишиб олган эди (*П. Абрахамс*).

Кириш гаплар (Parenthetical clauses). Юқорида текшириб кўрилган эргаш гаплардан ташқари кириш гапларни ҳам алоҳида тип ҳолида ўрганиш лозим. Кириш гаплар бош гаптаги фикрга қўшимча тариқасида, йўл-йўлакай янги фактни баён қилади.

Кириш гаплар доим гапнинг охирида ёки ўртасида келади. Масалан:

His tropical suit had a stain of oil on the sleeve — Pyle's oil, I supposed (*G. Greene*). It is mere girlish out break which, I am sure, will not be permanent. (*T. Hardy*). «My friends who met you this morning — do you remember them — were right.» (*P. Abrahams*).

Аралаш қўшма гап ёки боғланган-эргашган қўшма гап (Compound-Complex Sentences or Compound Sentences). Компонентлари эргаш гапга эга бўлиши мумкин бўлган боғланган қўшма гаплар аралаш қўшма гап ёки боғланган-эргашган қўшма гап дейилади. Мисол:

She clasped his neck, and for the first time clearly learned what an impassioned woman's kisses were like upon the lips of one whom she loved with all her heart and soul, as Tess loved him. (*T. Hardy*). There was a song in every heart; and if the heart was young the music issued at the lips. (*T. Swain*).

81- §. Замонларнинг мослашуви (The Sequence of Tenses)

Инглиз тилида тўлдирувчи эргаш гапнинг кесими бош гапнинг кесимига мослашадй, яъни бош гапнинг кесимига боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик замонлар мослашуви дейилади.

Замонлар қуйидаги ҳолларда мослашади:

а) агар бош гапта ҳозирги замон формаларидан бири (Present Indefinite or Present Perfect) ёки келаси замон формаси ишлатилган бўлса, тўлдирувчи эргаш гапта мазмунга кўра исталган замон қўлланиши мумкин:

You know what these people think of me (*P. Abrahams*).

Pyle knows I smoke a few pipes before bed (*G. Greene*).

I hope we will meet again (*P. Abrahams*).

I've told you I don't want to take anything from them (*P. Abrahams*);

I'll try to make people understand that you are a good person... (*P. Abrahams*).

б) агар бош гапнинг кесими ўтган замон шаклида бўлса, тўлдирувчи эргаш гапнинг кесими ўтган замонларнинг бирида бўлиши шарт.

Эргаш гапнинг кесими Past Indefinite, Past, Perfect, Future — in — the Past, Future perfect — in — the Past, Future Continuous — in — the Past формаси қўлланиши мумкин. Масалан:

He wondered whether this **meant** more trouble (*P. Abrahams*)

Tant Annie said they all **had** different fathers (*P. Abrahams*).

And he was nothing to what his father **had been** (*Th. Hardy*).

I had thought I **would be** only week away from Seigon (*G. Greene*).

For a second Andrew wondered if Denny **had taken** leave of his senses (*A. Cronin*).

в) агар эргаш гапнинг кесими бош гапнинг кесими ифодаланган иш-ҳаракат билан бир пайтда бўлган иш-ҳаракатни билдирса, тўлдирувчи эргаш гапда перфект бўлмаган ўтган замон шакли ишлатилади. Масалан:

These people thought that by teaching them to read and write he **could** change their lot (*P. Abrahams*).

I wondered whether he already **knew** the content of my telegram (*G. Greene*)..

He knew that the practice **was paying** her handsomely (*A. Cronin*).

Gabriel hardly heard what she **said** (*J. Joyce*).

He said all the other boys **were** regular gipsies (*J. Galsworthy*);

г) агар эргаш гапнинг кесими билдирган иш-ҳаракат бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатдан аввал содир бўлган бўлса, эргаш гап составидаги кесим ўтган перфект замонда бўлади. Масалан:

She had put into words what he **had felt** rather vaguely (*P. Abrahams*).

Fabrizi told me he **had been written** to and had consented to come and take up the campaign against the Jesuits (*E. L. Voynich*).

She told Mrs. Macphail that the missionary **had not slept** at all.

Эслатма: Агар эргаш гап кесими ифодалаган иш-ҳаракат маълум вақтда содир бўлган бўлса, перфект бўлмаган ўтган замонда ишлатилади

He said she was born in 1950;

д) агар эргаш гапда англатилган иш-ҳаракат бош гап кесими ифодалаган иш-ҳаракатдан кейин бажарилса, эргаш гапдаги кесим ўтган келаси замон (Future -in- the -Past) шаклида ишлатилади:

I knew where Phuong **would keep** her box. (*G. Greene*).

...but I never thought you **would want** me. (*J. Galsworthy*).

They felt certain that it was the result of a series of blunders, and that it would not continue. (*A. Maltz*).

Э с л а т м а : Агар эргаш гапда ҳаммага маълум бўлган ҳақиқат ифодаланса, замонлар мослашуви бўлмайди. Масалан:

He said the earth moves round the sun;

е) агар қўшма гап составида бир неча эргаш гаплар келса, уларнинг ҳаммасида замонларнинг мослашуви қондасига амал қилинади. Масалан:

On the contrary I found that he had nearly finished his meal and that his mood was particularly bright and joyous, with that some what sinister cheerfulness which was characteristic of his lighter moments. (*A. C. Doyle*).

I said that money was no object and what all I could do to make her happy and comfortable would be done. (*A. C. Doyle*).

ё) эга ва кесим эргаш гапли қўшма гапларда ҳам замонлар мослашуви қондасига амал қилинади:

What he had discovered was one thing. (*J. Aldridge*).

What Davidson had done soon appeared. (*Maugham*).

The next we heard was that she was married there. (*E. L. Voynich*).

What surprised him was that there was no pain about it. (*P. Abrahams*);

ж) агар эргаш гапда ҳаммага маълум ҳақиқат, ҳар доим бўлиб турадиган ҳодиса, бирор нарсанинг доимий белгиси ёки одати ифодаланса замонлар мослашуви рўй бермайди. Масалан:

He said that the earth moves round the sun.

The scientist said the moon is smaller than the earth;

з) аниқловчи эргаш гаплар ва сабаб, натижа, чоғиштирма ҳамда тўсиқсиз эргаш гапларда замонлар мослашуви қондаси ишлатилмайди.

Ўзбек тилидаги эргаш гапларда замонлар мослашуви қондаси йўқ, яъни эргаш гапнинг кесими бош гап кесими билан инглиз тилидагидек мослашмайди.

82- §. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар. (Direct and Indirect Speech)

Ўзгалар фикрининг семантик, лексик ва грамматик хусусиятлари сақланган ҳолда берилиши кўчирма гап дейилади.

Кўчирма гап автор гапи билан бирга ёки ёлғиз ўзи келиши мумкин. Масалан:

«You are alone to - day», Fatty said. (*P. Abrahams*).

Johnny said: «Good morning, sir». (*A. Coppard*).

«Why do you leave her in that mill?». (*A. Bennet*).

«How then did you return to your own country?». (*R. W. Fox*).

Автор томонидан ўзгалар гапининг мазмунини сақлаган ҳолда, унинг грамматик ва лексик хусусиятларини ўзгартириб баён қилиниши ўзлаштирма гап дейилади.

Кўчирма гап

«I lose a good customer», Fatty said. (*P. Abrahams*).

«Is it raining again, Mr. Conroy?» asked Lily. (*J. Joyce*).

«Who's playing up there?» asked Gabriel. (*J. Joyce*).

Кўчирма гапни ўзлаштира гапга айлантириш қоидалари қуйидагича:

1) кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда, қўштирноқ ва вергуллар тушириб қолдирилади.

2) ўзлаштира гап составида **that** боғловчиси ишлатилади. Сўзлашув тилида **that** боғловчиси кўпинча тушириб қолдирилади.

Кўчирма гап

«He won't let me make the tea», Lanny's mother said. (*P. Abrahams*).

«He killed his father», answered the priest. (*G. K. Chesterton*).

«I want you to go down presently and see Sadie», he said. (*Maugham*).

3) кўчирма гапнинг эгаси биринчи ёки иккинчи шахс кишилик олмошлари билан, автор гапнинг эгаси эса учинчи шахс кишилик олмоши билан ифодаланган бўлса, ўзлаштира гапда биринчи шахс кишилик олмоши учинчи шахс кишилик олмоши билан, иккинчи шахс кишилик олмоши эса биринчи ёки учинчи шахс кишилик олмошлари билан алмаштирилади. Масалан:

«I look after her», Hannah said proudly. (*P. Abrahams*).

Hannah said proudly that she looked after her.

«Are you going to die?» Davy asked him. (*J. Aldridge*).

Davy asked him if he was going to die.

«I am very grateful», said Fisher gravely. (*G. Chesterton*).

Fisher said gravely that he was very grateful.

4) агар автор гапнинг кесими ўтган замонда бўлса, кўчирма гап кесими замонлар мослашуви қоидасига биноан қуйидагича ўзгаради:

а) ҳозирги замондаги феъл ўтган замон феъли билан алмаштирилади:

«The plane doesn't want to go down», Davy said to him (*J. Aldridge*).

Davy said to him that the plane didn't want to go down.

«There are preliminary difficulties», replied Fisher (*G. K. Chesterton*).

Fisher replied that there were preliminary difficulties.

Ўзлаштира гап

Fatty said that he lost a good customer.

Lily asked Mr. Conroy if it was raining again.

Gabriel asked her who was playing up there.

Ўзлаштира гап

Lanny's mother said that he would't let her make the tea.

The priest answered that he (that man) had killed his father.

He said he wanted me to go down presently and see Sadie.

б) кўчирма гапдаги ҳозирги перфект замони ўзлаштира гапда ўтган перфект замонига айлантирилади:

«They have found peace», Isaac said bitterly. (*P. Abrahams*).

Isaac said bitterly that they had found peace.

«We've been away for a year», he said. (*Maugham*).

He said that they had been away for a year.

в) давомли аспектдаги ҳозирги замон перфекти давомли аспектдаги ўтган замон перфекти шаклини олади:

«I've been thinking it over, Mr. Holmes», he said. (*A. C. Doyle*).

He said that he had been thinking it over.

«I've been thinking about this afternoon, you know», said Halliday rather suddenly. (*J. Galsworthy*).

Halliday said rather suddenly that he had been thinking about that afternoon.

г) умумий аспектдаги келаси замон ўтган келаси замон (The Future Indefinite-in-the -Past) га айланади:

«We shall be there easily before six, then». (*A. Bennet*).

He said that they would be there easily before six.

«It will take me half an hour on my bicycle», he explained. (*D. M. Lessing*).

He explained that it would take him half an hour on his bicycle.

д) давомли аспектдаги келаси замон давомли аспектдаги ўтган келаси замон (Future Continuous -in -the -Past) га айланади:

He said «I'll be working at 5 o'clock»

He said he would be working at 5 o'clock.

е) умумий аспектдаги келаси перфект замони умумий аспектдаги ўтган келаси замон перфекти (Future Perfect-in-the-Past) га айланади:

He said: «I'll have finished it by 6 o'clock».

He said that he would have finished it by 6 o'clock.

ё) давомли аспектдаги келаси замон перфекти давомли аспектдаги ўтган келаси замон перфекти (Future Perfect Continuous-in-the-Past) га айланади:

He said: «We'll have been writing for 2 hours by 5 o'clock».

He said that he would have been writing for 2 hours by 5 o'clock.

ж) кўчирма гапда келган умумий ва давомли аспектдаги ўтган замон перфектлари ўзлаштира гапда ўзгаришсиз қолади:

He said, «they had finished their work by 2 o'clock».

He said, they had finished their work by 2 o'clock.

He'd been dreaming about the mountains of Nebraska», said Mrs. Davidson. (*Maugham*).

Mrs. Davidson said he'd been dreaming about the mountains of Nebraska.

з) кўчирма гапда ишлатилган **here, this, these, now, today, ago, yesterday, last night, tomorrow** каби сўз ва сўз бирикмалари ўзлаштира гапда **there, that, those, then, at that time, that day, before, the previous night, the next day, the following day** каби-ларга ўзгаради:

He said: «I am busy now»

He said that he was busy then.

He said, «I'll come to - morrow»

He said that he would come the following day.

Кўчирма гап составидаги дарак гапларни ўзлаштира гапга айлантириш. Кўчирма гапдаги дарак гаплар ўзлаштира гапга айлантирилганда, автор гапининг кесими сифатида **to say, to tell, to announce** ва расмий муомалада **to inform** феъллари қўлланади:

«These little Austers fly themselves», he said. (*J. Aldridge*).

He said that those little Austers flew themselves.

«There's no such place», the policeman said. (*S. T. Warner*).

The policeman informed him that there was no such place.

«He killed his father», answered the priest. (*Chesterton*).

The priest announced (answered) that he had killed his father.

«I have been in that room ever since», said Horne Fisher. (*Chesterton*).

Horne Fisher said that he had been in that room ever since.

Кўчирма гап составидаги дарак гапларни ўзлаштира гапга айлантиришда **to promise, to assure, to admit, to deny, to remark** каби феъллардан ҳам фойдаланиш мумкин:

«We will now repeat the Lord's prayer». (*Maugham*).

He remarked that they would then repeat the Lord's prayer.

«I think I'll go and fetch the cards», the doctor said at last. (*Maugham*).

At last the doctor assured that he would go and fetch the cards.

«I will be careful» Isaac said. (*P. Abrahams*).

Isaac promised his father to be careful.

He said, «I had never seen this pistol before».

He denied having seen that pistol before.

She said, «I wrote a letter to him».

Буйруқ ва илтимос маъноларини билдирган гапларни ўзлаштира гап составида берилиши. Кўчирма гап составидаги буйруқ ва илтимос маъноларини англатган гаплар ўзлаштира гапда инфинитив ёрдамида ифодаланади. Масалан:

«Sit in the sofa corner, little lady», he said to Mary. (*K. Mansfield*).

He told Mary to sit in the sofa corner.

«Be off out of here, Master Philip», she said. (*G. Greene*).

She ordered Philip to be off out of there.

«Give it to me, please», she said softly. (*P. Abrahams*).

She asked him to give it to her.

Кўчирма гап составидаги буйруқ, илтимос маъносини билдирган гаплар ўзлаштира гапга айлантирилганда бу гапларнинг кесими **to tell, to order, to comprand** феъллари билан ифодаланади.

Илтимос маъносини англатган гапларни ўзлаштира гапга айлантирганимизда **to ask, to request** феълларини ишлатамиз:

«Will you answer my question?» said the Captain. (*D. A. Lawrence*).

The Captain asked him to answer his question.

«Won't you sit down?» said Josephine. (*K. Mansfield*).

Josephine requested him to sit down.

Стилистик жиҳатдан бўрттирилиб илтимос маъносини англатган гап ўзлаштира гапда **to implore, to entreat, to beseech, to urge** феъллари билан ўзгаради. Масалан:

«Do tell me something», he said.

He urged her to tell him something.

Сўроқ гапларнинг ўзлаштира гапда ўзгариши. Ўзлаштира гап составида келган сўроқ гапларнинг сўз тартиби дарак гаплардагидек бўлади. Бош гап қисими **to ask, to inquire** каби феъллар билан ифодаланади.

Кўчирма гап составидаги умумий сўроқ гап ўзлаштира гапга айланттирилганда **if** ёки **whether** боғловчилари қўлланади:

«Am I pretty?» she asked eagerly. (*P. Ahrahams*).

She asked him eagerly if she was pretty.

«Is it raining again, Mr. Conroy?» asked Lily. (*J. Joyce*).

Lily asked Mr. Conroy whether it was raining again.

«Have you lived here long?» he asked. (*J. Galsworthy*).

He inquired if she had lived there long.

Ўзлаштира гап составида келган махсус сўроқ гап ўз таркибидаги сўроқ олмоши ёки равишини сақлаб қолади ва ундаги сўз тартиби дарак гапдагидек бўлади:

«When did you lend him the pound?» she asked, after a pause. (*J. Joyce*).

After a pause she asked him when he had lent him the pound.

«And why have you a piece of pencil in your ear?» (*H. H. Lawrence*).

The captain asked him why he had a piece of pencil in his ear.

«What was Joe saying to you, please?» (*J. Galsworthy*).

He asked her what Joe was saying to her.

Таклиф ва маслаҳат маъносини билдирган гапларнинг ўзлаштира гапда берилиши. Кўчирма гаплардаги таклиф маъносини билдирган гаплар ўзлаштира гапда **to offer** ва **to suggest** феъллари ёрдамида қўлланади. Лекин **to offer** ва **to suggest** феълларининг ишлатилишида бир оз фарқ бор. Агар таклиф қилган ва шу таклифни амалга оширувчи шахс бир кишининг ўзи бўлса **to offer** феъли ишлатилади. Масалан:

«Shall I begin with scales», she asks. (*K. Mansfield*).

She offered to begin with scales.

Агар таклиф киритган ва унинг амалга оширувчисини бошқа-бошқа шахслар бўлса, ёки кўпчилик бўлса **to suggest** феъли қўлланади:

«Shall we move on?» she said

She suggested that we should move on.

Кўчирма гап составидаги маслаҳат маъносини билдирган гаплар ўзлаштира гапда **to advise** феълдан кейин инфинитив ишлатиш йўли билан ўзгартирилади:

«You had best read this first». (*A. C. Doyle*).

Watson advised Holmes to read that first.

«You had better come at once because mother is ill», she said.

She advised him to come at once because her mother was ill.

Кўчирма гапдаги ундов гапларни ўзлаштира гапда ўзгариши. Ундов гаплар ўзлаштира гапларга айлантирилганда, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи феъллар, равишлар, сўз бирикмалар ёрдамга келади.

He said gently: «Sorry I was such a beast last night, Stella».
(*Galsworthy*).

He said sadly (with deep sadness, sorrow fully) that he had been such a beast the night before.

«Look, we picked such lovely late violets», she said. (*Galsworthy*).

She said joyfully (with joy, delightedly) that they had picked such lovely late violets.

«You're a liar bawled the wooden-leg man. (*A. E. Coppard*).

The wooden-leg man said indignantly (with indignation) that he was a liar.

Саломлашиш ва хайрлашиш пайтида қўлланадиган ибораларни ўзлаштира гапда берилиши. Хайрлашиш ва саломлашиш пайтида ишлатиладиган ибораларни ўзлаштира гапга айлантирилганда **to greet, to welcome, to bade, to wish** феъллардан фойдаланилади:

She said to him, «Glad to see you in my house».

She welcomed him.

We said to him, «How do you do?»

We greeted him.

«Good-bye, little Johnny», whispered old Mrs. Grainger. (*A. E. Coppard*).

Old Mrs. Grainger bad little Johnny good-bye.

«Good night Mr. Bulky», then he said. (*A. E. Coppard*).

Then he wished Mr. Sulky good night.

83- §. Пунктуация (Punctuation)

Пунктуация ёзувда тиниш белгиларини тўғри қўллашни ўргатувчи соҳадир. Ҳозирги замон инглиз тилида тиниш белгилари тубандагилардан иборат: нуқта (.), сўроқ белгиси (?), ундов белгиси (!), икки нуқта (:), кўп нуқта (...), қўштирноқ («»), вергул (,), нуқтали вергул (;) ва ҳоказолар.

Тиниш белгилар сўзлар, сўз бирикмалари, қўшма гапни ташкил қилувчи компонентлар ва гаплар ўртасидаги грамматик муносабатларни кўрсатишга хизмат қилади.

Нуқта (The Full stop, The Period). Ўзбек тилидагидек, инглиз тилида ҳам нуқта тугалланган дарак гапнинг охирига қўйилади. Масалан:

Gabriel went to the stairs and listened over the benisters. (*J. Joyce*).

At last his servant entered. (*D. H. Lawrence*).

Ундов ёки сўроқ гап бўлмаган ҳар қандай боғланган ва эргашган қўшма, аралаш қўшма гаплар охирида ҳам нуқта қўйилади.

Nobody answered this question and Mary Jane led the the label back to the legitimate opera. (*J. Joyce*).

Midday down they were held up by Mary Jane, who replenished them with respberry or orange jelly or with blancmange and jam. (*J. Joyce*).

Well, when he came to Whitechapel there was Leman Street, and off Leman Street there were other streets full of shops with funny names over the windows, like Greenbaum, Gildansky, Finesilver and Arbashev, and shops full of foreign food that looked nasty and smelled, or full of objects that seemed vaguely improper. (*A. E. Coppard*),

Сўроқ белгиси (The Mark of Interrogation, the Question Point. The Interrogation mark). Сўроқ белгиси сўроқ гапларнинг охирига қўйилади. Масалан:

«Why did you leave?» (*G. Greene*).

«How did you come by that?» (*D. H. Lawrence*).

«This is better, isn't it?» (*K. Mansfield*).

Сўз тартиби дарак гаптагидек бўлиб, сўроқ маъносига эга бўлган гаплар охирида сўроқ белгиси қўйилади:

«But your uncle was a Devonshire man?» (*J. Galsworthy*).

Ундов белгиси (The Mark of Exclamation the Exclamation Note). Ҳис-ҳаяжон маъносини билдирган ундов гаплар охирида ундов белгиси қўлланади. Масалан:

«How dare she come here!» cried Davidson indignantly. (*W. S. Maugham*).

«Oh, I can't stand these-in-the mud ways!» (*G. K. Chesterton*).

Икки нуқта (The Colon). Икки нуқта гапларда қуйидаги ҳолларда қўйилади:

а) кўчирма гап олдидан келган автор гапидан кейин:

At last my father stated finally: «I'm not going to argue about it. I am keeping the goats». (*D. M. Lessing*).

He thought: «Tomorrow I will set about getting a really reliable secretary». (*G. Greene*).

б) санаш олдидан умумлаштирувчи сўз бўлса, уни айириб кўрсатиш учун:

Between these rival ends ran parallel lines of sided dishes: two little ministers of jelly, red and yellow. (*J. Joyce*).

She checked up on the points of her face: eyebrows, nose, mouth-avoiding, perhaps, the expression in the eyes. (*D. M. Lessing*).

Кўп нуқта (A Series of Periods or the Ellipsis). Кўп нуқта кўчириб ёзишда туширилиб қолдирилган сўз ёки гапларни билдириши мумкин.

The other seventy would keep them for... It was impossible how long they would keep them. (*A. E. Coppard*).

Don't forget... but the ship gone now. (*K. Mansfield*).

Баъзан кўп нуқта нутқнинг тугамаганини, охирига етмаганини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Масалан:

«I mean...» began Lally (*A. E. Coppard*).

«Thanks very much, sir. Frazer said...» (*P. Aldington*).

Қўштирноқ (Quotation Marks or Inverted Commas). Қўштирноқ қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

а) кўчирма гапни ажратишда:

«You go to the kitchen», he said, «I'm going to bed». (*J. Galsworthy*).

«How do you know where the wind is?» the boy asked. (*J. Aldridge*).

б) ёзувчиларнинг киритма гапини беришда:

Out of nine men in a third-class compartment, eight are roaring «Dod bless you, Tommy Atkins», at the top their voices. (*G. B. Shaw*).

The tone of his voice when he spoke of the cinema — «What a thing!» kept coming back to me. (*J. Galsworthy*).

в) киноя ёки бошқа маънода ишлатилган сўзлар қўлланилганда. Масалан:

...that young fellow - what had they nicknamed him «The Buccaneer!» precious hangdog there behind her... (*J. Galsworthy*).

Nearly sixty when I first know him, he must have written already some fifteen books, which had earned him the reputation of «a genius» with the few who know. (*J. Galsworthy*).

Вергул (The Comma). Вергул қуйидаги ҳолларда қўлланади:

а) боғловчисиз боғланган уюшиқ бўлақларни ажратишда:

Then he turned and looked at Mrs. Hathaway a look of mournful, scornful, listless, understanding. (*S. T. Warner*).

Slowly, economically, he got dressed and forced himself to walk. (*D. H. Lawrence*).

б) ажратилган гап бўлақларини кўрсатиш учун:

The most remarkable thing about her was her voice high, metallic, and without inflection. (*Maugham*).

To Isabel, the wife, it was the impulse to occasional prayer. (*H. E. Bates*).

в) кириш сўз, кириш иборалар ва кириш гаплар ва кўчирма гапларни бир-бирдан ажратиш учун:

«It was stupid», Baines said. «So near home, but I haven't time to think, you see. I'd got to see her».

«Of course, Baines». (*G. Greene*).

But, to say truth, my mind had been so entirely taken up with other thoughts that I had scarcely given ear. (*R. D. Stevenson*).

г) вергул ёки ундов белгиси билан ундалмалар бошқа гап бўлақларидан ажратилади:

«Miss Kate, here's Mrs. Conroy». (*J. Joyce*).

«Miss Furlong, what shall I send you?» he asked. (*J. Joyce*).

д) ундовлар ҳам вергул ёки ундов белгиси билан ажратилади: «Ah, you never left such hear». (*G. Greene*).

«Oh, would you trust a gold watch to a native?» (*K. Mansfield*).

«Oh! I see! (A. Bennet).

«Oh! Look, Frank! A gravel» (J. Galsworthy).

e) Yes, no сўзларидан сўнг:

«Yes, but what am I to report about?» (R. Aldington).

«Go on», said Josephine.

«No, no, Jug; after you», said Constantia. (K. Mansfield).

ж) боғланган қўшма гаплар таркибидаги мустақил гапларни бир-бирдан ажратиш учун:

Her son had not only come home, but had come home a good person. (P. Abrahams).

But every now and then Monsieur seemed to lose him temper outright, and then there was no silence between the cunts, but a harsh, deep, angry shout. (A. Huxley).

з) айрим эргаш гапларни бош гапдан ажратиш учун:

When they awoke, though the sky was still grey and the clouds hung low it was not raining and they went for a walk on the high road which the Americans had built along the bay. (W. S. Maugham).

Whenever they obtained any nice food now, they sat down to it silently, intently or destructively. (A. E. Coppard).

Нуқтали вергул (The Semicolon). Нуқтали вергул кўпинча боғланган қўшма гаплар компоненти боғловчисиз боғланиб, сабаб ёки натижа маъносини англатганда ишлатилади:

The wind had been blowing hard for days; it varied in the strength from a selfish breeze to half a gale; once twice it had surprisingly gone right round to the east, and the clouds had uncovered the sun, and the showers been briefer and fewer; but during the whole holiday the wind had never caused. (A. Bennet).

Her face was long, like a sheep, but she gave no impression of foolishness, rather of extreme alterness; she had the quick movements of a bird. (W. S. Maugham).

Эргашган қўшма гап составидаги уюшиқ эргаш гапларни бир-бирдан ажратиш учун ҳам нуқтали вергул ишлатилиши мумкин.

...It shall be one of our chief pleasures to consult how we can make Grace happy; how we can anticipate her wishes; how we can show our gratitude and love to her; how we can return her something of the debt she will have heaped upon us. (Dickens).

Тире (The dash). Тире фикрнинг тугалланмаганини кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин:

«I should like it to be quite simple», said Josephine firmly, «and not too expensive. At the same time, I should like —» (K. Mansfield).

«The fact is», said Gabriel, «I have just arranged to go —» (J. Joyce).

Тире ажратилган бўлакни аниқроқ кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Масалан:

To think that Johnnie — my last friend — should have acted so meanly. (Bennet).

It was that of an old song of Aunt Julia's — Arrayed for the Bridal. (*J. Joyce*).

Supposing father had wanted to say something — something private to them. (*K. Mansfield*).

Тире сўзлашув нутқи давомидаги тутилиш, тўхташларни билдириш ёки киритма гапларни ажратиш учун ишлатилиши мумкин:

«There's — some — talk — of — suicide», he said. (*Galsworthy*).

«One thing is certain» — and her tears sprang out again» — father will never forgive us for this — never!». (*K. Mansfield*).

«It's heavy — remarkably heavy», said he. (*A. C. Doyle*).

Инглиз тили пунктуация ҳали мукамал ишлаб чиқилмаган, шунинг учун мазкур бўлимда унинг баъзи томонларигина кўриб чиқилди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Қириш	7

Морфология

О т

1- §. Отнинг асосий белгилари	11
2- §. Отларнинг семантик классификацияси	12
3- §. Отларнинг структурасига кўра турлари	14
4- §. Отнинг грамматик категорияси	15
5- §. Сўн категорияси	15
Бўшқа тиллардан кирган отларда кўplik форманинг ясалishi (18). Қўшма сўзлар кўplik формасининг ясалishi (19). Киши номлари ёки фамилияларининг кўplik формаси (20). Ўзгармас (омоним) формадаги отлар (20).	
Фақат бирликда ишлагилладиган отлар (23). Фақат кўplik формадаги отлар (23).	
6- §. Қелишик категорияси	25
7- §. Отнинг гапдаги вазифалари	31
8- §. Род категорияси проблемаси	32
9- §. Ог ясаш	35
Абстракт отлар ясовчи суффикслар (39). Қичрайтириш ва эркамлатиш суффикслари (41). Қўшма отларнинг ясалishi усуллари (44). Қўшма отларнинг структураси (46).	

Сифат

10- §. Сифатнинг структурасига кўра турлари	47
11- §. Аслий ва нисбий сифатлар	48
12- §. Сифат даражалари	49
Сифат даражаларини синтактик усул билан ясаш (52).	
13- §. Сифат маъноларини кучайтириш ва кучсизлантириш	54
14- §. Сифатларнинг отлашиши	55
15- §. Отлашган сифатларнинг маъносига кўра турлари	57
16- §. Сифатнинг гапдаги вазифаси	59
17- §. Сифат воситасида ясаладиган бирикмалар	59
18- §. Сифат ясаш	59
Суффикслар воситасида сифат ясаш (61). Қўшма сифатлар (67).	

Олмош

19- §. Олмошларнинг умумий классификацияси	70
20- §. Олмошларнинг шахс кўрсатишига кўра турлари	71
21- §. Олмошларнинг форма ўзгаришига кўра турлари	71
22- §. Олмошларнинг лексик-грамматик турлари	72

Кишилик олмошлари (72). Кишилик олмошларнинг грамматик категориялари (73). Эгалик олмошлари (75). Эгалик олмошларининг боғлиқ формаси (76). Эгалик олмошларининг мустақил формаси (76). Ҳзлик олмошлари (77). Ҳзлик олмошларининг грамматик категориялари (77). Эмфатик (кучайтирувчи) олмошлар (79). Кўрсатиш олмошлари (79). Биргалик олмошлари (81). Сўроқ олмошлари (82). Нисбий олмошлар (83). Боғловчи олмошлар (83). Гумон олмошлари (83). Шахс билдирувчи гумон олмошлари (84). Белгилаш олмошлари (86). Бўлишсизлик олмошлари (90)

23- §. Олмошларнинг синтактик функциялари	91
---	----

Сон

24- §. Соннинг структурасига кўра турлари	92
25- §. Соннинг умумий классификацияси	92
26- §. Соннинг турлари	92
Саноқ сонлар (93). Тартиб сонлар (95). Каср сонлар (96). Хронологик сонлар (97).	
27- §. Соннинг гапдаги вазифалари	98
28- §. Сонларнинг отлашиши.	99

Равиш

29- §. Равишнинг структурасига кўра турлари	100
30- §. Равишларнинг маъносига кўра турлари	101
Ўрин равиши (101), Пайт равиши (102). Ҳолат равиши (102), Такрорий равишлар (103). Даража, миқдор ва ўлчов равишлари (103). Сўроқ равишлари (104). Сабаб ва натижа равишлари (104).	
31- §. Равиш даражалари	104
32- §. Равишларнинг гапдаги ўрни	106
33- §. Ҳолат категориясини билдирувчи сўзлар	106

Феъл

34- §. Феълнинг аниқ ва ноаниқ формалари	108
35- §. Феълларнинг асосий формалари	109
36- §. Тўғри ва нотўғри феъллар	110
Тўғри феъллар (110). Нотўғри феъллар (110). Супплетив феъллар (115)	
37- §. Ҳтимли ва Ҳтимсиз феъллар	115
Ҳтимли феъллар (116). Ҳтимсиз феъллар (118). Икки хил маъноли феъллар (119)	
38- §. Феъл структураси	119
Содда ёки туб феъллар (119). Ясама феъллар (119)	
39- §. Феълларнинг синтактик функциясига кўра турлари	120
Мустақил феъллар (120). Тўлиқсиз феъллар (120). Боғловчи феъллар (120), <i>to be</i> феъли (120). <i>to be</i> мустақил феъл вазифасида (122). <i>to be</i> феълнинг модал маънода қўлланиши (124). <i>to have</i> феъли (124). <i>to have</i> феълнинг асосий функциялари (129). <i>to have</i> феълнинг модал маънода ишлатилиши (129). <i>to have got</i> бирикмаси (129). <i>to do</i> феъли (130). <i>to do</i> феълнинг функциялари (130). <i>to do</i> феъли кўмакчи феъл вазифасида (130)	
40- §. Боғловчи феъл вазифасида ишлатилувчи феъллар	133
<i>to feel</i> феъли (134), <i>to grow</i> феъли (134). <i>to remain</i> феъли (134). <i>to get</i> феъли (134) <i>to keep</i> феъли (135). <i>to become</i> феъли (135). <i>to seem</i> феъли (136). <i>to look</i> феъли (136). <i>to go</i> , <i>to fall</i> , <i>to come</i> , <i>to appear</i> , <i>to sit</i> , <i>to lie</i> феъллари (138).	
41- §. Модал феъллар	137
Сап ва унинг эквиваленти <i>to be able (to)</i> (139). <i>May (might)</i> ва унинг эквиваленти <i>to be allowed (to)</i> (143). <i>Must</i> ва унинг эквива-	

	лентлари <i>to have (to), to be (to)</i> (145). <i>Need</i> феъли (148). <i>Dare</i> феъли (149). <i>Ought</i> феъли (149). <i>Should</i> феъли (150). <i>Shall</i> феъли (150). <i>Will</i> феъли (150). <i>Would</i> феъли (150)	
42- §.	Феълларнинг грамматик категориялари	151
43- §.	Перфект (қорреляция) категорияси	152
44- §.	Нисбат категорияси	152
45- §.	Майл категорияси	153
46- §.	Шахс ва сон категорияси	154
47- §.	Замон ва аспект категориялари	156
48- §.	Ҳозирги замон	157
	Умумий аспектдаги ҳозирги замон (156). Умумий аспектдаги ҳозирги замон формаларининг ишлатилиши (161). Ҳозирги замон давомли аспект (162). Ҳозирги замон давомли аспект формаларининг ишлатилиши (163). Ҳозирги замон перфекти (164). Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфекти (164). Умумий аспектдаги ҳозирги замон перфектининг ишлатилиши (166). Давомли аспектдаги ҳозирги замон перфекти (166)	
49- §.	Ўтган замон	168
	Перфект бўлмаган ўтган замон (168). Умумий аспектдаги ўтган замон (168). Умумий аспектдаги ўтган замоннинг ишлатилиши (172). Давомли аспектдаги ўтган замон (172). Давомли аспектдаги ўтган замоннинг ишлатилиши (173). Ўтган замон перфекти (174). Умумий аспектдаги ўтган замон перфектининг ишлатилиши (175). Давомли аспектдаги ўтган замон перфекти (176). Давомли аспектдаги ўтган замон перфектининг ишлатилиши (177).	
50- §.	Ўтган келаси замон	178
	Умумий аспектдаги перфект бўлмаган ўтган келаси замон (178) Умумий аспектдаги ўтган келаси замон формасининг ишлатилиши (179). Давомли аспектдаги перфект бўлмаган ўтган келаси замон (179). Давомли аспектдаги перфект бўлмаган ўтган келаси замоннинг ишлатилиши (180). Умумий аспектдаги перфект ўтган келаси замоннинг ишлатилиши (182). Давомли аспектдаги ўтган келаси замон (182). Давомли аспектдаги перфект ўтган келаси замоннинг ишлатилиши (183).	
51- §.	Келаси замон	183
	Перфект бўлмаган келаси замон (184). Умумий аспектдаги келаси замон (184). Умумий аспектдаги келаси замон формасининг ишлатилиши (185). Давомли аспектдаги келаси замон (185). Давомли аспектдаги келаси замон формасининг ишлатилиши (186). Перфект келаси замон (186). Умумий аспектдаги перфект келаси замон (187). Умумий аспектдаги перфект келаси замоннинг ишлатилиши (187). Давомли аспектдаги перфект келаси замон (187). Давомли аспектдаги келаси замон перфектининг ишлатилиши (189).	
52- §.	Нисбат категорияси	189
	Аниқ нисбат (189). Мажҳул нисбат (189). Умумий аспектдаги перфект бўлмаган ҳозирги замон (189). Давомли аспектдаги перфект бўлмаган ҳозирги замон (191). Давомли аспектдаги ҳозирги замон перфекти (192). Умумий аспектдаги перфект бўлмаган ўтган замон (193). Давомли аспектдаги перфект бўлмаган ўтган замон (194). Умумий аспектдаги перфект ўтган замон (195). Умумий аспектдаги перфект бўлмаган келаси замон (196). Умумий аспектдаги перфект келаси замон (197). Умумий аспектдаги перфект бўлмаган ўтган келаси замон (199). Умумий аспектдаги перфект ўтган келаси замон (200). Мажҳул нисбатнинг ишлатилиши (201). Мажҳул нисбатда ўтимли ва ўтимсизлик (203). Мажҳул нисбатдаги феъл формаларининг инфинитив формадаги феъллар билан келиши (203). Пассив форма ва қўшма от кесим (203). Нисбат категориясининг синтактик усул воситасида ифодаланиши (205). Мажҳул нисбат маъносини ифодаловчи конструкциялар. (205). Фаузатив маънони ифодаловчи конструкциялар	

	(207). Ұзлик маъносини ифодаловчи конструкциялар (227). Биргаллик маъносини ифодаловчи конструкциялар (230).	
53-§.	Майл категорияси	234
	Индикатив (аниқлик) майли (234). Буйруқ майли (234). Субъектив майли (235). Субъектив (235). Субъективнинг маъноси ва ишлатилиши (236). Субъектив (237). Умумий аспектдаги перфект бўлмаган субъектив II нинг ясалиши (237). Умумий аспектдаги перфект субъектив II нинг ясалиши (238). Давомли аспектдаги перфект бўлмаган субъектив II нинг ясалиши (239). Давомли аспектдаги перфект субъектив II нинг ясалиши (239). Субъектив II нинг маъноси ва ишлатилиши (240). Субъектив III (242). Субъектив III нинг ишлатилиши (243). Субъектив IV (244). Субъектив IV нинг маъноси ва ишлатилиши (245)	
54-§.	Феъл яшаш	246
	Турғун феъл бирикмаларининг ясалиши (248)	
55-§.	Феълнинг шахсиз формалари	249
56-§.	Сифатдош	250
	Сифатдошда перфект категорияси (252). Сифатдошда нисбат категорияси (252). I Сифатдошнинг гапдаги функцияси (252). II сифатдошнинг гапдаги синтактик функцияси (255) Сифатдошли предиктив конструкциялар (257). Сифатдошли объектив конструкция (257). Сифатдошли субъектив конструкция (258). Сифатдошли номинатив абсолют конструкция (258). Сифатдошли предлогли абсолют конструкция (260)	
57-§.	Герундий	260
	Герундийда перфект категорияси (261). Герундийда нисбат категорияси (261). Герундийнинг гапдаги синтактик вазифалари (262). Герундийли предиктив конструкция (264). Герундий, сифатдош ва отлашган феъл (255)	
58-§.	Инфинитив	266
	Инфинитивда перфект категорияси (267). Инфинитивда нисбат категорияси (267). Инфинитивда аспект категорияси. Инфинитивнинг гапдаги синтактик вазифаси (268). Инфинитивли объектив конструкция (269). for предлоги инфинитив конструкция (271). Инфинитивнинг to юкламасисиз қўлланиши (272).	
59-§.	Модаль сўзлар	273
	Модаль сўзларнинг семантик классификацияси (273)	

ЕРДАМЧИ СЎЗ ТУРҚУМЛАРИ

60-§.	Предлог	275
	Предлогларнинг маъносига кўра турлари (276). Предлогнинг гапдаги ўрни (277)	
61-§.	Боеловчилар	277
	Боеловчиларнинг гапдаги вазифасига кўра турлари (278)	
62-§.	Юкламалар	280
	Юкламаларнинг маъноларига кўра турлари (280)	
63-§.	Уидов	281
64-§.	Артикль	282
	Ноаниқ артикль (282). Ноаниқ артикльнинг ишлатилиши (282). Аниқ артикль (284). Аниқ артикльнинг ишлатилиши (284). Артикльнинг ишлатилмаслиги, тушиб қолиши (287)	

Синтаксис

65-§.	Сўз бирикмаси	288
	Сўз бирикмасининг турлари (289). Сўз бирикмаси компонентлари орасидаги синтактик муносабатлар (290)	
66-§.	Гап	291
67-§.	Гап турлари	291

	Дарак гаплар (291). Дарак гапда сўз тартиби (292). Дарак гапда инкорнинг ифодаланиши (292). Дарак гапда pot юкламасининг ишлатилиши (293). Сўроқ гаплар (294). Сўроқ гапнинг турлари (295). Умумий сўроқ гаплар (295). Махсус сўроқ гап (296). Алтернатив сўроқ гап (297). Ажратилган сўроқ гаплар (297). Гиторик сўроқ гап (298). Буйруқ гаплар (298). Эмоционал гаплар (300).	
68- §	Гапларнинг структурасига кўра турлари Содда гап (301). Икки составли гаплар (302). Бир составли гаплар (302). Тўлиқсиз гаплар (303)	801
69- §	Гап бўлаклари	304
70- §	Гапнинг бош бўлаклари Эга (305). Эганинг <i>ii</i> сўзи билан ифодаланиши (307). <i>There + to be</i> билан бошланадиган гаплар (308). Кесим (308). Кесимнинг турлари (309). Кесимнинг эга билан мослашуви (312) Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари	305
71- §	Тўлдирувчи Тўлдирувчининг ифодаланиш йўллари (314). Тўлдирувчининг турлари (315)	814
72- §	Аниқловчи Аниқловчининг турлари (317). Аниқловчининг ифодаланиши (318)	317
73- §	Изоҳловчи	320
74- §	Ҳол Ҳолнинг мазмун жиҳатдан турлари (321). Ҳолнинг ифодаланиши (322)	321
75- §	Гапнинг уюшиқ бўлаклари	323
76- §	Гапнинг ажратилган бўлаклари	323
77- §	Кўритма элементлар	324
78- §	Қўшма гап	325
79- §	Боғланган қўшма гап	325
80- §	Эргашган қўшма гап Эга эргаш гап (326). Предикатив эргаш гап (327). Аниқловчи эргаш гап (328). Нисбий аниқловчи эргаш гап (328). Аппозитив аниқловчи эргаш гап (329). Тўлдирувчи эргаш гап (329). Ҳол эргаш гапга қўшма гап (331). Пайт эргаш гап (331). Ўрин эргаш гап (331). Сабаб эргаш гап (332). Мақсад эргаш гап (332). Натижа эргаш гап (332). Тўлиқсиз эргаш гап (333). Шарт эргаш гап (333). Гавиш эргаш гап (334). Қиёс эргаш гап (334). Кириш гаплар (335). Аралаш қўшма гап ёки боғланган-эргашган қўшма гап (335)	326
81- §	Замонларнинг мослашуви	335
82- §	Кўчирма ва ўзлаштириш гаплар Кўчирма гап составидаги дарак гапларни ўзлаштирма гапга айлантириш (340). Буйруқ ва илтимос маъноларини билдирган гапларни ўзлаштирма гап составида берилиши (340). Сўроқ гапларнинг ўзлаштирма гапда ўзгариши (341). Таклиф ва маслаҳат маъносини билдирган гапларни ўзлаштирма гапда берилиши (341). Кўчирма гапдаги ундов гапларни ўзлаштирма гапда ўзгариши (342). Саломлашниш ва хайрлашниш пайтида қўлланадиган ибораларни ўзлаштирма гапда берилиши (342)	337
83- §	Пунктуация Нуқта (342). Сўроқ белгиси (343). Ундов белгиси (343). Икки нуқта (343). Кўп нуқта (343). Қўштирноқ (344). Вергул (344). Нуқтали вергул (345). Тире (345).	342

На английском и узбекском языках

БУРАНОВ ДЖАМАЛДИН, ХАШИМОВ УРИНБАЙ,
ИСМАТУЛЛАЕВ ХАЙРУЛЛА

ГРАММАТИКА АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

(для институтов и факультетов
иностранных языков)

Издательство «Ўқитувчи» — Ташкент — 1974

Редакторлар **Ғ. Алиев, Т. Жўраев**

Бадний редактор **П. Бродский**

Техредактор **Э. Вильданова**

Корректорлар **С. Жабборова,**

М. Раҳматуллаева

Теришга берилди 12/11-1974 й. Босишга рухсат этилди 3/ХП-1974 й. Қозғош № 3.
60×90 1/16. Физ. б. л. 22,0. Нашр л. 20,8. Тиражи 10000

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Цартинома 33-74. Баҳоси 58 т.
Муқоваси 20 т.

ЎзССР Министрлар Совстининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитетининг Тошкент полиграфия комбинати, Навоий кўчаси, 30. 1974 й. Зак. № 1388.

Ташполиграфкомбинат Государственного Комитета Совета Министров УЗССР по делам изда-
тельств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, Навои, 30.